

Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиктисодий журнал

МУНДАРИЖА

3. С.ГУЛЯМОВ, З.ТАДЖИБАЕВ, М.РАСУЛОВА. Дэхқончиликни илмий-инновацион таъминлаш масалалари хусусида
6. Г.ШОДМОНОВА, Б.РАХМОНҚУЛОВА. Қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда бошқарув жараёнларини ахборотлаштириш
10. Р.ЭРГАШЕВ, У.БЕГЛАЕВ. Балиқчилик хўжаликлирида балиқ маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш тизимини ташкил этишда кластернинг ўрни
13. М.ХАМИДОВ, Ў.ИСЛОМОВ, З.МАМАТКУЛОВ. Сугориладиган ерларни гидромодуль районлаштириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишида геоахборот технологиялари
18. А.МУХТОРОВ. Сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини баҳолашнинг услубий асослари
22. Н.АСКАРОВ. Ипак қурти уруғчилиги субъектларини рағбатлантиришнинг бозор механизмлари
25. Х.АБДУРАМОНОВ. Қишлоқ жойларида ташкиллаштирилган меҳнат миграциясини самарали ривожлантириш йўллари
28. Г.АДИЛОВА. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг рақамли иқтисодиётга ўтиш орқали самарадорлигини ошириш
32. Н.САИДАХМЕДОВА, М.НАЗАРОВА. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизмлари
35. Ф.САЙДУЛЛАЕВА, Р.ИННА, Ш.ҲАСАНОВ, А.ЭТЕНЕШ, М.ЛИ. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигига COVID-19 пандемиясининг таъсири
40. Н.ХОЛМАТОВ. Ўзбекистонда янги саноатлашув жараёнини бошқариш ва тартибга солишида институционал инновациялар
44. Ф.ҚАДИРХОДЖАЕВА. Қишлоқ хўжалигида оқава сувлардан фойдаланиш истиқболларини прогностизлаштиришда эконометрик моделларни кўллаш
48. З.АБДУЛЛАЕВ, Г. ШАДМАНОВА, Х. КАРИМОВА. Перспективы развития цифровой экономики в Узбекистане
53. Р.РАШИДОВ. Пахтачилиқда ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари тизими
57. А.ВОХОБОВ, И.РАФИКОВ. Пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини сугурталаш тизимини тажомиллаштириш масалалари
61. С.КАСЫМБЕТОВА, Ш.АЙНАКУЛОВ, К.КУБЯШЕВ. Математический модель водно-солевого баланса орошаемых земель
65. О.ДИЛМУРОДОВ, А.БАХРИДДИНОВ. Пиллачилик тармоғида интеграцион жараёнларни ривожлантиришнинг концептуал асослари
68. Х.ҚАЛИМБЕТОВ, З.БАЙМУРАТОВА. Қишлоқ хўжалигида ихтисослашув жараёни шарт-шаротлари ва унга таъсир қўлувчи асосий омиллар
72. Ш.ДОСМУРАТОВА, А.АЙТЫМБЕТОВ. Балиқчилик хўжаликларида ўғитлар ва оҳакка бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш услуби
76. Ж.КУЧАРОВ. Аграр тармоқни малакали кадрлар билан таъминлашда ривожланган давлатлар тажрибаси ҳамда уларни мамлакатимизда қўллаш имкониятлари
80. У.АЛИМОВ. Полиз маҳсулотлари етиштиришнинг ҳолати ва аҳамияти
83. Ш.АМИРҚУЛОВ. Аграр соҳада хўжалик юритишнинг самарали шакли-инсон капиталини бандлигини таъминлаш омили
88. Н.АЛИЕВА. Пиллачилик тармоғида инновацион бошқарувни тажомиллаштириш зарурати
91. С.АБДУЛЛАЕВА. Қишлоқ хўжалигига зарарли хашаротлар томонидан келтирилдиган зарарлар таснифи
94. О.ХАКБЕРДИЕВ, А.ПАРДАБОЕВ. Дэхқон-томорқа хўжаликларнинг ривожланишида бўз тупроқларнинг аҳамияти
97. Ў.МУХТОРОВ. Қишлоқ хўжалигига ер ресурсларидан самарали фойдаланиши рағбатлантиришнинг аҳамияти
102. А.БАХРИДДИНОВ, Х.ЯНГИБОЕВ. АСМда интеграцион жараёnlарни ривожлантиришнинг илмий ва назарий жиҳатлари
106. Ш.ДЕХҚОНОВА. Мева-сабзавотчилик кластерларини инновацион ривожлантириш йўллари
108. Э.ХУРРАМОВ. Основне направления управления земельными ресурсами в целых улучшения их продуктивности
111. О.ФАЙЗИЕВ. Соячиликни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-кувватлаш масалалари
115. С.МУСТАФАЕВ. Иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар жалб этишини тажомиллаштириш йўллари
118. Д.ЯНГИБОЕВ. Лалмикор ерлардан самарали фойдаланиш бўйича Ҳиндистон тажрибаси
120. Қ.УТЕГЕНОВ. Давлат-хусусий шериклик моделлари ва улардан фойдаланиш
124. Б.БОЛТАЕВ. Режалаштирилган ингичка толали пахта ҳосилини етиштиришда ўғитлар меърини белгилашнинг иқтисодий самарадорлиги
128. К.ЖАКСЫМУРАТОВ. Молиявий-хўжалик фоалиятни рабbatлантиришда солиқлар таъсирини ошириш масалалари
131. Х.ХАЙТОВ, А.ИНАМОВ. Қишлоқ хўжалигида геодезия ва картография ишларини автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали тажомиллаштириш
134. Ш.ШЕРҚОБИЛОВ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш тизимидаги ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш йўллари
137. С.ТОПИЛДИЕВ. Қишлоқ хўжалигига экспорт ҳажмини оширишда Евроосиё иқтисодий итифоқини роли

Agroiqtisodiyot

илемий-амалий агроиқтисодий журнал

2 (16), 2020

Бош муҳаррир: Баҳодир СУЛТАНОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Сайдасрор ГУЛОМОВ
Ўқтам УМУРЗАКОВ
Норқул ХУШМАТОВ
Қурбон ЧОРИЕВ
Равшан АБДУЛЛАЕВ
Тўлқин ФАРМОНОВ
Абдурашид ҚОДИРОВ
Фотима НАЗАРОВА
Учқун НИГМАДЖОНОВ
Раджабай ДУСМУРАТОВ
Фармонқул ЭГАМБЕРДИЕВ
Олим МУРТАЗОЕВ

Абдирашид АЛТИЕВ
Рашид ҲАКИМОВ
Акмал ҚОСИМОВ
Шавкат ҲАСАНОВ
Сухроб УМАРОВ
Бахтиёр МЕНГЛИҚУЛОВ
Абдухолиқ МУХТОРОВ
Азизулло ҲАМДАМОВ
Шоназар ЭРМАМАТОВ
Назимжон АСКАРОВ
Дурбек ҲУСАНОВ

МУАССИС:

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2017 йил 10 марта
0909-рақам билан рўйхатга олинган.

Журнал 2017 йил июндан чиқа бошлаган.
Бир йилда 4 марта чоп этилади.

© Agroiqtisodiyot, 2020

ДЕҲҚОНЧИЛИКНИ ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА

Саидасрор ГУЛЯМОВ,

Тошкент давлат аграр университети, и.ф.д., академик

Зокир ТАДЖИБАЕВ,

Фарғона давлат университети доценти, и.ф.н.

Мухаббат РАСУЛОВА,

Тошкент давлат аграр университети катта ўқитувчи

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг табиат билан ҳамоҳанг олиб бориш усулининг мазмун – моҳияти ва уни асосий механизмлари ҳамда аграр соҳани инновацион ривожлантиришни рақамли иқтисодиётда мужассамлашган янги парадигмасини жорий қилиш йўллари ёритилган.

Аннотация: В статье рассматривается сущность и содержание синхронизации развития сельского хозяйства с окружающей средой и механизм такого функционирования, заключающийся в новой парадигме развития сельского хозяйства, стержнем которого является инновационный подход, где основным фактором является цифровизация аграрного сектора.

Abstract: The article examines the essence and content of synchronization of the development of agriculture with the environment and the mechanism of such functioning, which consists in a new paradigm for the development of agriculture, the core of which is an innovative approach, where the main factor is the digitalization of the agricultural sector.

Маълумки, кишилик жамияти ривожланиб боргани сари табиатга, шу жумладан ерга босим кучайиб бормоқда. Энди табиат билан ҳисоблашмасдан, унга “кўмак” бермасдан хўжалик юритиш бесамар фаолият бўлиб бормоқда. Шунга кўра дехқончиликни ривожлантириш истиқболлари табиатдан на- муна олиб, унга имкон қадар мослашган ҳолда инновацион қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқар- шини юритиш билан боғлиқdir. Табиийки бу нарса экология, аниқроғи хўжалик юритишни экологиялаштириш деб аталади.

Табиатдан фойдаланишнинг ҳозирги замон парадигмаси ўз моҳияти бўйича конструктив – биосфера характеристига эга бўлиб, унда инсон биоранг-барангликни асрашга, янги турларни яратишга, табиий экотизимларга қараганда агробиоценозларни маҳсулдорлиги- ни оширишга, ландшафтни мавжуд экологик функцияларини асрash ва йўқотилганларини компенсация қилишга инсонни фаол ҳисса қўшишини тақазо қиласди. Ушбу парадигма- ни амалга оширишнинг асосий механизмини қуидагича тасаввур қилиш мумкин:

Стратегик характеристлар тизимида ландшафт – экологик бирлиги асосида худудий режа- лаштиришни ривожлантириш;

Қишлоқ хўжалиги ландшафтларини лойиҳалаштириш (агроландшафтлар, сув хў-

жалиги, мелиоратив, селитеб ва б.);

Кишлоқ хўжалигини рақамлаштириш.

Ландшафт ҳолатидан келиб чиқиб режа- лаштириш ва лойиҳалаштиришни таъмин- лаш учун тегишли инструмент воситалари- ни барпо қилиб, унда ерларни агроэкологик баҳолаш, ландшафтни ижтимоий-иқтисодий ва экологик функцияларини гурухлаш, тузил- мавий – функционал таҳлил услубиётини акс эттириш керак. Ландшафтни айтиб ўтилган экологик функцияларини гурухлаш ўз ичи- га қуидагиларни олади: биоценотик, экотоп, биоэкологик ва энергетик. Табиий ландшафт- ларни қишлоқ хўжалиги ландшафтларига трансформация қилишда бу функциялар у ёки бу даражада ижтимоий-иқтисодий; ресурс, биоишлаб чиқариш, агросаноат, рекреацион, табиатни муҳофаза қилиш ва б. трансформа- ция бўлади. Натижада экологик функциялар- ни бир қисми йўқолади ва қисқаради. Мос ра- вишда, ўсимликларни янги тур ва навларини яратиш, маҳсулот ҳосил қилиш жараёнлари- ни интенсивлаштириш, моддаларни биологик доираний айланиши ва агротизимларда ор- ганик моддалар режими, мелиоратив таъсир ва илмий – техника тараққиётини энг янги ютуқлари асосида оптимизацион тадбирларни амалга ошириш йўли билан уларни компенса- ция қилиш зарурати келиб чиқади.

Калит сўзлар: табиатдан фойдаланиш, дехқончиликни адаптив-ландшафт тизими, эколо- гиялаштириш, оптималлаштириш, ландшафтларни экологик функциялари, стратегик режа- лаштириш, тупроққа ишлов беришни экологиялаштириш, рақамли иқтисодиёт, инновация

Адаптив ландшафт дехқончилик тузилмасини ривожлантириш. Табиатдан фойдаланишни адаптив-ландшафт тизимини оптимальлаштириш методологияси доирасида (АЛТМ), уни янада ривожлантириш муаммосини кўриб чиқиш керак. Афсуски, фанни ислоҳ қилишни зарур йўналишида олиб борилмаганлиги ва уни моддий-техника базасини заифлашиб, молиявий ресурсларни чекланганлиги ва буларнинг оқибатида кадрлар билан таъминланганлик ёмонлашиб кетганлиги туфайли бу соҳада ишлар ҳолати яхши эмас. Илмий-тадқиқот ишлари координацияси қўпорилган. Шуларга кўра, фанни ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда роли анча пасайиб кетган. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси академиясининг академиклари билан 2016 йил декабрда учрашиши бежиз эмас эди.

Бундай шароитда аграр илмий ҳамжамият фаолиятини илмий таъминотни муҳим бўғинларида мужассамлаштириш ва ўз ичига фундаментал ва тадбикий изланишларни олган илмий-инновацион тизим тузишни асослаш жуда муҳим.

Адаптив-ландшафт дехқончиликни ривожлантишнинг базавий фундаментал муаммоси табиатдан фойдаланишни экологијаляштириш бўйича қўйилган, юқорида қайд қилинган, вазифалар сирасига киради ва биоранг-барангликни, худудни экологик барқарорлигини қўллаб-қувватлашни таъминловчи ландшафт-экологик тузилмани барпо қилишда мужассамлашган.

Адаптив-ландшафт дехқончилиги тузилмасини янада экологиялаштириш, хусусан биологиялаштириш нуқтаи-назаридан ривожлантириш зарур. Бу нарса экинларни ва алмашлаб экишни диверсификация қилиш, дукқакли экинлар ролини ошириш, зичлаб экишни кенгайтиришни кўзда тутади.

Дехқончилик тизими тузилмасини оптимальлаштириш кўп даражада уларни чорвачилик, айниқса қорамолчилик билан бўлган нисбатига боғлиқ. Чунки қорамолчилик алмашлаб экишда донли экинлар учун ўзини энг яхши ўтмишдош экин сифатида ифода қилган озука экинлари ҳиссасини белгилаб беради. Афсуски, бу жиҳатдан жуда нохуш ҳолат юзага келган. Чорвани жуда катта қисми дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида жойлашган. Бу дегани уларни парваришлаш асосан аҳоли ўзи истиқомат қиласиган маконга қарашли бўлган ер участкаларида амалга оширилади ва бу ерда жараён асосан кўл меҳнати орқали амалга оширилади. Чунки макон ҳажми кичик бўлганлиги сабабли, у ерларда чорва бош сони хам шунга яраша-оз. Қолаверса, бу хў-

жаликларда жараённи механизациялаш учун имконият ҳам, шароит ҳам йўқ. Шунга кўра, маҳсулдорлик ҳам, рентабеллик ҳам мос ҳолда паст. Чорвачиликни индустрисиал асосга кўчириш эса, асосан фермер хўжаликлида эндинга амалга оширилмоқда ва бу ишни суръати жуда паст. Кези келганда айтиш керакки, бу жиҳатдан дехқончилик бироз дуруст ҳолатда, чунки дехқончиликда агротехник тадбирларни бажариш, талаб даражасида бўлмасада, озми – кўпми механизация воситалари ёрдамида бажарилади. Бунинг натижаси ўлароқ шуни гувоҳи бўлиш мумкинки, ҳозирда шаклланган вазиятда республикада, хусусан Фарғона водийси вилоятларида аҳоли эҳтиёжларини мева-сабзавот, полиз экинлари билан таъминланиши юқори, ҳаттоти бу маҳсулотлар катта миқдорда экспортга ҳам чиқарилади. Аксинча, чорвачилик маҳсулотлари етишириш даражаси анча паст ва бу нарса аҳолини ушбу тармоқ маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасига ҳам бевосита таъсир кўрсатган. Табиийки, бу таъсир салбий ва аҳолини бу маҳсулотлар билан паст даражада таъминланганлигини кўрсатади. Бундай вазиятда дехқончилик билан чорвачилик ўртасида оптимал нисбат тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Бундай нисбат қарор топмаган бўлса қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантириш мушкул вазифа. Чунки дехқончилик билан чорвачилик қишлоқ хўжалигининг икки қаноти ва улар бир-бiri билан боғлиқ ва бир-бирини тақазо қилувчи тармоқлардир.

Юқорида келтирилган ҳолатда қишлоқ хўжалигини, хусусан дехқончиликни ривожлантириш, кўп даражада чорвачиликка боғлиқ бўлиб қолмоқда. Чунки ҳозирда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган омиллардан бири бу унга ўғитлар, шу жумладан органик ўғитларни етишмаслигидир. Шунинг учун, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари дехқончиликка нисбатан чорвачиликни устун даражада ривожлантириш ва улар ўртасида оптимал нисбатни шакллантириш билан боғлиқ. Бу хусусида фикр юритиладиган бўлсак, айтиш жоизки, бу муаммони ҳал қилишга жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар бу тажрибани таҳлил қиласиган бўлсак, шуни гувоҳи бўлишимиз мумкинки, чорвачиликни йирик комплексларда, яъни индустрисиал асосда (чорвани бош сони 5-10 минг ва ундан юқори) ташкил қиласиган ривожланган мамлакатларда ҳосил бўлган гўнгни утиллаштириш муаммоси келиб чиқмоқда ва бу нарса экологик муаммолар келтириб чиқармоқда. Шу сабабли кўпчилик ривожланган мамлакатларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 50 -120 бош йирик бошли қорамоллар парвариш қилинадиган

кичик ва ўрта бизнес корхоналарида амалга оширилмоқда. Шундай қилиб, дәхқончилик ва чорвачиликни уйғунлаштириш илмий жиҳатдан ҳал қилиш ва ижтимоий-иктисодий асослашни талаб қиласы. Бу муаммони ҳал қилинганда янгитдан тузилган чорвачилик бүйича давлат құмитаси биринчі құйилған йирик қадам бўлди десак муболага бўлмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги рақамли трансформация жараёни билан қамраб олинмаган, унда АТдан фойдаланиш, асосан молиявий ресурслар, таҳлил қилиш учун ахборотни йиғиш ва ҳисобот топширишга йўналтирилган компьютер ва дастурий таъминотни қўллаш билан чекланади. Аслида рақамлаштириш рақамли технологияларни оммавий қўллаш туфайли бўлган ўзгаришларни англатиб, ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, алмаштириш ва узатишдан иборатдир. Иктисодиётда бу бизнес-операцияларни автоматлаштириш имкониятини бериб, уларни самарадорлиги ва унумдорлигини оширади, янги имкониятларни очиб беради, тадбиркорликни ривожланишига таъсир қиласи ва х.к.лар. Қишлоқ хўжалигига рақамли иктисолидиётни комплекс трансформацияси меҳнат унумдорлигини жиҳдий ўстириш, ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини оширишга қодир. Масалан, қишлоқ хўжалигини комплекс рақамлаштириш энг камида тармоқ харажатларини 23 фоизга камайтиради.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг иктисодиётни ўзгараётган ишлаб чиқариш ва технологик эктиёжларига чамбарчас боғланмаган кўп йиллик амалиёти мавжуд. Бу нарса иктисодиётни турли соҳаларини кадрлар билан таъминлашда нафақат жиҳдий даражада уйғунликни бузилишига, балки турли даражада малакага эга бўлган кадрларни катта миқдорига талабни йўқлигига ҳам олиб

келди. Натижада баъзи бир соҳаларда олий мақала сертификатига эга бўлган кадрларни ортиқчалиги холатида баъзи бир бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига йўналтирилган ва мослаштирилган ахборот технологиялари ва компютер дастурлари билан ишлашга қодир бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида зарур даражада малака ва кўнимлага эга бўлган мутахассисларни етишмаслиги ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини рақамли трансформацияси шароитида барча ташкилий даражада фаол ва мослашувчан бошқаришини уddyалайдиган бошқариш персоналини тақчиллиги ҳам келиб чиқди.

Юқорида келтирилган муаммолар билан бирга мамлакатни бевосита аграр соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларини ривожлантиришда аниқ концепция ва рақамли трансформацияга йўналтирилганликка эга эмаслиги ҳам соҳада рақамли иктисолидиётни аграр соҳада оқсоқлигига олиб келмоқда. Чунки, бир томондан қишлоқ хўжалиги соҳасида амалиёт олиб борувчи субъектларнинг катта фоизи эскирган бизнес жараёнлар ва ишлаб чиқариш стандартларидан фойдаланмоқда. Бошқа томондан эса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида хўжалик юритувчи субъектларнинг кўпчилигига механизация ва автоматизация воситаларини харид қилиш имкониятлари йўқлиги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини пастлиги ва буни оқибати сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини юқори бўлишига олиб келмоқда.

Юқорида келтириб ўтилган муаммоларни бартараф қилиш қишлоқ хўжалигига рақамли иктисолидиётни реал жорий қилиш ҳамда аграр соҳада амалга оширилётган ислоҳотлар натижадорлигини оширишга кўмак бериши шубҳасизdir.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси.-Т.: «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 13 2017–2021 февраль, 6-сон.
2. Давлетшин, И. Цифровой передел. Преимущества и риски цифровизации сельского хозяйства / И. Давлетшин, А. Трофимов [Электронный ресурс]. -2019.
3. Кирюшин В.И. Теория адаптивно-ландшафтного земледелия и проектирование агроландшафтов. - М.: Коллес, 2011
4. Охрана окружающей среды: экономика и управление / И.И. Дрогомирецкий, Е.Л.Кантор. Ростов-на-Дону: Феникс: Март, 2010. – 392 с.
5. Таджибаев З.М. ИННОВАЦИОННОЕ ЗЕМЛЕПОЛЬЗОВАНИЕ: ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ. МАТЕРИАЛЫ международной научно-практической конференции в рамках VI Международных Фарабиевских чтений, посвященная 85-летию КазНУ имени аль-Фараби и 70-летию Высшей школы Экономики и бизнеса «КАЗАХСТАН В МУЛЬТИПОЛЯРНОМ МИРЕ: ЭКОНОМИЧЕСКИЕ СЦЕНАРИИ» Алматы «Қазақ университети» 2019 г.

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА БОШҚАРУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ

Гулчехра ШАДМОНОВА,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хұжалигини механизациялаштириш
муҳандислари институти, профессор

Барно РАХМАНКУЛОВА,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хұжалигини механизациялаштириш
муҳандислари институти, и.ф.н., доцент

Аннотация: Мақолада қишлоқ хұжалигини ижтимоий-иктисодий ривожланишини математик моделлаштириш ва бошқарув жараёнларини ахборотлаштириш бүйича илмий тәдқиқотлар натижалари ҳамда мавжуд муаммолар тадқиқ этилган ҳолда соғаны ривожлантириш бүйича таклифлар ишлаб чиқилған.

Аннотация: В статье представлены результаты научных исследований по математическому моделированию социально-экономического развития сельского хозяйства и информатизации управлеченческих процессов, а также предложения по развитию отрасли с исследованием существующих проблем.

Abstract: The article presents the results of scientific research on mathematical modeling of socio-economic development of agriculture and informatization of management processes, as well as proposals for the development of the industry with the study of existing problems.

Ўзбекистон қишлоқ хұжалиги ижтимоий-иктисодий ривожланишини математик моделлаштириш ва бошқарув жараёнларини ахборотлаштириш бүйича илмий тәдқиқотлар ўтган асрнинг 60 йилларидан бошланған. Тадқиқотларнинг дастлабки босқичлариде суғорма деңқончилик билан боғлиқ үзига хос масалалар, хусусан, алмашлаб әкиш, суғориш ҳамда пахтачilikни ривожлантириш ва қишлоқ хұжалигини бошқариш жараёнларининг бошқа бир қатор моделлари ишлаб чиқылған бўлиб, улар ўзининг амалий аҳамиятини ҳалигача йўқотмаган [3].

Қишлоқ хұжалигини бошқаришнинг кўп поғонали ахборот-ҳисоблаш тизимини яратиш ғояси ва уни амалга жорий этишнинг илмий концепцияси ЎзР ФА Академиги В.В.Кабуллов томонидан асослаб берилган. Концепцияга кўра қишлоқ ва сув хұжалиги, улар билан боғлиқ бошқа тармоқлар қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари ва хом ашёсини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотища ер-сув ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиши таъминлаши кўзда тутилган ўзаро боғлиқ ва биргалиқда ҳаракат қиласидаги динамик тизимлар сифатида кўриб чиқылған. Кейинчалик концепция сув хұжалигига автоматлаштирилган бошқарув тизими, пахта етиштириш ва қайта ишлашни ташкилий бошқариш, пахтачilik ва

сабзавотчилиқда ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш ва ички хұжалик бизнес-режалаштириш тизимини яратиш лойиҳаларига асос бўлди.

Ушбу тадқиқотлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, қишлоқ хұжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш шароитларини уларни технологик кўрсаткичлар билан боғлаган ҳолда математик ифодалашдан иборат. Бундай ёндашув умуман олганда агроиктисодий жараёнларни қишлоқ хұжалиги юритиш тизими қонунлари ва уни ташкил қилувчи унсурлар ва қутилиш тизимлар ахборотлари асосида моделлаштириш имкониятини беради.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, айрим моделлар ва уларни амалга ошириш алгоритмлари марказлашган бошқарув тизимида шакллантириладиган агрегацияланган ахборотлар асосида қурилган. Шу боисдан бундай моделлар, айниқса, оптималлаштириш туридаги моделлар уларнинг ахборот базаси ва компьютерда амалга ошириш усуллари нуқтаи-назаридан қайта ишлаб чиқилиши лозим.

Бозор муносабатларига ўтилиши билан бундай шароитларда аграр иқтисодиётни мақродаражада тартибга солишини ахборот билан кўллаб-қувватлаш тизимини яратиш муаммоларини ҳал этиш муҳим аҳамият касб эта-

Калит сўзлар: ижтимоий, иқтисодий ривожланиш, қишлоқ хұжалиги, ахборотлаштириш, бошқарув, ахборот технологиялари, интернет

ди. Бундай тизим аграр соҳани бошқарувчи давлат органларини ишлаб чиқариш кўламлари, истеъмол қилинаётган ресурслар ва маҳсулотларнинг кутилаётган ҳажми, шунингдек, давлат бюджетига келиб тушаётган даромадлар ҳақидаги ахборотлар билан таъминлаши лозим. Бунинг учун компьютер тармоғи негизида қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ тармоқларни давлат бошқарув органларида икки ёқлама функцияга эга бўлган ахборот тизимларини яратиш талаб этилади. Бундай тизимнинг биринчи функцияси бу – фермерлар, ижарачилар ва бошқаларга ахборот хизматлари кўрсатиш, иккинчи функцияси эса – қишлоқ хўжалигининг истиқболда ривожланишини, талаб, нархлар динамикаси ва бошқа кўрсаткичларни макро-даражада башорат қилиш учун микромухитдан статистик ва ишлаб чиқаришга оид ахборот тўплашдир[3].

Бозор иқтисодиёти шароитида институционал ўзгаришларни амалга оширишда, авваламбор, амалий тажрибанинг этишмаслиги натижасида қатор муаммолар, камчиликлар ҳамда номутаносибликлар мавжуд бўлиб, улар бевосита чукур илмий тадқиқотлар олиб боришни ва назарий жиҳатдан асосланган тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо қиласи.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги фаолияти турли билим ва кўнималарни талаб қилиб, уларсиз қишлоқ аҳолиси етарлича ер, меҳнат ва капитал ресурслари мавжуд бўлса ҳам самарали ишлаб чиқаришни таъминлай олмаслиги мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритишнинг жамоа тизими ҳар бир ходим ишининг юқори даражадаги ихтисослашганлиги билан характерланади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар даврида яъни, йирик қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фермер ва деҳқон хўжаликларида айлантирилишида деҳқоннинг ўз хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш соҳасида, ҳамда ўёки бу маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини танлашда билим ва ахборотлар етарли

эмаслиги кўринмоқда.

Дунё мамлакатлари бўйлаб қишлоқ хўжалиги соҳасининг автоматлаштирилганлик ва ахборотлаштирилганлик даражаси етарли ривожланмаган[5].

Маълумотларга кўра дунё мамлакатлари

Дунё мамлакатлари қишлоқ хўжалиги фермерларининг энг оддий ахборот технологияси бўлган компьютердан ва “Интернет” тармоғидан фойдаланиш кўрсаткичи

Мамлакатлар	Фермерлар сони	Компьютердан фойдаланувчи фермерлар (фермер хўжаликлари) сони		“Интернет” дан фойдаланувчи фермерлар (фермер хўжаликлари) сони	
		одам	%	одам	%
Норвегия	70 000	52 000	74,3	40 000	57,1
Дания	60 000	48 000	80	30 000	50
Финляндия	80 000	50 000	62,5	40 000	50
Голландия	100 000	60 000	60	50 000	50
Швеция	30 000	24 000	80	14 000	46,7
Буюкбритания	80 000	60 000	75	30 000	37,5
Германия	170 000	75 000	44,1	55 000	32,4
Япония	426 000	144 000	33,8	52 000	12,2
Испания	100 000	45 000	45	10 000	10
Франция	330 000	110 000	33,3	25 000	7,5
Италия	260 000	80 000	30,8	10 000	3,8
Польша	200 000	100 000	50	5 000	2,5
Чехия	175 000	30 000	17,1	4 000	2,3
Россия	275 000	9 000	3,3	3 000	1,1

қишлоқ хўжалиги фермерларининг энг оддий ахборот технологияси бўлган компьютердан ва “Интернет” тармоғидан фойдаланиш кўрсаткичи 1-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотидан кўриниб турибдики, фермерларнинг ахборот технологиялардан фойдаланишининг юқори кўрсаткичи Европа мамлакатларига тўғри келади. Бу мамлакатларда “Интернет” тармоғидан фойдаланиш эса 50% атрофига.

Кейинги вақтларда қишлоқ хўжалиги соҳасига ахборот технологияларини янада фаол тадбиқ этиш бўйича республикамизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш жарабёнида замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш масаласи ҳам белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида

Бошқарув жараёнлари

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг ахборот-маслаҳат хизматидан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқармоқда[1]. Бу хизматнинг асосий мақсади - қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда энг муҳим қарорлар қабул қилишда кўмаклашишдир. Қишлоқ хўжалигининг ривожи самарали технологиялар, сифатли уруғ, ўғит ва бошқа агрокимёвий воситалар ҳамда механизация агрегатларидан самарали фойдаланишга; технологияларни бошқаришни такомиллаштиришга; механизациянинг рентабелли даражасини танлай билишга; хўжалик юритиш тизими ихтисослашувидаги ижобий ўзгаришларга баъзан йирик хўжаликларни бир мунча кичикларига айлантиришга; моддий-техник ресурслар ва кредитлар билан таъминлашни такомиллаштиришга; хизмат кўрсатишни ва маҳсулотни қайта ишлашни яхшилашга; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозор баҳосида ишлаб чиқарувчилар улушкини оширишга; маҳсулотларни сақлаш, ташиш ҳамда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, дренаж ва ирригация тармоқлари аҳволини яхшилашга; давлатнинг аграр сиёсатидаги ислоҳотларга боғлиқдир.

Бу ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларидан якка тартибда ёки жамоа бўлиб асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш қобилиятини оширишни талаб этади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг барча соҳада муносиблигини такомиллаштириш марказнинг муҳим масаласидир, чунки ўз хўжалиги маҳсулдорлигини секин-асталик билан ошириб бораётган ишлаб чиқарувчилар мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам, рақобатда жиҳдий тўсиқларга дуч келишмоқда. Бу соҳада ҳам хизмат ходимларининг маслаҳатлари зарур бўлади[2]. Одатда, маслаҳат марказлари зарурӣ қарорни қабул қилишда ахборотнинг бир қисмини бера олади. Қолган қисмини эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларидан олиш керак. Агар билим ва ахборотга меҳнатнинг маҳсус бир кўриниши сифатида қарасак, у хўжаликнинг рақобатбардошлигини таъминловчи омилдир. Агросаноат мажмуудаги ахборот соҳаси уч асосий тармоқни: илмий-техник ахборотни ишлаб чиқариш; ахборотларни тайёрлаш, ишлатиш, йиғиш, сақлаш ва узатиш; унинг иштимолчиларини бирлаштиради[2].

Аграр соҳа фани ривожига ва ахборот марказларини ташкил этишга инвестиция жалб этиш қишлоқ хўжалиги ривожланишининг ўзи учун инвестиция жалб этишга қарагандага яхши натижага бериши мумкин. Ахборот

марказлари бир томондан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини малакасини ошиrsa, бошқа томондан, уларга зарурий билим ва ахборотларни топишга ёрдам бериб, коммуникацияни таъминлаши керак ҳамда илмий-тадқиқотчиларга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига зарур бўлган янги билимлар тўғрисида ахборот бериши лозим. Пировардида, ахборот-маслаҳат хизматининг барча бўғинларида компьютер ва компьютер алоқа тизимига асосланган бошқарув жараёнларини ахборотлаштиришни қўллай олиш муҳимдир. Марказнинг барча хизмат бўлимлари ўз вазифаларига эга ва ташқи тузилмалар билан алоқани ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги корхоналаридан келган ахборотлар марказ ичida автоматлаштирилган иш жойлари ва ҳисоблаш марказида йигилади, таҳлил этилади ҳамда қайта ишланади. Катта агрофирмаларнинг, фермер ва деҳқон хўжаликларининг самарали фаолияти кўп жихатдан товар ишлаб чиқарувчилар қанчалик янги технологиялар, ресурслар баҳоси ва уларни сотиб олиш имкониятлари, ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулот баҳоси ва уларни сотиши каналлари, олди-сотди амалларининг ҳуқуқий ҳимояланганлиги, бозор конъюктураси ривожининг истиқболи ва бошқалар ҳақидаги ахборотларга боғлиқдир. Бугунги ахборот технологиялари қарор қабул қилишда матъумотларга тезкор мурожаатни таъминлайди.

Ахборот марказларида қўлланувчи коммуникациянинг кўпгина турлари (нашр, телевидение ва ҳакозалар) катта гуруҳдаги истеъмолчиларни умумий маслаҳатлар кўринишидаги ахборот билан таъминланса, информацион технологиялар эса ихтиёрий мижозни сўрови бўйича конкрет ва якка тартибда ахборот билан таъминлайди. Бошқарув жараёнларини ахборотлаштиришнинг муҳим жиҳати мижозларининг турли информацион ва компьютер тизимларидан мурожаат қилиш вақтида ахборотлар янгиланишининг тезкорлиги ва доимийлиги, анъанавий усулларда мавжуд бўлмаган ахборотлар йиғиш, тўплаш ва излашни ҳам таъминлашидир. Пировардида, қишлоқ хўжалигида бошқарув жараёнларини ахборотлаштиришни қўллаш қўйидагиларни таъминлайди:

- бутун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига инновацион тус бериш;
- қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларининг ахборот марказлари ёрдамида муҳим тезкор ахборотларга мурожаатини амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига экинларининг касаллик ва зааркундана-

ларга чидамли янги селекция навлари ҳамда маҳсулдорликка эга, маҳаллий ер-иқтимим ва экологик шароитга мос чорва моллари ҳамда ушбу фаолиятдаги илғор хорижий тажрибалар түғрисида ахборот ва билимларни тарқатиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини со-тишнинг янги бозорларини шакллантириш ва рақобатлашувчанлик қобилиятини ошириш ҳисобига эски бозорларда ўз улушкини кўпайтириш;

- молиявий турғунлик ва қишлоқ хўжалигини модернизациялаш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш;

- ер унумдорлигини ошириш ёки сақлаш ҳисобига қишлоқ хўжалигининг фаолият юритиш умумий шароитларини яхшилаш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги турли таваккалчиликларни (сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, экиш ва ҳосилни ўз вақтида йигиш, маҳсулотни сақлаш даврида маълум қисмини йўқотиш ва ҳакозаларга боғлиқ) бошқариш;

- ўсиш нуқтасига тезроқ эришиш, қишлоқ хўжалигининг устувор ва қуий тармоқлари

ривожкини жадаллаштириш, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалиги ривожкини қўллаб-куватлаш учун ахборот марказлари ва аграр сиёсатдаги турли воситалар ўртасида координациясини ўрнатиш [2,8].

Хулоса. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг ахборот хизмати фаолиятида техник мутахассислар (тизим ва амалий дастурчилари, маълумотлар базаси маъмурлари, маҳаллий ва минтақавий тармоқ лойиҳачилиари) янги замонавий ахборот-коммуникация тизимлари қўлланиладиган масала ва соҳалар түғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлгандагина, қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда бошқарув жараёнларини ахборотлаштириш ўз самарасини беради.

Фақат объектив ахборотлар асосидаги-на ишлаб чиқаришда ер-сув, техника, ишчи кучи, минерал ўғитлар ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва самарадорликни оширишга қаратилган функционал вазифаларни белгилашда тўғри хуносага келиш мумкин[4,5].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. 4-бўлим.

2. Алимов Р.Х., Ходиев Б.Ю., Алимов Қ.А. ва бошқалар. Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари. Ўқув қўлланма // С.С.Гуломовнинг умумий таҳрири остида. -Т.: “Шарқ”, 2004 . – 320 б.

3. Беркинов Б.Б., Раҳманкулова Б.О., Каримова Х.Х. // Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва ривожланиш жараёнларини моделлаштириш // Монография, Тошкент,2013

4.Беркинов Б.Б., Раҳманкулова Б.О. Пахтачиликда ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашни эконометрик моделлаштириш // “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали №3, 2013, 40-44-бетлар, Тошкент

5.Раҳманкулова Б.О. Қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва самарадорлиги ўзгариш тенденцияси // “Бизнес – Эксперт” журнали, №6, 2013, 34-37-бетлар, Тошкент

6.Чибисова И. С. Применение информационных технологий в сельском хозяйстве России. // Эпоха науки № 13 – Март 2018 г. Технические науки

7.Абдуллаев З.С., Юсупов М., Раҳманкулова Б.О., Айнакулов Ш.А.. // Амалий ахборот технологиялари, // Ўқув қўлланма. Т., 2018й.

8.Б.О. Раҳманкулова, Ш.К Зияева, Д.П Сапарова. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда замонавий ахборот технологияларининг ўрни // “АГРО ИЛМ” журнали, Махсус сони,09.2019 йил.

БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА БАЛИҚ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА КЛАСТЕРНИНГ ЎРНИ

Раҳматилла ЭРГАШЕВ,

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти профессори, и.ф.д.,

Учқун БЕГЛАЕВ,

Тошкент давлат аграр университети таянч докторанти

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда балиқ маҳсулотларинин сақлаш ва қайта ишлиш тизими ҳамда Қашқадарё вилоятида кластерларни ташкил этиш уларнинг ўрни бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Аннотация: В статье представлена информация о системе хранения и переработки рыбной продукции в стране и роли кластеров в Каракалпакской области.

Abstract: The article provides information on the storage and processing system of fish products in the country and the role of clusters in the Kashkadarya region.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётини ташвишга колаётган нарса, биринчи ўринда истеъмол бозорида аҳолининг табиий озиқ-овқат маҳсулотларига, саноат корхоналарининг эса, табиий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг ортиб бораётганлиги бир нечта вазифаларни ҳал этишини кўзда тутмоқда. Жумладан балиқчилик бўйича:

- балиқчилик хўжаликлари ишлаб чиқаришни тубдан қайта ташкил этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;
- балиқчилик хўжаликлари ҳудудий ва иқлим шароитига мос балиқ турларини яратиш;
- Балиқчилик хўжаликлари бошқарув самарадорлигини ошириш йўлларини излаб тошиш;
- аҳолини сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлашда кичик қайта ишлиш корхоналарини кўпайтириш ва булар орқали балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш;
- қайта ишлиш ва сақлаш корхоналарни янгидан ташкил этиши.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабини қондириш, балиқ маҳсулотига бўлган талабини янада ортиши балиқчилик хўжалиги соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш лозимлигини кўрсатади. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш мустақилликнинг дастлабки йилларида ёқ соҳада катта ишлар амалга оширилди ва бу ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш даврида ҳам давом этмоқда. Фақатгина қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун яратилган ҳуқуқий асослар яратилганинг ўзи ҳам балиқчилик хўжаликларида даромадни ошириш манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кун талаби бўйича фақат маҳсулот этишириш билан юқори даромад олиб бўлмаслиги қайта ишлиш, сақлаш даромад-

ни янада кўпайтириш имконини бериши ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимиз йилдан йилга бу жараённи ҳам ривожлантираётганлиги хўжалик иқтисодиётини яхшилаш, даромадини ошириб бориш имконини бермоқда.

Маълумотларига кўра балиқ маҳсулотларини қайта ишлиш ва сақлаш йилдан йилга ошириб бораётгани, вилоятлар кесимида бу кўрсаткич яхшиланиб бориши юқори натижалар самараси ҳисобланади. 2019 йилда 7875 тонна балиқ маҳсулотлари қайта ишланган бўлса, 2017 йилга нисбатан 6013 тонна (42%) маҳсулот сақлангани кузатилди.

Музлатилган балиқ маҳсулотлари 2019 йилда 2017 йилга нисбатан 2780 тонна (217%) фарқ билан балиқ маҳсулотлари музлатилган. Бунда маҳсулотларни сақлаш хўжалик фаолияти учун ижобий натижага қайд этишини кўриш мумкин тайёр маҳсулотдан кўра, қайта ишланган маҳсулотлар иқтисодий кўрсаткичларни сезиларли даражада ошишига олиб келади.

Шу билан бир қаторда балиқ маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлиш йўли билан бир вақтни ўзида озуқа ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этиш уни йўлга қўйиш ҳам асосий масала ҳисобланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 97 тани ташкил этиб умумий 657, 7 тонна омухта ем ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу кўрсаткич мавжуд балиқчилик хўжаликларини етарли даражада таъминлай олмаслиги четдан қиммат нарҳда озуқа импорт қилишга мажбур бўлаётганлиги соҳани янада ривожлантириши тақозо этади.

Шу ўринда балиқ маҳсулотларини қайта ишлиш, сақлаш, соҳани тубдан модернизация қилиш учун балиқчилик кластерларини ташкил этиш, ҳар бир вилоят ҳудудида йи-

Калит сўзлар: балиқчилик, қайта ишилаш, сақлаш, балиқчилик кластери, табиий сув ҳавзали, хўжалик даромади, иқтисодиёт, корхона, саноат, иқлим шароити

рик балиқчилик кластерлари бўлиши юқорида келтириб ўтилган муаммоларни ижобий ҳал бўлишига имкон беради.



1-расм. Қашқадарё вилояти балиқчилик кластерларининг таклиф этилаётган бошқарув тузилмаси

Балиқчилик хўжаликлари фаолияти самардорлигини янада ошириш мақсадида, 2019–2021 йилларда балиқчилик кластерларини ташкил этиш бўйича мамлакатимизда кераклиchorалар ишлаб чиқилди. Бу эса тўлациклли инкубацион цехлар фаолиятини, балиқ ва увиљдириқларни етиштириш, балиқ учун оқсилга бой озука ишлаб чиқариш, балиқни қайта ишлаш ва балиқ маҳсулотларини сақлашнинг тўлиқ жараёнини ўзаро боғлаш имконини беради.

Балиқчиликда кластерларни ташкил этиш орқали хўжалик фақат балиқ етиштириш би-

лан эмас балки саноатлашган тармоқни ўйлга қўйиш имконига эга бўлиши мумкин. Балиқчилик кластерларини ташкил этиш бу соҳа

билан бир вақтда саноат, наслчилик, ветеринария, хизмат кўрсатиш, қайта ишлаш ривожланиши кўзда тутилади (1-расм).

Балиқчилик кластерларини мамлакатимиз бўйича тадбиқ этиш балиқ маҳсулотларини аҳолини сифатли балиқ маҳсулотлари билан тъминлаш имконини беради. Кластер жорий этишда муҳит, имкониятлар, шарт-шароитлар ўрганиб чиқилиш лозим.

Балиқчилик хўжаликларининг қуий кластерининг барча қатнашчилари бир-бирлари билан ташкилий-иктисодий

механизмлар ёрдамида муносабатда бўлиб, фаолиятини ҳам қамраб оладиган умумий характеристикини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-иктисодий инфратузилмасини шакллантиради (1-жадвал).

Шу билан бир қаторда балиқчилик кластерларини ташкил этиш бошқарув тузилмасини ишлаб чиқиш, уни амалиётга тадбиқ этиш муҳим вазифа бўлиб туриди. Мамлакатимизда кластерларни ташкил этиш бўйича кўпгина амалий ишларни ўйлга қўйилганлиги Қашқадарё вилоятида балиқчилик кластерларининг деярли йўқлиги бошқарув фаолиятини ўйлга

Жадвал кўйиш ҳамда балиқчилик кластерларининг бошқарув тузилмасини шакллантириш муҳим вазифа саналади (2-расм).

Янги замонавий технологиялар асосида юқори даражада маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш ва дунё бозорларида харидоргир экспортбор балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, даромад олиш бўйича замонавий технология ва тажрибаларни тарғибот қилиши ҳамда тарқатиш, балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, маҳсулотларни сақлаш тартибини қўллаган ҳолда, узок муддатга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни режалаштириш қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган. Бу чора-тадбирлар эса иктисидиётни эркинлаштириш шароитида аҳолини балиқ маҳсулотлари билан тъминлаш, хўжаликлар даромади

Балиқчилик хўжаликларининг қуий кластер тузилиши

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси субъектлари	Балиқ маҳсулотлари етиштириш субъектлари	Бозор инфратузилмаси субъектлари	Истеъмолчилар
Техника воситалари таъминоти ташкилотлари	Кишлоқ хўжалигидаги фаолият юритувчи корхоналар	Банклар	Аҳоли
Сувдан фойдаланиш ўюшмаси	Фермер хўжаликлар	Ахборот таъминоти ва консалтинг шаҳобчаси	“Озиқовқатхолдинг”
Минерал ўтилгар ишлаб чиқарувчи заводлар	Деҳқон хўжаликлари	Ички бозорга маҳсулот етказиб берувчи агрофирмалар	“Балиқ консерваси” ташкилотлари
Транспорт хизмати кўрсатиш шаҳобчаси	МЧК лар	Улгуржи ва чакана савдо тизими (Дала-дўқон, ярмарка)	Умумий овқатланиш шаҳобчалари
Қайта ишлаш ва қадоқлаш		Экспортчи	Хориж истеъмолчилари
Талаб ва таклиф мутаносиблиги			

Кластерли ёндашув



2-расм. Қашқадарё вилояти балиқчилик кластерларининг бошқарув тузилмаси

ва моддий фаровонлигини ошириш имконини берадиган асосий омил сифатида эътироф этилади.

Қашқадарё вилоятида балиқчилик хўжаликларининг таркибий тузилишига кўра, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган моддий техника базаси билан таъминлаш вилоят иқтисодиётини ривожлантиришда энг муҳим устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Қашқадарё вилоятида балиқ маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар вилоятнинг турли худудларига тўғри келади. Ушбу корхоналарнинг афзаллик томони шундаки, барчаси аҳоли яшайдиган манзилгоҳларга яқин ва шуни ҳисобга олиб, маҳсулотни реализация қилиш билан боғлиқ муаммолар деярли кузатилмаган.

Сабаби, шаҳардаги 90 % савдо мажмуалари, супермаркетлар, минимаркетлар, бозор расталари терминаллар билан таъминланган ва аҳоли учун сифатли хизмат кўрсатмоқда. Ушбу савдо марказлари ўз вақтида балиқчилик хўжаликлари етиштирган маҳсулотлари билан биргалиқда уларнинг қайта ишланган маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Шу сабабли, биз таҳлиллар орқали балиқчилик хўжаликларининг ҳам манфаатларини қондириш учун қайта ишлаш корхоналарини

кўпайтиришимиз, маҳсулотларни ички бозорга эмас балки, истиқболда чет малакатларига экспорт қилиш имконини яратишимиш ҳамда хўжалик раҳбарларининг соҳа бўйича иқтисодий саводхонлиги оширилиши керак.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш учун қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- балиқчилик хўжаликларини хукуқий, иқтисодий ва маркетинг ахборотлари билан таъминлайдиган, уларни хўжалик юритишнинг замонавий қоида ва усусларига ўргатадиган маҳсус хизматлар ташкил этиш;

- илғор агротехнология ва қишлоқ хўжалиги иқтисоди масалалари бўйича балиқчилик хўжаликлари бошлиқларининг малакасини ошириш ва касбга ўқитиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи тизимлар ишини янада жонлантириш;

- балиқчилик хўжаликлари манфаатини қондириш мақсадида уларда етиштирилган маҳсулотларни сотиш учун қуайликлар яратиш ва балиқчиликда замонавий савдо ускуналари ва омборхоналар, терминаллар билан жиҳозлаш ишларини жадаллаштириш.

- балиқчиликда иқтисодий кўрсаткичларни оширишга эришиш;

- балиқчилик хўжалигини ривожлантиришнинг ҳам интенсив, ҳам экстенсив ривожлантириш йўлларини излаб топиш;

- шунингдек, қайта ишлаб чиқаришни балиқчилик хўжалиги негизида ташкил этиш;

- балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш ва даромадини оширишга қаратилган ички ва чет эл инвестицияларини киритиш;

- кластерлар таркибида инфратузилмани ривожлантириш;

- балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш учун микрокредитлар беришни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛПАН АДАВИЁТЛАР:

1. Попов Н.А., Экономика сельского хозяйства. – М.: Дело и сервис.– 2005. – С. 56;
2. Курбонов Р. Вьетнам балиқчилиги. Ж.: “O’zbekiston qishloq xo’jaligi”. – 2017. №4. 16 – 17 – бетлар.;
3. Сангирова У.Р., Юнусов И.О. Балиқчилик тармоғини барқарор ривожлантириш масалалари. Агройқтисодиёт журнали – 2018. №1(4). 33–35–б
4. Серветник Г.Е. Сельскохозяйственное рыбоводство: состояние, задачи ва научное обеспечение // Научные основы сельскохозяйственного рыбоводства: состояние и перспективы развития М.: 2010. стр. 17–23.;
5. Сирахиддинов Н., Касымова С. Развитие предпринимательства на селе. – // Экономическое обозрение, 2001. №5–6, С3–13.
6. Ушачев И.Г., Научное обеспечение государственных программ развития сельского хозяйства России.– М., – 2006. – С. 9
7. Эргашев Р.Х., Беглаев У.Х. Балиқчилик тармоғини инновацион ривожлантириш йўналишлари. // Сервис илмий-амалий журнал. № 2. 2019 й., 16–19 б.;
8. Эргашев Р.Х., Беглаев У.Х. Балиқчилик хўжаликларида бошқарув фаолиятини ривожлантириш йўллари. // Инновацион технологииялар. № (2) 34. 2019 й., 79–85 б.;

**СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ ГИДРОМОДУЛЬ РАЙОНЛАШТИРИШ ВА СУВ
РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Мухаммадхон ХАМИДОВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти профессор, к/х.ф.д.,

Ўткир ИСЛОМОВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти мустақил тадқиқотчisi,

Зоҳид МАМАТКУЛОВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти таянч докторанти

Аннотация: Мақолада сув танқислиги шароитида Хоразм вилоятининг суғориладиган ерларини гидромодуль районлаштирилишини амалга ошириш, гидромодуль районлар бўйича суғориладиган ерларни тақсимлаш ва Хоразм вилоятидаги асосий гидромодуль районлар бўйича ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибларини аниқлаш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг натижалари келтирилган.

Аннотация: В статье представлены результаты научных исследований по осуществлению гидромодульного районирования орошаемых земель Хорезмской области, распределению орошаемых земель по гидромодульным районам и определению научно обоснованных режимов орошения хлопчатника в основных гидромодульных районах Хорезмской области.

Abstract: The article presents the results of scientific research on the implementation of hydromodular zoning of irrigated lands of Khorezm region, the distribution of irrigated lands by hydromodular regions and the definition of scientifically based irrigation regimes for cotton in the main hydromodular regions of Khorezm region.

Кириш. Глобал иқлим ўзгариши, аҳо-
ри сонининг ва иқтисодиёт тармоқла-
рининг ўсиши, уларнинг сувга бўлган талаби
йил сайн ошиб бориши туфайли сув ресурс-
ларининг тақчиллиги йилдан-йилга кучай-
иб бормоқда. Иқлим ўзгариши натижасида
Марказий Осиёда сўнгги 50-60 йил давоми-
да музликлар майдони таҳминан 30 фоизга қисқарган. Таҳминларга кўра, ҳарорат 20Сга
ортганда, музликлар ҳажми 50 фоизга, 40Сга
исиганда эса, 78 фоизга камаяди. Ҳисоб-ки-
тобларга кўра, 2050 йилгача Сирдарё ҳавзасида
сув ресурслари 5 фоизга, Амударё ҳавзасида 15
фоизгача камайиши кутилмоқда. Ўзбекистон-
да 2015 йилгача бўлган даврда сувнинг уму-
мий тақчиллиги 3 млрд куб метрдан ортиқи
ташкил қиласан бўлса, 2030 йилга бориб 7 млрд
куб метрни, 2050 йилга бориб эса 15 млрд куб
метрни ташкил қилиши мумкин [1]. Иқлим
 ўзгариши сув юзаларидан сувнинг буғлани-
шини 10-15% га, ўсимликлар транспирацияси
ва суғориш меъёрларининг ортиши туфайли
сувнинг 10-20% кўпроқ сарфланишига олиб
келади. Бу эса сувнинг тикланмай истеъмол
қилинишини ўрта ҳисобда 18% га ортишига
олиб келади. Бу, шубҳасиз, қишлоқ хўжалиги
ишлаб чиқаришининг кейинги ўсишини қи-

йинлаштиради [2,3]

Республикамизда мустақиллик йилларида
сувдан фойдаланиш тизими тубдан ўзгарди.
Илгари Хоразм воҳасида сентябр ойида дарё-
лардан сув олиш тўхтатилар хамда шўр ювиш
бошлангунга қадар канал ва зовур тармоқла-
ри кўриқдан ўтказилиб, таъмирлаш-тиклаш
тадбирлари амалга оширилар эди. Хозирги
кунда пахта-кузги бўғдой навбатлаб экиш ти-
зими кўлланиши натижасида суғориш тар-
моқлари йил давомида узлуксиз ишламоқда.
Коллектор-зовур тармоқларига тушаётган
юк жуда ошиб кетди. Булар ўз навбатида Хо-
разм воҳасида тупроқ хосил бўлиш жараёни-
га ҳам таъсир қилмоқда, воҳада гидроморф
тупроқлар майдонларининг ошиши куз-
тилмоқда. Шунинг учун 80-йилларда ишлаб
чиқилган Хоразм воҳасининг суғориладиган
ерларини гидромодуль районлаштирилишига
ўзгаришлар киритиш, гидромодуль районлар
бўйича суғориладиган ерларни тақсимлаш ва
хар бир гидромодуль районлари бўйича ғўза-
нинг илмий асосланган суғориш тартиблари-
ни аниқлаш хамда "Ақули қишлоқ хўжалиги"
га ўтишда гидромодуль районларнинг туман-
лар кесимидағи электрон хариталарини яра-
тиш масалаларини хал қилишга йўналтирил-

Калит сўзлар: гидромодуль районлаштириш, гидромодуль район, суғориладиган ерлар, геоахборот технологиялари, ArcGIS компьютер дастури, тупроқ, механик таркиб, сизот сувлари, ғўза, суғориш тартиби, суғориш меъёри, мавсумий суғориш меъёри, фенология, ҳосилдорлик.

Геоахборот технологиялар

ган илмий-тадқиқот ишлари иқлим ўзгариши ҳамда республикамизда кузатилаётган ва тобора ошиб бораётган сув танқислиги шароитида дозларб ҳисобланади.

Гидромодуль районлаштириш ва ГАТ технологияси. Суғориш майдонларини гидромодуль районлаштириш – худудни таксономик бирлик майдонларга бўлиш бўлиб, унинг мақсади ер ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва у ерларда илмий-асосланган суғориш тартибларини қўллаш, ҳамда экинлардан юқори ҳосил олишдир. Кишлоқ ва сув ҳўжалигида геоахборот тизимлари технологияси (ГАТ) дан фойдаланиб, жуда кўп масалаларни оператив хал қилиш имкони яратилади. ГАТ технологиясининг асосий дастури ArcGIS компьютер дастури бўлиб, ArcGIS дастурида фойдаланувчи учун тушунарли ва қулай интерфейс яратилган ва картографик қайта ўзгаририш қанчалик берилган бўлса ҳам беркитилмаган. Операциялар, тушунарли ва оддий бўлиб, базавий маълумотлар билан ишлаш имкониятига эга. Энг муҳим геоинформациян тизим – бу маълумотларни компьютер хотирасига киритиш ва мақсадга эришиш учун бажарилиши зарур бўлган барча аналитик ишларни олиб бориш ҳисобланади [4,5].

Тадқиқотлар натижасида ArcGIS ГАТ дастурий таъминоти Spatial Analyst ва Geostatistical Analyst модулларининг тупроқ тадқиқотлари натижаларини таҳлил қилиш ва маҳсус тематик карталар яратишда илмий изланувчиларга кенг имкониятлар яратиши аниқланди. Шунингдек, тупроқ тадқиқотларини ўтказища фойдаланилган ArcGIS ГАТ дастурий таъминотининг берилган маълумотларни бир вақтнинг ўзида бир қанча усуллардан фойдаланиб мукаммал таҳлил қилиши, йиллар давомида йигилган маълумотлар асосида тупроқ ҳолати мониторингини юритиши, маълумотларни истеъмолчига унинг талабига асосан исталган ўлчамда ва нусхада чиқариши, таҳлил натижаларини электрон шаклда сақлаши ва шу каби бошқа бир қанча имкониятлари намоён бўлди. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу замонавий геоахборот тизими технологияларини тупроқшунослик соҳасида қўллаш ҳисобига аниқ ва тезкор маълумотлар олиш мумкин, уларни оператив қайта ишлаш ва сақлаш имкониятлари ошади, шунингдек, маълумотлар базаси шаклланади ва натижада ер ресурслари ҳолатини мукаммал таҳлил қилиш имконияти яратилади [6,7].

Сизот сувлари бўйича маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда тасвирлаш борасидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида ZEF/UNESCO лойиҳаси ходимлари ГАТ га асосланган янги электрон дастурни ишлаб чиқдилар [8]. Ушбу дастурнинг афзалликлари қўйидагилардан иборат: ер ости сувлари бўйича олинган маълумотларни ўз вақтида янгилаш ва қайта ишлаш; яратилган хариталар-

ни олдинги маълумотлар билан таққослаш; сизот сувлари хариталарини дала чегаралари, каналлар ва дренаж тармоқлари векторлари, тупроқ ҳусусиятлари каби бошқа муҳим маълумотлар билан боғлаш. Бу эса сизот сувларини ҳариталарини яратиш мақсадида кузатув қудуқларидан олинган маълумотларни интерполяция қилиш учун Кригинг каби замонавий услубларни қўллашга имкон яратади [9,10].

Турли гидромодуль районларда ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибларини аниқлаш бўйича дала тажрибалари Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги “Эргаш Рўзимов” фермер ҳўжалигида (оғир қумоқ тупроқлар, IX ГМР), Гурлан туманидаги “Тулқин, Мирзабек, Асилбек” фермер ҳўжалигида (енгил қумоқ тупроқлар VII ГМР) ва Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги “Реимбай бошлиқ” фермер ҳўжалигида олиб борилди.

Гидромодуль район-тупроқ-мелиоратив областнинг бир қисми бўлиб, тупроқ қатламининг қалинлигини яқинлиги, механик таркибини, аэрация зонасида уларнинг жойлашиши, сув-физик хоссалари, сизот сувлари сатҳини жойлашуви, умуман қишлоқ ҳўжалиги экинларини суғориш тартибини, меъёрини ва гидромодуль ординатасини белгиловчи омилларнинг бир-бирига яқинлиги билан характерланади. Шу сабабли суғориладиган ерларни гидромодуль районлаштириш, унинг электрон хариталарини яратиш – сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни оқилона бошқаришни таъминлашда оператив қарорлар қилиш имконини беради.

Юқорида келтирилган гидромодуль районлаштириш принципларига биноан Хоразм вилоятининг суғориладиган ерлари битта тупроқ-иклим зона-чўл зонасига, ушбу зона ичидаги учта тупроқ-мелиоратив областга тааллуклидир. Булар:

- сизот сувлари 3 метрдан чукур бўлган автоморф тупроқлар;
- сизот сувлари 2-3 метр бўлган яримгидроморф тупроқлар;
- сизот сувлари 1-2 метр бўлган гидроморф тупроқлар.

Бугунги кунда Хоразм вилоятининг суғориладиган ерлари аэрация қатламида тупроқларнинг қалинлиги, механик таркиби ва сизот сувлари сатҳининг бугунги кундаги холати Чапқирғоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Вилоят мелиорация экспедициясининг маълумотларига кўра таҳлил қилинди. Бунда вилоятнинг ва туманларнинг маъмурий худудлари харитаси (масштаби 1:50000) ва унга киритилган экспедициянинг кузатув қудуқларидан фойдаланилди. Кузатув қудуқлари “паспорти”дан тупроқ-литологик қирқимлар маълумотлари ҳамда Вилоят мелиорация экспедициясининг ҳар бир кузатув қудуғи бўйича сизот сувлари

сатхининг вегетация давридаги ўртача кўп ийлилк кўрсатгичларига асосан, Хоразм вилоятининг Хива, Гурлан, Шовот ва Кўшкўпир туманларининг сугориладиган ерлари 6 та: IV, V, VI, VII, VIII ва IX гидромодуль районларга ажратилиши мумкин. (1-жадвал)

Кейинги йилларда карталар яратишнинг қоғоз кўринишидан электрон рақамли кўри-

Хоразм вилоятининг айрим туманлари сугориладиган ерларини гидромодуль районлар бўйича тақсимоти, %

№	Туман-лар	Сугори ладиган майдон, минг га.	Кузатув қудуклари, дона	Кузатила диган майдон, минг га	Гидромодуль районлар					
					V	VI	VII	VIII	IX	
1	Хива	19.81	191	18.36	1.5	0.5	3.2	15.5	47.8	31.5
2	Гурлан	30.36	227	30.36	1.8	4.5	0.1	31.2	41.5	19.9
3	Кўшкўпир	31.11	225	31.11	3.0	4.0	4.1	10.0	53.9	25.0
4	Шовот	28.95	205	28.95	1.0	1.0	-	10.0	30.0	58.0

нишига ўтиш, яъни географик ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда карталар яратишнинг компьютер технологиясига ўтиш жадал суратлар билан ривожланмоқда. Маълумотларнинг кўплаб турларини вақт ўтиши билан тез-тез ўзгариб туриши, оддий усуlda тузиладиган қоғозли картадан фойдаланишини анча қийинлаштириб юбормоқда. Бугунги кунда тезкор ахборотларни қабул қилиш, уларнинг долзарблигини кўрсатиш фақатгина автоматлаштирилган тизим кафолатлаши мумкин.

Шу ўринда замонавий ГАТ – бу кўп мидордаги графикли ва мавзули маълумотлар базасига эга бўлган, база асосида иш бажариш имкониятига эга бўлган моделли ва ҳисобли функциялар билан бирлашган, фазовий маълумотларни картографик шаклга айлантириш, турли хulosалар чиқариш ва мониторинг ишларини амалга оширадиган автоматлашган тизим, деб қаралади [11].

Карта яратишнинг бу технологияси буғунги кунда, биринчидан – сезиларли даражада универсаллашган, иккинчидан – жуда тез ривожланётган, инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларини қамраб олаётган жараёндир. Буғунги кунда ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларда карта ва планларни қоғоз кўринишидан электрон рақамли кўринишига ўтказиш ишлари юқори даражада олиб борилмоқда.

Хоразм вилоятининг сугориладиган ерларини гидромодуль районлаштириш электрон харитаси тупроқларнинг 3 хил (енгил, ўрта ва оғир кумоқ) механик таркиби-


га эга турларнинг тарқалишини тасвириловчи рақамли картаси, хар бир тумандаги мавжуд сизот сувлари динамикасини мониторингини олиб бориш учун ўрнатилган кузатув қудуклари паспортлари, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси материаллари ҳамда дала-тадқиқотлари натижалари маълумотларига таяниб, ArcGIS дастури ёрдамида яратилди.

1-жадвал

Бунинг учун худудларда доимий сизот сувларининг сатхини ва минерализацияси мониторингини олиб бориш мақсадида ўрнатилган кузатув қудукларнинг географик жойлашуви (Shape форматда) ва улардан олинган ойлик аттрибутив маълумотлар йигилди, кузатув қудуклари кесимида сизот сувларининг сатхини ифодаловчи

аттрибутив маълумотларга таянган ҳолда, ArcGIS дастурининг IDW (қарама-қарши вазнли масофалар) интерполяциялаш алгоритмидан фойдаланилиб, сизот сувларининг жойлашиш харитаси яратилди, интерполяцияланган сизот сувларининг сатхи ҳамда тупроқларнинг механик таркибини тасвириловчи рақамли карта растр кўринишига келтирилди, ArcGIS дастурининг Растр калькулятор панели орқали ҳар 9 турдаги гидромодуль район учун керакли критерияларни қамраб оладиган алгоритм ишлаб чиқилиб, гидромодуль районлар ажратиб олинди. Шу тартибда вилоятнинг иккита тумани: Шовот ва Гурлан туманларининг электрон харитаси яратилди (1 ва 2 расмлар).

Ғўзанинг илмий асосланган сугориш тартиблари. Хоразм вилояти туманларининг



1-расм. Хоразм вилояти Гурлан тумани сугориладиган ерларининг гидромодуль районлар бўйича электрон харитаси

Геоахборот технологиялар



2-расм. Хоразм вилояти Шовот тумани сугориладиган ерларининг гидромодуль районлар бўйича электрон харитаси

сугориладиган ерлари асосан 3 та: VII, VIII ва IX гидромодуль районларга мансублигидан, шу шароитлар учун гўзанинг илмий асосланган сугориш тартибларини аниқлаш бўйича дала тадқиқотлари ПСУЕАИТИ методикаси асосида олиб борилди.

Сугориш меъёри қуйидаги формула бўйича аниқланди [12].

$$m = 100 \cdot h \cdot J \cdot (W_{\text{ЧДНС}} - W_{\text{хн}}) + K \text{ м}^3/\text{га}$$

$W_{\text{ЧДНС}}$ – тупроқ оғирлигига нисбатан чекланган дала нам сифими, %;

$W_{\text{хн}}$ – тупроқ оғирлигига нисбатан сугоришдан олдинги ҳақиқий намлиги, %;

J – тупроқнинг ҳажмий оғирлиги, г/см³ ;
 h – ҳисобий қатлам қиймати, м;

k – сугоришда бўғланишга сарфланган сув сарфи, м³/га (ҳисобий қатламда етишмаган намликнинг 10 % и).

Тажриба даласида экиб парваришланган гўзалар белгиланган намлик асосида сугорил-

ва умумий берилган сув миқдорлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилди (2-жадвал).

Сугориш тартибларнинг гўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиши (3-жадвал) натижаларига кўра, IX ГМР да Хоразм-127 гўза навидан 3-вариантда энг кўп – 39,8 ц/га пахта ҳосили олиниб, 1 центнер пахта етишириш учун энг кам: 55,4 м³ дарё суви сарфланди. VIII ГМР да энг юқори – 38,9 ц/га пахта ҳосили сугориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60% да ушлаб турилган (3-вариант) да олиниб, 1 центнер пахта етишириш учун энг кам: 2789 м³ дарё суви сарфланди.

VII ГМР да гўзадан. энг юқори – 35,0 ц/га пахта ҳосили 3-вариантда олиниб, 1 центнер пахта етишириш учун энг кам: 110,2 м³ дарё суви сарфланди. “Хоразм-127” гўза навининг илмий асосланган сугориш тартиблари юқори ҳосилдорликни таъминлаш билан, мавсумда одатдаги бериладиган дарё суви миқдорини 35 фоизга иқтисод қилиш имкониятини яратади.

Хоразм воҳасининг қадимдан сугорилиб келинаётган ўтлоқи аллювиал тупроқларида гўзани илмий асосланган сугориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилаётган изланишлар бўйича қуйидаги хуносаларни қилиш мумкин:

1. Хоразм вилоятининг сугориладиган ерлари битта тупроқ-иқлим зона – чўл зонасига, ушбу зона ичидаги уча тупроқ-мелиоратив областга тааллукли бўлиб, сугориладиган ерлари аэрация қатламида тупроқларнинг механик таркиби, қатламларнинг жойлашишига ва сизот сувларининг сатҳига кўра 6 та: IV, V, VI, VII, VIII ва IX гидромодуль районларга мансубдир. Асосий сугориладиган ерларда вегетация даврида сизот сувларининг сатҳи 1-2 метрда бўлганлигидан, умумий майдоннинг 34,1 % и VII, 30,3 % и VIII ва 32,6 % и IX гидромодуль районларга мансубдир.

2. Тупроқларнинг 3 хил (енгил, ўрта ва оғир қумоқ) механик таркибга эга турларнинг тарқалишини тасвирловчи рақамли картаси, тупроқ-литологик қирқимлар маълумотлари ҳамда ҳар бир кузатув қудуғи бўйича сизот сувлари сатҳининг вегетация давридаги ўртача кўп йиллик кўрсатгичлари ArcGIS дастурида ишлов берилиб, Хоразм вилоятининг Шовот ва Гурлан туманлари сугориладиган ерларининг гидромодуль районлар бўйича тақсимланишининг ilk бор электрон харitalari яратилди

3. Вилоятда кенг тарқалган IX гидромодуль районда гўзани сугоришда тупроқнинг сугоришдан олдинги намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60 % да ушлаб туриб, гўзани

ди. Вегетация даврида гўзанинг ҳар-бир вариантидаги сугоришлар сони, унинг муддатлари

3-жадвал
Рўзанинг ҳосилдорлигига сугориш тартибларининг таъсири

Варианттар	Ўртача ҳосилдорлик, ц/га	Назоратга нисбатан ц/га	Мавсумий сугориш меъёри, м ³ /га	1 ц ғўза ҳосилига кетган дарё суви, м ³
IX ГМР				
1	35,6	0,0	3644	102,4
2	37,8	+2,2	3025	80,0
3	39,8	+4,2	2203	55,4
4	38,6	+3,0	3160	81,9
VIII ГМР				
1	34,8	0,0	4744	136,3
2	36,6	+1,8	3422	93,5
3	38,9	+4,1	2789	71,7
4	37,6	+2,8	3711	98,7
VII ГМР				
1	30,8	0,0	5395	175,2
2	33,2	+2,4	4002	120,5
3	35,0	+4,2	3856	110,2
4	33,8	+3,0	4033	119,3

0-3-0 схема бўйича 700-750 м³/га сугориш меъёрлари ва 2203 м³/га мавсумий сугориш меъёри билан сугорилганда 39,8 ц/га пахта ҳо-

сили олиниб, 1 центнер пахта етиштириш учун энг кам: 55,4 м³ дарё суви сарфланди. VIII гидромодуль районда ҳам ғўзани сугорища тупроқнинг сугорищдан олдинги намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60 % бўлиб, ғўза 1-2-1 схема бўйича 600-900 м³/га сугориш меъёрлари ва 2789 м³/га мавсумий сугориш меъёри билан сугорилганда 38,9 ц/га пахта ҳосили олиниб, 1 центнер пахта етиштириш учун 71,7 м³ дарё суви сарфланди. VII гидромодуль районда ғўзани сугорища тупроқнинг сугорищдан олдинги намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60 % бўлиб, ғўза 1-4-1 схема бўйича 600-800 м³/га сугориш меъёрлари ва 3856 м³/га мавсумий сугориш меъёри билан сугорилганда 35,0 ц/га пахта ҳосили олиниб, 1 центнер пахта етиштириш учун 110,2 м³ дарё суви сарфланди.

4. Илк бор замонавий ГАТ технологиясидан фойдаланиб яратилган сугорилладиган ерларини гидромодуль районлаштириш электрон хариталари ва гидромодуль районлар бўйича ишлаб чиқилган илмий асосланган сугориш тартиблари сув ресурсларидан самарали фойдаланиши таъминлаш билан бирга истеъмолчиларга ажратиладиган сув лимитларини белгилашда ва сувдан фойдаланиш режаларини тузища сув хўжалиги ташкилотлари, СИУ ва фермер хўжаликлари учун муҳим қўлланма бўлиб хисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Концепция развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020 – 2030 годы. № УП-6024 от 10 июля 2020 года.
2. Khamidov, M., Matyakubov, B., Isabaev, K. Substantiation of cotton irrigation regime on meadow-alluvial soils of the Khorezm oasis. Journal of Critical Reviews. 2020.
3. Hamidov, A., Khamidov, M., Ishchanov, J. Impact of climate change on groundwater management in the northwestern part of Uzbekistan. Agronomy. 2020
4. Абдуваитов А.А. Геоинформацион тизимларининг технологик асослари ва уларнинг функцияларининг тақсимланиши.
5. Майкл, Н. Де Мерс. Географические информационные системы Текст. / Н. Де Мерс. Майкл; пер.с англ. – М., 1999. – 490 с.
6. Баходиров З.А., Усмонов Ж.З. ва б. Геоахборот тизими технологияларидан фойдаланган ҳолда тупроқ ҳоссаларини хариталаш. Қарши ДУ Ҳабарномаси. 2. 2019 й.
7. W. G. Sombroek, J. Antoine, “The Use of Geographic Information Systems (GIS) in Land Resources Appraisal”, – Rome, Italy, – 2004.
8. SAGA GIS; www.saga-gis.org. Компьютер дастури.
9. М. Иброхимов, Б. Тишбайн, Джон П.А. Ламерс, А. Маншади. Географик ахборот тизими усули асосида сизот сатҳи ва унинг шўрланиш даражаси маълумотларидан фойдаланиш. ZEF/UNESCO лойиҳаси.
10. Ibrakhimov, M., Khamzina, A., Forkutsa, I., Paluasheva, G., Lamers, J. P. A., Tischbein, B., Vlek, P. L. G., and Martius, C., 2007. Groundwater table and salinity: Spatial and temporal distribution and influence on soil salinization in Khorezm region (Uzbekistan, Aral Sea Basin). Irrigation Drainage Systems, 21, [3-4], 219–236.
11. Мухторов Ў., Исломов Ў., Инамов А. Геоахборот тизими ва технологиялари. Тошкент 2017, 140 б.
12. Khamidov, M., Matyakubov, B., Isabaev, K. Substantiation of cotton irrigation regime on meadow-alluvial soils of the Khorezm oasis. Journal of Critical Reviews. 2020.

СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Абдухолиқ МУХТОРОВ,

Кишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти, е.и.х..и.ф.н.

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини баҳолаш асосида улар рейтингини аниқлашнинг услугубий асослари тақлиф этилган.

Аннотация: В статье предложена методика оценки и определения рейтинга предприятий по производству и установлению водосберегающих технологий в сельском хозяйстве.

Abstract: The article proposes a methodology for evaluating and rating enterprises producing and installing water-saving technologies in agriculture.

Кишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этиш кўламини кенгайтириш турли омилларга боғлиқ бўлиб, унинг энг муҳимларидан бири - у ёки бу сув тежовчи технологиялар моделини уни лойиҳалаштириш ва техник-иктисодий асослаш, жорий этиш ва фойдаланишга топшириш жараёнларини ўз ичига олган иш ва хизматлар нархи билан боғлиқ бўлган омил ҳисобланди ҳамда “войиҳа қиймати”да намоён бўлади.

Сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш хизматлари бозорида лойиҳа қиймати турли омиллар таъсирида шакллансада, ушбу бозордаги рақобат мұхитининг мавжудлиги иш ва хизматларга буюртма ва танловлар жараёнида шаффофликни таъминлашга хизмат қиласди.

Кишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар давомида сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш хизматлари бозорида бозор иштирокчилари ўртасида соғлом рақобатни шакллантириб, шаффофликни таъминлашга эришиш сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи ва жорий этувчи корхоналарни истиқболда барқарор ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Амалиётнинг кўрсатишича, бу тоифадаги хизматлар бозорида сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш бўйича танловларда турли корхоналар иштирок этади. Кўпчилик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари танловларда ўз иш ва хизматлари билан иштирок этётган корхоналар борасида тўлиқ маълумотга эга бўлмаганлиги боис, лойиҳавий тадбирларни амалга оширишда айрим қийин-

чилик ва тушунмовчиликка дуч келмоқдалар.

Танловларда иштирок этаётган корхоналар фаолияти ва кўрсатаётган хизматларини маълум тоифадаги техник-технологик, ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлар тизими асосида баҳолаш, сифатли хизматлардан баҳраманд бўлишни, шартнома шартларининг тўлиқ, белгиланган муддатда бажарилишини, бу борадаги хавф-хатар ва рисклардан ҳимояланишни таъминлайди.

Бизнингча, бу вазифани сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш воситасида ҳал этиш, мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз.

Тақлиф этилаётган “Кишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш тизими”нинг мақсади ишлар ва хизматлар бозорида бозор субъектлари ўртасида шаффофликни таъминлаш, барчага тенг имконият ва шароит яратиб бериш, истеъмолчилар ва хизмат кўрсатувчиларни сифатли маҳсулотлар ва хизматлар билан таъминлаш ҳисобланади (жадвал).

Хорижий давлатларларнинг бу тоифадаги корхоналар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш борасидаги илмий-услубий ёндашув ва услубият ҳамда республикамиз сув хўжалиги иқтисодиёти соҳасидаги етакчи олим ва мутахассисларнинг фикр ва қарашларининг таҳлили асосида “Кишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш”да корхоналар фаолиятини кўрсатувчи техник-технологик, ишлаб чиқариш ва иқтисодий тавсифдаги 16 та индикаторларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб, ҳи-

Калит сўзлар: сув ресурслари, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологиялар, сув тежовчи технологиялар ишлаб чиқарувчи корхоналар, корхоналар рейтинги

Корхона фаолиятини баҳолаш

**Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи корхоналар
фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш индикаторлари ва мезонлари**

№	Баҳолаш индикаторлари	Балл 0... 5	№	Баҳолаш индикаторлари	Балл 0... 5
1.	2	3	1	2	3
1.	Корхонанинг ташкил этилган йили (А)		8.	Буюртмани қабул қилиш ва бажаришга киришиш муддати (К)	
	1 йилгача	1		1 ой гача	4-5
	1-3 йил	2-3		2-3 ой	0-3
	3-5 йил	4	9.	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотининг сифат кўрсаткичлари (Л)	
	5 йилдан ортиқ	5		Паст	0
2.	Ўртacha йиллик ишчилар сони (Б)		Ўртacha (фикрнома ва тасдиқловчи сертификат)	1-2	
	1-30 киши	1		Юқори (тасдиқловчи хўжжат ва сертификат)	3-5
	31-60 киши	2	10.	“Инновацион ярмарака” ва “Инновацион ҳафталиқ” ва бошқа танловларада иштирок эттанилиги (М)	
	61-90 киши	3		Иштирок этилмаган	0
	91-120 киши	4		Иштирок этилган (тасдиқловчи хўжжат ва сертификат, шартномалар)	1-5
	121 дан ортиқ киши	5	11.	Хорижий ҳамкорларининг мавжудлиги (н)	
3.	Йиллик ўртacha пул айланмаси (В)			Мавжуд эмас	0
	1 млад. сум гача	1		Мавжуд (тасдиқловчи хўжжат ёки меморандум, келишув)	1-5
	1-10 млрд сум	2	12.	Охирги 3 йил мобайнида малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув курсларида ўқиганлар сони (О)	
	10,1-20,0 млрд сўм	3		Мавжуд эмас	0
	20,1 40,0 млрд. сўм	4		Мавжуд (тасдиқловчи хўжжат, сертифиқа, гувоҳнома)	1-5
	40,0 млрд. Сўмдан кўп	5	13.	Охирги 3 йил мобайнида тузилган шартномалар сони (П)	
4.	Ишлаб чиқараётган маҳсулот турлари сони (Г)			5 тагача	1
	50 тагача	1		6-10 та	2
	60-100 та	2		11-15 та	3
	101-150 та	3		16-20 та	4
	151-200 та	4		20 дан ортиқ	5
	200 дан ортиқ	5	14.	Веб сайт ва реклама ойналарининг мавжудлиги (Р)	
5.	Худудий ишлаб чиқариш бўлинмаларининг мавжудлиги (Д)			Мавжуд эмас	0
	1-5 гача	1-2		Мавжуд (тасдиқловчи хўжжат, сертифиқа, гувоҳнома)	1-5
	6-10	2-3	15.	Охирги 3 йил мобайнида бажарилмай қолган буюртмалар сони (С)	
	10 дан юқори	4-5		Мавжуд эмас	0
6.	Дестрибутерлик ташкилотларининг мавжудлиги (Е)			Мавжуд (тасдиқловчи хўжжат, далолатнома, хулоса ва қарор)	-1 дан -5 қадар
	Мавжуд эмас	0	16.	Охирги 3 йил мобайнида кечиктириб бажарилган буюртмалар сони (Т)	
	Мавжуд	3		Мавжуд эмас	0
7.	Харидорлар ва мижозлар билан ишлайдиган бўлинманинг мавжудлиги (И)			Мавжуд (тасдиқловчи хўжжат, далолатнома, хулоса ва қарор)	-1 дан -5 қадар
	Мавжуд эмас	0			
	Мавжуд	3			
	Юқори (тасдиқловчи хўжжат ва сертификат)	3-5			

Корхона фаолиятини баҳолаш

соблаймиз.

Тадқиқот давомида танлаб олинган индикаторлар тизимга солиниб, баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди. Баҳолаш мезонларини асослашда сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш хизматлари бозори иштирокчилари (ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, сармоядор ва молиялаштириш ташкилотлари) фикри ўрганилди.

Баҳолашда ҳар бир индикатор мезони сифатида “о” дан “5” гача бўлган балл билан баҳолаш тизими асосида амалга ошириш тавсия этилади. Айрим мезонлар умумий баллга ижобий таъсир этса, бошқа бир мезонлар салбий таъсир этиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам ҳар бир мезон “5” баллик тизим асосида (“о” дан “5” гача бўлган балл билан) баҳоланади. Ижобий (+) мезонлар умумий суммага қўшилади, салбий (-) мезонлар умумий суммадан чегириб ташланади.

Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи корхона фаолиятини рейтинг (R) даражасини қуидаги ифода орқали ҳисоблаш таклиф этилади:

$$R = \sum (x_1 + x_2 + \dots + x_n - (\sum y_1 + y_2 + \dots + y_n)) \quad (1)$$

Бунда,

R-сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи корхона рейтинги, балл;

$x_1 + x_2 + \dots + x_n$ -сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи корхона фаолиятини техник-технologik, ишлаб чиқариш ва иқтисодий жиҳатдан тавсифловчи индикаторлар (ижобий "+") баҳолаш мезони бўйича бали, балл;

$y_1 + y_2 + \dots + y_n$ -сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи корхона фаолиятини техник-технologik, ишлаб чиқариш ва иқтисодий жиҳатдан тавсифловчи индикаторлар (салбий "-") баҳолаш мезони бўйича бали, балл.

Таклиф этилаётган услубий ёндашув асосида туман ёки минтақа кўламида сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни (Y) ёки сув тежовчи технологияларнинг маълум модели (Y) ёки турини (Y) ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини баҳолаш мумкин.

Бунда (1) ифодани қуидаги кўришда бўлади.

$$Y = \sum (R_1 + R_2 + \dots + R_n) \quad (2)$$

Баҳолаш индикаторлари тизимида қуидагилар киритилди: “Корхонанинг ташкил этилганлигига неча йил бўлганлиги” (1 йилгача, 1-3 йил, 3-5 йил ва 5 йидан ортиқ); “Корхонада банд бўлган ишчиларнинг ўртacha йиллик сони; корхонанинг ўртacha йиллик пул айланмаси”; “Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар

тури; ҳудудий ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) бўлимларининг мавжудлиги”; “Дистрибьюторлик ташкилотларининг мавжудлиги”; “Харидорлар ва мижозлар билан ишлайдиган бўлинманинг мавжудлиги”; “Буюртмани қабул қилиш ва бажаришга киришиш муддати”; “Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотининг сифат кўрсаткичларини тасдиқловчи хужжатларнинг мавжудлиги”; “Инновацион ярмарка” ва “Инновацион ҳафталиқ” ва бошқа танловларада иштирок этганлиги”; “Хорижий ҳамкорларининг мавжудлиги”; “Охирги 3 йил мобайнида малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув курсларида ўқиганлар сони”; “Охирги 3 йил мобайнида тузилган шартномалар сони”; “Веб сайт ва реклама ойналарининг мавжудлиги”; “Охирги 3 йил мобайнида бажарилмай қолган буюртмалар сони”; “Охирги 3 йил мобайнида кечикириб бажарилган буюртмалар сони”.

Ҳар бир индикаторга мос “жавоб-тасдиқлар” тайёрланиб, таклиф этилган баҳолаш мезони ва тизим асосида жавоблар баҳоланди.

Тадқиқот доирасида [8] давомида 25 га яқин сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи корхона ва 30 дан ортиқ сув тежовчи технологияларни жорий этиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганилди.

Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқариш даражаси ва истиқболда ривожлантириш йўналишларини белгилаш мақсадида маҳсус саволнома ишлаб чиқилиб, саволномаларни интернет тармоғи орқали онлайн ёки тезкор тарзда тўлдириб, бериш сўралди.

Олинган жавоблар бўйича таклиф этилаётган баҳолаш услубий ёндашуви асосида олинган натижаларга мувофиқ “EXIM PLAST” МЧЖнинг рейтинги R- 48 баллни, “Viridian Inventum” МЧЖнинг рейтинги R- 42 баллни ташкил этди.

Корхоналар рейтингини аниқлашнинг амалий жиҳатдан аҳамияти шундан иборатки, рейтинг баҳолари корхонанинг истеъмолчилар ва сармоядорлар олдида нуфузини оширишга, ишончини тўлароқ қондиришга, истеъмолчи-буюртмалар олдида “барқарор ва ишончли” ҳамкор сифатида хулоса чиқаришларига асос бўлиб хизмат қиласи.

Ўз навбатида, нафақат ички балки ташки сармоядорлар ва суғурта компаниялари бўлаҗак мижозларининг “кредитни қайтаришга лаёқатли мижоз” тоифасидан эканлигига яна бир бор аниқлик киритадилар.

Сув тежовчи технологиялар истеъмолчилари - агротадбиркорлик субъектлари эса, бош-

лаётган фаолиятининг кутилиши мумкин бўлган хавф-хатардан ҳимояланганлик ҳамда риск даражасини баҳолашга эга бўладилар.

Демак, сув тежовчи технологиялар ишлаб чиқарувчи ва қурувчи корхоналар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш бу йўналишдаги хиз-

матлар бозорида рақобат муҳитини шакллантиришга, танловлар жараёнининг шаффоғ бўлишига, пировард натижада сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдалашуни ташкил этишга имкон ва шарт-шароит яратишга хизмат қиласи деб, ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 октябрдаги “Қишлоқ хўжалигига сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизmlарини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

4. <https://nuz.uz/nauka-i-tehnika/33508-pervyy-v-centralnoy-azii-v-tashkente-otkrylsyaklastern-Innovaciy-i-nauchnyh-issledovaniy-foto.html>.

5. “Ekologiya & Stroitelstvo”, Ж// № 4, – 2017, – 21 стр.

6. Водосберегающие технологии полива сельскохозяйственных культур и методы борьбы с эрозией почв. <http://www.fao.org/3/ca0865ru/CA0865RU.pdf>. ФАО. Бишкек – 2018

7. Пулатов Я.Э. Водосберегающие технологии орошения и эффективность использования воды в сельском хозяйстве. –Ж// “Ekologiya & Stroitelstvo”, № 4, – 2017, – 21 стр.

8. “Қишлоқ хўжалиги тармоқларига мос сув тежовчи инновацион технологияларнинг мақбул самарали моделларини ишлаб чиқиши ва уларни хўжаликлар фаолиятида қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини асослаш” мавзусида олиб борилаётган амалий тадқиқот. ҚХИИТИ, 2019, (ПЗ-20170923228).

ИПАК ҚУРТИ УРУҒЧИЛИГИ СУБЪЕКТЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИ

Назимжон АСКАРОВ,
Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот
институти илмий котиби, и.ф.н.

Аннотация: Мақолада ипакчилик, хусусан ипак қурти уруғчилиги тизимини давлат томонидан қўллаб қувватлаш ҳолати таҳлил этилган ва бозор тамоиллари асосида рағбатлантириш дастакларини жорий этиш босқичлари асосланган.

Аннотация: В статье анализируется состояние государственной поддержки шелководства, в частности системы семеноводства шелкопряда, и обосновываются этапы внедрения стимулирующих мер на основе рыночных принципов.

Abstract: The article analyzes the state of state support for silkworm breeding, in particular, the silkworm seed production system, and substantiates the stages of introducing incentive measures based on market principles.

Маълумки, сўнгги йилларда амалга оширилаетган ислоҳотларнинг негизида иқтисодиёт тармоқларида бозор меҳназмларини жорий этиш орқали ишлаб чиқарувчи (хизмат кўрсатувчи)лар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш, уларга тенг шароитларни яратиб бериш, рақобат муҳитига жамиятнинг техник ва технологик ривожланишига замин яратишга қаратилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Маҳсулот кўп бўлса рақобат бўлади, рақобат бўлса сифат ошади, сифати юқори бўлса экспорт самарали бўлади” [1].

Буни сўнгги йилларда қабул қилинаётган қарорларда ҳам кузатишимиз мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида “Солиқ юкини камайтириш ҳисобига барчага бир хил адолатли солиқ режимини жорий этиш, солиқ имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилиш лозим. Зеро, берилган имтиёз рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётганини тадбиркорларнинг ўзлари ҳам эътироф этмоқдалар.” деб таъкидлаган бўлса, 2020 йил 19 июндаги “Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида”ги ПФ-6011-сон Фармони билан барча имтиёзлар қайта кўриб чиқилди. Бу каби ислоҳотлар иқтисодиётни ривожлантириши, бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг кириб келиши билан биргаликда, тадбиркорларни изланишга мажбурлашнинг бозор таомили ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бугунги кунда долзарб вазифалар қаторига олиб чиқилаётган тармоқлардан бири

бу пиллачилик тармоғи бўлиб, бунга унинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлишини таъминлайдиган соҳа, бошқача қилиб айтганда ипак толасининг сифати, таннарҳи ҳамда техник кўрсаткичларининг негизи ҳисобланган ипак қурти уруғчилик соҳасини ривожлантириш орқали эришиш мумкин.


Бугунги кунда ипакчилик тармоғида жами 84 та корхоналар фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 65 таси маъсулияти чекланган жамиятлар, 12 таси фермер хўжаликлари, 4 таси хусусий корхоналар, 2 та ширкат хўжаликлиари, 1 та унитар корхонадан иборат бўлса, шулардан ипак қурти уруғини ишлаб чиқраувчи корхоналар сони жами 9 тани ёки 10,7 фоизини ташкил этади (1-расм).

Ипак қурти уруғчилиги тизими ҳам узоқ ийллик бой тажрибасига қарамасдан, ўтиш даври иқтисодиётига ҳос бўлган ҳолда бозорнинг рақобат шароитида нисбатан паст дараҷадаги ўсиш динамикасига эга бўлаётган соҳалардан эди. 2017 йилдан эътиборан эса, соҳага берилаетган алоҳида эътибор, яратилаётган имкониятлар ҳамда имтиёзлар натижасида ўтган давр мабойнида ипак қурти уруғчилигининг техник ва технологик базаси мустахкамланди, ташкилий-иктисодий механизмлари ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Аммо, юқорида таъкидланганидек имтиёзлар ва имкониятлар ҳам доимий эмас, маълум босқичга келиб ўзининг муддати ва таъсирчанлигини тутатади. Жумладан, пиллачилик тармоғини ривожлантиришга оид барча қарорларда имтиёзлар маълум муддат амал қиласи (1-жадвал).

Ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги доим давлат кўмаги, қўллаб-куватла-

Калит сўзлар: ипак қурти, уруғ, пиллачилик тармоғи, рағбатлантириш, қўллаб-куватлаш, ислоҳотлар, уруғланиш босқичлари, бозор механизмлари, қарор, унитар корхона.



1-расм. Ипакчилик тармоғида фаолият юритаётган корхоналар сони ва уларнинг ихтисосолашуви, дона

ши орқали ривожланиб келаётган бўлсада, АҚШ, ЕИ давлатларида рағбатлантиришнинг манзилли дастаклардан кўра маълум механизмларга боғланган тизимини қўллашга устуворлик берилади [2]. Жумладан, Европа Иттифоқи давлатларида қишлоқ хўжалиги корхонасига бериладиган имтиёзлар манзилли эмас, балки ишлаб чиқариш корхонасининг иқтисодий кўрсаткичларига боғланган ҳолда ташкил этилади. Мисол учун чорвачилик корхонаси давлатнинг имтиёзли дастакларидан фойдаланиши учун ишлаб чиқариш ҳажми ва йиллик товар айланмасига маълум мезонлар қўйилади. Мана шу мезонларга эриша олган корхонагина давлатнинг имтиёзларидан фойдалана олади. Мазкур меҳназимнинг амал қилиши учун эса иқтисодиёт қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим.

- тармоқда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар аниқ, шаффоф режимда ишлайдиган ва ишончли бўлиши;

- ишлаб чиқариш кўрсаткичлари мамлакат бўйича ягона шакл ва меъёрлар асосида юритилиши;

- ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ўзгартирган ёки бузуб кўрсатган ҳолатлар юзасидан қатъий хуқуқий жавобгарликнинг мавжудлиги ва амал қилиши;

- корхона фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан, шу жумладан имтиёз олаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси тўғрисидаги рақамлардан исталган корхона очиқ маълумотлар базасидан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиши ва бошқалар.

Мамлакатимизда ипак қурти уруғчилиги тизими корхоналарини рағбатлантириш, давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимининг бозор механизмларини жорий этишда манзилли қарорлар ва меъёрий хужжатлар орқали

тадбиқ этилишидан кўра, аниқ иқтисодий кўрсаткичларига боғланган, бозор таомилларига асосланган таъсирчан дастакларнинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Аммо, ипак қурти уруғчилиги корхоналарида бу каби рағбатлантириш дастакларини қўллашга салбий таъсир этувчи бир қанча омиллар мавжуд бўлиб, уни умумий ҳолда қўйидагича изоҳлаш мумкин.

- ипак қурти уруғчилиги корхоналари ишлаб чиқарилаётган уруғлар ички бозорлардаги талабнинг нисбатан кичик ҳажмдаги улушинигина қоплай олаётганлиги;

- ипак қурти уруғчилиги корхоналарида уруғ сифати ва унинг кейинги босқичлардаги сифат кўрсаткичлари таъминланишига оид занжирда узилишлар кузатилиши;

- ипак қурти уруғчилиги корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг ягона методикаси ишлаб чиқилмаганлиги ва бошқалар.

Юкоридаги ҳолатлар натижасида тармоқда давлатнинг қўллаб-куватлаш дастакларини, имтиёзларни жорий этишнинг ривожланган давлатлар қатори бозор тамойилларига асосланган методларини жорий қилишга тўсқинлиқ қилиб, истиқболда ёки имтиёзларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, ёки имтиёзлардан фойдаланмаган ҳолда ички бозорда рақобатга бардош бера олмаслик ҳолатлари кузатилади. Шу кунгача хорижий инвестициялар хисобига барпо этилаётган тармоқлар учун имтиёзларнинг муддатини узайтириш амалиёти қўлланилмоқда ва истиқболда ҳам шу амалиёт қўлланилиш эҳтимоли юқори. Фикримизча, бу ҳолатда давлат сиёсатини юритишнинг уч босқичга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Унга кўра:

- биринчи босқичда давлатнинг манзилли дастурлари асосида имтиёзларнинг қўлланилиши;

- иккинчи босқичда аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш, аниқ иқтисодий кўрсаткичларга боғланган ҳолда танланган корхоналарда бозор тамойилини жорий этиш;

- учинчи босқичда эса иккинчи босқичда амалга оширилган ишларни бутун тармоқ амалиётида қўллаш орқали давлат томонидан

1-жавдал. Пиллачилик тармоғига берилган имтиёзлар ва уларнинг амал қилиш муддатлари

№	Хужжат рақами ва санаси	Берилган имтиёзлар	Имтиёзнинг амал қилиш муддати
1	ПҚ-4047-сон 04.12.2018	«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига киравчи ташкилотлар молмулк ва ер соликларини тўлашдан озод этилган.	2023 йил 1 январгача
2		Пиллачилик тармоғи корхоналарига экспорт килишда хаво ва темир йўллари транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизигача мидорини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилди	
3	ПҚ-4411-сон 31.07.2019	Хом ипак ва ипак момифи маҳсулотларини комиссioner орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида экспорт улуши 15 фоиздан юкори бўлган юридик шахслар солик солинадиган базани юридик шахслардан олинадиган фойда солиги бўйича ҳамда ягона солик тўлови бўйича камайтирадилар.	2022 йил 1 августга қадар
4		«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан ипак қурти уруғларини, истисно тариқасида, божхона режимига жойлаштиришга рухсат берилсин ҳамда олиб чиқилиши натижасида тайёрланган пиллаларни республика худудига олиб киришда божхона тўловларидан озод этилди.	2022 йил 1 августга қадар
5		Ипак қурти ургуни ишлаб чиқариш, пиллани етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлаш, тайёр ипак маҳсулотлар ҳамда пиллачилик тармоғи учун ёрдамчи материалларни (сунъий пилла ўраш дасталари) ишлаб чиқаришдан олинадиган даромадлар — юридик шахсларнинг ягона солик тўловини тўлашдан озод этилган.	
6	ПҚ-2856-сон 29.03.2017	«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига киравчи ташкилотлар ҳамда ипак қурти ургуни ишлаб чиқариш, пиллани тайёрлаш ва қайта ишлаш ташкилотлари томонидан олиб келинадиган пилла йигириш ва ипак газлама тўкиш дастгоҳларининг эҳтиёт қисмлари, тут дараҳти ургу ва кўчатлари, ипак куртининг суперэлита, элита ва саноат уруғлари белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилган.	2023 йил 1 январгача
7		Уй шароитида тирик пилла етиштириш билан шуғулланувчи (касаначи) лар — жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги тўлашдан озод этилган.	
8		Пилла етиштирувчи ташкилотлар — пилла етиштириш билан шуғулланувчи касаначилар ва бошқа ишчи-пиллакорлар меҳнатига ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағлари бўйича ягона ижтимоий тўловдан озод этилган.	

қўллаб-куватлаш механизmlарини жорий этиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги 4-5 йилда иқтисодиёт тармоқларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Аммо, бу ҳам доимий эмас ва рақобатга асосланган бозор механизmlарининг жорий этилиши аниқ. Шу боис,

ипак қурти уруғчилиги тизими бунга тайёр туриши ҳамда давлат томонидан қўллаб-куватланишининг замонавий механизmlарини ўзида жорий этишнинг имкониятларини, илмий асосларини ҳамда ташкилий-техник имкониятларини мослаштириб бориши мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. a.uz/uz/politics/shavkat-mirziyoyev.../raqobat-
2. https://ec.europa.eu/commission/presscorner/detail/en/ip_20_1259
3. <https://www.investopedia.com/terms/e/economic-stimulus.asp>
4. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, www.lex.uz

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хамид АБДУРАМАНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби
мустақил изланувчиси, и.ф.н., проф.

Аннотация: Мақолада қишлоқ жойларида ички ва ташқи меҳнат миграциясининг келиб чиқиши сабаблари ва бугунги ҳолати илмий таҳлил қилинган ҳамда ташкиллаштирилган меҳнат миграциясини самарали ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В статье проведён анализ причин возникновения и текущего состояния внутренней и внешней миграции в сельской местности, а также разработаны предложения и рекомендации по эффективной организации организованной трудовой миграции

Abstract: The article analyzes the causes and current state of internal and external migration in rural areas, as well as developed proposals and recommendations for the effective organization of organized labor migration.

Ўзбекистон Республикасида доимий аҳолининг 49,4 фоизи қишлоқ аҳолисининг улушкига тўғри келади. Ўзбекистонда меҳнат ресурслари сони 18666,3 минг кишини ташкил этиб, унинг 8716,8 минг нафари ёки 46,7 фоизи қишлоқ жойларида яшайди [1]. Республикадаги ишсизларнинг асосий қисми (73,4 фоизи) қишлоқ жойларига тўғри келади. Қишлоқ жойларида иш ўринларининг етарли эмаслиги, ишчи кучи баҳосининг арzonлиги, қониқарли меҳнат даромадларига эга бўлмаслиги, яшаш шароитининг пастлиги, мутахассислар бўйича иш жойларининг камлиги, касбий малакасини иш ўринларига тўла мос келмаслиги меҳнат миграциясини келтириб чиқармоқда.

Мамлакат ичидаги меҳнат миграцияси ишчи кучининг қишлоқлардан шаҳарларга, туман маркази ва шаҳарчалардан бошқа йирик шаҳарларга, бир вилоятдан бошқа вилоятга каби йўналишларда бўлиши мумкин. Меҳнат миграциясининг йўналишлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, жойлашиши, иқтисодиёт тармоқларининг ишчи кучи билан таъминланганлик ҳамда аҳолисининг турмуш даражасидаги тафовутлар билан белгиланади.

Мамлакат минтақалари бўйича ички меҳнат миграцияси 8,9 фоизга тенгdir. Ички меҳнат миграциясида йирик шаҳарлар реципиентлар (кучиб келаётган аҳолини қабул қи́лувчилар) вазифасини ўтамоқдалар. Хусусан, ички миграциянинг 70,0-80,0 фоиз Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келмоқда [2].

Ўзбекистонда қишлоқ ички меҳнат миграцияси учун мавсумийлик ва тақорорийлик хусусиятлари хос. Бу турдаги ишчи кучи ҳаракатини асосан қишлоқ аҳолиси (80,5%) вужудга келтирмоқда. Бунинг асосий сабаби бўлиб ишчи кучи таклифининг ортиши ва иш ўринлари-

нинг этишмаслиги ҳисобланади. Шунингдек, қишлоқ ишчи кучининг катта қисми қишлоқ хўжалигига сафарбар этилганлиги ва мазкур тармоқдаги ишларнинг мавсумий характерга эгалиги мамлакатда ички меҳнат миграцияни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Қишлоқ жойларида ишчи кучининг ташқи меҳнат миграцияси расмий ва норасмий кўринишга эга бўлади. 2010 йилда расмий ташқи меҳнат миграцияси улушки 17,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 2,0 фоизни ташкил этган [3]. Ўз навбатида, норасмий кўринишдаги ташқи меҳнат миграцияси улушки мос равища 83 ва 98 фоизга тенг бўлган.

Ўзбекистонда Корея Республикаси, Россия Федерацияси, Туркия, БАА, Болгария, Польша, Япония мамлакатлари билан расмий кўринишдаги қишлоқ аҳолисини ташқи меҳнат миграцияси ўйлга қўйилган

2010-2019 йиллар давомида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги орқали чет элга ишга жойлаштирилган қишлоқ фуқаролари сони 5066 нафардан 1810 нафарга ёки 64,3 фоизга қисқарган. Шуни алоҳида таъқидлаш жоизки, 2010-2016 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фақат 2 та мамлакат – Корея ва Россияга ишлашга жўнатилган бўлса, 2017 йилдан бошлаб расмий меҳнат миграциясининг географияси кенгайган. Яъни, Япония, Туркия, Польша ва Болгария мамлакатлари ҳам кўшилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августрдаги ПФ-5785-сон “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чорала-ри тўғрисида” Фармонига мувофик қўйидаги

Калит сўзлар: меҳнат миграцияси, меҳнат ресурслари, ишчи кучи, вақтинчалик меҳнат фаолияти, бандлик агентлиги, демографик тенденция, прогноз, кичик бизнес.

Меҳнат миграцияси

мухим чора-тадбирлар белгиланган [4]:
– уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига 2020 йилда кўп квартирали уйлардан республика бўйича жами 3 462 та хонадон ажратиш;
– меҳнат мигрантларига 2019–2020 йилларда 10 фоиз, 2021 йилда 12 фоиз ставкада 2 млн сўм миқдорида 1 йил муддатга микроқарзлар бериш;

– йилига 1 маротаба меҳнат мигрантлари ҳаёти ва соғлигини суғурталаш бўйича суғурта мукофоти суммасини қоплаш учун ҳар бир меҳнат мигрантга 50 минг сўм миқдорида бир марталик субсидиялар тақдим этиш амалиёти жорий этиш.

Келгусида Россия Федерацияси – Екатеринбург, Новосибирск, Волгоград, Пятигорск, Туркияниң Истанбул, Қозоғистоннинг Нур Султон ва Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳарларида Агентлик ваколатхоналари очилди.

Россия Федерацияси худудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишга руҳсатнома (патент) тайёрлаш, расмийлаштириш ва бериш хизматларини кўрсатиш ваколатига эга булган Россия органдари ва ташкилотларининг филиаллари (фронт – офислари) ташкил этилади.

Манба: жадвал муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Бандлик агентликлари тўғрисида» – ги Қонуни билан фуқароларни иш билан таъминлаш соҳаси хусусий секторга ҳам берилди.

Хусусий бандлик агентликларига фуқароларга қўйидаги 4 та хизмат турини кўрсатиш ваколати берилди: Ўзбекистон Республикаси худудида иш қидираётган шахсларга иш танлаш; маҳаллий ва хорижий иш берувчилар учун кадрлар танлаш; Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш; ишга жойлаштириш соҳасида ахборотлар бериш ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш [5].

2019 йил ва 2020 йилнинг ўтган даврида 103

та юридик шахс хусусий бандлик агентлиги сифатида реестрдан ўтган бўлиб, 74 та хусусий бандлик агентлиги фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш хукуқини берувчи лицензия олган, улардан 20 тасини лицензияси фаолиятларини сифатсиз ташкил этганликлари сабабли ва 11 таси қонунбузарликларга йўл қўйганликлари учун бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, сўнгги йилларда қишлоқ ташки мөхнат мигрантларини миқдори ортиб бормоқда (жадвал).

Жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларидағи ташки мөхнат мигрантларини миқдорий ўзгариши, киши

№	Худудлар номи	Таҳлил даври					2019 йилда 2010 йилга нисбатан, +,-
		2010 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	
	Ўзбекистон Республикаси бўйича жами, шу жумладан:	306839	1123643	1250191	2260278	2349519	+2042680
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	19546	34409	33471	144216	157083	+137537
2.	Андижон вилояти	40263	155144	192279	305086	299168	+258905
3.	Бухоро вилояти	37481	77026	108173	133148	155580	+118099
4.	Жizzах вилояти	2417	30063	38046	73638	81316	+78899
5.	Қашқадарё вилояти	21263	98258	96487	177803	212487	+191224
6.	Навоий вилояти	36147	15166	16452	36389	40154	+4007
7.	Наманган вилояти	24083	158168	124269	200573	218179	+194096
8.	Самарқанд вилояти	36148	147289	186346	341150	322971	+286823
9.	Сурхондарё вилояти	19268	75615	72379	163184	196763	+177495
10.	Сирдарё вилояти	4517	33194	39038	68815	76092	+71575
11.	Тошкент вилояти	10143	75389	106603	178382	122518	+112375
12.	Фарғона вилояти	28072	140835	168146	283618	297487	+269415
13.	Хоразм вилояти	27491	83087	68502	154276	169721	+142230

Ўзбекистон Республикаси Бандлик агентликлари асосида тузилган.

спубликенинг

«Хусусий бандлик агентликларига тўғрисида» – ги Қонуни билан фуқароларни иш билан таъминлаш соҳаси хусусий секторга ҳам берилди.

Жадвалдан кўринадики, таҳлил қилинаётган даврда қишлоқ ташки мөхнат мигрантларини сони мөхнат ресурслари тақчил бўлган Жizzах, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида нисбатан камроқ ўсган.

Шунингдек, қишлоқ ташки мөхнат мигрантларининг миқдорий кўпроқ ўсиши мөхнат ресурслари билан кўп таъминланган Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган ва бошқа вилоятлар ҳиссасига тўғри келади.

Кишлоқ ички мөхнат мигрантларини прогноз кўрсаткичларига эришиш ва уларни норасмий иш билан бандликни камайтиришга бевосита таъсирини ошириш бўйича қўйидаги

самарали чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ишчи кучи етишмайдиган худудларда ички меҳнат мигрантлари учун моддий рағбатлантирувчи янги иш ўринлари ташкил этиши кўпайтириш;

- қишлоқ жойларида узоқ муддатли демографик тенденцияларни таҳлил қилиш, меҳнат ресурслари билан кам таъминланган худудларни ишчи кучига бўлган талабларини чукур таҳлил ва комплекс прогноз қилиш ва шу асосда аҳолининг ички миграцияси кўламларини аниқлаш;

- ички меҳнат мигрантларининг имтиёзли туар-жойга эга бўлиши ва ижтимоий инфратузилма обьектлари хизматлари билан таъминлаш;

- кичик ва ўрта шаҳарлар урбанизациясини ривожлантириш асосида қишлоқ ички меҳнат мигрантлар фаоллигини ошириш;

- рўйхатдан ўтиш тизимидағи ўзгаришларни хисобга олган ҳолда қишлоқ-шаҳар йўналишлари бўйича ички меҳнат миграциясини ташкил этиш;

- ички меҳнат мигрантларига иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва хуқуқий ёрдам бериш асосида меҳнат ресурслари билан кам таъминланган худудлардаги моддий рағбатлантирувчи иш ўринларига тизимли жойлаштириш;

- вақтинчалик бир марталик ишга жойлаштириш марказлари фаолиятлари самара-дорлигини ошириш;

- ички меҳнат мигрантларни норасмий иш билан бандликни камайтиришини ташкилий-иқтисодий кўллаб-куватлаш;

- қишлоқ туманлари ҳокимиётлари ва маҳалла ва оиласларни кўллаб-куватлаш кенгашлари ички меҳнат мигрантларнинг оиласларга сифатли яшаш ва ишлаш шароитларини яратишга, моддий рағбатлантирувчи ишларга жойлаштиришга ва кичик бизнес ва оиласлар тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун тижкорат банкларидан имтиёзли кредитлар олишларига амалий ёрдам кўрсатиш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Ички меҳнат миграцияси тўғрисида” қонунини

ишлаб чиқиш ва унинг сифатли ижросини таъминлаш.

Қишлоқ ташқи меҳнат мигрантларини прогноз кўрсаткичларига эришиш ва уларни норасмий иш билан бандликни камайтиришга бевосита таъсирини ошириш бўйича қуйидаги самарали чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- кафолатланган иш ўринлари ва юқори иш ҳақлари таклиф этган хорижий иш берувчилар билан ташкилий-иқтисодий ва хуқуқий алоқаларни мустаҳкамлаш ва улар билан халқаро стандартларга жавоб берадиган тегишли шартномаларни (контрактларни) тузиш;

- бўлажак ташқи меҳнат мигрантларининг хорижий тиллар ўрганиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш сифатини мазмунан яхшилаш;

- ташқи меҳнат мигрантларини кафолатланган яшаш жойлари ва ижтимоий сугурталанган соғлиқни сақлаш хизматлари билан таъминланишини ташкилий-иқтисодий ва хуқуқий кўллаб-куватлаш;

- ортиқча ишчи кучини талабгор хорижий давлатларга ташкиллаштирилган экспорт қилинши сифатли амалга ошириш;

- қишлоқ худудларидаги бандликка кўмаклашиш марказлари таркибида ташқи меҳнат миграцияси бўлимларини ташкил этиш ва уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш;

- хусусий бандлик агентликлари фаолиятлари сифатини ошириш ва уларнинг қонунийлигини таъминлаш;

- ташқи меҳнат мигрантларини рўйхатдан ўтиш, яшаш ва иш жойлари билан таъминлаш, иш берувчилар билан низоларини барта-раф этиш, ирқий камситишни олдини олиш, иш ҳақларини ундириб бериш каби асосий муаммоларни хал этишда тегишли ташкилотларни амалий-ташкилий-хуқуқий ёрдамлари самарадорлигини ошириш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида” қонунини ишлаб чиқиш ва унинг сифатли ижросини таъминлаш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Демографик ҳолат // www.stat.uz.
2. Ш.Р. Холмўминов, К.З. Хомитов, Н.У. Арабов, Ж.Х. Бобаназарова, Х.Х. Абдурамонов. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари (монография). -Тошкент: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2018. – 39-б.
3. Холмўминов Ш.Р., Абдурамонов Х.Х. Қишлоқ аҳолисининг ташқи ва ички меҳнат миграцияларини самарали ташкил этиш. // “Biznes-Эксперт” журнали. №9, 2018 йил. – 42-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги ПФ-5785-сон “Хорижда вактинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида” Фармони // www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Қонуни // www.lex.uz.

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТТА ЎТИШ ОРҚАЛИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Гузал АДИЛОВА,

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти докторанти, и.ф.н.

Аннотация: Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг самарадорлигини ошириш масалалари рақамли иқтисодиётга ўтиш, ақлли қишлоқ хўжалигини ташкил этишда тўлиқ инновацион комплекснинг тизим тоифалари билан боғлиқ. Мақолада қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муаммоларни аниқлаб, «аклли» қишлоқ хўжалигининг инновацион технологияларини жорий этишни асослаб берди.

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы повышения эффективности аграрной экономики за счет перехода к цифровой экономике, системные категории полного инновационного комплекса в организации интеллектуального сельского хозяйства. В частности, автор выявил проблемы в аграрном секторе, обосновал внедрение инновационных технологий «умного» сельского хозяйства.

Abstract: The article deals with the issues of improving the efficiency of the agricultural economy due to the transition to the digital economy, system categories of a complete innovation complex in the organization of intelligent agriculture. In particular, the author identified problems in the agricultural sector, justified the introduction of innovative technologies of «smart» agriculture.

Ўзбекистон Республикасининг жами ер фондининг 45 фоизи қишлоқ хўжалиги га мўлжалланган ерлар тоифасига киради, 50 фоизга яқин аҳоли эса қишлоқ жойларида истиқомат қиласди. Республикада иқтисодиётни либераллаштириш, реал сектор тармоқларида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш ва соддалаштириш, тадбиркорларни ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича стратегик мақсадли ва изчил тадбирлар олиб борилмоқда.

Охирги йилларда соҳада тизимли тадбирлар ва давлат томонидан қўллаб-куватлаш амалга оширилиши ҳисобига сезиларли дарражадаги натижаларга эришилди. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Ақлли қишлоқ хўжалиги”ни ишлаб чиқиши ва жорий этиш доирасида ахборот-коммуникация технологияларини амалга ошириш тадбирлари қисми бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилаётган “Рақамли Ўзбекистон-2030” Миллий стратегияси билан интеграциялаш мақсадида унинг самарадорлигини кескин ошириш учун “Ақлли қишлоқ хўжалиги” дастури иштирокчиларига кенг тармоқли, мобиъл алоқа, информацион технологиялар (ахборот маълумотлари, сунъий интеллект,

бошқариш платформаси), маҳаллий ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналарни (тамға, контроллер, датчик, бошқариш элементлари) қўллаш имкониятларини яратиб бериш вазифаси белгиланган.

Бу борада, рақамли янгиликлар ва технологиялар ечимнинг бир қисми бўлиб хизмат қиласди. «Тўртинчи саноат инқилоби» (саноат 4.0) деб номланувчи Блокчайн, нарсалар Интернети, сунъий интеллект каби рақамли технологииларни тез ўзгариб турадиган бир нечта иқтисодий тармоқларга жорий этиш кўзда тутилган бўлиб, бу орқали бутун бир иқтисодиётни рақамли иқтисодиётга ўтказилиши кўзда тутилган. [1]

Қишлоқ хўжалигида ҳам XX асрда саноатни механизациялаштиришга ўхшаган инқилобни, янги технология тўлқини келтириб чиқариши «Қишлоқ хўжалиги 4.0» атамасини пайдо бўлишига асос бўлмоқда. Ушбу инқилоб қишлоқ фермер хўжаликлари фаолиятида ахборот технологияларини жорий этиш ва озиқовқат таъминотига чамбарчас боғлиқ бўлган янги тармоқларни яратишга ҳамда қўл меҳнатини аста-секин механизациялаштиришга алмаштириш имконини беради.


Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида мобиъл технологияларнинг тарқалиши, масофадан зондлаш хизматлари ва тарқатилган компютерлар кичик бизнес субъектларининг

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, рақамли технология, экспорт, импорт, ақлли қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат соҳаси, фермерлик фаолияти.

маълумот, кириш, бозор, молия ва кадрлар тайёрлаш имкониятларини яхшиламоқда. Таъкидлаш жоизки, рақамли технологиялар кичик мулқорларни рақамли равишда ишлаб чиқариладиган agrofood тизимига интеграциялаш учун янги имкониятларни яратмоқда.

Бундан ташқари, бундай интеграциялашув қишлоқ хўжалиги учун ҳам, умуман олганда жамият учун ҳам фойдалари бўлади ва нафақат озиқ-овқат ишлаб чиқариш, балки иқдим ўзгариши ва глобал соғлиқ учун ҳам фойда келтиради.

Қишлоқ хўжалиги тармоғини рақамлаштиришнинг мумкин бўлган фойдалари ишончли, қишлоқ хўжалиги тармоқлари жамоалар ва табиий ресурсларни бошқариш тизимларини тубдан ўзгартиришни талаб қиласди. Бу қийин вазифа бўлиб, тўлиқ самарага эришиш учун тизимли ва яхлит ёндашувни талаб қиласди (1-расм).



1-расм. Ақли қишлоқ хўжалигини ташкил этишда тўлиқ инновацион комплекснинг тизим тоифалари

Турли вазиятларда қишлоқ хўжалигида рақамли иқтисодиётни шакллантирадиган бир нечта шартлар мавжуд бўлиб, биринчи асосий шартлар сифатида технологиялардан фойдаланиш учун зарур бўлган таълимда АКТ ва рақамли стратегиялар учун қўллаб-куватланадиган сиёсат ҳамда дастурлар (электрон ҳукумат)ни мавжудлиги, уланиши, арzonлиги каби минимал шартларга эътибор қартишни талаб этади.

Иккинчидан, интернет, мобиль телефонлар ва ижтимоий медиадан фойдаланиш, рақамли кўнималар ҳамда агропреневриал ва инновацион маданиятни қўллаб-куватлаш (истеъдодларни ривожлантириш, инкубатор ва акселератор дастурларини ўз ичига олган спринт дастурлари)ни ўз ичига олган қулагай шарт-шароитлар технологияларни қабул қилишни янада осонлаштирадиган омиллар таркибини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигида рақамли технологиялардан фойдаланиш учун бир қатор асосий шартлар мавжуд бўлиб, бунинг учун қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини рақамли иқтисодиётга ўзгартиришда инфратузилма ва уланиш (мобиль уланиш, тармоқ қамрови, интернет ва электр таъминоти), арzonлик, маъ-

лумот олиш (саводхонлик, АКТ бўйича таълим) ҳамда институционал қўллаб-куватлаш позим.

Қишлоқ жойларда рақамли технологияларни жорий қилиш ўзига яраша қийинчилик туғдириб, кўпгина ҳолларда инфратузилманинг чекка қишлоқ жамоаларида ва туб аҳоли истиқомат қиласига ўз аксини топади. ИТ инфратузилмаси билан боғлиқ харажатлар, айниқса ривожлананаётган ва паст ривожланган мамлакатларда, кам таъминланганлик даражаси юқори бўлган қишлоқ жойларда, катта қийинчиликларни юзага чиқармоқда. Урбанизациянинг ошиши дунё бўйлаб таълим олиш ва иш билан таъминлаш имкониятлари чеклашга энг асосийси, қишлоқ аҳолисининг камайишига олиб келмоқда.

Албатта, рақамлаштириш даврида ахборот ва коммуникация технологиялари (АКТ), масалан уяли телефонлар ва компьютерлар, одамлар билим ва маълумотларга киришлари, бизнес қилишлари ҳамда хизматларидан фойдаланишлари учун инқилобга эга бўлишиди. Шунга қарамай, давлатлар ичida ҳам, улар ўртасида ҳам рақамли тафовутлар сақланиб қолмоқда. Сўнгги йилларда глобал миқёсида мобиль уяли алоқа обуналари ўсиб бормоқда. 2013 ва 2018 йиллар орасида 1 миллиард янги уяли алоқа абонентлари пайдо бўлди ва дунё аҳолисининг 67 фоизи ҳозирда уяли алоқа хизматларига обуна бўлмоқдалар (GSMA, 2018c; 2019a). Шунга қарамай, номутаносиб равишида қишлоқ ва олис жойларда жойлашган 3,8 миллиард одам ҳанузгача оффлайн режимда қолмоқда (GSMA, 2018c).

Яна бир муаммо шундаки, қишлоқ жойларда тармоқ қамрови чекланганлигича қолмоқда. 4 G глобал миқёсида энг кенг тарқалган мобиль алоқа бўлишига ва 90% 3 G ёки ундан юқори сифатли тармоқ орқали интернетга уланишига қарамай, LDC (кам ривожланган давлатлар) ларда қишлоқ аҳолисининг атиги учдан бир қисми 3G тармоқлари билан қамраб олинди (GSMA, 2019a).

Смартфон истеъмолчилар учун Интернетга киришнинг асосий воситасига айланди. Телефонлар нархининг пасайиши ва «тўлаш керак бўлган пул тўлаш режалари» каби янгиликлар, мобиль қурилмалар, шу жумладан қишлоқ жамоалари учун ҳам тобора арzon бўлаётганлигини англатади (Hahn va Kibora, 2008). Дунёдаги энг камбағал уй хўжаликлари орасида ҳар ўнтадан 7 тасида уяли телефон бор (ITU, 2018). Бироқ, бу барчасининг телефони ҳам веб-қўллаб-куватланадиган смартфонлар эмас.

Сўнгги йилларда ривожланган мамлакат-


Рақамли иқтисодиёт

ларда смартфонга әгалик қилиш ва мобиЛЬ кенг полосали фойдаланишни тез суръатлар билан ўсаётганига қарамай, ривожланған мамлакатларда бўлгани каби, ривожланған мамлакатларда ҳар 100 аҳолига мобиЛЬ кенг полосали обуналар ҳали ҳам икки баравар кўп (2-расм).

Имкониятлилик кам ривожланган давлатларларда смартфонга әгалик қилишида асосий тўсиқ бўлиб, бу ерда кенг полосали мобиЛЬ алоқа режаси ўртacha жон бошига ўртacha ялпи миллий даромаднинг 60 фоиздан кўпроқни ташкил этади (ITU, 2017).

Рақамли технологиялардан фойдаланиш асосий заводхонлик ва ҳисоблашни, шунингдек маҳсус техник билим ҳамда кўникмаларни талаб қиласди. Бундай ваколатларга эга бўлмаган одамлар тобора кўпроқ рақамли бошқарувга эга жамиятлардан четга чиқиб қоладилар.

Қишлоқ жойларда инфратузилма ва ресурсларнинг етишмаслиги кўпинча таълим сифатини чеклайди. Бу ўз навбатида таълим самарадорлигини ва машғулотларга қатнашиш кўрсаткичларининг пасайишига ҳамда таълимни эрта тарк этишга олиб келади. Бундан ташқари, кўпгина қишлоқ жойларда ёшлардан мактабга кам вақт сарфлайдиган иш талаб қилинади. Шу сабабли қишлоқ жойларида, хусусан, кам ривожланган давлатларларга қаранганди, таълим олиш даражаси кўрсаткичлари пастроқ (3-расм).



3-расм. Урбанизация даражасига караб турли хил йилларда олий маълумотга эга бўлган аҳоли улуши 2018 йил

аҳолисининг улуши 15 %ни, қишлоқ жойларда эса 8 %га тенг бўлганлиги асосий заводхонлик ва аҳборотнинг йўқлиги рақамли технологиялардан фойдаланиш учун жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилишини англатади.

Бундан ташқари, рақамли технологиялардан фойдаланиш учун «рақамли заводхонлик» жуда муҳимдир. Талабалар ўзларининг таълим ва кундаклик ҳаётларида илфор технологиялар ва рақамли кўникмалардан мунтазам фойдаланадиган кўплаб ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, АҚТ билимлари ва кўникмалари кам ривожланган давлатларларда ортда қолмоқда. Кўпгина кам ривожланган давлатлар ва ривожланған мамлакатларда, базавий компьютер курслари бошлангич ёки ўрта таълимга кўшилмаган, чунки ҳукуматлар ва хусусий сектор аллақачон янги рақамли кўникмаларни яратишга маблағ сарфлашдан кўра, малакали ишчиларни жалб қилишини афзал кўришади.

Рақамлаштириш agrofood занжирининг ҳар бир қисмини ўзгариши имконини бериб, тизимдаги ресурсларни бошқариш юқори даражада оптималлаштирилган, индивидуаллашган, ақсли ва олдиндан сезгир бўлиш имконини беради. У реал вақт режимида маълумотларга асосланиб, гипер уланадиган тарзда ишлайди. Натижада, қиймат занжирлари энг аниқ даражаларда кузатилиши ва мувофиқлаштирилиши, шу билан бирга турли хил далалар, экинлар ҳамда

ҳайвонлар учун мақбул рецептларини аниқ бошқариш мумкин бўлади. Рақамли қишлоқ хўжалиги юқори ҳосилдорлик, олдиндан кутадиган ва иқлим ўзгариши натижасида юзага келадиган ўзгаришларга мослашадиган тизимларни яратади натижада озиқ-овқат хавфисизлиги, даромадлилик ва барқарорликни оширишга олиб келади.

Шунингдек, барқарор ривожланиш мақсадлари контекстида рақамли қишлоқ хўжа-



2-расм. Обуначиларнинг кириб бориши ва смартфонларнинг қабул қилиниши (%) минтақалар бўйича, 2018 йил.

Маълумот мавжуд бўлган 60% мамлакатларда ёшлар заводсизлиги йўқ қилинган ёки деярли барҳам берилганига қарамай, кўплаб қишлоқ жойларда, айниқса аёллар орасида заводхонлик пастлигича қолганлигини кўриш мумкин. 3-расмда келтирилган маълумотлар бўйича 128 та давлат ичида 1-ўринда Кипр, 2-ўринда Греция ва 3-ўринни Болгария әгалаган бўлса, 86-ўринни Ўзбекистон Республикаси шаҳарларида олий маълумотга эга бўлган

лиги хўжаликнинг маҳсулдорлиги, иқтисодий самарадорлиги ва бозор имкониятлари, ижтимоий, маданий манфаатлар, иқтисодий алоқалар ҳамда инклузивликни ошириш ва ресурслардан оптималь фойдаланиш орқали иқтисодий фойда келтиришни таъминлайди.

Рақамли иқтисодиёт шароитида маълумотлар алмашинуви нуқтаи назаридан, фермерларнинг фойдаланишга халақит бермоқда. Технологияларни мослаштириш имкониятлари чекланган бўлиб, кўпинча турли маркалардаги қишлоқ хўжалиги техникаларидан биргаликда фойдаланиш мумкин эмаслиги, ҳар бир фермер хўжаликларининг алоҳида ҳолатда инвестиция лойиҳаларига сармоя киритиш бўйича мустақил танловни амалга оширишни талаб этади. Фермерларни ушбу қарорларни қабул қилишда қўллаб-куватлаш учун мустақил маслаҳат хизматларни такомиллаштириш лозим.

Иқтисодиётни рақамлаштириш компютер технологиялари кўникмаларини талаб қиласди. Шу сабали, ҳозирги кунда рақамли қурилмаларни қандай бошқаришни биладиган, қандай натижаларга эришиш кераклигини тушундиган ва дастурларни ишлаб чиқишга қодир бўлган мутахассислар керак. Улар нафақат ўқиш ва ҳисоблаш қобилиятига, балки алоқа ва маъ-

лумотлар билан ишлаш кўникмаларига ҳам эга бўлишлари талаб этилади.

Рақамлаштириш иш бажариладиган жойни ва ишнинг моҳиятини ҳам ўзгартириши мумкин, ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларининг даражаси ҳар хил бўлганлиги сабабли, бундай ўзгаришлар турли соҳаларда ишлайдиган мутахассисларга таъсир қилиши мумкин. Бунинг учун фермерлар ўзларининг фермерлик фаолияти учун илгор тажриба ва технологияларни баҳолаш ҳамда тадбиқ қилишни ўрганишлари учун фермерларга йўналтирилган рақамли кўникмаларни ўқитиш модели ишлаб чиқилиши зарур.

Инновация ва рақамлаштиришни жадаллаштиришнинг энг муҳим омили сифатида таълим лойиҳасини қайта кўриб чиқилиши керак. Таълим соҳасидаги тадқиқотлар ва инновацион технологик ишланмалар ҳамда инновацияларни рағбатлантиришда ҳукуматлар илмий-тадқиқот ишларига маблағ ажратиш, маҳаллий илмий-тадқиқот ишланмаларини тезроқ ишлаб чиқиш ва ҳамкорлар билан кенг коалицияда таълим тизимини электрон таълимга йўналтириш бўйича уч йўналишили амалий ўқув курслари, экспериментни рағбатлантириш, танқидий фикрлашни ривожлантириш ёндашувини қўллашлари керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон қарори. <http://lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли Фармони. <http://lex.uz>.
3. «Саноат 4.0» атамаси Германияда пайдо бўлган ва у ишлаб чиқариш тизимлари ва маҳсулотларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатишда тезкор ўзгаришларга нисбатан қўлланилган (European Parliament, 2015.) <http://www.nlr.ru/news/20171130-glazjev.pdf>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. <http://lex.uz>.
5. GSMA. 2019a. The Mobile Economy. London: GSMA Intelligence.
6. UN DESA, 2019. Population, surface area and density. New York: UN DESA.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Нодира САИДАХМЕДОВА,

Жиззах политехника институти доценти

Мунаввар НАЗАРОВА,

Учтепа туманидаги 81-сонли математика фанига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг ўқув ишлари бўйича директор муовини

Аннотация: Мақолада халқаро, миллий ва минтақалар даражасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизмлари ва тамойиллари таклиф этилиб тегишли хуносалар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В статье предложены механизмы и принципы обеспечения продовольственной безопасности на международном, национальном и региональном уровнях и сделаны соответствующие выводы.

Abstract: The article proposes mechanisms and principles for ensuring food security at the international, national and regional levels and draws the appropriate conclusions.

Маълумки, озиқ-овқат таъминоти сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга оширишга нисбатан қўйиладиган асосий талаблар иқтисодий мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш зарурлигига асосланади. У ҳозирги ижтимоий-иктисодий вазиятни озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқлар ривожланиши чегара кўрсаткичларининг индикаторлари тизимидан фойдаланган ҳолда баҳолашни; озиқ-овқат тармоқларига салбий таъсир кўрсатувчи ташки ва ички таҳдидларни аниқлашни; мақсадлар ва вазифаларни белгилашни, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари ва механизмлари тизимини ишлаб чиқишни талаб этади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар қандай мамлакат иқтисодий стратегияси ва сиёсатининг муҳим устувор йўналиши бўлиб, жамиятдаги сиёсий, ижтимоий, миллатларро барқарорлик уни амалга ошириш самародорлигига боғлиқдир. Бунинг учун мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тизими ва уни амалга ошириш механизмини шакллантириш лозим бўлади. Ушбу тизим ва механизмни шакллантиришнинг асосий мақсади ва вазифалари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш стратегияси, дастурида белгилаб қўйилган бўлади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат стратегиясини ишлаб чиқиши алгоритми ички ва ташки таҳдидларни бартараф этиш бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш бўйича ташкилий-иктисодий ва ҳуқуқий чора-тадбирларнинг ўзаро боғлиқлиқдаги мантикий тизимини ифодалайди. У ўз ичига қўйи-даги элементларни олади:

– озиқ-овқат хавфсизлигига ички ва ташки таҳдидларни аниқлаш ва прогноз (башорат) қилиш мақсадида АСМ иқтисодий ривожланишини мониторинг қилиш;

– озиқ-овқат хавфсизлиги индикаторла-

рининг таҳликали, ва номақбул чегараларини аниқлаш;

– озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш [1].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш қўйидаги йўналишларни ўз ичига олиши керак: иқтисодий ривожланишнинг ҳақиқий ва прогноз параметрларининг озиқ-овқат хавфсизлигининг таҳликали чегараларидан фарқланиш ҳолатларини аниқлаш; уларни бартараф этиш бўйича давлат томонидан чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш; иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш ёки уларнинг вужудга келишига йўл қўймаслик мақсадида чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш бўйича ишларни ташкил қилиш.

Ушбу мақсадга эришишда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизмларининг самарали ташкил этилиши билан бевосита боғлиқ. Зоро, илмий адабиётларда келтирилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизми – давлатга озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини барқарорлаштиришга имкон берувчи ягона ҳуқуқий меъёрлар асосида тартибга солинадиган механизмга бирлашган халқаро, миллий ва минтақавий даражаларда ўзаро боғланган ташкилий шакллар ва иқтисодий усуллар йиғиндисидан ташкил топади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизми хавфсизлик субъектлари сифатида ўз ичига халқаро, миллий ва минтақавий даражаларда ҳал қилинади ва ушбу даражаларда озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш даражалари аниқланади. Умумий ҳолда ушбу механизм ўз ичига озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш дастакларини, тамойилларини ва уни баҳолашни, озиқ-овқат хавфсизлигини

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, стратегия, ақлли қишлоқ ҳўжалиги, иқтисодий хавфсизлик, мониторинг, субрегионал озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ ҳўжалиги.

таъминлаш даражасини ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларни мониторинг қилиш ҳамда мониторинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда дастурларга тузатишлар киритишни ўз ичига олади (1-расм).



1-расм. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизмининг таркиби [2].

Маълумки, ҳар бир даражадаги озиқ-овқат хавфсизлиги субъектлари ҳам турличадир. Масалан, умумжаҳон, глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда Бирлашган Миллатлар ташкилоти, унинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ташкилоти, озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича қўмита ва бошқалар глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ўз мақсади ва вазифаларига эга. Уларнинг умумий мақсади дунё мамлакатларига барқарор риқтисодий ривожланишига кўмаклашиш, очликка қарши кураш дастурларини амалга ошириш, озиқ-овқат заҳираларини яратиш жараёнларини бошқариш ва мувофиқлаштириш вазифаларини бажариш ҳисобланади.

Субрегионал озиқ-овқат хавфсизликни таъминлашда минтақалараро бирлашмалар, форумлар миллатлараро (давлатлараро) озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда Европа Иттифоқи, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва шу каби давлатлараро ўюшмаларда унга аъзо давлатлар ўзаро савдо, нарх ва стандартлар бўйича шартнома, келишувлар тузиш, ўз фаолиятларини ўйғунлаштириш вазифаларини амалга оширишдан иборат.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг давлат даражасида ҳукумат қонун чиқарувчи ва суд органлари билан биргаликда озиқ-овқат хавф-

сизлигини таъминлашнинг қонунчилигини, унинг ҳукуқий-меъёрий асосларини ва ресурс базасини яратиш, озиқ-овқат фондлари ва заҳираларини вужудга келтириш, озиқ-овқат сифати кўрсаткичлари ва параметрларини ошириш йуналишларини белгилаш вазифаларини бажарадилар.

Мамлакат ичидағи минтақалар ва ҳудудларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда жойлардаги маҳаллий ҳокимиёт бошқарув органлари бошқарувчилик ва мувофиқлаштирувчилик вазифаларини бажарадилар. Улар туман ва вилоятлар даражасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ахолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва уларнинг заҳираларини яратиш бўйича бошқарувчилик, уй хўжаликларининг даромадларини ошириш учун тегишли шарт-шароитлар яратишга оид тадбирларни ва вазифаларни амалга оширадилар.

Шунингдек, жамиятнинг бирламчи ячайкаси бўлган ҳар бир оила ҳам ўзининг озиқ-овқат

хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўришлари лозим бўлади. Үнинг асосий вазифаси оила аъзолари эҳтиёжларини қондириш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки харид қилиш йўли билан таъминотини яратиш ва уларни истеъмолини ташкил этиштир. Бунинг учун озиқ-овқат рационал истеъмолини таъминлаш учун оила даромадларини оширишга интилиш оиланинг муҳим фаолият вазифаси ҳисобланади.

Ҳар бир шахс даражасидаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам долзарб ҳисобланади. Ҳар бир инсоннинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари унинг организми, хоҳиши, орзу-истаклари, ҳаёт тарзига боғлик равища индивидуал бўлади. Шунинг учун ҳар бир шахс соглом ва фаол ҳаёт тарзига мувофиқ равища ўзининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича индивидуал вазифалари бошқаларницидан, ҳатто яқин оила аъзолариницидан ҳам фарқ қиласди. Ҳадисларда келтирилишича, шахс истеъмоли, ўзини озиқлантириши, ўзини парваришланиши, ўзининг соғлигини ўйлаши, ўзини моддий таъминлаши лозимлиги бирламчи эканлигига ишоралар мавжуд. Жумладан, унда “нафақа [3] ва садақа беришда аввало ўзингдан бошла. Агар бирор нарса ортса, аҳли аёлинга [3] бер-

Озиқ-овқат хавфсизлиги

Яна бирор нарса ортиб қолса, қариндошларинга бер. Улардан ҳам ортса бошқаларга бер [3]”, – дейилган.

Қайд этилган миллий иқтисодиётнинг барча, яъни мамлакат, хўжалик субъектлари бўлган корхона ва ташкилотлар, минтаقا, алоҳида олинган шахс ва оила даражаларида озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш қўйидаги тамойилларга асосланган бўлиши талаб этилади, яъни иқтисодий мустақиллик, барқарор иқтисодий ўсиш ва ривожланиш суръатлари.

Ушбу тамойилларга асосланган ҳолда ҳар қандай мамлакатнинг озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги манфаатлари – озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган мақсадлар мажмуудир, яъни ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг миллий ва минтақавий мақсадли дастурларини ишлаб чиқишига қаратилган бўлмоғи лозим.

Ушбу дастурлар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг барқарор фаолият кўрсатиши ва ривожланишига етказилиши мумкин бўлган ички ва ташқи таҳ-

дидларни тадқиқ қилиш, ушбу таҳдидлардан келадиган иқтисодий заарларнинг ҳисоблаш ва олдини олиш, ижро органларининг таркибий бўлинмаларини озиқ-овқат таъминотини ташкил этиш юзасидан жавобгарлигини шакллантириш, фавқулода озиқ-овқат вазиятларида мамлакат аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш, аҳолини ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мониторингини юритиш, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида вазият ривожланишининг прогнозларини тайёрлаш билан боғлиқ вазифаларни бажаради.

Умуман олганда, озиқ-овқат хавфсизлигини тадқиқ этишга мамлакатни озиқ-овқат билан барқарор таъминлашга ташки ва ички таҳдидларнинг ҳозирги ҳолатини (индикаторларнинг муайян тизими бўйича) баҳолаш ва прогноз қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадлари ва устувор вазифаларини белгилаш, мониторинг тизимини ташкил этиш, тегишли тадбирлар тизими ва уларни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиши заруратини келтириб чиқаради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Лысоченко А.А. Система и механизм обеспечения продовольственной безопасности региона в условиях переходной экономики России (На примере АПК Ростовской области) : Дис. ... канд. экон. наук : 08.00.05 : Ростов н/Д, 2002 211 с. РГБ ОД, 61:02-8/2006

2. Байтиленова Е.С., Даурбаева А. Механизм обеспечения продовольственной безопасности в Республике Казахстан.

3. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Тузувчилар: Ҳ. Ҳикматиллаев, А. Мансуров – Т.: „ФАН”, 1990. – 12-б.

ЎЗБЕКИСТОН ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА COVID-19 ПАНДЕМИЯСИННИГ ТАЪСИРИ

Фотима САЙДУЛЛАЕВА,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
институти таянч докторанти

Руденко ИННА,

Урганч давлат университети катта ўқитувчиси

Шавкат ҲАСАНОВ,

ТДИУ Самарқанд филиали директор ўринбосари, и.ф.д.

Асфав ЭТЕНЕШ,

Тошкент Халқаро Вестминистер Университети катта илмий ходими

Марина ЛИ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
институти, кафедра мудири

Аннотация: Мақолада Covid-19 нинг Ўзбекистон шаҳарларида озиқ-овқат хавфсизлиги ва истеъмолига таъсири монографик кузатишлар асосида ўрганилган. Тадқиқот Ўзбекистоннинг учта марказий Тошкент, Самарқанд ҳамда Урганч шаҳарларида олиб борилди. Мақолада ёритилган таҳлиллар олиб борилган тадқиқот “Covid-19 инқирози шароитида Ўзбекистон шаҳарларидағи озиқ-овқат ҳавфсизлиги” номли илмий, амалий тадқиқотнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Тадқиқот онлайн сўровнома олиш усули билан ўтказилган бўлиб, олинган натижалар асосида Covid-19 шароитида Ўзбекистон шаҳарларида озиқ-овқат хавфсизлиги таҳлил қилиниб, илмий хуносалар ва таклифлар берилган.

Аннотация: В статье изучено влияние Covid-19 на продовольственную безопасность и потребление в городах Узбекистана на основе монографических наблюдений. Исследование проводилось в трех центральных городах Узбекистана - Ташкенте, Самарканде и Ургенче. Анализ, освещенный в статье, является частью научно-практического исследования “продовольственная безопасность в городах Узбекистана в условиях кризиса Covid-19”. Исследование проводилось методом онлайн-опроса, по результатам которого был проанализирован уровень продовольственной безработицы в городах Узбекистана в условиях Covid-19, даны научные выводы и предложения.

Abstract: The article explored the impact of Covid-19 on food security and consumption in cities of Uzbekistan based on monographic observations. The research was conducted in three central cities of Uzbekistan - Tashkent, Samarkand and Urgench. The analysis highlighted in the article is part of a scientific and practical study “food security in the cities of Uzbekistan in the context of the Covid-19 crisis”. The study was carried out by the method of an online survey, according to the results of which the level of food unemployment in the cities of Uzbekistan in the conditions of Covid-19 was analyzed, scientific conclusions and proposals were given.

Кириш. Covid-19 қисқа муддатларда бутун дунё аҳолиси ҳаёт тарзининг ўзгаришига олиб келди. Пандемиянинг дунё иқтисодиёти ҳамда глобал озиқ-овқат хавфсизлигига таъсири улкан бўлишини жаҳон ташкилотлари ҳам таъкидлашмоқда. Шу жумладан Жаҳон банкининг прогнозларига кўра глобал иқтисодиёт ҳажмининг 5 %дан кўпроққа қисқариши ва бу иккинчи жаҳон урушидан бери энг чукур таназзул бўлиши айтиб ўтилмоқда (World bank, 2020). Халқаро озиқ-овқат сиёсати илмий-тадқиқот институти (IFPRI) тадқиқотчиларининг таъкидлашича, ҳукуматнинг кучли аралашувлари бўлмаган тақдирда ривожланаётган мамлакатларда, ўта қашшоқликдаги одамлар сони 150 миллионгача кўпайиши мумкин (IFPRI 2020). Ушбу прогнозлар Covid-19 нинг бошқа вирусларга (Эбола, парранда грип-

пи) қараганда ўлим суръатлари паст бўлишига қарамасдан кишиларнинг ҳаттоқи симптомларсиз ушбу касалликни ўтказаётганлиги ва юқори даражада тез тарқалиши билан акралиб туради. Бу жиҳатлар Covid-19 ни назорат қилиш дунё мамлакатлари иқтисодиётида жиддий муаммоларни намоён қилмоқда.

Энг муҳими, Covid-19 саломатлик билан боғлиқ инқироз бўлиб, иқтисодий ривожланиш, ижтимоий ҳамда озиқ-овқат тизимларига кўп ва кенг таъсир қилмоқда. Кундалик аҳоли ҳаёт тарзининг ўзгариши натижасида маҳаллий, минтақавий ва глобал алоқаларнинг узилишларининг кузатилиши билан COVID-19 инқирози бошқа иқтисодий ва иқлим инқирозларидан фарқ қиласди. Бугунги кунда савдо ва бозорларнинг ўзаро кучли боғлиқлиги озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш ва

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, озиқ-овқат сиёсати, Covid-19, онлайн сўровнома, пандемия, чекловлар, иқтисодий инқироз, респондент, нарх, карантин, меҳнат бозори.

Озиқ-овқат хавфсизлиги

иқтисодий тизимларнинг мураккаб табиати Covid-19 нинг тарқалиш хавфини оширади. Бу ўз навбатида қашшоқликни кучайтиради ва озиқ-овқат тизимларига путур етказади. Натижада, аҳоли фаровонлигига жиддий таъсир кўрсатади.

Covid-19 нинг таъсири иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларига, жумладан, мамлакатларда аҳоли даромадларининг пасайишига, пул ўтказмаларининг қисқаришига, озиқ-овқат тизимларининг ўзгариши озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кўтарилишига олиб келди ва натижада ушбу ҳолатда аҳолининг камбағаллашувини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистонда ҳам аҳоли орасида Covid-19 тарқалишини назорат қилиш мақсадида 2020 йил 15 марта тадбиркорлик чекловлари жорий қилинди. Кўплаб тадбиркорлик фаолиятлари тўхтатилди, давлат ташкилотларида ҳам масофадан ишлаш тизими жорий этилди, шаҳарлар, туманлар бўйлаб ўзаро қатновлар тўхтатилди, чегаралар ҳамда мактаблар ёпилди. Натижада ишсизлик ўсиши ва озиқ-овқат тизимлари ва таъминот занжирларида узилишларни келтириб чиқарди, транспорт, туризм ва савдо соҳаларининг эркин фаолиятига салбий таъсир қилди.

Мамлакатимизга вирус кириб келишидан олдин ҳам 2020 йилнинг 29 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф-5537-сонли “Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика маҳсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида” фармойиши қабул қилинди(*lex.uz*, 2020). Унга кура Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика маҳсус комиссияси ташкил қилиниб мамлакатимизда қулай санитария-эпидемиологик муҳитни таъминлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш каби муҳим вазифалар ижросини амалга ошириш белгилаб берилди.

Бундан ташқари республикага вирус кириб келганидан сўнг, унинг тарқалишига қарши курашиб даврида макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-куватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида 2020 йилнинг 19-мартида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5969 сонли “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” фармони қабул қилинди (*lex.uz*, 2020). Унга кура Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, 10 трлн сўм микдоридаги Инқирозга қарши кура-

шиш жамғармаси ташкил этилди ва жамғарма маблағларидан фойдаланишда коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиб бўйича тадбирларни молиялаштириш; тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-куватлаш ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш кўзда тутади.


Ушбу мақолада Covid-19 нинг Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигига таъсири таҳлил қилинган бўлиб, ушбу пандемиянинг иқтисодий таъсирини юмшатиш бўйича таклифлар берилган.

Тадқиқот методологияси. Пандемиянинг озиқ-овқат хавфсизлигига таъсирини ўрганишда ушбу мақолада сўровнома усулидан фойдаланилди. “Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги ва Covid-19 инқирози” номли сўровнома 2020-йилнинг 21-27 июл кунлари бўлган муддатда онлайн тарзда Google form тадқиқот платформасида Ўзбекистондаги тасодифий респондентлар орасида ўтказилди. Сўровнома рус ва ўзбек тилларида ишлаб чиқилган 24 та саволдан иборат туртта таркибий қисмни ўз ичига олади. Сўровноманинг биринчи қисми демографияга оид, иккинчи қисм аҳоли иш билан бандлиги ва даромадлари, учинчи қисм озиқ-овқат хавфсизлиги ва туртинчи қисми Covid-19 пандемияси билан боғлиқ бўлган саволлардан ташкил топди. Сўровномада жами 652 нафар респондентлар асосий учта шаҳар (Тошкент, Самарқанд ва Урганч) ва республиканинг бошқа шаҳарлардан ҳам респондентлар қатнашди. Респондентларнинг 54% эркаклар, 46% – аёллар ташкил этди. Респондентлар турли ёш гурухлари билан аксарият (ёки 67%) ёшдагилар 35 ёшдан кичик бўлганлар, қолганлари (ёки респондентларнинг 33%) 35 ёшдан 65 ёшгача бўлганлар иштирок этишди. Тўпланган маълумотлар тавсифий таҳлиллар асосида қайта ишлаш орқали натижалар олинди.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда Ўзбекистонда мустақиллик йилларидан бошлаб репродуктив саломатликка катта эътибор берилганлиги боис оила аъзоларида туғилишлар сони камайиб бормоқда. Мустақилликка қадар кўп фарзанд кўриш одатий ҳол бўлган. Сўровномадан олинган натижаларда ҳам деярли респондентларнинг ярми (уртacha 47% Ўзбекистон учун) 5 кишидан кам бўлган кичик оиласлар, яна ярми (респондентларнинг 48%) 5 дан 8 гача бўлган уртacha оиласларни, факат 5% оиласларга 8 кишидан юқори кўп болали оиласлар тўғри келганлиги ҳам юқоридаги фикрларни тасдиqlамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига кўра (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги расмий вебсайти, 2019) 2019 йилда Ўзбекистондаги расмий уртacha ишсизлик дарражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 9,0 % ни ташкил этган. Бу кўрсаткичга Вазирликнинг Бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш

Пандемиядан олдин иш фаолиятингиз қандай эди?



Пандемия давомида ҳам иш фаолиятингизни давом эттираяпсизми?




1-расм. Пандемия давомида ахоли иш билан бандлигининг ўзариши.

レスボンカ имми маркази томонидан олинган сўровнома натижаларига кўра 2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишсизлик даражаси 13,2% ни ташкил этганлигини (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, 2020) ба бу меҳнат бозорига катта таъсир қилганини кўришимиз мумкин. Олинган сўровнома натижалари шуни кўрсатдик, мамлакатда пандемиядан олдин респондентларнинг якими (46%) давлат ташкилотларида, 12 % и нодавлат ташкилотларда иш билан таъминланган ва респондентларнинг атиги 5 % ишсиз бўлган. Шу билан бирга ўз-ўзини иш билан банд бўлганлар 8 % ни ташкил қилиб унинг асосий улуши Тошкент шаҳрига тўғри келган(1-расм). Олинган сўровнома натижаларига кўра респондентларнинг 50–60 % и пандемия пайтида ўз иш фаолиятлари билан шуғулнаётганликларини кўрсатишган, 23–27 %и эса вақтинча ишламаётганлигини, 5–9 % ишсиз қолганини ва қолган озгина қисми иш фаолиятини ўзгартирганини маълум қилган бундан холоса қилишимиз мумкинки пандемия ва карантин чекловлари ахолининг вақтинчалик ишсиз қолишига олиб келмоқда. Ахоли даромадлари бўйича берилган саволларга ойлик даромадларининг асосини ташкил қиливчи иш хақи Тошкент шаҳардан 18 % респондентлар 1 млн сўм ойлик иш ҳақи олишларини айтишган. Самарқанд ва Урганчда мос равища бу миқдор 40 % ва 32 % ни ташкил қилган. Шу билан бирга, юқори ойлик даромад Тошкент шаҳрига тўғри келиб жами респондентларнинг 48 фоизи 3–5 миллион сўм даромад олишларини кўрсатган. Мос равища 5 миллион сўмдан ортиқ даромад олган респондентларнинг энг паст улуши Самарқанд ва Урганч шаҳларида кузатилди. Бундан ташқари респондентларнинг кўпчилиги бошқа оила аъзолари ҳам даромад олишлари-

ни кўрсатишган.

Сўровноманинг озиқ-овқат хавфсизлигига оид қисмida асосан озиқ-овқат маҳсулотларига етишиш имкониятлари ҳамда овқатланиш хилма-хиллиги таҳлил қилинди. Ўзбекистон қадимги урф-одатларга эга бўлган шарқона мамлакат эканлигидан, савдо-сотиқ, янгиликлар алмашинувида бозор марказий ва муҳим ижтимоий рол ўйнади. Бозор шаҳарлarda ҳар куни туман марказларida эса ҳафтада бир ёки икки марта ўтказилади ва ҳанузгача бутун мамлакат бўйлаб ишлайди. Қишлоқ худудларида асосий озиқ-овқат билан таъминлайдиган жой бозор бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини сотадиган кўчма дўконлар ҳам бугунги кунда ривожланиб бормоқда. Пандемия давомида ахолини ҳаракатланишига кўйилган чекловлар ва бозорларнинг ёпилиши озиқ-овқат маҳсулотларига сотиб олиш имкониятини камайтирди. Сўровнома натижаларига кўра респондентларнинг аксарияти (60 % дан кўпроғи) очиқ бозорларини пандемия олдидан озиқ-овқатни сотиб олишнинг асосий манбай деб кўрсатишган. Мос равища респондентларнинг 1/5 қисми супермаркетлар ва дўконлардан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишган (2-расм).




2-расм. Пандемиядан олдин/давомида озиқ-овқат сотиб олиш манбалари

Озиқ-овқат хавфсизлиги

Бунга сабаб бозорларда озиқ-овқат маҳсулотлари арzonроқ нархларда сотилиши ҳамда нарх бўйича савдолашиб мумкинлиги ва энг муҳими бозорларда маҳсулотлар диверсификацияси юқорилигидир. Аммо респондентлар пандемия шароитида ўзлари озиқ-овқат маҳсулотларини етишириш ва кўчма дўконлардан маҳсулотлар харид қилиш каби танловларни муҳим деб ҳисоблашмаган.

Пандемия даврида чекловлар туфайли нафақат озиқ-овқатга етишиш имконияти ка-



5-расм. Пандемия давомида озиқ-овқат маҳсулотлар микдорининг камайиш сабаблари

майтирганлигини айтиб ўтишган(4-расм):




3-расм. Пандемия даврида озиқ-овқат маҳсулотлари хилма-хиллиги ва сифати камоатлантириши.

майланлиги ва ўзгарланлиги балки унинг сифати ва хилма-хиллиги борасида ҳам респондентлар ўз муносабатларини билдиришган, яъни карантин чекловлари туфайли респондентларнинг озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хилма-хиллиги баъзан қаноатлантираётганлигини (20-30 %) аммо катта қисми (55-60 %) қаноатланаётганлиги эътироф этишган (3-расм).

Маълумки мамлакатимизда пандемия даврида чекловлар бир томондан аҳоли орасида ишсизлик даражасининг ошишига даромадларнинг камайишига, иккинчи томондан нархлар ошишига олиб келди ва натижада

Сотиб олинадиган озиқ-овқат микдорини камайтиришнинг асосий сабаби карантин чекловлари пайтида нархларнинг кўтарилиши бўлган (40% дан 49% гача ушбу жавоб танланган (4-расм). Мамлакатимизда озиқ-овқат хафсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилган саъй-ҳаракатлар туфайли пандемия давомида озиқ-овқат танқислиги вужудга келмади ва респондентлар 13 %игина баъзи озиқ-овқат турларини етишмаганлигини қайд этишган. Респондентларнинг тахминан 1/3 қисми бозорларнинг ёпилганлиги ва аҳолининг ҳаракатларига чекловлар қўйилганлигидан озиқ-овқат маҳсулотларини камроқ сотиб олишга оиб келганлиги айтишган ва хорижий пул ўтказмаларининг камайланлиги бу борада унчалик муҳим деб ҳисобланмаган.


Респондентларнинг аксарияти даромадлар камайганда ўз жамғармаларидан фойдаланишган. Респондентларнинг 1/5 қисми бўлса дўстлар/қариндошларидан қарз олиши, учинчи тоифа эса банкдан кредит олишини ва энг кам микдорда давлат томонидан ёки турли ижтиёмий жамғармалардан фойдаланганлигини айтишган. Пандемия ва карантин чоралари кучайтирилган даврда аҳолининг ишсизлиги орган ёки даромади камайганда, уларнинг сотиб олиш одатлари бунга жавобан ҳам ўзгарган. Сўровномадан келиб чиқкан ҳолда респондентларнинг 1/5 қисми озиқ-овқат маҳсулотларини камроқ сотиб олишларини кўрсатишган (Самарқандда - 28%; Урганчда - 15%); респондентларнинг тахминан 30 фоизи (Самарқандда бироз камроқ, аксинча Урганчда 8%) озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб тўхтатганликларини билдиришди.



4-расм. Пандемия давомида сотиб олишган озиқ-овқат маҳсулотлар микдорининг ўзарини

озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш қобилиятини ҳам камайтириди. Сўровномадан олинган натижаларга ёътибор берадиган бўлсак 30 % (Урганч шаҳри 24 %) респондентлар сотиб олаётган озиқ овқат маҳсулотлари микдори ўзгармаганлигини, 30 %и эса кўпайганлигини, ва жойлашган жойига қараб 40-45 %гача респондентлар озиқ овқат микдорини ка-

кўпроқ олишини алоҳидан айтадиганда, уларнинг сотиб олиш одатлари бунга жавобан ҳам ўзгарган. Сўровномадан келиб чиқкан ҳолда респондентларнинг 1/5 қисми озиқ-овқат маҳсулотларини камроқ сотиб олишларини кўрсатишган (Самарқандда - 28%; Урганчда - 15%); респондентларнинг тахминан 30 фоизи (Самарқандда бироз камроқ, аксинча Урганчда 8%) озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб тўхтатганликларини билдиришди.



6-расм. Даромад этишмовчилиги ва пандемияга жавобан сотиб олиш одатлариага ўзарини

10% атрофида респондентлар хизматлар сотиб олишни камайтиргани; респондентларнинг атиги 10% дан камроғи арzonроқ маҳсулотлар сотиб олишаётганлигини ва респондентларнинг тахминан 30% соғлом маҳсулотларга ўтганликларини билдиришган (6-расм).


Умуман олганда, пандемия пайтида аҳолининг истеъмол одатларида биринчи навбатда гўшт маҳсулотлари камайганлиги иккинчи ўринда эса алкогол ва алкоголсиз ичимликлар, учинчи бўлиб ширинликлар, кофе, чой истеъмолини камайтирганлигини кўришимиз мумкин. Агар келгусида карантин

чоралари яна кучайтирилган тақдирда ҳам респондентлардан қайси маҳсулот турларини камайтириш сўралганда биринчи маҳсулот гўшт ва гўшт маҳсулотлари камайтириши (Урганч бундан мустасно, бу ерда биринчи бўлиб спиртли ичимликлар камайтириши), нон ва нон маҳсулотлари мамлакат аҳолисининг катта рол ўйнайди ва шунинг учун ҳам бу турдаги маҳсулотларни респондентлар камайтирган.

Аҳолининг пандемия ва мавхумлика бўлган муносабатларини сўровнома натижаларига кўра қиши мавсумида озиқ-овқат маҳсулотларининг бозордаги нархлари ошиши ва етарли бўлмаслиги туфайли асосан кичикроқ вилоятларда яшовчилар асосий озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириб, қайта ишлаб(консерва, қуритилган мева/сабзавотлар) заҳира яратишларини айтишган бўлса марказий пойтахт шаҳарда аҳоли кўп қаватли турар жойларда яшаганлиги боис пандемия давомида ҳеч қандай озиқ-овқат хавфсизлиги стратегияси қўлламаслигини балки овқатланиш тартибини соддалаштиришга ҳаракат қилишини белгилашган (6 расм).

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон аҳолиси оптимистик хулқ-атворга эга эканлигидан респондентларнинг аксарияти “...пандемия тугайди ва ҳаммаси яхши томонга ўзгаради,

ташвишланиш учун сабаблар йўқ”, дейишган бўлса, бироқ, яна бир катта қисми даромад-



7-расм. Озиқ-овқат хавфсизлиги стратегияси

ларнинг пасайиши, иш билан бандликнинг ортиши билан боғлиқ хавотирга эга. Респондентларнинг жуда озчилиги озиқ-овқат танқислиги вужудга келишидан хавотирланган бўлса, бунинг асосий сабаби пандемия даврида озиқ-овқат маҳсулотлари етказиш, сотиш билан боғлиқ чекловларнинг камлиги ва очиқлиги ҳамда сўровнома қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёр бўлган даврида йилнинг июл ойига тўғри келганлиги билан ҳам ифодалаш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги олиб борилган тадқиқотдан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, Ўзбекистонда карантин чекловларининг жорий қилиниши шаҳар аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлигига, айниқса уларнинг овқатланиш тартибида ўзгаришларга ва озиқ-овқат миқдорини камроқ истеъмол қилишига олиб келган. Пандемиянинг давом этиши аҳолининг камбағаллашувига олиб келиши тасдиқланди. Хулосадан келиб чиққан ҳолда давлатнинг карантин чекловларини юмшатиш, иқтисодиётни қайта жонлантириш, дехқон ва томорқа хўжаликларини қўллаб қувватлаш, аҳолининг кам таъминланган қатламига ижтимоий ёрдам бериш каби омиллар аҳоли даромадларининг камайишини олдини олиб, иш билан бандликни, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф-5537- сонли фармойиши, 29.01.2020;
2. “Коронавирус пандемияси ва глобал инқиroz ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5969 сонли фармони. 19.03.2020;
3. AsfawE., Li M., Rudenko I., and Saydullaeva F.(forthcoming). Urban Food Security and COVID-19 Crisis: The case of Uzbekistan Cities. In: Food security in Eurasia: case studies by Eurasian Center for Food Security, Moscow, Russia
4. World Bank. 2020. Global Economic Prospects, June 2020. Washington, DC: World Bank. DOI: 10.1596/978-1-4648-1553-9. License: Creative Commons Attribution CC BY 3.0 IGO.
5. International Food Policy Research Institute (IFPRI), 2020. COVID-19 and GLOBAL FOOD SECURITY Washington, DC DOI: <https://doi.org/10.2499/p15738coll2.133762> 20005-3915 License: Creative Commons Attribution (CC BY 4.0).
6. Ўзбекистон бандлик ва меҳнат вазирлиги маълумотлари 2019,2020, меҳнат.уз;

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ САНОАТЛАШУВ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИННОВАЦИЯЛАР

Немат ХОЛМАТОВ,

Тошкент давлат шарқшунослик институти докторанти, иқтисод фанлари номзоди

Аннотация: Мақолада миллий саноатлашув жараёнини бошқариш ва тартибга солишнинг ташкилий-институционал тизими, ҳамда вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини ҳамда функционал ва зифаларини институционал баҳолашнинг асосий мезон ва кўрсаткичлари ёритилган.

Аннотация: В статье рассматриваются основные критерии и показатели институциональной оценки организационно-институциональной системы управления и регулирования Национального процесса индустриализации, а также эффективности деятельности министерств, ведомств и хозяйственных объединений, достижения целевых и функциональных задач.

Abstract: The article examines the main criteria and indicators of the institutional assessment of the organizational and institutional system of management and regulation of the National Industrialization Process, as well as the effectiveness of the activities of ministries, departments and business associations, achievement of target and functional objectives.

Кириш. Ўзбекистонда ҳудудлар ва тармоқларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, миллий иқтисодиётни саноатлаштириш ҳамда мавжуд салоҳиятдан самарали ва оптималь фойдаланиш йўналишлари белгилаб берилган [1]. Албатта, бу йўналишлардаги тизимли саъӣ-ҳаракатлар мамлакатнинг ялпи ижтимоий-иктисодий салоҳиятини оширишга олиб келмоқда. Жумладан, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинган 2019 йилда иқтисодий ўсиш суръатлари 105,6 фоизни ташкил қилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қўшимча 6,6 фоизга, экспорт эса қўшимча 28 фоизга кўпайди [3].

2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид бўлган, умумий қиймати 17,5 трлн сўм ва 9,6 млрд АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутувчи Давлат дастури қабул қилинган [3]. Бу дастурга ҳам мамлакатимизнинг саноатлашув жараёниларига қўшимча куч берувчи Ўзбекистон саноатининг 10 дан ошиқ етакчи тармоқларида модернизациялаш ва рақобатдошликни куҷайтириш чора-тадбирлари тез суръатларда амалга оширилмоқда [2].

Иқтисодиётнинг саноатлашуви – бу ижтимоий-иктисодий, технологик ва инновацион жараён бўлиб, кенг маънода, ривожланаётган

агарар-индустрисал иқтисодиётларнинг тадрижий кўринишида, борган сари, постиндустриал хўжалик тизимига айланишини билдиради. Ривожланиш даражасидан қатъий назар, ҳар қандай мамлакатда саноат секторини, жаҳон хўжалигидаги кескин рақобат шарт-шароитларидан келиб чиқиб, янгилаш ва янада замонавийлаштиришга, унинг креатив ва инновацион соҳаларини ривожлантиришга эҳтиёж тобора кучаймоқда. Зоро, тараққиёт тушунчасининг ўзи ҳам нисбийдир.

Тадқиқот ва таҳдиллар. Ўзбекистонда бу гунги кунда миллий саноатлашув жараёнини ва саноат тармоқлари ривожланишини бошқариш, тартибга солиш, қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, унинг айрим доираларини белгилаш, саноатдаги фаолият турларини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган янги ёндошувлар, усуслар ва механизмлар ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларида, Ўзбекистон Хукуматининг қарорларида соҳадаги турли вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари фаолиятининг мезон ва кўрсаткичлари белгилаб берилмоқда. Мазкур чора-тадбирлар янги ёндошувлар бўлиб, соҳани ривожлантиришда ўзига хос институционал инновациялар ҳисобланади. Бу ёндошув илгари саноатлашув жараёнини бошқариш ва саноат тармоқлари ривожланишини тартибга солишида қўлланилмаган.

Калит сўзлар: янги саноатлашув жараёни, саноат ишлаб чиқариши салоҳияти, янги саноат тармоқлари, инновация, илм сиғими юқори соҳалар, саноатнинг технологик уклади, саноат секторлари, саноатни мутаносиб тараққий эттириш, давлат ва ижро ҳокимияти, янги саноатлашув жараёнини бошқариш ва тартибга солиш, институционал-инновацион ташабbusлар.

Бугунги кунга келиб, мазкур йўналиш ва соҳанинг меъёрлари, тартиб-таомиллари, ҳамда институционал ислоҳотларни амалга ошириш механизмлари йил сайин такомиллаштирилмоқда. Шунингдек, янгича институционал экспериментлар амалга оширила япти. Жумладан, 2020 йилда вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори муҳокамалардан кейин 2020 йилнинг феврал ойида қабул қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистонда 2020 йилда вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларининг фаолияти самарадорлиги ва мақсадли вазифаларини белгилашнинг асосий босқичлари қўйидагicha:

1-босқич. Мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий мақсад кўрсаткичларини аниқлаш. Бунда вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалар билан биргаликда 2020 йилда мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишига доир асосий кўрсаткичларнинг прогнози амалга оширилади ва тасдиқланади.

2-босқич. Вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонларини шакллантириш. Бу босқичда 2020 йил учун тасдиқланган ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларнинг прогноз параметрларига эришишда вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларининг асосий мақсад кўрсаткичлари ишлаб чиқилади.

3-босқич. Якуний босқичда вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларини баҳолашнинг асосий мезонларини шакллантиришда таркибий бўлинмаларнинг вазифалари аниқланади. Жумладан, 2020 йилда вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларининг асосий мақсад кўрсаткичлари прогнозига эришишда уларнинг

таркибий бўлинмалар амалга ошириши зарур бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Бизнинг фикримизча, миллий саноатлашув жараёнини жадаллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда муайян ташкилий-институционал тизим муҳим концептуал, стратегик ва функционал вазифаларни бажаради. Мазкур тизим таркибига кирган вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари миллий саноатлашув суръатларини тезлаштириш ва Ўзбекистон иқтисодиётини саноатлаштиришда мезо-, макро- ва микродаражада ҳал қилувчи ролни бажаради. Бу тизим таркибига қўйидаги вазирлик, идора ва хўжалик бир-

1-чизма

Миллий саноатлашув жараёнини бошқариш ва тартибга солишининг ташкилий-институционал тизими

Мезо-даражада	Макро-даражада	Микро-даражада
Президент Аппарати, Олий мажлис, Суд-хукук тизими, Хукумат, Иктисодий тараккӣ ва камбагалликни кискартириш вазирлиги	Иктисодий тараккӣ ва камбағалликни кискартириш вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги ва бошк.	Курилиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Кишлоп хўжалиги вазирлиги, “Ўстандарт” агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва бошк.

АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН САНОАТЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ОБЪЕКТИ

Концепция ва стратегиялар, меъёрий-хукукий база, институционал тизим, институционал муммолосар, институционал ислоҳотлар, тартиб-таомиллар, регламентлар ва бошқалар.	Дастурлар (тармолараро ва саноатни ривожлантириш дастурлари), монетар механизmlар (инфляция), фискал воситалар (давлат бюджети), бандлик-ишишзилк, (меҳнат бозори), инвестиция оқими (маҳаллий ва хорижий инвестициялар), ташки савдо айланмаси (экспорт-импорт)	Саноат-курилиш мажмуаси, энергия ресурсларини ишлаб чиқариш, агросаноат хом ашёси, саноат (ISO) стандартлари, давлат мулки, капитал оқими, климатли коғозлар бозори, акция ва облигациялар, интеллектуал мулк, фан ва таълим, инновацион ресурслар.
---	--	---

САНОАТНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИКТИСОДИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ БИРЛИКЛАРИ

“Ўзбеккўмир” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖ, “Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўзекозиковқатхолдинг” ХК, “Навоий КМК” ДК, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, “Ўзтўйимачиликсаноат” уюшмаси, “Ўзбекзаргарсаноат” уюшмаси, “Ўзбекниаксаноат” уюшмаси, “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси, “Ўзчармсаноат” уюшмаси ва бошқалар.

Манба: ушбу чизма таҳлилий материаллар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

лашмалари киритилади (1-чизма).

Мамлакатимизда саноатлашув жараёнини жадаллаштириш мақсадларидан келиб чиқиб, вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини ҳамда функционал вазифаларини институционал баҳолашнинг асосий мезонлари таҳлили натижасида,

Институционал инновациялар

бизнингча, қуидаги мезон ва кўрсаткичларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин [7]:

- Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг [6] фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари, жами - 5 та мезон;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари;

- Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари, жами - 6 та;

- Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг фаолият самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари, жами - 17 та;

- Ўзбекистон Республикаси Курортиш вазирлигининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари, жами - 11 та;

- Инновацион ривожланиш вазирлигининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари, жами - 8 та;

- Энергетика вазирлигининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари, жами - 5 та;

- “Ўзстандарт” агентлигининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари, жами - 9 та;

- Давлат активларини бошқариш агентлигининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари, жами - 38 та;

- Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари, жами - 32 та;

Алоҳида таъкидлаш лозим бўлган, қишлоқ хўжалиги вазирлигининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари, жами - 10 та, саноатлаштиришга тегишли бўлган кўрсаткичлар эса қуидагилар:

• 2020 йилда жами 916 минг гектар (2019 йилга нисбатан 112%), шундан асосий майдонларга 573 минг га (119%), ёш боф-токзорлар орасига 68 минг га (125%), такорий майдонларга 274 минг га сабзавот (652 минг га, 118%), полиз (131 минг га, 100%) ва картошка (133 минг га, 100%) экинларини экилишини таъминлаш.

• 2020 йилда 26 минг гектар (2019 йилга нисбатан 133%) янги интенсив боғлар ва 25,7 минг гектар (164%) токзорлар барпо қилиш.

• Жорий йилда 21,9 млн тонна мева-сабзавотлар, 7,5 млн тонна бошоқли дон, 642 минг тонна шоли, 368 минг тонна дуккакли дон, 133,1 минг тонна мойли экинлар ҳосилини этишитириш.

• 2020 йилда 1 млн 33 минг гектар майдонда 3 млн 101 минг тонна пахта хом ашёси ишлаб чиқариш.

• Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш инфратузилмасини кенгайтириш мақсадида куввати 65,5 минг тонналик 115 та совутчили омборхона ҳамда куввати 627 минг тонналик 118 та мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш.

• 2020 йилда жами 2 млн. 400 минг тонна ёки қиймати 1 млрд. 900 млн долларга тенг бўлган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга ошириш.

• Қишлоқ хўжалигида қўшилган қиймат занжирини яратишни тизимли йўлга қўйиш мақсадида 110 та мева-сабзавотчилик, 33 та шоличилик ва 33 та уруғчилик кластерлари ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожантариш.

• Инвестицияларни ўзлаштириш бўйича:

- жами 202,7 млн доллар хорижий кредитлар ва 41,7 млн доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, ҳаммаси бўлиб 15 та лойиҳада 253,1 млн. доллар инвестиция ўзлаштириш;

- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган жами қиймати 895,1 млн долларлик 64 та тўғридан-тўғри инвестиция лойиҳалари доирасида 326 млн доллар маблағ ўзлаштириш.

Ўзбекистонда саноатлашув жараёнларida давлат секторининг аҳамияти ҳали ҳануз юқорилигича қолмоқда. Шу сабабли, давлат мулки ҳисобланган, ёки капиталида давлат улуши бўлган саноат бирлашмаси, уюшмаси ва акционерлик жамиятлари фаолияти ҳам баҳоланмоқда.

Таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон саноат ва агросаноат ишлаб чиқариши секторининг йирик ташкилий-иктисодий ва институционал тузилмалари фаолиятини баҳолашнинг тегишли мезон ва кўрсаткичлари ҳам ишлаб чиқилган. Бу кўрсаткичлар тизимида қуидаги 4 та мезонга тегишли жами 19-22 та кўрсаткичлар киритилган:

а) Асосий фаолиятнинг умумий кўрсаткичлари (5 та кўрсаткич).

б) Инвестиция фаолиятининг асосий кўр-

саткичлари (3-5 та кўрсаткич).

в) Ишлаб чиқариш, тармоқни модернизациялаш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш кўрсаткичлари (6-7 та кўрсаткич).

г) Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари (6-7 та кўрсаткич).

Бундан ташқари, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, “Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўзбеко-зиқовқатхолдинг” “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси, “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси, «Ўзчармсаноат» уюшмаси ва бошқалар агросаноат мажмуаси тузилмалири ҳисобланиб, мазкур йирик бирликларнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари таҳлили асосида уларнинг фаолияти баҳоланади.

Таъкидлаш лозимки, 2019 йил сўнгги чо-

раги ҳамда 2020 йилнинг бошидан жаҳоннинг турли минтақаларида, давлатлар ва турли та-маддуналарга мансуб жамиятларда рўй берадиган замонавий ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва сиёсий жараёнларига ўта кучли ва чукур, ҳамда тизимли салбий таъсир кўрсатаётган короновирус пандемияси шароитида, табиийки, юқорида таъкидланган мезон ва кўрсаткичларга эришиш натижалари ҳам йил давомида ўзгаради. Аммо, Ўзбекистонда саноатлашув жараёнларига фаол таъсир кўрсатувчи, ҳамда саноатлаштириш сиёсатини мезо-, макро- ва микродаражада амалга оширувчи вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини ҳамда уларнинг мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари ўзгармайди, балки бу тизим борган сари такомиллашиб бо-

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. <Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида>ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикасининг хужжатлар тўплами. www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлига Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь. «Халқ сўзи», 2020 йил 25 январь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли фармони. 2020 йил 2 март. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон; 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 йилда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари тўғрисида” 2019 йил 27 февралдаги Ф-5445-сонли фармойиши. <https://lex.uz/docs/4751561>.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2019 йилда агентликлар қўмиталар, марказлар, давлат инспекциялари ва давлат бошқаруви бошқа органларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари тўғрисида” 2019 йил 4 апрелдаги 278-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4751561>.

6. <https://regulation.gov.uz/ru/document/13113>.

7. 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларининг фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид 2020 йил Давлат дастуридан, ҳамда қабул қилинган конунлар, тармоқ ва соҳаларни ривожлантириш стратегия, концепция ва бошқа норматив-хукуқий хужжатлардан келиб чиқиб белгиланган.

Вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларининг сайллари:

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

12. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

13. Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги

14. Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги

15. Инновацион ривожланиш вазирлиги

16. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

17. Энергетика вазирлиги

18. “Ўзстандарт” агентлиги

19. Давлат активларини бошқариш агентлиги

20. Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА ОҚАВА СУВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШДА ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАРНИ ҚҰЛЛАШ

Фарида КАДИРХОДЖАЕВА,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хұжалигини механизациялаш
институти мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада оқава сувлардан қишлоқ хұжалигида фойдаланиш амалиётини ташкил этиш мақсадида эконометрик моделларни құллаш орқали прогнозлаштириш масалалари көлтирилган.

Аннотация: В статье приведены вопросы прогнозирования с применением эконометрических моделей в целях организации практики использования сточных вод в сельском хозяйстве.

Abstract: Application of econometric models for the forecasting of the organizational processes of wastewater use in agriculture given in the article.

Кишлоқ хұжалигидан оқынди (оқава) сувлардан фойдаланишнинг илмий асосларини тадқиқ қилиш ва бозор иқтисодиёти шароитида сувдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Сув хұжалигини ривожлантириш концепциясига мувофиқ (6024-сонли ПФ, 10.07.2020 й.) белгиланган [1].

Бу мақсадларни амалга оширишда эса, умумий оқава сувлар миқдорининг йилдан-йилга ўзгариши, яъни унинг ҳажмини прогнозлаш каби вазифалар долзарблик касб этмоқда.

Оқава сувлар ҳажмининг ўзгариши бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб, уларга умумий ичимлик сув тармоғига уланган аҳоли сони, узатилган сув ҳажми, канализация ҳизматига уланган аҳоли сони ҳамда киши бошига тўғри келадиган истеъмол сув ҳажмлари ва бошқа кўрсаткичлар киради. Шунга кўра, прогнозлаш масштабини макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражаларга бўлишимиз мумкин.

Тузилиш интервали бўйича прогнозлар оператив, қисқа муддат ва узоқ муддатга ишлаб чиқилади. Аксарият ҳолларда қисқа муддатли башоратда миқдорий ўзгаришларга катта эътибор қаратилади. Узоқ муддатли башоратларда эса миқдорий ва сифат ўзгаришлари ўзаро уйғулашган ҳолатда кўрилади.

Тадқиқотларга кўра, норматив прогнозда белгиланган мақсадларга эришиш учун тизимни ривожланиш йўналишлари ва муддатлари аниқланади. Мақсад қилинган режаларга эришиш учун, таъсир этувчи омиллар ва ўзгаришлар киритилиши билан белгиланган мақсадга эришилади.

Калит сўзлар: қишлоқ хұжалиги, оқава сув, прогнозлаштириш, математик модел, регрессия таҳлил, стандарт хатолик, дитерминация коэффициенти, меъёр, эҳтиёж.

Башоратлашни амалга ошириш учун кўп омилли регрессия таҳлили қўлланилади:

$$y = \alpha_0 + \sum_{i=1}^n \alpha_i x_i \quad (1)$$

бу ерда y – натижавий кўрсаткич; α_0 – натижавий кўрсаткичга таъсир этувчи омиллар, x_i – номаълум параметрлар.

Берилган чизиқли $y=f(x_1, x_2, \dots, x_n)$ моделда боғланишни аниқлаш учун $\alpha_0, \alpha_1, \dots, \alpha_n$ олинган номаълум параметрларини аниқлаш керак бўлиб, бунинг учун энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиш лозим. Бу усулдан фойдаланишда қуйидаги тенгламалар системасини тузиш ва уни ечиш орқали номаълум параметрларни аниқлаш мумкин:

Номаълум параметрлар сони 2 тадан ортиқ

$$\begin{cases} n\alpha_0 + \alpha_1 \sum x_1 + \alpha_2 \sum x_2 + \dots + \alpha_n \sum x_n = \sum y \\ \alpha_0 \sum x_1 + \alpha_1 \sum x_1^2 + \alpha_2 \sum x_1 x_2 + \dots + \alpha_n \sum x_n x_1 = \sum yx_1 \\ \dots \\ \alpha_0 \sum x_n + \alpha_1 \sum x_1 x_n + \alpha_2 \sum x_2 x_n + \dots + \alpha_n \sum x_n^2 = \sum yx_n \end{cases} \quad (2)$$

бўлганда, таҳлил мавжуд компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Тадқиқот натижаларига кўра, оқава сувлардан самарали фойдаланиш ва уларни ўзгариш ҳажмини прогноз қилиш соҳанинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олишни тақозо зо этади. Оқава сувлар ҳажми ўзгариши бир қанча омилларга боғлиқлиги боис, кўп омилли

регрессия усулидан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида ушбу масаланинг ечимини топиш орқали, оқава сувлар ҳажми ўзгаришига таъсир қилувчи бир нечта омилларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланди.

Бунда, оқава сувлар ҳажми ўзгариши натижавий омил деб қаралиб, унинг ўсишига таъсир этувчи қуидаги муҳим омиллар асос қилиб олинди (1-жадвал):

Оқава сув ҳажми даражаси ўзгаришини регрессион таҳлил қилишга таъсир этувчи омиллар қийматлари

	Оқава сувлар ҳажми млн м ³	Ичимлик сув тармоғига уланган аҳоли сони (минг киши)	Узатилган сув ҳажми	Канализация хизмати аҳоли сони	Киши бошига ўртача истеъмол
	Y	X ₁	X ₂	X ₃	X ₄
2010	196,8	1 521,	169,2	1268,6	0,305
2011	214,0	1 545,1	181,9	1202,8	0,322
2012	213,8	1 598,3	200,3	1370,1	0,343
2013	226,1	1749,0	216,6	1543,3	0,339
2014	236,4	1777,8	222,6	1500,5	0,343
2015	238,1	1759,2	228,0	1529,2	0,355
2016	240,2	1803,1	234,0	1581,4	0,356
2017	246,7	2104,0	244,4	1857,1	0,318
2018	230,2	2047,9	249,8	1833,6	0,334
2019	239,3	2133,2	231,3	1926,3	0,297
2020	123,3	2420,3	127,4	2210,5	0,246

Y – оқава сувлар ҳажми;

X₁ – ичимлик сув тармоғига уланган аҳоли сони;

X₂ – узатилган сув ҳажми;

X₃ – канализация хизмати билан таъминланган аҳоли сони;

X₄ – киши бошига ўртача истеъмол;

Бу маълумотлардан фойдаланиб, кўп омилли регрессия таҳлили амалга

Оқава сувлар ҳажми ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг ўзаро боғланиш даражалари корреляция коэффициенти матрицаси

	Y	X ₂	X ₃	X ₄
Y	1.000			
X ₂	0,9255	1,0000		
X ₃	-0,3311	-0,0148	1,0000	
X ₄	0,7976	0,7071	-0,5967	1,0000

оширилди.

1-жадвалда берилган маълумотлар асосида, оқава сувлар ҳажми учун олинган натижавий омиллар ва унга таъсир этувчи кўрсаткичлар ўртасидаги боғланишни ифодаловчи жуфт корреляция коэффициентларининг корреляция матрицаси STATA дастури орқали ҳосил қилинди (2-жадвал).

Ушбу матрицаларни ҳосил қилиш орқали ёнма ён турган омиллар орасида зич боғланиш, яъни мультиколлениарлик мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мумкин. Ичимлик сув тармоғига уланган аҳоли сони X₁ омиллида кучли боғлиқлик кузатилгани сабабли, моделдан чиқарип юборилиб, оқава сувлар ҳажми ўзгариши дарожаси ва унга таъсир этувчи омиллар асосида регрессион модел тузиш учун мультиколлинеарлик муаммоси мавжуд бўлмаган X₂, X₃ ва X₄ омиллар матрицага киритилди. Натижада, STATA дастурида кўп омилли чизиқли регрессия моделини юқоридаги маълумотлар асосида амалга оширганда қуидаги модел ҳосил қилинди:

3-жадвалда берилган ечимларнинг таҳлилига асосан, оқава сувлар ҳажми ўзгаришида 184,2004 озод ҳал таҳлил қилинмайди. X₂ олдиаги коэффициент 1,0492 X₁-узатилган сув ҳажми бир бирликка ўзгарганда умумий оқава сув ҳажми кичик бўлсада ўсишини билдиради,

Оқава сувлар ҳажми ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар регрессион таҳлили

Y	Коэффициентлар	Стандарт хатолик	T статистика	P қиймат	95% коэффициент	Интервал оралиқ
X ₂	1,0492	0,1268	8,27	0,001	0,7491	1,3492
X ₃	-0,0546	0,0135	-4,04	0,005	-0,0866	-0,0226
X ₄	-299,53	182,7105	-1,64	0,145	-731,5722	132,5111
const	184,2004	57,1392	3,22	0,015	49,0876	319,3133

X₃ – канализация хизмати аҳоли сонининг ўзгариши бир бирликка ўсиши оқава сув ҳажми-нинг кичик бўлсада камайишини кўрсатмоқда, яъни -0,0546, чунки истеъмолчиларнинг умумий канализация тизимига уланиши уларни ҳозирги сувлардан самарали фойдаланишга ундаши билан бирга сувни мақсадсиз исроф қилиниш ҳажмини камайтиради. Шу билан бирга X₄ омили оқава сув ҳажми ўзгаришига тескари боғлиқликка эга бўлиб – 299,53, киши бошига истеъмол ҳажмини ўсиши оқава сувлар ҳажмини камайтиради. Аксарият аҳоли сув таъминоти мақсадларида бошқа манба-

Эконометрик модел

лардан фойдаланиши натижасида катта миқдордаги сувларнинг самарасиз ва мақсадсиз сарфланиши эҳтимоли юқори бўлиши эътиборга олинниб, оқава сувлар ҳажмининг ўзгариш даражаси функцияси қўйидаги кўринишга келтирилди:

$$y=184,2004-1,0492 X_2-0,0546 X_3-299,53 X_4$$

Оқава сувлар ҳажмининг ўзгариш даражаси йиллар кесимида турли хил бўлиши кузатилган. Шунга кўра, бу ҳолатда детерминация коэффициенти қўйидагича ҳисобланди:

$$D=R^2=0,95$$

Ишлаб чиқилган тренд функцияларидаги ноъмалум сонлар ўрнига юқорида фойдаланилган модел ва формулалар ёрдамида олинган реал рақамларни қўйиш асосида амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижаларига мувофиқ оқава сувлар ҳажми ўзгариш даражасининг 2010–2020 йиллардаги динамикаси асосида 2021–2027 йилгача прогнози ишлаб чиқилди.

Кўп омилли чизиқли регрессион эконометрик моделнинг умумий сифат кўрсатгичини аниқлашда детерминация коэффициенти (R^2) қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

y_i – натижавий кўрсаткичнинг кутилаётган

$$R^2 = 1 - \frac{\sum_{i=1}^n (y_i - \hat{y}_i)^2}{\sum_{i=1}^n (y_i - \bar{y})^2} \quad (3)$$

даражаси;

y_i – натижавий кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати;

– натижавий кўрсаткичнинг аниқланган,

Ҳ прогнозлаштирилган, текисланган миқдорлари; n – кузатувлар сони.

Кўп омилли моделда корреляция коэффициенти: $R=0,96$. Демак натижавий омил ва таъсир қилувчи омиллар орасидаги боғланиш даражаси жуда юқори. Бундан детерминация коэффициентининг ҳам юқорилиги келиб чиқади: $D=R^2=0,95$. Бундан келиб чиқади, Y -оқава сувлар ҳажми ўзгариш даражасига юқоридаги омилларнинг таъсири 95% ташкил қилас экан. Қолган 0,05% бу ерда ҳисобга олинмаган омиллар ҳамда йиллик ёғингарчилик миқдорига боғликдир.

Детерминация коэффициенти моделга киритилган омилларнинг натижавий кўрсаткичга таъсирини фоизда кўрсатади. Барча омилларга тегишли кўрсаткичлар [0;1] диапазон ичидаги қийматларда ифодаланиб, уларнинг қиймати 1 га қанчалик яқин бўлса, моделга киритилган омилларнинг натижавий кўрсаткич даражасини ҳаққоний баҳолашдаги ўрни муҳимлигини асослайди. Бошқа томондан эса моделларни турли миқдордаги омил-

лар билан таққослаш имкониятининг борлиги ва ушбу омиллар миқдорининг R^2 статистик кўрсаткичга таъсир этмаслиги учун одатда текисланган детерминация коэффициентидан фойдаланилади.

Мазкур кўп омилли регрессия моделининг статистик аҳамияти ва ўрганилаётган жараёнга мос келишини аниқлаш учун Фишернинг F-мезони асос қилиб олинади ва унинг қийматини ҳисоблаш учун қўйидаги формула ишлатилади[3], яъни:

$$F = \frac{R^2}{1-R^2} * \frac{(n-k-1)}{k} \quad (5)$$

бу ерда: n – кузатувлар сони;

k – кўп омилли регрессия тенгламасидаги омиллар сони.

Кейинги босқичда F-Фишер мезонининг ҳисобланган қиймати ($F_{хис}$) назарий ҳисобланган ($F_{жадв}(a; k; n-k-1)$) қиймати билан таққосланади. Агар $F_{хис} > F_{жадв}$ бўлса, у ҳолда қўлланилган модел аҳамиятли ёки ўрганилаётган жараёнга адекват ҳисобланади. Стъюдентнинг t-мезони асосида кўп омилли регрессион эконометрик модел параметрлари ва корреляция коэффициентларининг ишончлилиги текширилади. Уларнинг қиймати қўйидаги формула ёрдамида тасодифий хатолар қийматлари билан таққосланади[2]:

$$t_b = \frac{b}{m_b}; \quad t_a = \frac{a}{m_a}; \quad t_r = \frac{r}{m_r}. \quad (6)$$

Эконометрик моделни қўллаш асосида олинган параметрлар ва корреляция коэффициентларининг тасодифий хатолари қўйидаги формуласидан бўйича ҳисобланади [4,5]:

$$m_b = \sqrt{\frac{\sum(y - \hat{y}_x)^2 / (n - 2)}{\sum(x - \bar{x})^2}}; \quad (7)$$

$$m_{r_{xy}} = \sqrt{\frac{1 - r_{xy}^2}{n - 2}}. \quad (9)$$

Стъюдентнинг t-мезони бўйича ҳисобланган ($t_{хис}$) ва олинган натижаларни акс эттирувчи жадвалдаги ($t_{жад}$) қийматларни таққослаб, қабул қилинган H_0 гипотезанинг асосланганлик даражаси текширилади. Бунинг учун t-мезон асосида ишлаб чиқилган жадвалдаги омиллар қийматининг ишончлилик эҳтимоли (^a) ва озодлик даражаси ($y=n-k-1$) шартлар доирасида топилади. Бу ерда n -кузатувлар сони,

к-омиллар сони.


Юқоридаги эконо-
метрик модел ва унинг
таркибий формула-
лари асосида олинган
натижалар амалиётда-
ги реал кўрсаткичлар
билин солиштири-
либ, тегишли хулоса
ва тавсиялар ишлаб
чиқилади.

Хисобланган R^2 де-
терминация коэф-
фициентининг оқава
сувлар ҳажми ўзгари-
шидаги натижаси 0,95 га тенг бўлиши нати-
жавий кўрсаткичнинг киритилган омиллар
билин кучли боғланганигини кўрсатиб, қол-
ган 0,05 улуш эса ҳисобга олинмага омиллар
таъсири деб қарашимиз мумкин.

4-жадвал. Кўп омилли эконометрик моделнинг сифати ва аҳамиятини текшириш мезонлари

Кўп омилли корреляция коэффициенти, R	Кўп омилли детерминация коэффициенти, R-квадрат	Корректлаштирилган R-квадрат	Баҳолашнинг стандарт хатоси	F-хисобланган	P-қиймат	DW
0,95	0,96	0,95	57.13	28,5	0,015	1,87

Умуман олганда, ҳосил бўлган модел асоси-
да ишлаб чиқилган натижаларнинг кўрсати-
шича, оқава сувлар ҳажми ўзгариши даражаси-
га таъсир этувчи омиллар таҳлили бўйича
F-Фишер мезонининг ҳисобланган қиймати
 $F_{хис}=28,5$ тенг бўлиши, шунингдек эркинлик
даражалари сурат бўйича $y=4$ ҳамда маҳраж
бўйича $y_2=11-4-1=6$ га тенг бўлганда, Фишер
мезонининг қиймати, яъни моҳиятлик да-
ражаси оқава сувлар ҳажми ўзгариши $p=0,96$
учун $F_{жад}=7,46$. Демак, қўлланилган кўп омил-
ли модел адекват ҳисобланиб, юқорида берил-



1-расм. Оқава сувлар ҳажми ўзгариш даражаси

ган ҳолатда ҳам келгуси даврлар учун прогноз-
лашда фойдаланиш мумкин.

Ишлаб чиқилган тренд функцияларида-
ги номаълум сонлар ўрнига юқорида фойда-
ланилган модел ва формула ёрдамида олин-
ган реал рақамларни қўйиш асосида амалга

оширилган ҳисоб-ки-
тоблар натижаларига
мувофиқ оқава сувлар
ҳажми ўзгариш даражаси 2010–2020 йилларда-
ги динамикаси асосида
2021–2027 йиллар бўй-
ича ҳ прогнози ишлаб
чиқилди (жадвал иловада). Шу билан бирга,
ушбу олинган натижа қўйидаги графикда бе-
рилган (1-расм).

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, аҳо-
ли сонининг ошиши, сувга бўлган талабнинг
ва табиийки, оқава сувлар миқдорининг оши-
шига олиб келади. Демак, маълум меъёрларга-
ча тозаланган оқава сувлардан қишлоқ ҳўжа-
лигига фойдаланишнинг ташкил қилиниши
сугориш учун зарур муқобил сув манбаларига
бўлган эҳтиёжни қоплашга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалигини ривожлантириш концепцияси (6024-сонли ПФ, 10.07.2020 й.)
2. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари.
3. Dimitrios Asterio and Stephan G.Hal. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. Revised edition. Palgrave Macmillan, New York, 2007. – p.397): [101; с. 65–66].
4. И.И.Елисеевой. Эконометрика: Учебник. / Порд ред., – М.: 2003,- 344с. (ст 53–54).
5. Эконометрика: Учебник./ Под ред. И.И.Елисеевой. – М.: Финансы и статистика, 2003, – 344 с.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Зафар АБДУЛЛАЕВ,

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Гулчехра ШАДМАНОВА,

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Хабиба КАРИМОВА,

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Аннотация: В статья посвящена обзору современного состояния информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) и перспективах развития новой области экономики – «цифровой экономики», рассматривается его роль в повышении конкурентоспособности и экономического роста стран. В статье приведен анализ передового мирового опыта в сфере развития ИКТ и развитие отечественного рынка ИКТ, также анализируется развитие цифровых технологий в Узбекистане, отмечается важная роль правительственные решений по развитию цифровых технологий.

Аннотация: Мақолада аҳборот коммуникация технологияларининг (АКТ) ҳозирги ҳолати шарҳланаб, «ракамли иқтисодиёт»ни ривожлантиришнинг янги йўналишлари асосида мамлакат иқтисодиётини ўсиши ва рақобатбардошлигини ошириш масалалари ёритилган. АКТ бўйича хорижий тажрибалар асосида маҳаллий АКТ бозорини ривожлантиришда ҳукумат қарорларининг муҳим аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

Abstract: The article provides an overview of the current state of information and communication technologies (ICT) markets and prospects for the new economic segment – global “digital economy”. Particularly, it investigates the role of ICT in raising competitiveness and economic growth of countries, as well as easing access to public services, it provides an analysis of the best international practices in developing ICT and the growth of the domestic ICT market, analyzes the development of digital technologies in Uzbekistan, notes the important role of government documents on the development of digital technologies

Идеей цифровой трансформации охватчен мир, и Узбекистан не остается в стороне от глобальных тенденций. Цифровые технологии становятся неотъемлемой частью всех сфер повседневной жизни. Начиная с общения и приобретения покупок и заканчивая производством товаров и функционированием госорганов – все переходит в виртуальную среду, которой пророчат большое будущее. В ближайшем будущем привычные бизнес-процессы и хозяйствственные взаимоотношения подвергнутся коренной трансформации. Идет становление нового информационного общества, расширяются горизонты, открываются окна возможностей в первую очередь для молодого поколения, которое может реализовать свои амбиции и знания, создавая благоприятную безопасную социальную среду нашего будущего.

Есть много определений нового технологического уклада, одно из них – «цифровая экономика» (веб-, интернет- и электронная экономика) – экономическая деятельность, основанная на цифровых технологиях, связанная с электронным бизнесом и коммерцией. Расчеты за услуги и товары цифровой экономики производятся зачастую электрон-

ными деньгами, и это только наиболее видимая часть процесса.

Цифровая экономика представляет собой производство, завязанное на электронных технологиях. Задача новой экономической модели – улучшить жизнь граждан, повысив качество товаров и услуг, произведенных с использованием современных цифровых технологий.

В Послании Олий Мажлису Президент предложил системную программу развития экономики. Глава государства в своем выступлении развернул стратегический вектор преобразования страны, который может обеспечить в среднесрочном будущем существенные преимущества. Среди трех приоритетных направлений доклада ведущая роль отводится цифровой экономике. По словам лидера страны, в последующие пять лет приоритетной задачей для Узбекистана станет ускоренный переход на цифровую экономику. Как отметил Президент, формирование цифровой экономики потребует соответствующей инфраструктуры, огромных средств и трудовых ресурсов, и заниматься этим следует уже сегодня, иначе завтра будет поздно. Проблема становления и развития нового экономического уклада явля-

Ключевые слова. цифровая экономика, информационно-коммуникационные технологии, цифровые технологии, конкурентоспособность экономики, информационное общество.

ется актуальной не только в теоретическом, но и практическом плане, в том числе и на государственном уровне в связи с пониманием решающей роли цифровых технологий в стратегической конкурентоспособности страны.

Интерес к цифровой экономике обусловлен еще и тем, что исследования ученых, международных организаций показывают, что информационные технологии приобретают все большую важность в экономическом развитии всех стран мира без исключения. В них подчеркивается, что в настоящее время около 40 процентов всего населения планеты имеют доступ во Всемирную сеть. А использование цифровых технологий для реализации товаров и услуг, оказания государственных услуг, образования граждан позволит обществу получить так называемые «цифровые дивиденды», под которыми понимается как рост национального благосостояния, материальная прибыль, так и прозрачность государственного управления. Развитие новой модели началось с цифровой революции – перехода от механической и аналоговой электронной технологии к цифровой электронике, которая появилась в конце 1950-х. Этот процесс, охвативший мировую экономику, впечатляет масштабом, темпами и географией. С 1960-х цифровые инновации распространялись по миру сменявшими друг друга волнами, исходившими из научных эпицентров США, Европы и Союза. Каждый из этих этапов был интенсивнее предыдущего, охватывая новые регионы и оказывая все более ощутимый для экономики эффект. Переход от больших электронно-вычислительных машин (ЭВМ) к персональным компьютерам длился десятилетия, сейчас революционные перемены происходят за годы и месяцы [1].

Цифровой экономики появилась в последнем десятилетии XX века и была связана с интенсивным развитием информационно-коммуникационных технологий. В 1995 году одним из ученых, сформулировавших основополагающие принципы цифровой экономики, стал Николас Негропонте – специалист в области информатики, основатель медиалаборатории «Media Labs» Массачусетского технологического института. В 1995 году он говорил о недостатках классических товаров (вес, сырье, транспорт) и преимуществах новой экономики (отсутствие веса товаров, виртуальность, мгновенное глобальное перемещение).

С другой стороны, многие приписывают появление термина «цифровая экономика» канадскому ученому Дону Тапскотту. В 1995 году вышла его книга «Электронно-цифровое общество: плюсы и минусы эпохи сетевого интеллекта», в которой он описывает признаки развитых стран, цифровую форму представления объектов, влияние информационных технологий на бизнес, систему государственного управления и так далее.

Цифровая экономика развивается достаточно активно по всему миру. Учитывая массовый перенос документов и коммуникаций на цифровые носители, правительства стран мира предпринимают меры для обеспечения граждан скоростными цифровыми коммуникациями. Например, Австралийская национальная широкополосная сеть (National Broadband Network) должна предоставить скорость 1 Гбит/с для 93 процентов населения этой страны старше десяти лет. В группу лидеров включены государства с наиболее высоким процентом «цифровки» экономических операций и высоким уровнем технологий, применяемых для этого. Это шесть стран: Южная Корея, Дания, Великобритания, Швеция, Норвегия, Нидерланды.

Все участники цифровой экономики были на стадии создания менее двадцати лет назад. И хотя сфера является достаточно новой, несколько ведущих компаний верно оценили развивающуюся модель, и сегодня более 90 процентов всей цифровой экономики контролируют девять компаний, которые также получают более 90 процентов всей прибыли. К ним относятся «Apple», «Google», «Facebook», «Amazon», «Microsoft» и еще четыре китайские компании.

В Узбекистане переход к цифровой экономике – это шаг к улучшению экономического состояния государства. Некоторые элементы ее уже успешно функционируют в государстве. На сегодня, учитывая оцифровку документов и коммуникаций, разрешение электронной подписи, общение с государством также переходит на виртуальную платформу. Узбекистан не входит в группу лидеров развития цифровой экономики по многим показателям. Несмотря на то, что в 2019 году в Международном индексе по развитию ИКТ страна поднялась на восемь позиций, тем не менее наблюдается отставание в этой области [2].

Именно сейчас нужно включаться в общий информационный и технологический поток обновлений и стараться эффективно их внедрять в практику всех социальных и экономических сфер. Есть все возможности для совершения технологического прогресса – приличный уровень образования, многочисленные кадры молодежи, которая при должной подготовке составит конкуренцию любому «цифровому гиганту». В связи с этим в Послании Президента Узбекистана ставит задачу совершить коренной поворот в развитии «цифровой экономики», а именно: сформировать электронную платформу научных достижений, базу отечественных и зарубежных научных разработок, полностью цифровизировать сферы строительства, энергетики, сельского и водного хозяйства, транспорта, геологии, здравоохранения, образования, кадастрового и архивного дела. Взять под особый

Цифровой экономика

контроль проекта внедрения цифровой маркировки и онлайн-касс. Завершить разработку программы «Цифровой Узбекистан-2030».

Глобальный переход к цифровизации неминуемо приведет к неизвестности многих секторов экономики. В настоящее время в Узбекистане этот процесс расширяется, что, несомненно, повлечет за собой изменение технологического уклада и производственных цепочек. В недалеком будущем наша жизнь изменится до неизвестности, а задача каждого, кто причастен к этому процессу, – не пропустить этот технологический виток, важно выстроить собственные приоритетные ниши для цифровых инноваций, где с наименьшими затратами можно не только добиться самостоятельности на внутреннем рынке, но и стать признанным в мировом сообществе. Только так государство сможет укрепить свое положение на мировом рынке услуг по обработке и хранению данных.

Недостатками цифровой экономики являются завышенная стоимость интернета, недостаточное покрытие и низкая международная пропускная способность интернета.

Экономическое развитие Узбекистана в условиях глобализации мировой экономики и технологического развития сложно представить без стремительного роста цифровой экономики. Неудивительно, что 2019 год негласно знаменовал начало эры технологических гигантов, когда в списке из 10 самых дорогих компаний плотно закрепились 7 компаний сферы технологического сектора. Однако стимулирование цифровой экономики потребует устранения барьеров, которые препятствуют развитию дигитализации и цифровой коммерции. По индексу развития ИКТ Узбекистан занимает 103 место из более чем 170 стран, опережая, например, Египет, но уступая Турции и Бразилии. Необходимо отметить, что проблемы развития цифровой экономики в Узбекистане аналогичны с общими проблемами, с которыми сталкиваются развивающиеся страны. Одна из основных проблем — слабая телекоммуникационная инфраструктура и связь. Из-за низких инвестиций в ИКТ (2,8% от общего объема инвестиций в 2017 году) плотность базовых станций связи в Республике остается очень низкой (1 базовая станция на 1600 жителей). В отличие от этого, в Казахстане одна такая вышка служит потребностям в ИКТ для 643 жителей, а в России — для 235. Это приводит к тому, что плохой интернет и мобильные услуги замедляют цифровой экономический рост и увеличивают цифровой разрыв. По сравнению со средним показателем по СНГ, в 2019 году средняя скорость интернета (мобильная и фиксированная широкополосная связь) в Узбекистане была примерно в два раза ниже. Нехватка цифровых навыков в

Узбекистане может стать серьезным препятствием для цифровой трансформации. Узбекистан, как одна из немногих развивающихся стран, имеет абсолютные показатели грамотности среди взрослого населения (100% в 2016 году) по сравнению с другими странами с аналогичными уровнями ВВП на душу населения (например, в Лаосской Народно-Демократической Республике 84,66% в 2015 году).

С другой стороны, в развивающихся странах, несмотря на высокий уровень грамотности взрослого населения, цифровая грамотность остается на более низком уровне. Возможно, это можно объяснить низким уровнем использования и распространения ИКТ в школах. В 2017 году у 32 студентов из 1000 есть персональные компьютеры. Более того, нехватка компьютеров в школах еще более усугубляется показателем количества домохозяйств в Узбекистане, имеющие персональные компьютеры, 50 компьютеров на 100 домашних хозяйств. Это также подтверждается тенденциями рынка труда — согласно недавнему исследованию, посвященному оценке нехватки квалификационных навыков на узбекском рынке труда, 68% опрошенных компаний отметили важность IT и компьютерных навыков в качестве одной из ключевых причин при найме новых кандидатов. Несмотря на существующие платежные системы (Click, Payme, M-bank, Upay, Humo, Oson и т.д.), которые позволяют осуществлять онлайн-платежи за мобильную связь, интернет, государственные услуги, налоги и сборы и т.д., только 34% владельцев счетов сделали или получили цифровые платежи в 2017 году.

Тем не менее, за последние 13 лет сумма среднего платежа через терминал на одну карту значительно увеличилась — с 207 тыс. сум до 2,7 млн. сум. В 2018 году общая сумма платежей через терминал составила 53 трлн. сум. Хотя в 2005 году Парламент утвердил «Закон об электронной цифровой подписи», который стал основой для легальных Интернет-транзакций, недостаток регулирования по-прежнему является основным барьером, препятствующим развитию электронной коммерции в Республике Узбекистан. В настоящее время на сайте, разработанном для обсуждения проектов нормативно-правовых актов (regal.gov.uz), был размещен законопроект о внесении изменений и дополнений в Закон «Об электронной коммерции», где вводятся усовершенствованные нормативные акты в области электронной торговли. В 2017 году Узбекистан начал свой путь к системе электронного правительства с развития веб-портала государственных услуг. В 2018 году было предложено 127 онлайн-услуг от различных государственных учреждений, а количество заявлений достигло 3,2 миллиона. Однако из 32 миллионов ко-

личество пользователей составило всего 57,7 тысяч человек. Начиная с 2019 года, получение государственных услуг онлайн обходится на 10% дешевле [3].

Индекс электронного правительства ООН отражает то, как страна использует информационные технологии для обеспечения доступа и интеграции своих людей. В 2018 году показатели по Узбекистану практически равны средним показателям по СНГ и превышают среднемировые показатели. Среди 193 стран в рейтинге Узбекистан занимает 81 место.

В стране завышенная стоимость интернета, недостаточное покрытие и низкая международная пропускная способность интернета являются следствием монополизированной телекоммуникационной отрасли. Рыночной формой телекоммуникационных отраслей в развивающихся странах часто является олигополия или даже монополия. В Узбекистане и в остальных странах СНГ телекоммуникационная отрасль в основном ограничена одной ведущей компанией, которая наделена особыми полномочиями и ресурсами (например, Ростелеком, Укртелеком, Казахтелеком, Азтелеком и т.д.). Важным шагом на пути к цифровой экономике станет отмена государственной монополии на международные шлюзы, которая запланирована в 2020 году. Либерализация телекоммуникационной отрасли позволит Узбекистану предоставлять своим гражданам безопасные и доступные интернет-услуги и получать выгоду от цифровой экономики.

Нехватка цифровых навыков в Узбекистане может стать серьезным препятствием для цифровой трансформации. Узбекистан, как одна из немногих развивающихся стран, имеет абсолютные показатели грамотности среди взрослого населения (100% в 2016 году) по сравнению с другими странами с аналогичными уровнями ВВП на душу населения (например, в Лаосской Народно-Демократической Республике 84,66% в 2015 году). С другой стороны, в развивающихся странах, несмотря на высокий уровень грамотности взрослого населения, цифровая грамотность остается на более низком уровне. Возможно, это можно объяснить низким уровнем использования и распространения ИКТ в школах. В 2017 году у 32 студентов из 1000 есть персональные компьютеры. Более того, нехватка компьютеров в школах еще более усугубляется показателем количества домохозяйств в Узбекистане, имеющие персональные компьютеры, 50 компьютеров на 100 домашних хозяйств. Это также подтверждается тенденциями рынка труда — согласно недавнему исследованию, посвященному оценке нехватки квалификационных навыков на узбекском рынке труда, 68% опрошенных компаний отметили важность IT и компьютерных навыков в качестве одной из ключевых причин при найме новых кандида-

тов.

Сегодня в условиях Узбекистана изучение на научной основе законов, тенденций и возможностей развития цифровой экономики, в частности степени проникновения современных информационных технологий в различные сектора экономики, приобретает особую актуальность. Процветание и перспективы нашей Родины, успех широкомасштабных реформ, проводимых в нашей стране, напрямую зависят от внедрения новых инноваций в национальную экономику. Поэтому играет важную роль совершенствование цифровой экономики и научное исследование ее социальных, экономических, политических и правовых основ.

Вопрос развития цифрового сектора национальной экономики в Узбекистане поднимается до государственного уровня, и в этом направлении реализуются широкомасштабные меры. В частности, внедряются системы электронного документооборота, развиваются электронные платежи и совершенствуется нормативно-правовая база, созданная в области электронной торговли. В то же время цифровая экономика, работающая на информационно-технологических платформах, ускоренно развивается. Это требует необходимости создания новых моделей таких платформ.

Как демонстрирует мировой опыт, помимо неограниченных выгод развитие цифровой экономики, являясь объективным процессом, предвещает многие проблемы. Формирование и развитие цифровой экономики становится причиной появления ряда проблем. Прежде всего, досягаемость информации и создание более эффективных технологий ее обработки и применения в основном должны снизить транзакционные издержки (издержки, связанные с информационным поиском и обработкой найденной информации) и повысить гибкость и эффективность экономики. Но этого может и не случиться, если в то же время не отмирают прежние технологии работы с информацией и возрастает доля транзакционных издержек за счет повышения затрат на защиту информации, оценку ее достоверности и др. Также перенос бизнес-деятельности в онлайн резко снижает, иногда даже ликвидирует необходимость в посредниках и агентах. Необходимо добавить, что экономика массовой продукции уступает место штучным индивидуальным, которые клиенты заказывают посредством режима онлайн. Еще одна проблема заключается в том, что, как и любое массовое технологическое новшество, цифровые технологии требуют специалистов новых профессий и новых компетенций, и к тому же, делают бесполезными многочисленные группы занятых в традиционных видах деятельности, что становится причиной сопротивления

Цифровой экономика

и протестов. Недостача таких специалистов, как программисты, маркетологи, аналитики и др., не возмещает ликвидацию многих других рабочих мест и вызывает рост дифференциации доходов и новую бедность. Безопасность данных, поступающих из внешних источников, порождает особый интерес. Так как традиционно считаются данные надежными и достоверными, если они подтверждаются из трех независимых источников, сегодня создание множества независимых между собой источников информации уже является скорее технической проблемой. В целом проблемы трансформации информации из продукта в товар и социально-экономических результатов этого процесса нуждаются в отдельном анализе и обсуждении. Цифровая экономика изменяет экономику в целом.

Развитие цифровой экономики напрямую

связано с уровнем развития информационно-коммуникационных технологий (ИКТ), который принято оценивать следующими показателями как доля цифровой экономики от ВВП, размеры инвестиций в отрасль ИКТ, скорость интернета, степень покрытия им территории страны и доступность для использования населением, развитие электронной торговли, обеспеченность организаций специалистами в области ИКТ.

Весьма важное значение для развития экономического потенциала страны имеют инвестиции в отрасль ИКТ, которые стимулируют инновационное развитие, приводят к повышению производительности труда, сокращению издержек и появлению новых видов экономической деятельности, а также, что не менее важно, повышают качество жизни населения.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Черняков М.К., Чернякова М.М. Прогнозирование тенденции развития цифрового правительства в постсоветских странах. Москва. 2019г.
2. Мадаминова Р.Т. и др. Некоторые аспекты развития цифровой экономики в Республике Узбекистан. Ташкент. 2019г.
3. Абдурашидов Ф.Ж., Толибов И.Ш. Особенности формирования цифровой экономики в Узбекистане. Ташкент. 2019г.

ПАХТАЧИЛИКДА РЕСУРС ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ КҮРСАТКИЧЛАРИ ТИЗИМИ

Рахматулло РАШИДОВ,

Наманган муҳандислик-технология институти, PhD

Аннотация: Пахтачилика фойдаланилаётган ресурслардан самараали фойдаланиш, янги инновацион ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш фермер хўжаликларига кўпроқ фойда олиш имконини беради. Ушбу мақолада пахтачилика ресурслардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар берилган.

Аннотация: Эффективное использование ресурсов, используемых в хлопководстве, позволит фермерам получать больше прибыли за счет внедрения новых инновационных ресурсосберегающих технологий. В данной статье представлены практические предложения и рекомендации по показателям экономической эффективности использования ресурсов в хлопководстве.

Abstract: Efficient use of resources used in cotton production will allow farms to get more profit through the introduction of new innovative resource-saving technologies. This article provides practical suggestions and recommendations on the indicators of economic efficiency of resource use in cotton growing.

Пахтачилика ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини ошириш, самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш, уларга баҳо бериш асосида тегишли хулосалар ишлаб чиқишида муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий самарадорлик тушунчаси самарадорлик тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга. Иқтисодий самарадорлик деганда бир йил давомида (маълум даврда) амалга оширилган тадбирлар билан боғлиқ бўлган харажатлар, улар натижасида олинган соф фойда суммаси билан таққосланади. Шунда сарфланган харажатлар эвазига олинган соф фойда миқдори қанча кўп бўлса иқтисодий самарадорлик даражаси шунча ошган ҳисобланади ва аксинча. Самарадорлик эса у ёки бу тадбирларни, ишларни, маҳсулотларни етишириш натижасида эришилган ютуқлардир [2].

Қишлоқ хўжалигига иқтисодий самарадорлик кам меҳнат ва моддий ресурслар сарфлаб, атроф муҳит ва экологик мувозанатга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда ресурс сарфи миқдори ҳисобига олинадиган якуний соф фойда миқдорида ўз аксини топади. Иқтисодий самарадорликни ошириш, хўжаликлар даромадининг ўсишига эришища экинлар ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш билан бир қаторда ресурсларни тежовчи технологиялардан фойдаланиш, қиммат ва ноёб ресурслар истеъмол қиласидиган ишлаб чиқариш жараёнларини диверсификация қилиш масаласи

муҳим аҳамият касб этади.


Ресурс тежовчи технологиялар иқтисодий самарадорлиги пахтачилик тармоғида, ҳар бир гектар экин майдони ҳисобига нисбатан кам харажатлар сарф қилиши, маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келадиган сарф харажатлар камайиши орқали намоён бўлиши лозим. Бунда иқтисодий самарадорлик мезонларини аниқлаш лозим бўлади. Бу борада илмий адабиётларда кўплаб фикрлар мавжуд бўлиб, уларда ресурсларга асосланган ёндашув устуворлик қиласиди. Янги технологиянинг иқтисодий самарадорлиги, олинган молиявий натижанинг сарф қилинган ресурслар миқдорига нисбати билан аниқланиши кўзда тутилади.

Демак, бизнинг назаримизда ресурсларни тежашга нисбатан иқтисодий нуқтаи назардан эса иқтисодий самарадорлик мезони деганда – фермер хўжаликларида пахта етишириша ресурсларни тежашнинг иқтисодий самараси сифатида қандай масалаларни ҳал этиш лозимлиги тушунилиши мақсадга мувофиқ. Бундан келиб чиқадики, амалда эришилган кўрсаткичлар танланган мезонлар билан таққосланиши лозим бўлади (1-расм).


Юкоридаги фикрларга таянадиган бўлсак ресурсларни тежаш борасидаги мезонлар сифатида – аниқ фермер хўжалиги доирасида янги технологияни жорий этгунга қадар эришилган иқтисодий натижалар; худуддаги илгор фермер хўжаликлари томонидан эришилган иқтисодий натижалар; пахта етиши-

Калит сўзлар: пахтачилик, ресурс, ресурс тежовчи технология, самарадорлик, мезон, иқтисодий самарадорлик, натуранлар кўрсаткичлар, нисбий кўрсаткичлар, тўлдирувчи кўрсаткичлар.

Иқтисодий самарадорлик



Пахтачиликда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги мезонлари



1-расм. Пахтачиликда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги мезонлари

ришдаги ресурслар сарфи бўйича тегишли меъёрий кўрсаткичлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Ушбу мезонлар асосида ресурс тежовчи технологиянинг иқтисодий самарадорлигига баҳо беришда мавжуд ишлаб чиқариш, табиий ва бошқа шароитлар тенглигига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, ресурс тежамкорлик асосида эришиладиган ижтимоий-иқтисодий натижаларга асосланувчи мезонлар сифатида – фермер хўжалигига пахта хом ашёси етиштириш таннархини минималлаширишга эришиш; фермер хўжалигига пахта хом ашёсини сотишдан олинадиган фойда микдорини максималлаширишга эришиш; инновацион тежамкор техника ва технология асосида пахтачиликда кўл кучи салмоғи камайишига эришиш; инновацион тежамкор техника ва технология асосида экологик хавфсизлик даражасини пасайтиришига эришиш каби натижалар билан баҳоланиши тавсия қилинмоқда.

Пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари ягона, бир бутун тизим доирасида амал қилиб, нафақат ўзаро мувофиқланган, балки ягона тизим доирасида алоҳида йўналишларга эга. Тегишли иқтисодий кўрсаткичларни ягона тизимга

келтирмасдан туриб, тежамкорлик режимида ресурслардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш қийинлашади.


Аммо, бизнинг фикри-мизча пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини ягона умумлаштирувчи кўрсаткич орқали эмас балки, кўрсаткичлар тизими орқали баҳолаш тўғрироқ бўлади. Чунки, ҳар бир кўрсаткич бир бирини тўлдириган ҳолда тежамкорлик хусусиятларини тўликроқ очиб беради. Шунинг учун ҳам пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги “натурал”, “қиймат”, “нисбий” ва “тўлдирувчи” характердаги кўрсаткичлар тизими орқали аниқлаш

лозим. Шунингдек, бугунги кунда ишлаб чиқаришни инновацион техника ва технологияларсиз ривожлантириш қийинлиги туфайли пахтачилик тармоғида инновацион технологияларни жорий қилиб боришини рағбатлантириш талаб этилмоқда. Бунда пахтачилик тармоғидаги тежамкорлик тизимида инновацион рақамли тежамкор технология ва техник воситалар (ПТТ) салмоғини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

$$\text{ПТТ} = \frac{\text{TC}_{\text{TT}} + \text{KC}_{\text{TT}} + \text{XC}_{\text{TT}} + \text{IC}_{\text{TT}}}{4} \quad (1)$$

Шу боисдан ҳам пахтачиликда тежамкорликнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тизимида ушбу кўрсаткичларни ҳам ҳисоблаш таклиф этилмоқда (2-расм).

Келтирилган расмда акс эттирилган қуйидаги тўртта кўрсаткичларнинг арифметик ўртачаси орқали баҳолаш таклиф этилмоқда. Яъни, жами пахта етиштириш технологияларида рақамли, инновацион технологияларнинг салмоғи (ТСТТ); инновацион ресурстежамкор рақамли технологияларнинг пахтачилик тармоғи ялпи маҳсулот қийматига нисбатан салмоғи (КСТТ); инновацион ресурстежамкор рақамли технологияларнинг пахтачилидаги



2-расм. Пахтачиликда ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги күрсаткичлари тизими

жами ишлаб чиқариш ҳаражатлари миқдоридаги салмоғи (ХСТТ); инновацион ресурстежамкор рақамли технологияларнинг хўжаликда пахтачилик тармоғига киритилган ишллик инвестиция миқдорига нисбати (ИСТТ) каби күрсаткичлар асосида.

Мазкур кўрсаткичининг ортиб бориши пахтачилик тармоғида ресурстежамкорлик тизимидағи замонавий технологиялардан фойдаланиш кўлами ортиши ва тармоқнинг ривожланиши барқарорлиги келажакда ҳам сақланиши хусусида хулоса қилиниши мумкин бўлади. Пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни кўллашдан кўриладиган самара етиштирилаётган пахта миқдорининг қилинаётган ҳаражатлар миқдорига нисбатан ошиб бориши билан ифодаланади. Бу технологияларни кўллаш самарадорлиги қўйидаги ҳолатда содир бўлиши мумкин. Жумладан:

– экин майдони бирлиги хисобига янгидан қўлланилган агротехнология натижасида олинган маҳсулот миқдори аввал фойдаланилган технология доирасида олинган маҳсулотга нисбатан кўпроқ бўлиши орқали;

– янги фойдаланилаётган агротехнологияда аввалги технологияга нисбатан ҳаражатлар хисобига олинган маҳсулот миқдори ортиши орқали;

– пахтачиликда жорий қилинган янги технологияда сарф қилинган ҳаражатлар миқдори ортишига нисбатан олинган маҳсулот миқдо-

ри ортиши кўпроқ бўлиши орқали ифодаланади;

– ниҳоят энг муҳими маҳсулот бирлигини етиштириш учун талаб этиладиган ресурслар сарфи маҳсулот бирлиги хисобига ёки экин майдони бирлиги хисобига мутлоқ ёки нисбий камайишига эришилади.

Юқоридаги фикрларга таянадиган бўлсак, бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб пахтачиликда ресурс тежовчи технологиялар иқтисодий самарадорлигини күрсаткичлар тизими орқали баҳолаш мақсадга мувофиқ. Чунки, бунда ҳар бир кўрсаткич ўзига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиқиб аниқроқ бўлган хулосаларга келиш имкониятини беради. Ресурс тежовчи технологиялар иқтисодий самарадорлиги натуранал, қиймат ва нисбий характердаги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланishi тўғрироқ бўлади.

Самарадорликни хисоблашда бошланғич асос пахта ҳосилдорлиги эканлигини эътиборга олсан, ҳосилдорликнинг ошишига тармоқда иқтисодий самарадорликка эришишнинг бошланғич нуқтаси сифатида қараш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида ресурс тежовчи технологиялар иқтисодий самарадорлигини баҳолашда пахта ҳосилдорлиги ўзгариши динамикасини хисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Ёки пахта ҳосилдорлиги ўзгаришсиз қолган ҳолатда ҳам етиштирилган маҳсулот бирлиги хисобига сарф қилинган ресурслар миқдори камайишига эришиш талаб этилади.

Ресурстежамкор агротехнологиянинг жорий этилиши орқали эришилган иқтисодий самарадорликни (РТТМ) аниқлашда жорий (МРСЖ) ва базис (МРСБ) йилидаги маҳсулот бирлиги хисобига ресурслар сарфи миқдори ўгариши кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин бўлади.

$$РТТ_М = \frac{МРС_{Ж}}{МРС_{Б}} \quad (2)$$

Ёки пахта етиштиришда ресурсларни тежовчи технологиялар жорий этилганда иқтисодий самарадорлик даражасига баҳо бериш учун пахта экин майдони бирлиги хисобига сарф қилинган ресурслар миқдорининг (РТТС) жорий кўрсаткичи базис кўрсаткичи билан таққосланган ҳолда аниқланадиган кўрсат-

Иқтисодий самарадорлик

кичлар бўйича баҳолаш мумкин бўлади.

$$PTT_s = \frac{MPC_{ж}}{MPC_{б}} \quad (3)$$

Шу тариқа пахтачилик тармоғида жорий этилган ресурс тежовчи технологиялар иқтисодий самарадорлигига баҳо берилади. Бунда мавжуд меъёрлар билан ҳам амалда эришилган натижаларни (пахта экин майдони, етиширилган маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келувчи ресурс сарфи миқдорини) таққослаш мумкин бўлади.

Юқоридаги кўрсаткичлар моддий ресурслар сарфининг жорий йилда миқдор жиҳатидан ўтган йилга нисбатан ёки меъёрларга нисбатан қўпайганлиги ёки пасайганлигини аниқлашга ёрдам беради. Агарда бу кўрсаткичлар “1” дан кичик ёки энг камида “1” га тенг миқдорлар билан ифодаланадиган бўлса, ресурс тежамкор технологиянинг таъсири ижобий эканлигини кўрсатади.

Янги технологиянинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи яна бир муҳим кўрсаткич бу меҳнат унумдорлиги ҳисобланади. Пахтачиликда меҳнат унумдорлиги одатда вақт бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (қиймати) ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарф этилган вақт орқали аниқланади.

Меҳнат унумдорлиги тармоқда механизациялаш даражасига боғлиқ бўлиб, бу ҳолат пахта етиширишдаги агротехник жараёнларда жонли меҳнат сарфининг камайиши тарзida намоён бўлиб, кўп кўл кучи талаб этиладиган соҳа сифатида пахтачиликда жуда катта аҳамиятга эга.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини бир бирига боғлиқлиги пахтачилик иқтисодий самарадорлигини баҳолашда кўрсаткичлар тизимидан комплекс фойдаланиш зарурятини асослайди.

Моддий ресурслар пахтачиликда ресурс тежовчи технологиялар иқтисодий самарадорлигини ўзида тўлароқ акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Чунки у ўзида пахтачиликда сарфланаётган ер-сув, техника

ва технология, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа харажатларни ўзида акс эттиради. Шунингдек, пахта ишлаб чиқаришда талаб этиладиган ресурсларнинг мақбул нисбатларини сақлаш лозим бўлади. Жумладан, моддий ресурс таркибидағи техникадан фойдаланиш имкониятини юқорилиги иқтисодий самарадорликни ўсишини таъминласада, аммо пахта етиширишдаги бошқа ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ўзида акс эттира олмайди. Пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш бирон бир ресурснинг тежалиши хисобига бошқа ресурс сарфини ортиб кетиши ҳолати юз берганда қиймат кўрсаткичларига эътибор қаратилади. Яъни нисбий арzonроқ ресурслардан фойдаланишга ҳаракат қилинади. Шу асосда пахтачилик хўжаликларида тежамкор технологияларни қўллашда ресурслар нисбатига тўғри эътибор қаратилиши талаб этилади.

Ресурс тежовчи технологиялар жорий этиш иқтисодий самарадорлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан бири – бу ишлаб чиқариш рентабеллиги ҳисобланади. Рентабеллик ўз хусусиятига кўра, ресурс тежовчи технология иқтисодий самарадорлиги тўғрисида якуний, умумий хулоса чиқариш асосида ресурслардан фойдаланиш салоҳиятини баҳолаш имконини беради. Бу эса рентабеллик даражасини фойда билан бир қаторда маҳсулот таннахига хам боғлиқ, эканлигини асослайди.

Харажатни камайтириш ҳисобига рентабелликни кўтариш мақсадида таннарх таркибидаги иш ҳақини камайтириш ҳоллари бозор шароитида моддий манфаатдорлик тизимини бузилишига олиб келади. Шу жиҳатдан меҳнат сарфини тежашда нисбатни мувофиқлаштириш талаб этилади. Яъни меҳнат сарфини тежаш иш ҳақини камайтириш эмас балки, меҳнат унумдорлигини оширадиган, ресурсларни нисбатан арzonроқ муқобиллари билан алмаштириш ҳисобига амалга ошириш мақсадга мувофик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Юсупов Э.Ж. Пахтачилик мажмуини ислоҳ қилиш ва тармоқлараро иқтисодий мутаносибликни шакллантириш муаммолари. Дис. иқт. фан. док. – Т.: ЎзБИИТИ. 1998. – 291 б.
2. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси. 2004. 53 бет
3. Салимов Б.Т.. Беркинов Б.Б. Ҳамдамов Қ.С.. Ҳакимов Р.Х.. Юсупов М.С.. Ўроқов Н.И.. Орипов М.А. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. Ўқув қўлланма. Т. 2004-1756.
4. Қ. Йўлдошев. Қ. Муфтайдинов Иқтисодий билим асослари. Т. “Ўқитувчи” 1999й. 256 б.

ПАХТА ХОМ АШЁСИ ВА БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ БЎЛҒУСИ ҲОСИЛИНИ СУҒУРТАЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Абдирашид ВАХОБОВ,
“Ўзагросуғурта” АЖ, и.ф.н

Икром РАФИКОВ,
 Тошкент давлат аграр университети, и.ф.н.

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июня қабул қилинган 505-сонли “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори ижроси бўйича давлат эҳтиёjlари учун етиштириладиган қишлоқ ҳўжалиги экинларини суғурталашнинг янги механизми, ўзига хос жиҳатлари, суғурта шартномасини тузиш тартиби, суғурта ҳодисалари содир бўлганда зарар миқдорини аниқлаш ва суғурта товонини тўлаш тартиби, шунингдек ушбу соҳада амалга ошириладиган чора тадбирлар берилган..

Аннотация: В данной статье описан новый механизм и его особенности страхования сельскохозяйственных культур согласно Постановлению Кабинета Министров Республики, Узбекистан № 505 «О мерах по совершенствованию системы страхования будущего урожая хлопка-сырца и зерновых колосовых культур» от 17 июня 2019 года, приведён порядок определения объём ущербов при страховых случаях, также даны рекомендации по составлению страховых договоров и проводимым мероприятиям в данной области

Abstract: This article describes the new mechanism and its features of crop insurance in accordance with the Decree of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 505 “On measures to improve the insurance system for the future harvest of raw cotton and cereal crops” of June 17, 2019, the procedure for determining the amount of damage in case of insurance cases, recommendations are also given on the preparation of insurance contracts and ongoing activities in this area.

Маълумки, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши турли табиий оғатлар ва ҳодисалар билан кескин боғлиқ бўлган соҳалардан бири бўлиб, ҳар йили бўлиб ўтадиган турли табиий оғатлар натижасида кўплаб фермер ҳўжаликлари катта миқдорда талофат кўрадилар. Фермер ҳўжаликларининг мол-мулки ва етиштираётган экинлари ҳосилини суғурталаш, табиий оғатлар оқибатида етиши мумкин бўлган заарларини қоплаш кафолатининг мавжудлиги иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Дунё амалиётида экинларни бўлғуси ҳосилини суғурталаш қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларни турли қалтисликлардан ҳимоя қилувчи кафолат ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июня қабул қилинган 505-сонли “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори муҳим қадамлардан бири бўлди. Шу кунга қадар фермер ҳўжаликларининг экинлари ҳосилини суғурталаш жараёнида бир қатор муаммолар мавжуд эди.

Жумладан: амалдаги суғурталаш шартларида суғурта шартномасини тузиш муддатлари белгиланган бўлиб, фермер ҳўжаликлари учун тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари асосан агротехник тадбирлар учун мўлжалланган ҳамда суғурта ҳаражатлари учун фақат бошқа ҳаражатлар ҳисобидан маблағ ажратилиши кўзда тутилган эди. Бунинг натижасида пахта ва ғалла етиштирувчи фермер ҳўжаликларининг 40-50 фоизга яқин қисми суғурта ҳимояси билан таъминланмасдан қолар эди. Тижорат банклари томонидан асосан доимий равиша пахта ва ғалла етиштириш давлат режасини бажармаётган ҳўжаликлардан суғурта ҳаражатлари учун кредит маблағлари ажратилиши ҳисобига қишлоқ ҳўжалиги суғуртаси ўзининг устувор йўналиши ҳисобланган “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти томонидан йиғилган суғурта мукофотларига нисбатан кўпроқ суғурта товонларини тўланишига, бу ўз навбатида суғурта ташкилотининг молиявий ҳолатини ёмонлашувига сабаб бўлар эди. Жумладан: 2016 йилда биргина пахта ҳосилини суғурталаш бўйича 36.0 млрд сўм суғурта мукофотлари йиғилган бўлса, тўланган суғурта товонлари ҳа-

Калит сўзлар: Суғурталовчи, суғурта қилдирувчи, суғурта ҳаражатлари, суғурта товони, кластер, фермер ҳўжаликлари, ишчи гурух, агротехник тадбирлар, бюджет субсидияси.

Экинларни суғурталаш

жими 73.0 млрд сўмни ташкил этган. 2018 йил пахта ҳосилини суғурталаш бўйича 33.0 млрд сўм суғурта мукофотлари йиғилиб, шу кунга-ча 45.0 млрд сўмдан ортиқ суғурта товоонлари тўлаб берилган.

Ушбу муаммони ечими сифатида юқоридаги қарорда «Ўзагросуғурта» АЖ томонидан пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинлари етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари-га пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинлари етиштириш учун бериладиган имтиёзли кредитларнинг 4 фоизи миқдорида суғурта харажатларига ажратиш бўйича ҳар йили:

бошоқли дон экинлари ҳосили учун — 1 февралгача;

пахта ҳосили учун — 1 июнгача бўлган муддатларда суғурта шартномаларини расмийлаштириш тартиби белгилаб қўйилди.

Шунингдек, қарорда пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш бўйича расмийлаштирилган суғурта шартномаларига асосан тўланиши лозим бўлган суғурта товоонлари, пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинлари етиштирувчи хўжалик субъектларидан тушган жами суғурта мукофотларининг 80 фоизгacha бўлган қисми «Ўзагросуғурта» АЖ томонидан қопланиши ҳамда суғурта товоонларининг қолган қисми Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Ўзагросуғурта» АЖ га ажратида-диган бюджет субсидияси орқали қопланиши назарда тутилган.

Бу албатта биринчидан фермер хўжаликлирини белгиланган муддатларда тўлиқ суғурта ҳимояси билан таъминлаш имконини берса, иккинчидан табиий оғатлар натижасида кўриладиган заарларни тўлиқроқ копланнишини кафолатлайди. Шунингдек, табиий оғатлар натижасида кўрилган заарлар ҳажми кескин ортиб кетган ҳолларда ҳам суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлашга асос бўлади.

Мазкур қарор билан “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тартиби тўғрисида низом” тасдиқланган бўлиб, ушбу низом пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларини етиштирувчи барча тадбиркорлик субъектларига, жумладан, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқарувчилар ва кластерларга нисбатан татбиқ этилиши белгиланган. Низомга мувофиқ, тадбиркорлар экин майдони, ҳосилдорлик режаси тўғрисидаги маълумотларни илова қилган ҳолда, бўлғуси экиндан кам ҳосил олиш натижасида кўрадиган заарини суғурталаш учун суғурта ташкилотига мурожаат қиласди. Банклар томонидан

пахта ва бошоқли экинларни етиштирувчи тадбиркорларга имтиёзли кредит берилганида мазкур суғурта шартномаси талаб қилинади. Суғурта шартномаси тузилганидан сўнг 30 иш кунида тадбиркорлар суғурта мукофотини суғурта ташкилотига ўтказиши керак бўлади. Суғурталовчи суғурта мукофотларини тўлиқ тўлагандан сўнг суғурта қилдирувчига 3 иш куни ичida суғурта полисини расмийлаштириб беради (1-расм).

Экинлар экилганидан сўнг 30 кун ичida суғурталовчи ва тижорат банки (суғурта қилдирувчи имтиёзли кредит олган ҳолда) томонидан жойига чиқсан ҳолда экин майдонлари мониторинги ўтказилади. Мониторинг на-тижасида экин майдонларида экинлар экилмаганлиги ёки бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экилганлиги аниқланган тақдирда, мониторинг далолатномаси тузилади ва суғурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинади. Бунда экинлар қисман экилган тақдирда, суғурта жавобгарлиги ҳақиқатда экилган майдонга нисбатан олиб борилади. Ишчи гуруҳ томонидан ўтказилган мониторинг на-тижаси бўйича ҳар бир тадбиркорлик субъекти учун алоҳида мониторинг далолатномаси тузилади. Мониторинг далолатномасини тузища қуидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

экин режада белгиланган майдонга тўлиқ экилганлиги (майдон бутлиги, бошқа экин экилганлиги, қисман ёки умуман экилмаганлиги);

минерал ва маҳаллий ўғитлар берилганлиги ва озиқлантириш агротехникасига риоя қилинганлиги;

экин майдонларини бегона ўтлар босганлиги ва қарши курашиш чораларини кўрилганлиги;

суғориш иншоатини мавжудлиги, ариқ ва зовурлар тозаланганлиги ва ўз вақтида суғорилганлиги;

экин зааркунанда ва касалликлари тушишининг олдини олиш бўйича ишлар олиб борилгани ҳамда уларга қарши курашилганлиги;

ѓўза орасига ишлов бериш ишлари ўз вақтида амалга оширилганини ўрганиш ва керакли тавсиялар бериш.

Ушбу агротехник тадбирлар меъёр доирасида олиб борилган бўлса мониторинг далолатномасида ижобий хulosasi берилади ва суғурта жавобгарлиги давом эттирилади. Агар ушбу агротехник тадбирлар бажарилиши етарли даражада олиб борилмаган бўлса (мониторинг далолатномаси хulosasi қисмida кўрсатилади) мониторинг далолатномасида салбий хulosasi берилади.

Экинларни сұғурталаш

Боскіч	Масъуллар	Чора-тадбірлар	Муддат	
1- боскіч	Пахта хом ашёсі ва бошокли дон экинларни етиштирүвчи тадбиркорлық субъекти, сұғурта ташкилоти, тижорат банки	Сұғурталовчига сұғурта мұкофотини тұлайди	Сұгурута шартномасы тузилгандан сүнг 30 иш куни ичіда	сұғурта полиси-нинг нұсхаси;
2- боскіч	Сұғурта ташкилоти	Сұғурта килдирувчига сұғурта полисини тақдим этади	Сұгурута мұкофоти тұлаптандан сүнг 3 иш куни ичіда	бўлиб ўтган ҳодисалар натижасида экин заарланған-лиги ёки нобуд бўлганлигини туман ҳо-кимлиги ишчи гурухи томонидан тасдиқлаб тузилган далолатно-ма (агар мавжуд бўлса);
3- боскіч	Пахта хом ашёсі ва бошокли дон экинларни етиштирүвчи тадбиркорлық субъекти, сұғурта ташкилоти	Сұғурта ходисасини келтириб чикарувчи холатлар тұғрисида сұғурталовчига хабарнома беради	Сұгурута ходиса аникланган кундан сүнг 10 иш куни ичіда	ходиса (ходиса тавсифи ва етказилган заар сабабларига кўра) ваколатли таш-килотлар томонидан тасдиқланган маълумтонома.
4- боскіч	Сұғурта ташкилоти, Ишчи гурухлар	Экинга етказилган зарарни жойида ўрганиб чикади ва далолатнома тузади	Хабарнома берилгандан сүнг 10 кун ичіда	Тегишли ҳужжат-лар тақдим қилин-ганидан сүнг сұғурта ташкилоти 15 кун-да сұғурта товони тұлаш ёки тұламас-лик тұғрисида қарор қабул қиласы.
5- боскіч	Пахта хом ашёсі ва бошокли дон экинларни етиштирүвчи тадбиркорлық субъекти, сұғурта ташкилоти	Хосилдан кўрилган зарарни қоплаш бўйича сұғурталовчига ёзма ариза билан мурожаат киласы	Сұғурта даври якуни бўйича	Сұғурта товонини тұлашни рад этиш ҳақида қарор чиқарилганда унинг сабаблари аниқ келтирилиши шарт.
6- боскіч	Сұғурта ташкилоти	Сұғурта килдирувчининг тақдим этган ҳужжатлари асосида тегишли қарор (сұғурта товони тұлаш ёки тұлашни рад этиш) қабул киласы	Ариза тақдим этилгандан кундан бошлаб 15 кун муддатда	Сұғурта товонини тұлашни рад этиш ҳақида қарор чиқарилганда унинг сабаблари аниқ келтирилиши шарт.
7- боскіч	Сұғурта ташкилоти, пахта хом ашёсі ва бошокли дон экинларни етиштирүвчи тадбиркорлық субъекти	Сұғурта килдирувчига аникланган товонни тұлаб беради (жами тушган сұғурта мұкофотининг 80 фоизигача микдорда)	5 иш куни ичіда	Сұғурта товонини тұлашни рад этиш ҳақида қарор чиқарилганда унинг сабаблари аниқ келтирилиши шарт.
8- боскіч	Сұғурта ташкилоти	Сұғурталовчи томонидан аникланган жами сұғурта товонларининг 80 фоиздан ошган қисмени қоплаш мақсадида бюджет субсидияси ажратилиши учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли хисоб-китобни тақдим этади	Заруратга кўра	Сұғурта даври якуни бўйича сұғурта ҳодисаси юзасидан сұғурта килдирувчилар томонидан тақдим қилин-гандан ҳужжатлар сұғурталовчининг тұлов комиссияси томонидан ўрганиб чиқилиб, сұғурта товонини тұлаш тұғрисида қабул қилинган қарор асосида экин ҳосили учун жами аниклан-
9- боскіч	Молия вазирлиги	Маълумотни ўрганиб чиқиб, сұғурталовчига сұғурта товонларини тұлаш учун бюджет субсидиясини ажратып тұғрисида хулоса тайёрлайди	15 кун муддатда	ганидан сұғурта килдирувчилар томонидан тақдим қилин-гандан ҳужжатлар сұғурталовчининг тұлов комиссияси томонидан ўрганиб чиқилиб, сұғурта товонини тұлаш тұғрисида қабул қилинган қарор асосида экин ҳосили учун жами аниклан-
10- боскіч	Молия вазирлиги	Аникланган сұғурта товонларининг 80 фоиздан ошган қисмени қоплаш учун сұғурталовчига бюджет субсидиясини ажратади	10 кун муддатда	ганидан сұғурта килдирувчилар томонидан тақдим қилин-гандан ҳужжатлар сұғурталовчининг тұлов комиссияси томонидан ўрганиб чиқилиб, сұғурта товонини тұлаш тұғрисида қабул қилинган қарор асосида экин ҳосили учун жами аниклан-
11- боскіч	Сұғурта ташкилоти, пахта хом ашёсі ва бошокли дон экинларни етиштирүвчи тадбиркорлық субъекти	Бюджет субсидияси хисобидан сұғурта килдирувчига сұғурта товонини тұлаб беради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига хисобот тақдим этади	5 кун муддатда	ганидан сұғурта килдирувчилар томонидан тақдим қилин-гандан ҳужжатлар сұғурталовчининг тұлов комиссияси томонидан ўрганиб чиқилиб, сұғурта товонини тұлаш тұғрисида қабул қилинган қарор асосида экин ҳосили учун жами аниклан-

1-расм Пахта хом ашёсі ва бошокли дон экинларининг бўлгуси ҳосилини сұғурталаш ва сұғурта ходисаси юз бергандаги ташкилоттарни тұлаш боскічлари

Сұғурта ҳодисаси натижасида экинлар за-рарланиши ёки нобуд бўлиши оқибатида ҳо-силини олиш имконияти камайса тадбиркор 10 иш куніда сұғурта ташкилотига хабар беради. Хабарномага асосан сұғурталовчи ва ишчи гурухлар томонидан экинга етказилган зарар 10 кун ичіда жойида ўрганиб чиқилади ва далолатнома тузилади. Сұғурта килдирувчи йиғиштириб олган ҳосилдорлик қиймати сұғуртага қабул қилинган ҳосилдорлик қий-матидан кам бўлганда, куйидаги ҳужжатларни сұғурталовчига тақдим этади:

Сұғурта товонлари ҳажми йиғилган сұғурта мұкофотларининг 80 фоизигача бўлган қисми доирасида сұғурталовчи ўз маблағлари ҳисобидан қоплади. Хисоб-китобларга асосан аникланган сұғурта товонлари ҳажми йиғилган сұғурта мұкофотларининг 80 фоизидан ошган қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига сұғурталовчига бюджет субсидияси ажратади. Бунда бюджет субсидияси сұғурталовчи томонидан белгиланган тартибда аниклан-

Экинларни суғурталаш

ган суғурта товоңларининг умумий суммаси (суғурталовчининг харажатларини инобатга олган ҳолда) суғурта мукофотлари ҳисобидан тўлиқ қопланмаган холларда ажратилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, ушбу қарор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари пахта ҳом ашёси ва бошоқли дон етишириувчи фермер хўжаликлари ва кла-

стерларни бўлгуси ҳосилини турли табиий оғатлар натижасида кўриладиган заарлардан суғурта механизми орқали ҳимоя қилинишини таъминлайди, буларнинг барчаси эса мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар сарасига киради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги 149-сонли ««Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»» ги қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги 959-сонли “Бошоқли дон етиширишни янада рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июнда қабул қилинган 505-сонли “Пахта ҳом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлгуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори.

4. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етишириувчиларнинг (пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчиларига маҳсулот етказиб берувчи) пахта экинидан кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарарини суғурталаш қоидалари. ДПСК – 03/1-59, 07.03.2018 й.

5. Щербаков В.В. Партнерство государства и бизнеса в страховании сельскохозяйственных рисков: вызовы нового времени и перспективы развития. Монография. М., Дашков и К, 2011.

6. Багатова З. Страхование как инструмент государственного регулирования предпринимательской деятельности в сельском хозяйстве // Москва. Проблемы современной экономики. – 2013г.

МАТЕМАТИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ ВОДНО-СОЛЕВОГО БАЛАНСА ОРОШАЕМЫХ ЗЕМЕЛЬ

Салтанат КАСЫМБЕТОВА,

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации
сельского хозяйства доцент, и.ф.н

Шароф АЙНАКУЛОВ,

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации
сельского хозяйства, старший преподаватель

Кураш КУБЯШЕВ,

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации
сельского хозяйства, ассистент

Аннотация: В статье приведены результаты водно-солевого баланса пойменных массивов, зоны аэрации, баланс корневого слоя сельскохозяйственных культур и общий водно-солевой баланс Шурузякского массива Сырдарьинской области. Определены приходящие и уходящие составляющие водно-солевого баланса, которые можно оценить мелиоративное состояние орошаемых земель. По результатам водного баланса регулируется величина водоподачи балансирующего массива, а по результатам солевого баланса определяется необходимость строительства дренажных систем.

Аннотация: Мақолада сув тошқини массивларининг сув-туз баланси, шамоллатиш зоналари, қишлоқ хўжалиги экинларининг илдиз қатлами баланси ва Сирдарё вилояти Шурузяк массивининг умумий сув-туз баланси натижалари келтирилган. Сув-туз баланси инг киравчи ва чиқувчи таркибий қисмлари аниқланди, бунда сугориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини тахмин қилиш мумкин. Сув баланси натижаларига кўра мувозанат массасининг сув таъминоти микдори тартибга солинади ва туз баланси натижаларига кўра дренаж тизимларини қуриш зарурати аниқланади.

Abstract: The article presents the results of the water-salt balance of floodplain massifs, aeration zones, the balance of the root layer of agricultural crops and the general water-salt balance of the Shuruzyak massif of the Syrdarya region. The incoming and outgoing components of the water-salt balance have been determined, which can be estimated the reclamation state of irrigated lands. According to the results of the water balance, the amount of water supply of the balance mass is regulated, and according to the results of the salt balance, the need for the construction of drainage systems is determined.

Введение. Орошение земель приводит к коренному изменению водного и солевого режимов почвогрунтов и грунтовых вод в связи с фильтрационными потерями и сбросами части поливной воды в более глубокие горизонты.

Подъём уровней грунтовых вод, особенно минерализованных, помимо угрозы заболачивания, приводить к изменению солевого режима почв. В связи с этим возникает необходимость в прогнозировании режима грунтовых вод и влияния его на солевой режим орошаемой территории.

Задачами прогнозирования водного и солевого режимов являются: учёт и оценка факторов, определяющих водно-солевой режим орошаемой территории в естественных условиях; расчёт режима грунтовых вод и запасов солей в почве в проектных условиях и установление на этом основании необходимости в проведении мелиоративных мероприятий;

расчёт промывок и параметров дренажа.

В современной мелиоративной практике применяют следующие методы прогнозирования водного и солевого режимов:

1) балансовый, основанный на решении уравнений, водного и солевого балансов;

2) аналитический, в основе которого лежит решение различных дифференциальных уравнений, включая метод конечных разностей;

3) моделирования, использующего ЭВМ и т. д.

В настоящее время основной из перечисленных – это балансовый метод, при котором прогнозирование осуществляется на основе решения уравнений водного и солевого балансов и уравнений движения влаги и солей в почвогрунтах. С. Ф. Аверьянов предложил одновременно определять: водный баланс орошаемой территории, учитывающий поверхностные и грунтовые воды и воды зоны аэрации; баланс почвенных и грунтовых вод. Общий баланс орошаемого массива представ-

Ключевые слова: водно-солевой баланс, орошаемая территория, дренаж, фильтрационные потери, дифференциальные уравнения, транспирация, вертикальный водообмен.

Математический модель

Таблица 1. Общий водно-солевой баланс массива Поймы Сайхунабадского района.

$F_{\text{вал}} = 24,7 \text{тыс.га}; F_{\text{оп}} = 18,3 \text{тыс.га}; \text{КПД}_{\text{м/х}} = 0,85; \text{КПД}_{\text{в/х}} = 0,70; L_{\text{уд}} = 21 \text{м/га}$

Элементы баланса	Годовой		Вегетационный период		Невегетационный период	
	м ³ /га	т/га	м ³ /га	т/га	м ³ /га	т/га
O_c	3615	0	440	0	3175	0
B	7826	8,66	6524	7,38	1302	1,28
$B_{\text{в/д}}$	66	0	45	0	21	0
$B_{\text{кdc}}$	2397	6	2397	6	0	0
Π	114	0,46	67	0,27	47	0,19
Итого приход	14018	15,3	9473	13,8	4545	1,5
ET	9956	0	8872	0	1084	0
D_B	65	0,16	45	0,11	20	0,05
D_p	3386	8,43	1622	4,24	1764	4,19
C	2128	2,38	1885	2,14	243	0,24
Q	47	0,2	27	0,11	19	0,08
Итого приход	15582	11,2	12452	6,6	3130	4,6
Баланс	-1564	4,12	-2979	7,17	1415	-3,05

ляет сумму указанных составляющих, в м³/га [1].

Водный баланс для орошаемой территории при наличии дренажа необходимо определять




Рис 1. Схема водного баланса орошаемой территории.

из уравнений (рис 1):

а) общий водный баланс:

$$\Delta V = (I_d - O_d) + (I_s - O_s) + P - (I + T_p) \pm V_v + B - S - D;$$

б) баланс поверхностных вод и влаги в зоне аэрации должен определяться согласно уравнению:

$$\Delta V_a = (I_d - O_d) + P - (I + T_p) \pm V_v + B - F_k - S;$$

в) баланс подземных вод:

$$\Delta V_s = (I_s - O_s) \pm V_v \pm V_a + F_k - D$$

где: D-объём дренажного стока (нагрузка на дренаж); ΔV -суммарное изменение запасов воды в границах рассматриваемой территории; ΔV_a -изменение запасов влаги в зоне аэрации в границах рассматриваемой территории; ΔV_s -изменение запасов подземных вод в границах рассматриваемой территории; I_d -приток поверхностных вод; O_d -отток поверхностных вод за пределы территории;

I_s -приток подземных вод; O_s -отток подземных вод; Р-атмосферные осадки; И-испарение с поверхности почвы; Т_р-транспирация; V_v -вертикальный водообмен баланского слоя с нижележащими водоносными слоями (подпитывание подземных вод напорными подземными водами или перетекание подземных вод в нижележащие слои); V_a -вертикальный водообмен между зоной аэрации и подземными водами; В-водозабор в оросительную систему из внешних источников В (М+Ф_к); S-отвод поверхностных сбросов оросительной воды за пределы территории; Ф_к-фильтрационные потери оросительной воды из каналов; М-оросительная норма.

Рассмотрим водно-солевой баланс орошаемых земель Сайхунабадского района Сырдарьинской области.

Из общих водно-солевых балансов массива Поймы Сайхунабадского района видно, что приходной частью баланса в основном составляют атмосферные осадки (3615 м³/га) и водозабор из каналов (7826 м³/га), а расходной частью составляет эвапотранспирация из валовой площади (9956 м³/га), сток из закрытых дрен (3386 м³/га) и эксплуатационные водосбросы (2128 м³/га). Основным источником питания грунтовых и дренажного стока являются потери (сбросы, фильтрация) из межхозяйственных и внутрихозяйственных каналов. Величина расхода воды из валовой площади составила больше 1564 м³/га относительно прихода и на валовой площади увеличилось с гектара 4,12 тонн солей (таблица 1) [2].

Расчеты водно-солевых балансов зоны аэрации орошаемых площадей массива

Таблица 2. Водно-солевой баланс зоны аэрации орошаемых площадей массива Поймы Сайхунабадского района.

Элементы баланса	год		вегетация		невегетация	
	м ³ /га	т/га	м ³ /га	т/га	м ³ /га	т/га
O_c	3327	0	315	0	3012	0
B	7528	8,73	5909	6,79	1619	1,95
$B_{\text{в/д}}$	0	0,00	0	0,00	0	0
$B_{\text{кdc}}$	0	0,00	0	0,00	0	0
C_{Π}	1129	1,31	886	1,02	243	0,29
E_{Π}	9613	-	8486	-	1127	-
$\pm g^a$	-454	-7,95	1863	10,01	-2317	-17,95
ΔC^a	-	-0,13	-	16,08	-	-16,21

Таблица 3. Баланс корневого слоя сельскохозяйственных культур массива Поймы Сайхунабадского района.

Элементы баланса	год		вегетация		невегетация	
	м ³ /га	т/га	м ³ /га	т/га	м ³ /га	т/га
O _с	3615	-	440	-	3175	-
B	8423	9,3	7022	7,9	1401	1,4
B _{в/д}	90	0,1	61	0,1	28	0
B _{кдс}	3224	8,1	3224	8,1	0	0
C _п	1615	1,8	1405	1,6	210	0,2
ET _п	15580	-	13989	-	1591	-
+g _{кс}	1576	-15,2	4424	11,3	-2848	-26,6
ΔC _{кс}	-	0,9	-	26,2	-	-25,3

Поймы Сайхунабадского района показывают, что в вегетационном периоде величина эвапотранспирации из орошаемых площадей стала больше относительно водоподачи на поле, поэтому в зону аэрации подтягивались грунтовые воды по капиллярам на гектар 3389 м³ воды, в результате этого в зону аэрации дополнительно поднимались 8,8 т/га соли. А в невегетационном периоде наоборот, атмосферные осадки и водоподача из каналов была больше относительно эвапотранспирации, в результате прибавились с гектара 2175 м³ воды и 24,2 т/га соли в грунтовые воды. А в годовом разрезе из зоны аэрации 1214 м³/га воды переместились в грунтовые воды и солевой запас в зоне аэрации увеличился на 0,70 тонн (таблица 2).

Таблица 4. Общий водно – солевой баланс массива Шурузяк Сайхунабадского района.

$$F_{\text{вал}} = 16,6 \text{ тыс.га}; F_{\text{оп}} = 13,4 \text{ тыс.га}; КПД_{\text{м/х}} = 0,85; КПД_{\text{в/х}} = 0,70; L_{\text{уд}} = 25 \text{ м/га}.$$

Элементы баланса	год		вегетация		невегетация	
	м ³ /га	т/га	м ³ /га	т/га	м ³ /га	т/га
O _с	3615	0	440	0	3175	0
B	10357	11,65	8697	9,94	1660	1,72
B _{в/д}	0	0	0	0	0	0
B _{кдс}	0	0	0	0	0	0
П	114	0,57	67	0,33	47	0,24
Итого приход	14086	12,2	9203	10,3	4882	2,0
ET	8970	0	7905	0	1064	0
Δ _в	858	2,69	558	1,81	300	0,89
Δ _р	3303	9,71	1532	4,40	1772	5,32
C	1908	2,15	1602	1,83	306	0,32
Q	47	0,2	27	0,14	19	0,10
Итого приход	15087	14,8	11625	8,2	3461	6,6
Баланс	-1001	-2,56	-2422	2,10	1421	-4,66

блища 2).

Из расчётов водно-солевого баланса корневого слоя сельскохозяйственных культур на орошаемых площадей массива Поймы Сайхунабадского района были известны, что в вегетационном периоде в корневой слой поднимались 4424 м³/га воды, в результате этого поднимались 11,3 т/га солей. А в течении года в корневой слой из нижних слоев поднимались 1576 м³/га воды и в корневом слое увеличилось 0,90 т/га соли. Из этих данных видно, что в корневом слое сельскохозяйственных культур солевой процесс неустойчивый и степень засоления немного повышенна (таблица 3) [2].

Из общих водно – солевых балансов массива Шурузяк Сайхунабадского района видно,

Таблица 5. Водно-солевой баланс зоны аэрации орошаемых площадей массива Шурузяк Сайхунабадского района.

Элементы баланса	год		вегетация		невегетация	
	м ³ /га	т/га	м ³ /га	т/га	м ³ /га	т/га
O _с	3615	-	440	-	3175	-
B	9455	10,6	7940	9,1	1516	1,6
B _{в/д}	0	0	0	0	0	0
B _{кдс}	0	0	0	0	0	0
C _п	1418	1,6	1191	1,4	227	0,2
ET _п	12276	-	10858	-	1418	-
+g ^a	176	-7,9	2561	10,8	-2385	-18,7
ΔC ^a	-	1,6	-	18,9	-	-17,3

что приходной частью баланса в основном составляют атмосферные осадки (3615 м³/га) и водозабор из каналов (10357 м³/га), а расходной частью составляет эвапотранспирация из валовой площади (8970 м³/га), сток из закрытых дрен (3303 м³/га) и эксплуатационные водосбросы (1908 м³/га). Основным источником питания грунтовых и дренажного стока являются потери (сбросы, фильтрация) из межхозяйственных и внутрихозяйственных каналов. Величина расхода воды из валовой площади составила больше 1001 м³/га относительно прихода и из валовой площади уменьшилась 2,56 тонна солей с гектара (таблица 4).

Расчеты водно – солевых балансов зоны аэрации орошаемых площадей массива Шурузяк Сайхунабадского района показывают, что в вегетационном периоде величина эвапотранспирации из орошаемых площадей стала больше относительно водоподачи на поле, поэтому в зону аэрации подтягивались грунтовые воды по капиллярам на гектар 2561 м³ воды, в результате этого в зону аэрации дополнительно поднимались 10,8 т/га

Математический модель

соли. А в невегетационном периоде наоборот, атмосферные осадки и водоподача из каналов была больше относительно эвапотранспирации, в результате прибавились с гектара 2385 м³ воды и 18,7 т/га соли в грунтовые воды. А в годовом разрезе в зону аэрации поднимались 176 м³/га воды и солевой запас в зоне аэрации увеличился на 1,6 тонн солей на гектар (таблица 5)[2].

Из расчётов водно-солевого баланса корневого слоя сельскохозяйственных культур на орошаемых площадей массива Шурузяк Сайхунабадского района были известны, что в вегетационном периоде в корневой слой поднимались 3374 м³/га воды, в результате этого поднимались 11,5 т/га солей. А в течении года в

Таблица 6. Баланс корневого слоя сельскохозяйственных культур массива Шурузяк Сайхунабадского района.

Элементы баланса	год		вегетация		невегетация	
	м ³ /га	т/га	м ³ /га	т/га	м ³ /га	т/га
O _с	3615	-	440	-	3175	-
B	9455	10,6	7940	9,1	1516	1,6
B _{в/д}	0	0	0	0	0	0
B _{кпс}	0	0	0	0	0	0
C _п	1418	1,6	1191	1,4	227	0,2
ET _п	12276	-	10858	-	1418	-
+g ^{кс}	272	-9,1	3374	11,5	-3102	-20,6
ΔC ^{кс}	-	0,3	-	19,5	-	-19,2

корневой слой из нижних слоев поднимались 272 м³/га воды и в корневом слое увеличилось 0,3 т/га соли. Из этих данных видно, что в

корневом слое сельскохозяйственных культур солевой процесс неустойчивый и степень засоления немного повышенна (таблица 6).

Выводы: Из общих водно - солевых балансов массива Поймы Сайхунабадского района видно, что приходной частью баланса в основном составляют атмосферные осадки и водозабор из каналов, а расходной частью составляет эвапотранспирация из валовой площаи, сток из закрытых дрен и эксплуатационные водосбросы. Основным источником питания грунтовых и дренажного стока являются потери (сбросы, фильтрация) из межхозяйственных и внутрихозяйственных каналов. Величина расхода воды из валовой площади составила больше относительно прихода и на валовой площаи увеличилось с гектара 4,12 тонн солей.

Водно - солевой баланс массива Шурузяк показывает также, что приходной частью баланса составляют атмосферные осадки и водозабор из каналов, а расходной частью составляет эвапотранспирация из валовой площаи, сток из закрытых дрен и эксплуатационные водосбросы. Основным источником питания грунтовых и дренажного стока являются потери (сбросы, фильтрация) из межхозяйственных и внутрихозяйственных каналов. Величина расхода воды из валовой площаи составила больше относительно прихода и из валовой площаи уменьшилась 2,56 тонна солей с гектара, что свидетельствует об улучшении техническое состояние внутрихозяйственных оросительных сетей и недопущения эксплуатационных сбросов.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Аверьянов С.Ф. Борьба с засолением орошаемых земель. М., Колос. 1978, с.288.
2. Отчет по хоздоговору 1/2012 на тему: «Мелиоративное районирование Сырдарьинской области». ТИИМ., 2014.

ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОГИДА ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Омон ДИЛМУРОДОВ,

Кишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институти, и.ф.н. лойиҳа раҳбари

Асрор БАХРИДДИНОВ,

Кишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институти, катта илмий ходим

Аннотация: Мақолада пиллачилик тармоғида интеграцион жараёнларни ривожлантириш ва рақобатбардошликни оширишнинг концептуал асослари тадқиқ этилган. Унинг асосий йўналишларини белгилаш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Аннотация: В статье исследован анализ развития интеграционных процессов в целях повышения конкурентоспособности шелководческом подкомплексе и в его отраслях. Изложены мнения авторов по определению основных направлений развития агропромышленной интеграции.

Abstract: The article analyzes the analysis of the development of integration processes in order to increase the competitiveness of the silk-breeding subcomplex and in its industries. The authors' opinions on the determination of the main directions of development of agro-industrial integration are stated.

Интеграцияни ривожлантириш агроса-нергетик мажмуаси тармоқларининг си-нергетик самарадорликка эришиши, ички ва ташки бозорларда рақобат курашининг турли шакл ва кўринишлари натижасида юз берадиган салбий оқибатларни бартараф этиш, мавжуд табиий, меҳнат ва молиявий ресурслардан рационал фойдаланиш, корхона ва ташкилотлардаги илмий-инновацион, ва ишлб чиқариш сложиятидан самарали фойдаланиш баробарида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳолатни барқарорлаштиришдаги аҳамиятини унинг устун жиҳатлари сифатида эътироф этиш ўринли бўлади. Зеро бугунги кунда республикамиз пиллачилик тармоғи олдига қўйилган энг асосий вазифа мажмуя таркибидаги соҳаларнинг ишлаб чиқариш, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлашдир.

Айнан шу жиҳатдан ҳам мамлакатимиз пиллачилик тармоғида рақобатбардошликни таъминлашнинг асосий негизи бўлган интеграцион муносабатларни ривожлантиришнинг концептуал асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки "...концепция (лотинча conceptio) сўзидан олинган бўлиб "тушуниш", "идрок этиш" деган маънони англатади. Яъни бунда: ўзаро боғлиқ бўлган ва бир тизимни ташкил этувчи ҳолат (жараён)ни ривожлантириш ёки мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган қарашлар мажмуи; маълум бир ҳолат (жараён)ни талқин этиш, тушуниш услуги, ҳамда уни баён этишга йўналтирилган асосий ғоя; борлиқда табиат ва жамиятда юз берадиган ҳодисаларга муносабатлар тизими; илмий, бадъий,

техник, сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишни ифодаловчи асосий ғоя ва тамойиллар; муаммоларни ечиш йўлларини ифодаловчи тизим; бирор ҳодисани маълум шахс томонидан фарқлаш, баён қилиш (ифодалаш) ва шу қарашлар асосида хулосалар қилиш" [3] деган маънони англатиши қайд этилган. Албатта концепция сўзининг юқорида қайд этилган таърифи умумийлик характерига эга дейиш мумкин. Лекин бугунги кун воқеликлари шуни кўрсатмоқдаки ҳақиқатдан ҳам жамият ва иқтисодиёт соҳа ва тармоқларининг қайси бирини олиб қарамайлик, ҳар бир жабҳани ривожлантириш ва янгилашнинг ўз концептуал асослари борлигини кўрамиз. Бунда фақат уларнинг ижтимоий-иқтисодий характерига кўра бир-биридан фарқланишлари ва ўзига хослик жиҳатларидан келиб чиқсан ҳолда ёндашишни талаб этади. Яна бошқа манбаларда унга бир мунча қисқа ва аниқроқ тарифлар берилган. Мисол учун: "conceptio – ислоҳатларни амалга оширишда стратегик ҳаракатларни, йўналишларни белгиловчи лойиҳа, режа ва дастурларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган асосий ғоя ва ёндашувлар бирор нарса ёки ҳодисани у ёки бу даражада тушуниш асосида назарий жиҳатдан тизимлаштириш" [2] деб таъкидланади. Ушбу ҳолатда эса муаммони ҳал этишнинг концептуал асосларини яратиш масаласига асосан назарий ёнашув заруратига ургу берилмоқда. Бизнингча, ушбу ҳолатда бир ёқлама яъни фақат назарий ёндашувга ургу бериш ҳам бирмунча нотўри бўлади. Сабаби концептуал асослар кенг, ҳар томонлама ва чукур асосланган бўлишилиги уларга қўйилган асосий талаб ҳисобланади.

Фикримизча, тадқиқот ишимиизнинг ма-

Калит сўзлар: пиллачилик тармоғи, интеграцион жараён, ипакчилик кластери, агросаноат мажмуи, ички ва ташки бозор, рақобат, интеграцион муносабат, ислоҳот, концепция.

Интеграцион жараён

сади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодчи олим В.А. Чжен томонидан берилган тариф бирмунча тушунарли ва аниқроқ баён қилингандесак тўғри бўлади. Яъни унинг фикрига кўра “Концепция – муаммоли жараён ва ҳодисалар ечимида қаратилган ғоялар ва ёндашувлар тизими, уларни тушуниш ва ифодалаш йўллари. Мазкур йўналишдаги назарий ҳамда амалий фаолият характеристи ва йўналишларини конструктив тарзда талқин этишидир” [2].

Концепциянинг маъно ва мазмуни ҳамда иқтисодчи олимлар томонидан қайд этилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда тадқиқот мавзусидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки агросаноат мажмуи ва унинг асосий соҳаларидан бири бўлган пиллачилик тармоғини интеграцион тамойиллар асосида ривожлантириш, илмий муаммолар ечимини излаш ва уни амалда қўллаш масаласи нафақат дунёнинг пиллачилик ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати ривожланган мамлакатлари, балки Ўзбекистон республикаси аграр иқтисодиёт фани олимлари томонидан ҳам олиб борилмоқда.

Ушбу масала кўп жиҳатдан агросаноат интеграциясини аграр секторни ислоҳ қилининг стратегик аҳамиятга эга бўлган йўналиши сифатида тан олинганилигидир. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги ва унинг етакчи тармоқларида ҳам ушбу йўналишларда институтционал ва таркибий ўзига хослик жиҳатлари ва агросаноат интеграциясини ривожлантириш учун асос бўладиган умумий концептуал ҳолатлар ва ёндашувларни аниқлаб олиш ва асослаш заруратини юзага келтиради.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича агросаноат интеграциясининг концептуал асосларини ривожлантириш пиллачилик тизимидағи таркибий ўзгаришлар ва трансформациялашув жараёнларининг ўзига хос бўлган жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ёндашишни талаб этиди. Амалга оширилган тадқиқот ишлари натижаларига таянган ҳолда айтиш мумкинки бугунги кунда агросаноат мажмуаси ва шу жумладан қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиша кўйидаги ҳолатларга асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, жумладан:

1. Агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг концептуал асосларини яратиш бўйича тадбирлар – республиканинг турли ихтисосликка эга бўлган худудларидағи барча қишлоқ хўжалиги корхоналари (фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари, в.х.к.) да мавжуд бўлган ресурслардан самарали фойдаланиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида йирик салоҳиятга эга бўлган қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик корхоналарига интеграция ва кооперация тамойиллари асосида бирлаштириш. Бу тадбирларни амалга оширишда давлат, худудий ва маҳаллий ҳокимият органларининг “юқоридан

пастга” тамойили асосида фаол аралашуви заруриятидан келиб чиқиши;

2. Ташкилий-иқтисодий ўзига хослиги нуқтаи назаридан:

- ишлаб чиқариш уйғунлашувини таъминлаш, ташкилий-бошқарув механизmlарини марказлаштиришда интеграцион муносабатларни ташкил этишининг “мажбурий-ихтиёрий” усуллардан фойдаланишга устунлик бериш;

- технологик жиҳатдан қишлоқ хўжалиги шу жумладан пиллачилик тармоғига боғлиқ бўлмаган корхона ва ташкилотлар капиталидан (молиявий ресурсларидан) фойдаланилгани ҳолда интеграциянинг “аграп индустрисал” шакллари ва кўринишларини ривожлантириш;

3. Ривожлантириш истиқболлари яъни стратегиясини белгилашда:

- вертикал ва горизонтал интеграция тамойилларини ўзида мужассам этган кўп тармоқли, комбинацион тизимлаштирилган йўналишларни қамраб олиш;

- корпоратив бозор муҳитини шакллантириш баробарида трансмиллий тузилмалар даражасида ўзаро ҳамкорлик кўламларини кенгайтириш;

- интеграцион ҳамкорликнинг асоссациялашган шаклларини ривожлантириш ва рағбатлантириш;

Шунингдек мазкур грант лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган тадқиқотлар агросаноат мажмуаси ва пиллачилик кичик мажмууда ривожланган бозор шароитида агроинтеграцияни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг концептуал механизmlарини такомиллаштириш орқали ипак маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва тадбирлар айни ривожланиш босқичида эканлигини кўрсатмоқда. Шу муносабат билан интеграцион асосдаги пиллачилик корхоналари фаолияти самарадорлигини яқин келажакда янада ошириш, мумкин бўлган истиқболли концептуал асослар ҳамда йўналишларини аниқлаш зарурятини юзага келмоқда.

Фикримизча пиллачилик мажмууда нисбатан муҳим ва асосий концептуал асослар сифатида қўйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Интеграцион алоқалар қамровини янада кенгайтириш ва “миллий бренд” лар яратиш мақсадларида халқаро трансмиллий компанииларнинг ишлаш тамойилларига асосланган давлат даражасидаги худудий интеграцион тузилмалар ташкил этиш. Ушбу масала пиллачилик тармоғида инновацион фаолликни ошириш, мамлакат ичида ипак маҳсулотлари бозорида назорат ва мониторинг ўрнатиш, ташкил бозорларда барқарор рақобатбардошлиқ даражасига эришиш орқали, дунё ипак маҳсулотлари бозорида ўз ўрнимизни эгаллашимизнинг стратегик аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади. Шу муносабат билан интеграцион тузилмалар фаолиятининг ҳукуқий

ва меъёрий асосларини халқаро хуқуқ нормаларга мослаштириш бунинг учун барча зарурый шарт-шароитлар яратилиши зарур.

2. Бошқарув қарорларининг оқилона ва тезкорлигини таъминлаш талабларидан келиб чиқсан ҳолда пиллачилик мажмууда ишлаб чиқаришнинг уйғунлиги ҳамда иқтисослашиш даражасини белгилашнинг илмий асосланган усулларидан фойдаланиш; Бунда: барча даражадаги интеграцион тузилмаларни ташкил этишда биринчи навбатда иштирокчилар шу жумладан пилла ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарининг оптимал ўлчамларини белгилаш зарур. Акс ҳолда хўжалик фаолияти натижадорлиги пасайиш ҳолатлари юз беради. Зеро республикамиз ва айрим хорижий давлатларда йирик интеграцион тузилмаларга жалб этилган корхона ва ташкилотлар активларини зарурий даражада яъни чукур иқтисодий асосланмаган ҳолда бирлаштириш ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришида инвестицион ресурслар етишмаслиги ёки бу борадаги мажбуриятларни бажармаслик, интеграцион корхона ва тузилмалар фаолиятининг ташкилий бошқарув ва иқтисодий самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

3. Интеграцион жараёнларни ташкил этиш ва ривожлантиришда “қатъий” деректив үсуллари билан биргаликда тармоқ корхоналарининг пиллачилик мажмуи субъектларининг стратегик ҳамкорликларини кўзда тутувчи контрактация үсулини ҳам ташкил этишга эътибор қаратиш зарур. Чунки агрономика интеграциянинг контрактация үсули маҳсулот сифати ва стандартларга қўйиладиган талабларнинг умумийлиги, маҳсулот сотиш тизимининг ишончлилиги, ички ва ташкил бозорларда талабнинг юқорилиги, янги техника технологиялардан фойдаланиш имкониятлари, ишлаб чиқариш ва мулкчилик шаклларини жорий этиш нуқтаи назаридан айнан пиллачилик тармоғида кўпроқ қўллаш мақсадга мувофиқдир.

4. Пилла ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришини интенсив ва инновацион моделлар асосида ташкил этиш. Маълумки интенсив ривожланиш ва инновациявийлик тармоқ ривожида асосий ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки тармоқда ишлаб чиқариш жараёнларини интеграцион асосда ташкил этишнинг ўзи ҳам ташкилий инновация хисобланади. Шунингдек интеграцион тузилмалар ишлаб чиқариш фаолияти инвестицион капитални

жалб қилиш, фан-техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан фойдаланиш борасидаги ўзаро ҳамкорлик ишларини мувофиқлаштириш тамойилларига асосланиши зарур.

5. Давлатнинг интеграцион жараёнларни ташкил этиш ва ривожлантириш тадбирларига бевосита аралашувини босқичма-босқич тарзда камайтириб бориш ва пилла хомашёси ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришини мустақил хўжалик юритиш тизимига ўтказиши. Ушбу йўналишдан кўзда тутилган асосий мақсад пилла ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-куватлаш ҳамда тартибга солиш тадбирларини Бутунжаҳон савдо ташкилоти талабларига мослаштиришдан иборат бўлади. Бу ўз навбатида “яшил саватча” доирасида амалга ошириладиган тадбирлар биринчи навбатда пиллачилик тармоғи корхоналарини том маънодаги интеграцион муносабатлар асосида фаолият юритишлари учун зарурый шарт-шароитларни яратади.

6. Ўзаро мафаатли ва самарали ҳамкорлик ҳамда мукаммал ишлаб чиқариш, ташкилий-иктисодий алоқаларини ўрнатиш, маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини оширишни кўзда тутувчи кластер шаклларини рағбатлантириш. Бу ўз навбатида:

-республика пиллачилик тармоғида ягона иқтисодий макон ва кулаги иқтисодий-инвестицион мухитни юзага келтиради;

-“Ипакчилик кластери” ва улар иштирокчиларининг рақобат устунлекларини таъминлаш учун асос бўлувчи инновацион технологиялардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратади;

-ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқаларнинг прогрессив үсул ва шаклларидан фойдаланиш, турли даражада юзага келадиган таваккалчилик ва хавфларни камайтиради;

-замонавий глобаллашув шароитида тармоқка хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ташкил бозорларга чиқиши ва ўз мавқеларини мустаҳкамлаш баробарида халқаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлайди.

Хулоса қилиб айтганда юқорида баён этилган концептуал асослар пиллачилик мажмуи ва унинг барча тармоқларида кенг қамровли ислоҳатларни амалга ошириш бўйича мамлакатимиз раҳбарияти томонидан белгилаб берилган стратегик вазифаларни мувоффақиятли бажрилиши учун хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИЁТЛАР:

1. Г. Федотова Кооперация и интеграция в агропромышленном комплексе. Финансовая аналитика: проблемы и решения 2016 г № 29 Издательский дом «Финансы и кредит» М. 2016-14с
2. В.А. Чжен “Язық бизнеса” ИПК “Шарқ” 1995 224с
3. www/ ru wikipedia/ org /wiki/ концепция
4. Dic. Akademik. ru/ dic. nsf/enc. Philosophy /2537/ концепция.

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА ИХТИСОСЛАШУВ ЖАРАЁНИ ШАРТ-ШАРОИЛЛАРИ ВА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР

Халықназар ҚАЛИМБЕТОВ,

Бердақ номидаги Корабалпоқ давлат университети доценти

Зина БАЙМУРАТОВА,

Бердақ номидаги Корабалпоқ давлат университети доценти

Аннотация: Мақолада муаллифлар фермер хўжаликларининг ривожланишидаги муаммаларни ва фермер хўжаликлари фаолиятида кўшимча тармоқлар ташкил қилишдаги талаблар, қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш тизимини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Аннотация: В статье рассмотрены проблемы развития фермерских хозяйств и требования к организации дополнительных отраслей в деятельности фермерских хозяйств, совершенствованию системы специализации фермерского хозяйства.

Abstract: The article discusses the problems of the development of farms and the requirements for the organization of additional sectors in the activities of farms, improving the system of specialization of the farm.

Кишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш жараёнлари хусусиятларини тарихий жиҳатдан таҳлил қиласиган бўлсак, ишлаб чиқаришнинг натуран кўриниши ҳукумронлик қилиши, ишлаб чиқарувчи субъектлар учун кўп тармоқли фаолиятни амалга оширишни тақозо қилган. Хусусан, ишлаб чиқарувчи субъектлар ўз оиласининг кундалик эҳтиёжлари учун гўшт, сут, фалла, сабзавотлар, мева етиштириш, уларни куз ва қиш мавсумларида сақлаш учун қайта ишлаш масалаларини ҳал этишга мажбур бўлишган.

Айниқса йилнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш қийин бўлган ёки мумкин бўлмаган фаслларида ҳам оиласининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаган ҳолда сақлаш муддатини узайтириш масаласини ҳал этишни талаб қилган. Жумладан, мисол сифатида қарайдиган бўлсак, мураккаб технологияларни талаб қилмайдиган гўшт ёки мевалар, сабзавотларни қуритиш орқали маҳсулотлар кўпроқ сақланган ва оиласининг истеъмол талабини қондириш имкони пайдо бўлган.

Айни пайтда қадимий илм-фан соҳасида ҳам кўп тармоқлиликни кузатиш мумкин. Илм-фан соҳасида ижод қилган қадимги дунё классик олимлари фаолияти бунга мисол бўла олади. Масалан, Абу Али Ибн Сино бобомизнинг тиббиёт илми асосчиларидан бири сифатида бугунги кунгача ҳам дунё илм ахли тан олаётганлигини билганимиз ҳолда, олимнинг математика, астрономия, физика, фалсафа

соҳаларида илмий мушоҳадалар юритганлигини бизгача етиб келган асарлари исботлайди. Аммо, кейинчалик илм-фан соҳаларининг ва шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнининг техник ва технологик ривожланиб, мураккаблашиб бориши, ишлаб чиқаришнинг товар пул муносабатлари доирасида товар айрибошлиш тизимига бўйсuna бориши, баробарида алоҳида ишлаб чиқаришнинг ўзи тармоқларга ажralиб ихтисослашув жараёни юз берган, ҳар бир фаолият соҳаси ўз ўрнида яна-да чукурлашиб, йўналишларга бўлинib борган.

Бу ҳолатда ихтисослашиш ишлаб чиқаришнинг илм-фан ютуқларига асосланган ҳолда мураккаблашиб бориши маҳсули бўлиши билан биргаликда, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ортишини таъминловчи муҳим дастаклар ва иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг ихтисослашуви чукурлашиб бориши ва бу жараённинг муттасиллиги, меҳнатнинг ўзига хос бўлган ҳамда мураккаблашиб борувчи техникалар ва технологиялар тизими билан қуролланиши, алоҳида билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисликлар ва мутахассислар шаклланиши ҳамда уларнинг малакаси ошиб боришини таъмин этган. Шунингдек, замонавий алоҳида йўналишлар бўйича бозорда маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришдан то охирги истеъмолчигача бўлган самарали ҳаракатини таъмин этиш, маҳсулотлар рекламасини, бозорга таклиф этиш борасида дунё фани ва амалиёти томонидан эришилган натижаларни ишлаб чиқа-

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, ихтисослаштириш, натуран кўрсатгич, иқтисодий омил, маҳсулот, бозор талаби, субъект, тармоқ, агарар соҳа, инфратузилма, иқтисодиёт, ресурс.

ришга жорий әтиш йўналишидаги тадбирларни амалга ошириб боришни тақозо қила бошлади.

Ихтисослашув хўжалик юритувчи субъектларга товар маҳсулоти етиштирувчи хўжаликларга алоҳида йўналишдаги ва ўзига хос бўлган вазифаларни бажарадиган моддий-техник ресурслар, харид қилиш билан боғлиқ бўлган хўжалик алоқаларини йўлга қўйиш талаб әтилади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви тармоқ иқтисодий ривожланишини таъмин әтишдаги муҳим масалалардан бири – ҳар бир ҳудуднинг (мамлакат доирасида), алоҳида давлатларнинг (дунё миқёсида) табиий-икълим шароитлари билан боғлиқ бўлган устунликларидан (тупроқнинг табиий унумдорлиги, механик таркиби, кимёвий хусусиятлари, мелиоратив ҳолати, йиллик вегетация даври давомийлиги, тупроқнинг табиий намлиқ билан таъминланганлик даражаси, йиллик самарали ҳарорат миқдори, сув таъминоти даражаси, жой рельефининг ва табиатининг чорвачилик учун қулайлиги) унумли фойдаланишга шароит яратиб беради.

Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувидаги муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамият касб этувчи масалалардан бири бу-aloҳида ҳудудлар (мамлакат доирасида), алоҳида давлатлар (дунё миқёсида) доирасида бир неча юз йилликлар давомида шакланиб, сайқалланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келётган тажрибалар, маҳсулотлар етиштириш борасидаги билимлар, кўнимкамлар, техник воситалардан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Мисол сифатида қарайдиган бўлсак, республиканинг алоҳида ҳудудларида алоҳида турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етишти-

риш (Олтиарик туманида турп, бодринг ёки аччиқ қалампири етиштирилиши, Бахмал туманида етиштириладиган қирмизи олмалар, фақат Паркент, Ургут ёки Хатарчи туманларига хос бўлган сифатдаги узумлар ва майизлар) борасида тўплланган билимлар, тажрибаларни бошқа ҳудудларда жорий әтилиши қийин бўлган, кўплаб сарф-харажатларни, билимларни ўзлаштириш учун маълум вақтни талаб қиласидиган жараён ҳисобланади.

Дунё миқёсида олиб қарайдиган бўлса, планетамизнинг Жанубий, Марказий Осиё мамлакатларида асосий экин сифатида шоли етиштирилиши, Европанинг шимолида жойлашган давлатларда чорвачилик маҳсулотлари етиштирилиши, маҳсулотларни қайта ишлаш соҳаларида тўплланган тажрибалар бошқа давлатларга нисбатан юқори самарадорликка эгалиги ёки етиштирилган маҳсулот бирлиги учун нисбатан камроқ моддий-техник ва



1-расм. Қишлоқ хўжалигида ихтисослашув жараёни юз беришидаги муҳим шарт-шароитлар

Ихтисослашув жараёни

мехнат ресурслари сарфи талаб этилиши худудий ихтисослашув маҳсали (табиий омилларга боғлиқ ҳолда пайдо бўлган, ривожланган) ҳисобланади.

Юқоридаги фикрларга таянадиган бўлсан, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашув жараёни шартли равища кўйидаги гурӯхларга бўлинishi мумкин (1-расм):

- худудларнинг табиий-иклим шароитларига боғлиқ ҳолда асрлар давомида шаклланган ва ривожланиб борувчи ихтисослашув жараёни;

- худудларда яшовчи аҳолининг маҳсулот истеъмоли борасидаги одатлари асосида пайдо бўлувчи бозор талабига боғлиқ ҳолда шаклланган ва чуқурлашиб борувчи ихтисослашув йўналиши;

- алоҳида худудларда яшовчи аҳолининг диний маросимлар, турли чекловлар асосида шаклланувчи ихтисослашув йўналиши;

- бозор талаби ва иқтисодий самарадорлик даражаси борасидаги устуворлик туфайли шаклланувчи ва чуқурлашиб борувчи ихтисослашув;

- худуддаги асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи тармоқга боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ихтисослашув йўналиши;

- худудлар доирасида шаклланган аграр соҳа инфратузилмаларга боғлиқ ҳолда шаклланган ихтисослашув йўналиши;

- мамлакат доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш борасидаги турли чекловлар ёки алоҳида соҳаларни ривожлантириш (устувор йўналишлар) таъсирида пайдо бўлган ихтисослашув йўналиши;

- мамлакатнинг аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор тамиллаш ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ривожлантириш талаблари асосида шаклланган ихтисослашув йўналиши;

- глобал иклим ўзгариши натижаларини инсонлар мафаатларига бўйсиндириш йўналишида пайдо бўлувчи ихтисослашув йўнали-

ши.

Санааб ўтилган ихтисослашув йўналишлари хусусиятларига эътибор қаратадиган бўлсан, шундай хулоса қилиш мумкини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ихтисослашув ҳолатини ҳар доим ҳам фақатгина иқтисодий самарадорлик ёки табиий-иклим хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда тушунтиришга уриниш мунозарали ҳисобланади.

Юқорида тилга олинган ихтисослашув йўналишлари мамлакат доирасидаги ишлаб чиқариш жараёнига ишлаб чиқариш омиллари ва етиштирилган маҳсулотлар бозорлари фолиятига боғлиқ равища шаклланадиган тури омиллар таъсири ва маҳсали ҳисобланади. Бунда кўпчилик ҳолларда нафақат табиий-иклимининг қулайлиги, ишлаб чиқарувчиларнинг хошишлари ва бозордаги мавжуд талаблар, балки давлатнинг алоҳида ишлаб чиқариш йўналишларини ривожлантириш борасидаги белгилаб берадиган вазифалари, имтиёзлари ва эҳтиёжлари ҳам таъсир кўрсатаётганини кўриш мумкин. Шу жиҳатдан ҳам масалага ойдинлик киритиш учун қишлоқ хўжалигидаги ихтисослашув жараёнига таъсир кўрсатидиган омилларни аниқлаш талаб қилинади.



2-расм. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ихтисослашуви жараёнига тасир қилувчи асосий омиллар

Юқоридаги вазиятларини ҳисобга оладиган бўлсан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқларида пайдо бўладиган ихтисослашув жараёнларига кўйидаги омиллар кучли дара-

жада таъсир қилади деб ҳисоблаймиз (2-расм);

- ҳудудларнинг табиий иқлим шароитлари доирасида пайдо бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги иқтисодий устуворликлар билан боғлиқ омиллар;

- ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот етишириш учун зарур бўлган мавжуд самарали ҳарорат миқдори;

- ҳудуддаги йиллик ўртача ёғин сочинлар миқдори ва табиий намлик даражасининг сақланиб туриши;

- ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш учун зарур бўлган миқдордаги мавжуд сув таъминоти даражаси;

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг тупроқ унумдорлиги, мелиоратив ҳолати ва шўрланиши даражаси;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг географик жойлашувига боғлиқ ҳолда пайдо бўлувчи алоҳида йўналишлардаги ишлаб чиқаришни чегараловчи иқтисодий омиллар. Бунда, хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техник ресурслар харид қилиш ва маҳсулотларни сотишда асосий бозорларига нисбатан географик жиҳатдан (иктисодий жиҳатдан қулай ва нокулай) жойлашуви эътиборга олинмоқда;

- жамиятдаги ижтимоий-иктисодий, маданий (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари истеъмолидаги чекловлар, анъаналар, одатлар)

вазиятлар доирасида шаклланган таъсир этувчи омиллар;

- давлатнинг ички бозордан келиб чикувчи ёки ташқи бозорга маҳсулот экспорт қилиши билан боғлиқ эҳтиёжлари доирасида шаклланган омиллар.

Аммо, бу ерда бир нарсага этибор бериш керакки иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидан фарқли равища қишлоқ хўжалигига ихтисослашув жараёни қатор хусусиятларга ҳам боғлиқ бўлади. Ёки бошқачароқ баён этадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигига тўлиқ ва аниқ йўналиш бўйича соф ихтисослашув мавжуд эмас. Масалан, саноат корхоналарида фақатгина битта ёки бир неча аниқ маҳсулот етишириш мумкин яъни, енгил саноат корхонаси фақат, болалар футболкалари ёки катталар оёқ кийимлари ишлаб чиқариши мумкин. Шунингдек, саноатнинг бошқа тармоқларида ҳам қисқа йўналишдаги ихтисослаштириш асосида ишлаб чиқаришни амалга ошириш мумкин.

Кишлоқ хўжалиги тармоғида эса юқорида тилган олинган имкониятлар, яъни аниқ турдаги маҳсулотни етишириш имкони мавжуд эмас. Чунки алоҳида (ўсимликилик ва чорвачилик) тармоқлар фаолияти бошқа тармоқларнинг ҳам йўлга қўйилишини табиий-иктисодий равища талаб қиласи. Масалан, ўсимликилик тармоғи агротехнологик ва иқтисодий жиҳатдан чорвачилик билан узвий боғлиқ бўлиши талаб этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4478 сонли Фармони. – Тошкент. – Қишлоқ ҳаёти. 2012 йил 23 октябрь.

2. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ.2004.-79 б.

3. Хушматов. Н.С. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари, ривожланиш зарурати, шартлари ва йўналишлари. Рисола. – Тошкент, ЎЗБИТИ, 2013. -16

БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЎЃИТЛАР ВА ОҲАҚКА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ ҲИСОБЛАШ УСЛУБИ

Шахиста ДОСМУРАТОВА,

Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали асистенти

Амирбек АЙТЫМБЕТОВ,

Тошкент давлат аграр университети асистенти, мустақил изланувчи

Аннотация: Мақола ҳовуз балиқчилиги хўжаликларида минерал ва маҳаллий ўѓитлар ҳамда сўндирилмаган оҳакка бўлган эҳтиёжни аниқлаш масалаларига бағишиланган. Жумладан, унда ҳовуз балиқчилиги учун талаб этиладиган ўѓитлар ва оҳак миқдори ҳамда қийматини ҳисоблаш услуги таклиф қилинган. Таклиф қилинаётган услуга поликультура шароитида карпсимон балиқлар етиштиришга ихтисослашган тўлиқ тизимли хўжаликларда ҳам муваффақиятли кўлланлиши мумкин.

Аннотация: Статья посвящена вопросам определения потребности в минеральных и органических удобрений, а также негашенной извести в прудовых рыбоводческих хозяйствах. В частности, предложена методика исчисления количества и стоимости удобрений и извести, требуемых для прудового рыбоводства. Также, предлагаемая методика может успешно применяться в специализированных полносистемных рыбоводческих хозяйствах, выращивающих карловых рыб в условиях поликультуры.

Abstract: : The article is devoted to the determination of the need for mineral and organic fertilizers, as well as quick lime in pond fish farms. In particular, a methodology has been proposed for calculating the quantity and cost of fertilizers and lime required for pond fish farming. Also, the proposed technique can be successfully applied in specialized full-system fish farms that grow cyprinids in polyculture conditions.

Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқла-
ри, ҳусусан балиқчилик тармоғини
модернизациялаш ишлаб чиқариш жараёнини
айланма маблағлар билан таъминлаш ва мав-
жууд ресурслардан оқилона фойдаланишини
тақозо этмоқда. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан:
«балиқчилик тармоғидаги ташкилотларнинг
айланма маблағларини тўлдириш ва кўпайтиришга
кўмаклашиш» [1.2б.], шунингдек
«аквакультурани ривожлантириш, ер ва сув
ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фой-
даланиш бўйича чора-тадбирларни амалга
ошириш; балиқчилик хўжаликларининг мод-
дий-техник таъминотини мустаҳкамлаш учун
шароитлар яратиш» [2.2 б.] муҳим вазифалар
сифатида белгиланди. Шунингдек, «сунъий
сув ҳавзаларининг ҳосилдорлигини ошириш
учун балиқчилик хўжаликларининг минерал
ўѓитларга бўлган талаби тўлиқ қондирилма-
япти» [3] деб таъкидланган.

Ҳовуз балиқчилигига минераль ва органик ўѓитлар билан узлуксиз таъминлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш кўп жихатдан ушбу ресурсларга эҳтиёжни тўғри ҳисоб-китоб қилишга боғлиқ.

Маълумки, балиқ етиштириладиган ҳовуз-

ларда минерал ўѓитларни қўллаш сув ўтларини азот ва фосфор билан таъминлаш ҳисобига юқори ва барқарор балиқ маҳсулдорлигини олиш учун зарур усул ҳисобланади.

Шундай экан, ҳовузларни ўѓитлаш аввали мълум меъёрларга асосланиши ва меъёрдан ошиқ минерал ўѓитлар солинишига йўл кўймаслик керак, чунки ҳовуздаги балиқлар қирилиб кетиши мумкин. Бу фитопланктонларнинг интенсив ривожланиши ва кислороднинг сўриб олиниши оқибатида содир бўлади.

Минерал ўѓитлардан самарали фойдаланишнинг муҳим шартларидан бири ҳовузларнинг гидрокимёвий режимини тўғри таъминлаш ҳисобланади. Бунинг учун эса ҳовузларга оҳак солинади.

Соҳанинг етакчи олимлари ва мутахассислари Б.Г.Камилов, Р.Б.Курбанов ва Т.В.Салиховлар ёзишича: «Ҳовузларни оҳаклаш – балиқ касалликларини олдини олиш (профилактика), сувни кальцийга бойитиш, мелиорация мақсадида ўтказиладиган мажмумий биотехник усуслар» [4.19 б.]. «Оҳаклаш учун сўндирилмаган оҳак CaO, сўндирилган оҳак Ca(OH)₂ ҳамда туйилган оҳак тоши CaCO₃ кўлланилади. Оҳак киритиш(солиш-Д.Р)нинг умумий меъёри – 1-2 ц/га. Сўндирилмаган

Калит сўзлар: балиқчилик, ҳовуз балиқчилиги, карпсимон балиқлар, поликультура, норматив, ўѓит, минерал ўѓитлар, органик ўѓитлар, оҳаклаш, азот, фосфор, калий, биоген.

оҳакка нисбатан сўндирилган оҳакнинг нейтраллаш қобилияти 1,3 марта, оҳактошда эса 1,8 марта камлиги туфайли уларни киритиш миқдори ҳам тегишли равишида кўпроқ бўлади.

Оҳак баҳорда ҳовузнинг қуруқ тубига, у сувга тўлдирилгандан кейин – сув устидан солинади. Баҳорда оҳак азот-фосфорли ўғитлар солинишидан 2-3 сутка олдин ҳар 15 кунда солинади. Ёзда оҳак 7-10 кунда солиниб турилади [4.20 б.].

Демак, ҳовузларга оҳак солиш ташки муҳит шароитларини яхшилаш ва балиқ маҳсулдорлигини ошириш учун қўлланилади. Кальций тузи ёш балиқлар ва балиқ тўқималарининг нормал ривожланишини таъминлайди, асаб-мускул тизимининг фаолиятини тартибга солади ва суяқ скелетининг ривожланишига ёрдам беради. Улар бутун сув флораси ва фаунаси томонилан истеъмол қилиниб, ҳовуз тупроғида муҳим ўзгаришларга олиб келади. Ҳар йили ҳовузлар сувини қочириш ва балиқларни овлаш вақтида катта миқдорда кальций ҳам чиқиб кетади ва унинг ўрнини тўлдириб бориш зарур. Ҳовузларга оҳак солиш касалликлар профилактикаси ва озуқа элементи сифатида сувни кальций билан бойитиш мақсадида амалга оширилади.

Кальцийли ўғитлар кўпинча сўндирилмаган оҳак ва камдан-кам ҳолларда карбонат кальций кўринишида қўлланилади. Ҳовуз тубига ва сувга оҳак солиш уларнинг актив реакцияси (рН)ни оширади, азотли ва фосфорли ўғитларнинг таъсирига кулай шарт-шароитлар яратади ҳамда тупроқ ва сувни патоген микрофлоралардан заарсизлантиради, ботқоқ ўсимликларининг ривожланиб кетишини чеклайди.

Ҳовуз тубига оҳак солиш нормалари рН миқдорига, яъни тупроқнинг кислоталилик миқдорига боғлиқ. Оҳак солиш ўюли билан рН миқдорини 6,5га етказиш зарур.

Ҳовуз балиқчилигида органик ўғитлар ҳам қўлланилади. Уларнинг турлари ва хусусияти тўғрисида яна соҳа олимлари ва мутахассислари ишларидан иқтибос келтирамиз. «Органик ўғитлар – гўнг, компост, қуш ахлати, кўк ўғитлар – тўлиқ ўғитлар деб ҳисобланади. Уларнинг таркибида барча керакли биогенлар – азот, фосфор, калий, кальций ва ҳ.к. мавжуд, бактериялар ва баъзи умуртқасизлар учун эса у бевосита озуқадир»[4.16 б.].

Ушбу олимлар ва мутахассислар таъкидлашларича:«баҳорда ҳовузга сув қўйишдан аввал органик ўғит солиш меъёри 2-4т/га.-ни ташкил қиласди, ўсиш мавсуми давомида эса – эҳтиёжга қараб белгиланади. Ўғит солишдан мақсад – фито- ва зоопланктонни ривожлан-

тиришдир»[4.17 б.]. Шунингдек, чуқурлиги 1 метрли ҳовузларда минерал ўғитларни қўллаш меъёрлари тавсия этилган (1-жадвал).

Айрим амалиётчилар фикрига кўра, энг 1-жадвал

Чуқурлиги 1 метрли ҳовузларда минерал ўғитларни қўллаш меъёрлари [4]

Минерал ўғит турлари	меъёр
Аммиакли селитра	55-60 кг/га
Оддий суперфосфат	70 кг/га
Гранулланган суперфосфат	60 кг/га
Икки ҳиссали суперфосфат	25 кг/га

яхши органик ўғитлар чириган (бўрсиган) гўнг ва компост ҳисобланади. Органик ўғитларни кузда солиш фойдали, камдан-кам ҳолларда баҳорда, қуритилган ҳовуз тубига солиниб, кейин культивация қилиш мақсадга мувофиқ.

Минерал ўғитлар ҳовузларга сув қўйилгандан кейин ҳарорат +80Сдан ошганда қўлланилади. Биринчи порциялари балиқ ҳовузга ўтказилгандан сўнг 7-10 кун ўтгач солинади. Ўғитлар сувда эриб, сув ўтлари ва организмлари томонидан утилизацияланади. 10-15 кун ўтгач, кейинги порциялари киритилади.

Соҳа мутахассиси Д.Р.Шоҳимардонов фикрига кўра: «Қуйидаги ҳолларда ўғитлаш мақсадга мувофиқ эмас:

- ҳосилдорлик табиий озуқа базасига боғлиқ бўлмаса (интенсив балиқ ўстириш тизимида);
- ҳовузда сув алмашиши юқори бўлганда;
- ҳовузни сув ўсимликлари қоплаган бўлса;
- сув жуда лойқа бўлганда;
- планктон организмлар қалинлиги юқори бўлганда»[5.65 б.].

Фараз қилайлик, хўжаликда азотли ўғитлар (аммиакли селитра), фосфор (оддий суперфосфат), гранулланган суперфосфат, икки ҳиссали суперфосфат ва органик ўғитлар ҳамда сўндирилмаган оҳак ишлатилиши резжалаштирилган.

Ҳовуз балиқчилигида қўлланиладиган ўғитлар ва оҳак муҳим аҳамиятга эгалиги боис, уларга бўлган эҳтиёж аниқ ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Шу боис, юқорида шарҳланган манбалар, келтирилган меъёрлар ва бошқа зарур маълумотлар асосида балиқчилик хўжалигига карп етиштириш учун оҳак ва ўғитларга бўлган эҳтиёжни, уларнинг қийматини ҳисоб-китоб қилиш услубини таклиф қиласмиз (2-жадвал).

Ҳисоб-китоблар 120 га ҳовуз майдонига эга монокультура шароитида балиқ етиштирадиган корхона мисолида амалга оширилди.

Умумий майдонга ишлатиладиган оҳак ва

2-жадвал.
Карп етиштириш учун ўғитларга эҳтиёжни ҳисоб-китоб қилиш

Кўрсаткичлар	ҳисоб-китоб услуби
Ховузлар майдони, га	120
1 га ҳовузга ўғит солиш нормаси, кг/га: аммиакли селитра	60
оддий суперфосфат	70
гранулланган суперфосфат	60
икки ҳиссали суперфосфат	25
органик ўғитлар	3000
сўндирилмаган оҳак (рН 5,5)	200
Жами майдонга солиш талаб этиладиган ўғит, кг: аммиакли селитра	7200 (120 × 60)
оддий суперфосфат	8400 (120 × 70)
гранулланган суперфосфат	7200 (120 × 60)
икки ҳиссали суперфосфат	3000 (120 × 25)
органик ўғитлар	360 000 (120 × 3000)
сўндирилмаган оҳак (рН 5,5)	24000 (120 × 200)
Қоплаш манбалари: - ўтган йил қолдиғи ҳисобидан, кг: аммиакли селитра	1800 (7200 × 0,25)
оддий суперфосфат	2100 (8400 × 0,25)
гранулланган суперфосфат	1800 (7200 × 0,25)
икки ҳиссали суперфосфат	750 (3000 × 0,25)
органик ўғитлар	90 000 (360000 × 0,25)
сўндирилмаган оҳак (рН 5,5)	6000 (24000 × 0,25)
Сотиб олиниши режалаштирилган, кг: аммиакли селитра	5400 (7200 – 1800)
оддий суперфосфат	6300 (8400 – 2100)
гранулланган суперфосфат	5400 (7200 – 1800)
икки ҳиссали суперфосфат	2250 (3000 – 750)
органик ўғитлар	270000 (360000 – 90000)
сўндирилмаган оҳак (рН 5,5)	18000 (24000 – 6000)
ўтган йилдан қолган ўғитлар қиймати, минг сўм	61650 (3960+1875+1440 + 1065+16200+37200)
ш.ж.: аммиакли селитра	3960 (1800 : 1000 × 2200)
оддий суперфосфат	1875 (2100 : 1000 × 850)
гранулланган суперфосфат	1440 (1800 : 1000 × 800)
икки ҳиссали суперфосфат	1065 (750 : 1000 × 1420)
органик ўғитлар	16200 (90000 : 1000 × 180)
сўндирилмаган оҳак (рН 5,5)	37200 (6000 : 1000 × 620)
Режалаштирилаётган йил учун ўғитлар қиймати, минг сўм	136978 (14580+7119 +5929 +40770 +55080+23500)
ш.ж.: аммиакли селитра	14580 (5400 : 1000 × 2700)
оддий суперфосфат	7119 (6300 : 1000 × 1130)
гранулланган суперфосфат	5929 (5400 : 1000 × 1098)
икки ҳиссали суперфосфат	40770 (2250 : 1000 × 1812)
органик ўғитлар	55080(270000:1000 × 204)
сўндирилмаган оҳак (рН 5,5)	23500(18000:1000 × 750)
Ўғитлар ва оҳакнинг умумий қиймати, минг сўм.	198628 (61650+136978)

ўғитларга бўлган эҳтиёж ҳар ҳовузнинг режадаги майдонини 1 га ҳисоббига тўғри келадиган ўғит дозасига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Буни юқорида келтирилган меъёрларга асосан ҳисоб-китоб қиласиз.

Аввало, сўндирилмаган оҳак ва ўғитларнинг ҳар бир тури бўйича эҳтиёжларни ҳисоб-китоб қиласиз. Хусусан, ўғитлар ва сўндирилмаган оҳакка бўлган эҳтиёж: аммиакли селитра – 7200 кг (120 × 60), оддий суперфосфат – 8400 (120 × 70), гранулланган суперфосфат – 7200 кг (120 × 60), икки ҳиссали суперфосфат – 3000 кг (120 × 25), органик ўғитлар – 360 000 кг (120 × 3000), сўндирилмаган оҳак – 24 000 кг (120×200).

Хўжалиқда ўғитларга бўлган эҳтиёжни қоплаш манбалари ўтган йил қолдиқлар ва сотиб олиш ҳисобига шакллантирилади. Ўтган йил қолдиқлари эҳтиёжга нисбатан 25 %ни ташкил этган (ҳақиқий маълумотлар асосида аниқланади). Демак, ўтган йил қолдиқлари эҳтиёжга нисбатан: аммиакли селитра – 1800 кг (7200×25:100), оддий суперфосфат – 2100 (8400 ×25:100), гранулланган суперфосфат – 1800 кг (7200×25:100), икки ҳиссали суперфосфат – 750 кг (3000 ×25:100), органик ўғитлар – 90 000 кг (360 000 ×25:100), сўндирилмаган оҳак – 6 000 кг (24 000×25:100).

Энди сотиб олинидиган ўғитлар миқдори ўғитларга бўлган эҳтиёжлар ва ўтган йилги қолдиқлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Хусусан: аммиакли селитра – 5400 кг (7200 – 1800), оддий суперфосфат – 6300 (8400 –2100), гранулланган суперфосфат – 5400 кг (7200 – 1800), икки ҳиссали суперфосфат – 2250 кг (3000 –750), органик ўғитлар – 270 000 кг (360 000 –90 000), сўндирилмаган оҳак – 18 000 кг (2400 – 6000).

Сўнгра ўғитлар ва оҳакнинг қиймати аниқланади:

- ўғитларнинг ўтган йилдан қолдиқлари суммасига, уларни сақлаш харажатларини қўшган ҳолда ҳақиқий қиймати бўйича;

- сотиб олинган ўғитлар қиймати сотиб олиш баҳоси бўйича қиймати ва ташиб келтириш харажатларини қўшган ҳолда аниқланади.

Жорий йилда 1 тонна ўғитнинг қиймати:

ўғитларнинг ўтган йилдан қолдиқлари: аммиакли селитра – 2200,0 минг сўм, оддий суперфосфат – 850 минг сўм,, гранулланган суперфосфат – 800 минг сўм, икки ҳиссали суперфосфат– 1420 минг сўм, органик ўғитлар – 180 минг сўм, сўндирилмаган оҳак – 620 минг сўмни ташкил этган;

сотиб олиниши режалаштирилаётган ўғитларнинг прогноз баҳолари (ёки ўртача биржа баҳоси): аммиакли селитра – 2700,0 минг сўм, оддий суперфосфат – 1130 минг сўм,, гранулланган суперфосфат – 1098 минг сўм, икки ҳиссали суперфосфат– 1812 минг сўм, органик ўғитлар – 204 минг сўм, сўндирилмаган оҳак – 750 минг сўмни ташкил этган.

Энди ҳар хил қопланиш манбаларини ҳисобга олган ҳолда ўғитлар қиймати аниқланади:

-ўтган йилдан ўғитлар қолдиқларидан сарфланган қиймати: аммиакли селитра – 3960 минг сўм (1800 : 1 000 × 2200 минг сўм /т), оддий суперфосфат – 1785 минг сўм (2100 : 1 000 × 850 минг сўм /т), гранулланган суперфосфат – 1440 минг сўм (1800 : 1 000 × 800 минг сўм /т), икки ҳиссали суперфосфат– 1065 минг сўм (750 : 1 000 × 1420 минг сўм /т), органик ўғитлар – 16200 минг сўм (90000 : 1 000 × 180 минг сўм /т), сўндирилмаган оҳак – 37200 минг сўмни ташкил этади (6000 : 1 000 × 620 минг сўм /т).

-режадаги йилда сотиб олинадиган ўғитларнинг ишлатилиши: аммиакли селитра – 14580 минг сўм (5400 : 1 000 × 2700 минг сўм /т), оддий суперфосфат – 7119 минг сўм (6300 : 1 000 × 1130 минг сўм /т), гранулланган суперфосфат – 5929 минг сўм (5400 : 1 000 × 1098 минг сўм /т), икки ҳиссали суперфосфат– 40770 минг сўм (2250 : 1 000 × 1812 минг сўм /т), органик ўғитлар – 55 080 минг сўм (270

000 : 1 000 × 204 минг сўм /т), сўндирилмаган оҳак – 13 500 минг сўмни ташкил этади (18 000 : 1 000 × 750 минг сўм /т).

Шундай қилиб, ҳар хил қопланиш манбаларини ҳисобга олган ҳолда балиқчилик хўжалигига оҳак ва ўғитларга эҳтиёжнинг умумий қиймати 198 628,0 минг сўмни ташкил этади, жумладан: ўтган йилдан қолдиқлар ҳисобига 61650,0 минг сўм ва режадаги йилда сотиб олинадигани 136978,0 минг сўм.

Ховузларга солинадиган органик ва минерал ўғитлар ҳамда оҳак харажатлари қиймати бизнес режа ҳисоб-китоблари ва бухгалтерия ҳисобида «Хом ашё ва материаллар» моддасига киритилади. Ўғитларни тайёрлаш, транспорт воситаларига юклаш, ҳовузлар бўйига ташиб келтириш, озуқа-тарқатгичларга юклаш ва уларни ҳовузларга солиш харажатларини ўғитлар қийматига қўшилмайди, балки тегишли моддалар бўйича балиқларни парваришилаш харажатларига олиб борилади.

Таклиф қилинаётган ушбу услуг поликультура шароитида карпсимон балиқлар етиширишга ихтисослашган тўлиқ тизимли (увиддириқ олишдан тортиб то товар балиқ ишлаб чиқаришгача бўлган технологияни қамраб оладиган) хўжаликларда ҳам ҳовузлар турлари (ўстириш ҳовузлари, яйлов ҳовузлари ва б.) кесимида қўлланилиши мумкин.

Умумлаштирувчи хуласа шундан иборатки, балиқчилик хўжалигига карп балиқлари етишириш учун ўғитлар ва оҳакка бўлган эҳтиёжни ҳамда уларнинг қийматини ҳисоб-китоб қилиш бўйича таклиф қилинаётган услублар ўстириш ҳовузлари учун технологик карта тузиш, ишлаб чиқариш топшириклиари ни шакллантириш, бизнес режанинг тегишли бўлимларини тузиш ва умуман тўла хўжалик ҳисоби тамойилини жорий қилишга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2939 -сонли Қарори, «Халқ сўзи», 2017 й., 87 (6781).
2. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 3657-сонли Қарори, «Qishloq hayoti», 10.04.2018 й., 37 (8900).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ- 4005-сон Қарори.
4. Камилов Б.Г., Курбанов Р.Б., Салихов Т.В. БАЛИҚЧИЛИК (Ўзбекистонда карп балиқларини кўплайтириш), Тошкент, «Чинор»ЭНК, 2003, 88 б.
5. Шоҳимардонов Д.Р. Минтақаларда балиқчиликни ривожлантириш, «HIOL MEDIA» МЧЖ, Тошкент-2010, 79 б.

**АГРАР ТАРМОҚНИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА
РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ҲАМДА УЛАРНИ
МАМЛАКАТИМИЗДА ҚҰЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

Жаҳонгир КУЧАРОВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти асистенти

Аннотация: Мақолада ривожланган давлатларда аграр соҳа учун олий малакали кадрларни тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш тизими тадқиқ этилган. Эришилган ижобий ютуқларни мамлакатимизда құллаш имкониятлари бүйича таклифлар ишлаб чиқилған.

Аннотация: В статье исследуется система подготовки и переподготовки высококвалифицированных кадров для agrарного сектора в развитых странах, а также разрабатываются предложения о возможности применения положительных достижений в нашей стране.

Abstract: The article examines the system of training and retraining of highly qualified personnel for the agricultural sector in developed countries, and develops proposals on the possibility of applying the positive achievements in our country.

Иқтисодиёт тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлаш ҳар бир давлат учун долзарб вазифа саналиб, у орқали маҳаллий ва халқаро меҳнат бозорида мамлакат фуқороларининг ўз ўрнига эга бўлиши, иқтисодиётнинг ривожланишига замин яратиши каби мақсадларни қамраб олади. Глобаллашув таъсирида эса кадрлар тайёрлаш тизими ҳам ўзаро ҳамкорликни, мувофиқлаштиришни ва халқаро стандартларни жорий этишини тақазо қилмоқда. Бунинг учун эса маълум бир мамлакатда эришилган тажрибаларни ўрганиш, уларнинг ижобий жиҳатларини амалиётта жорий этиш, ривожланган давлатларнинг стандартлари асосида кадрлар тайёрлаш орқали меҳнат бозорида рақобатбардош бўлиш талаб этилмоқда.

Дарёнинг барча давлатлари қатори Белоруссия ҳам қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратади. Мазкур тармоқнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши ўртача 7,5 фоизини ташкил этиб, сўнгги йилларда уни модернизация қилишга алоҳида урғу берилмоқда. Белоруссияда бугунги кунда agrар тармоқ учун малакали кадрлар тайёрловчи 4 та олий таълим муассасаси ва 28 та коллежлар фаолият юритаётган бўлиб, улар томонидан ҳар йили 2 мингга яқин олий ва 3,3 мингга яқин ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган кадрлар тайёрланмоқда. Тармоқ олий таълим муассасаларида илмий салоҳият нисбатан юқори. Жумладан бугунги кунда 1590 та профессор-ўқитувчилар фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 94 таси фан доктори ва 725 таси фан номзодлари хисобланади ҳамда илмий салоҳият 52,7 фоизни таш-

кил этади (уларнинг 20 фоизи 60 ёшдан ошган ҳодимлар саналади).

Белоруссияда agrар тармоқ олий таълим муассасаларининг энг илмий салоҳияти юқори бўлган ОТМ бу Витеб давлат ветеринария медицинаси академияси ҳисобланади яъни 59,3 фоиз. Хусусан унда жами 320 та профессор-ўқитувчиларнинг 27 таси фан доктори ҳамда 169 таси фан номзоди илмий даражасига эга (1-жадвал).

Белоруссияда олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятига баҳо беришда унда мавжуд бўлган моддий-техник базаси, таркибида бўлган илмий-тадқиқот институтлари, илмий ва инновацион марказларнинг фаолият юритаётганлиги ҳамда илмий лойиҳаларнинг тијорлаштириш даражасига қараб баҳолар берилади.

Бугунги кунда мазкур мамлакатда фаолият юритаётган 4 та agrар тармоқ олий таълим муассасалари таркибида жами 2 та илмий-тадқиқот институти, 30 та илмий-тадқиқот лабараториялари 9 та илмий марказлар ҳамда 5 та илмий инновацион тузилмалар фаолият олиб бормоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш ва барқарор ривожланиб боришини, ёшларни илм-фанга жалб қилишга берилаётган эътибор сабабли мазкур илмий даргоҳларда яратилган илмий ишланмаларни тијоратлаштириш даражаси нисбатан юқорилиги эътиборга лойик. Бу борада энг юқори кўрсаткичга эга бўлган таълим муассасаси Белорус давлат agrар-техник университети ҳисобланаб, унинг таркибида 1 та илмий тадқиқот институти, 14 та илмий тадқиқот лабараториялари ҳамда 1 та инновацион ишланмаларни жорий этиш тузилмаси мавжуд (2-жадвал).

Калит сўзлар: кадрлар, қишлоқ хўжалиги, олий таълим, ривожланган давлатлар, кадрлар қўнимсизлиги, таълимни молиялаштириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, меҳнат бозори.

Белоруссиядаги аграр тармоқ учун малакали мутахассислар тайёрлаш тизимида олиб

Белоруссия аграр тармоқ олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти [1]

Олий таълим муассасалари номи	Жами профессор-ӯқитувчилар сони, нафар	Шундан, нафар		Илмий салоҳият, % да
		Фан доктори	Фан номзоди	
Белорус давлат қишлоқ хўжалиги академияси	529	28	239	50,4
Белорус давлат аграр-техник университети	429	31	186	50,5
Витеб давлат ветеринария медицинаси академияси	320	27	169	59,3
Гроднен давлат аграр университети	324	17	148	50,9
Жами	1612	103	742	52,7

борилган ислоҳотлар ва эришилган ютуқлар сифатида қўйидаги йўналишларни келтириб ўтишимиз мумкин. Жумладан:

- тармоқ учун мутахассислар тайёрловчи асосий муассасалар академия шаклида ташкил этилганлиги;

- олий таълим муассасалари таркибида илмий-тадқиқот институтлари, лобораториялар, илмий марказларнинг ташкил этилганлиги;

- аграр тармоқ учун тайёрланган мутахассисларнинг меҳнат бозорида ўзининг рақобат-бардошлигини таъминлаш мақсадида нисбатан катта меҳнат бозорига эга бўлган Россия Федерацияси таълим стандартлари билан мувофиқлаштирилганлиги;

- талабаларнинг илмий тадқиқотларга кенг жалб этилиши ҳамда уларнинг моддий рағбатлантирилиши;

- олий таълим тизимида яратилган инновацион маҳсулотларни тижоратлаштиришга

Белоруссиядаги аграр тармоқ учун малакали мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасалари таркибидаги илмий институтлар [1]

Кўрсаткичлар	Белорус давлат қишлоқ хўжалиги академияси	Белорус давлат аграр-техник университети	Витеб давлат ветеринария медицинаси академияси	Гроднен давлат аграр университети	Жами
Илмий-тадқиқот институтлари	0	1	1	0	2
Илмий-тадқиқот лабораториялари	4	14	9	3	30
Илмий марказлар	5	0	0	4	9
Инновацион тузиљмалар	1	1	1	2	5

ҳамда бу тадқиқотларга талабаларни жалб этган ҳолда ёшларнинг ҳам илмий ҳам моддий

1-жадвал манфаатларини таъминлашга эътибор қаратилганлиги;

Қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш тизимининг Германия тажрибаси ҳам муҳим аҳамиятли жиҳатлари билан ажралиб турди. Германия қишлоқ хўжалиги учун касбий малакали кадрлар тайёрлаш тизими ишлаб чиқариш-техника билим юртларида таълим олиш билан санаот ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларида навбатма-навбат олиб борилади. Кадрлар тайёрлашнинг бундай тизими иқтисодий фаол аҳолининг қарийб бо фоизини қамраб олади. Бошқарув тизими учун кадрлар тайёрлаш қишлоқ хўжалик йўналишида факультетлари бўлган Германиянинг ўнлаб университетларида ва маҳсус олий мактабларда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалигига кадрлар тайёрлаш тизимининг аҳамиятли жиҳати шундаки, тармоқ олий таълим муассасагига кириш учун дастлаб ишлаб чиқариш амалиётини ўташи талаб этилади, унинг муддати 1,5 ойдан 12 ойгача чўзилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизими 4-5 йилга етади. Таълим олиш даври икки босқичдан иборат бўлади: бошланғич ва асосий. Биринчи босқич, тўрт семестрли бўлиб, икки йил давом этиади, талабалар табиий ва математика фанлари (биология, химия, экология, физика, статистика)ни ўрганишади. Иккинчи босқич, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши асосларини, дехқончилик маданиятини, қишлоқ хўжалик техникаларини, иқтисодий на ижтимоий фанларни ўргатади. Иккинчи босқичдаги таълим даври давомида талабалар ўзларининг иқтидори ва қизиқишларидан келиб чиқиб

2-жадвал ихтисослик йўналишини танлайдилар. Университетлар ва олий маҳсус мактабларда асосий мутахассисликка оид ўсимликшунослик, чорвачилик асослари. Дехқончилик ва ердан фойдаланиш, агротехнология фанлари билан бир қаторда бозор иқтисодиёти асосларини ўрганишга қаратилган,

Хорижий тажриба

агроиктисодиёт, агроинформатика, сифатни бошқариш, бозор таҳлили, маркетинг ва савдо асослари, менежмент каби фанлар бўйича таҳсил берилади.

Германия олий ўқув юртларида кейинги йилларда асосий эътибор экологик хавфсиз, яъни экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишириш ва маҳсулот сифатини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Германия қишлоқ хўжалигига ахолининг бор-йўғи 2 % и банд бўлиб, қишлоқ хўжалигининг ялпи миллий маҳсулотдаги улуши 1,5 % ни ташкил этади. Шундай бўлсада, ушбу бандлик эвазига мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган 90 фоиз талаби кондирилишига эришилмоқда [2].

Германия қишлоқ хўжалигининг ютуқлари нафакат олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг юқори даражаси, балки бутунлигича комплекс ривожланган касбий таълим бериш йўлга қўйилганлиги билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигига кадрлар тайёрлаш тизимидағи сифатли бошланғич таълимнинг кадрлар ишлаш давридаги малакасини ошириш ва касбий қайта тайёрлаш тизимининг юқори даражада ташкил этилганлиги билан хам изоҳланиши мумкин.

Германия касбий таълим тизимининг ютуқли жиҳати касбий тайёргарликнинг таълим муассасаси билан бир қаторда узлуксиз равишда иш жойи билан биргалиқда олиб борилишида хисобланади.

Қўпгина таълим муассасалари ўзининг ўқув-ишлаб чиқариш ҳўжаликларига эга, унда илғор агротехнологиялар қўлланилади ва зарур қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминланган.

Давлат ушбу хўжаликларни қуидаги тарзда қўллаб-куватлайдилар:

- ўқув тажриба ҳўжаликларидаги маҳсулот сотилишидан олинган барча даромадлар таълим муассасаси ривожланиши учун ишлатилади;

- ўқув тажриба ҳўжаликлари фақатгина имтиёзи равишдаги қўшилган киймат солигини (7 фоиз озиқ-овқат маҳсулотлари учун) тўлайдилар, бошқа шунга ўхшащ немис корхоналари 50 фоиз ставгадаги солиқ тўлайдилар;

- давлат томонидан ўқув хўжаликлари ривожлантириш учун узоқ муддатли фоизсиз кредитлар тақдим этилади;

- ушбу турдаги ҳўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишириш учун давлат гектарига 1840 евро миқдорида дотация тақдим этади;

- ўқув тажриба ҳўжаликларига ишлаб чиқарувчи заводлар томонидан янги техникалар бир йил муддатга хеч кандай тўловсиз тақдим этилади, бир йилдан кейин эса техника парки янгиланиши амалга оширилади.

Бундан ташқари, таълим муассасалари та-

лабалари малакали кадрларни жалб этишдан манфаатдор бўлган исталган қишлоқ хўжалик корхоналарининг бирида стажировка ёки амалиётини олиб боришлари учун шароит яратиб берилади.

Аниқ корхоналар базасида амалиёт ўтаган ҳолда касбий тайёргарликни олиб бориш ҳам таълим олаётган талабага, ҳам ишлаб чиқариш корхонасига бирдек фойдали бўлиб, талаба ишга жойлашиш учун кафолатга эга бўлса, иш берувчи ўзига керакли кадрни тайёрлаш билан бирга малакали кадрни олдиндан баҳолаб бир канча талабгорлар ичидан яхсисини танлаб олиш имкониятига эга бўлади. Якунда таълим муассасаларининг 80 % гача бўлган талабалари қаерда амалиёт ўтган бўлсалар, ўша жойда ишга жойлашиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Германияда агробизнес кадрларининг малакасини ошириш ва касбий қайта тайёрлаш тизимга катта эътибор қаратилади. Қишлоқ хўжалигига технологияларнинг интенсив ривожланиши ва техникаларнинг такомиллашиб бориши шароитида, қўпгина йирик қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари ва майда фермерлар ишчи-ходимларнинг доимий равишида малакаси ошириб борилиши кераклигини тўғри тушуниб етадилар. Аграр корхоналар ишчилари, мутахассислари ва раҳбарлари доимий равишида қайта тайёрлаш ва касбий малакасини ошириш курсларида тайёргарликни олиб борадилар.

Қишлоқ хўжалигига кадрларни қайта тайёрлаш ва касбий малакасини ошириш тизими турли хил аралаш манбалар оркали молиялаштирилади:

1. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг маблағлари.

2. Давлат дотациялари. Давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг консультацион хизмати харажатларининг 70 % ини дотациялайди. Бунда консультация хизматининг хоҳ давлат, хусусий ёки кооперация асосида бўлишининг аҳамияти иўқ.

3. Турли хил бирлашмалар ва жамғармаларнинг маблағлари, жумладан, немис деҳқонлари иттифоки каби ташкилотлар.

Германиядаги касбий аграр таълим тизими кўп қиррали тизим бўлиб, қишлоқ хўжалиги учун турли йўналишларда ва турли даражадаги ваколатда мутахассислар тайёрланади. Бу тизим турли босқичлардаги таълим тизимини ўз ичига олади, яъни мактабдан ёшларнинг касбий танловини ва шу касбга иқтидорини ҳисобга олиб йўналтиришдан бошлаб, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш даражасигача ва уларнинг домий малакасини оширишгacha бўлган босқичлардир.

Ахолининг ишга жойлашиш имкониятини чуқурлаштириш ва корхоналарнинг малакали кадрлар билан таъминланишини яхшилаш, ишлаб чиқариш билан таълим тизими ўрта-

сидаги ўзаро яқин алоқанинг йўлга қўйилишидир. Касбий таълимнинг барча босқичла-рида ўқув дастурлари ўқув юртларида касбий тайёргарликнинг мажбурий ҳолатдаги назарий асосларини ўрганиш ва ўқув ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ўташдан иборатлиги билан ахамиятлидир. Касбий таълим берувчи муассасалар ўзининг хусусий ўқув-тажриба хўжаликларига эга бўлиб, ки-чик, ўрта ва йирик қишлоқ хўжалик корхоналари билан яқин алоқада бўладилар.

Агробизнес учун кадрларнинг малакасини ошириш ва кайта тайёрлаш тизими коопера-тив, хусусий ва давлат таълим муассасалари ва қишлоқ хўжалиги учун хизмат киувучи консультатив марказларда олиб борилади. Аграр тармок учун даврий равишда кадрларнинг малакасини ошириш ва кайта тайёрлаш тизими-мининг ривожланган тизими амал қилиб, бу давлат томонидан қўллаб-қувватланади ҳамда рағбатлантирилади.

АҚШ тажрибаси кўрсатишича, бу мамлакатда йиллар давомида таълим тизими ривожланиш хусусиятига эга бўлгани ҳолда, кадрлар тайёрлаш тизими бир неча шаклда амалга оширилади. Бу ерда давлат муассасалари, яъни давлатнинг бевосита кўмаги ва назорати остида олий таълим берувчи университетлар билан бир қаторда хусусий университетлар ҳам фаолият юритиб, кадрлар тайёрлаш тизимида юқори даражали рақобатни юзага келтиради-лар. АҚШда олий маълумотга эга бўлиш асосан тўлов шартнома тарзида бўлиб, таълим бериш ва кадрлар тайёрлаш тизими дунё микёсида энг яхшиларидан бири ҳисобланади. АҚШда 3000 дан ортиқ турли йўналишдаги ўқув юртлари мавжуд бўлиб, қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш маҳсус ҳамда кенг тармоқли, кўп йўналишли тарзда ташкил этилади. Шу жумладан, қишлоқ хўжалигида таълим бериш тизими асосан фермерлар тайёрлаш, фермер хўжаликлари учун мутахассислар тайёрлаш ҳамда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсу-лотларини қайта ишлап тармоқлари, сотиш тизими ва ўзаро боғлиқ тармоқлар учун кенг ихтисосликка эга бўлган мутахассислар тайёрлаш тизимидан иборат. Фермерларнинг асосий қисми, ярмидан кўпроғи ўрта маҳсус маълу-мотга эга бўлса, тўртдан бир қисми олий маъ-

лумотли (асосан йирик фермер хўжаликлари) фермерлар ҳисобланади.

Йиллик қишлоқ хўжалиги тармоғи учун мутахассислар талаби мамлакат бўйича ўрта-ча 50 минг киши деб баҳоланади, ишлаб чиқарувчилар талабига мос равишда ўзгаришга эга бўлиш эҳтимоли сақлаб қолинади. Ушбу эҳти-ёжни ҳисобга олган ҳолда, АҚШ қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари йилига 32-34 минг мутахассисларни тайёрлаб, иқтисодиёт тармокларига йўналтириладилар.

АҚШда давлат олийгоҳларида қишлоқ хўжалиги учун мутахассис кадрлар тайёрлаш 1862 йилда бошланган бўлиб, Конгресс томонидан Морилла қонуни қабул қилинган. Ушбу қонунга кўра 5,3 млн гектардан ортиқроқ фе-дерал марказий хукумат тасарруфидаги ерлар штатлар тасарруфига берилган. Ушбу ерларни фойдаланишдан тушадиган даромад ҳисобига қишлоқ хўжалик коллеклари ташкил этилган [3]. Ўша даврларда бу коллеклар ер коллеклари деб аталган, жумладан, 17 та штатда бу коллеклар Университетлар базасида ташкил этилган бўлса, қолган ҳолатларда алоҳида ҳолдаги қишлоқ хўжалик ёки техник коллеклар сифатида ташкил этилган. Баъзи ҳолатларда эса бирлашган қишлоқ хўжалик ва механизация коллеклари сифатида ташкил килинган. Хозирги пайтда ер коллеклари мустақил ра-вишда фаолият юритмай, бошка коллеклар билан бирлашган ҳолда Университетларни ташкил килишган. Бир неча коллекларнинг бирлашиши натижасида ҳозирги кўринишда-ги типик университетлар юзага келган.

Хулоса қилиб айтганда, аграр таълим тизими ривожланган давлатларнинг қўйида-ги тажрибаларини мамлакатимизда қўллаш имконияти мавжуд. Хусусан, Белорусияда аграр таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишларининг қўллаб қувватланиши, тажриба станцияларида ишлаб чиқарилган ишланма-ларнинг тижоратлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилиши ҳамда тижоратлаштириш натижасида олинган молиявий ресурсларни тадқиқотчиларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилиши олий малакали кадрлар тай-ёрлаш тизимининг ижобий тажрибаси сифа-тида эътироф этиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. С.А.ТАРАСЕНКО “Сотрудничество и приоритетные направления научно-инновационной дея-тельности учреждений образования и научных организаций России и Белоруссии”. Материалы Международной научно-практической конференции. Горки, БГСХА, 2018 г. 58 стр.
2. Попков А. Сельское хозяйство Германии// Аграрная экономика.-2006.-Л.-с.5-8.
3. The Development of American Agriculture. A Historical Analysis. Washington. 1999, p.241-242.

ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИНГ ҲОЛАТИ ВА АҲАМИЯТИ

Учқун АЛИМОВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти таянч доктаранти

Аннотация: Мақола Ўзбекистонда полизчилик маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилинадиги имкониятлар ва муаммолар тўғрисида маълумот беради. Тармоқнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва соғлом овқатланишдаги ўрни хорижий давлатларнинг тажрибалари асосида тушунтириб берилган.

Аннотация: В статье представлена информация о возможностях и проблемах выращивания и экспорта бахчеводством продукции в Узбекистане. Роль отрасли в обеспечении продовольственной безопасности и здорового питания была объяснена на основе опыта зарубежных стран.

Abstract: The article provides information on opportunities and challenges in the cultivation and export of melon-growing products in Uzbekistan. The role of the sector in ensuring food security and healthy eating has been explained based on the experience of foreign countries.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳар бир давлатнинг асосий вазифаларидан бири. ФАО маълумотларига кўра дунёда 5 ёшгача бўлган 340 миллион бола, яъни ҳар икки боладан биттаси микроэлементлар етишмовчилиги туфайли “яширин очлиқдан” азият чекмоқда.

“... 2050 йилга бориб дунё аҳолиси сони такрибан 9,5 миллиардга етиши” қайд этилган. Шунингдек, “хавфсиз истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш танқислиги кузатилиши” таъкидланган.

Бугунги шароитда полизчилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ масалаларга давлат миқёсида аҳамият берилаётганига эътибор қаратиш лозим. Охириги йилларда паст рентабелли пахта майдонлари ўрнига асосий экин сифатида полиз маҳсулотлари жойлаштира бошланди. Галладан бўшаган майдонларда полиз маҳсулотларини етиштириш ҳам кун тартибига киритилган эътиборли масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 майдаги “Республика худудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4749 сонли қарори соҳадаги йиллар давомида мавжуд бўлган муаммоларнинг ечими учун асосий вазифани бажаради. Жумладан, жаҳон бозорлари талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда худудларни ихтисослаштириш ички бо-

зорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишда тўғри йўл экани маълум бўлмоқда.

“Сув таъминоти ва инфратузилмаси мавжуд бўлган Зомин туманидаги денгиз сатҳидан 1-1,5 минг метр баландликда бўлган Қорамозор ҳудудидан 20 гектар ер майдонини Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти балансига ўтказилиши...”, “сувдан фойдаланиш мақсадида туташ ҳудудларда жойлашган ҳар бирининг умумий майдони 35 гектардан ошмайдиган бир неча фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўзаро келишуви асосида сув чиқариш учун бурғиланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортишга насос станциясини қуриш учун сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни маҳсус истеъмол қилиш бўйича ваколатли органлар томонидан бериладиган тегишли рухсатномага асосан ҳар 35 гектар майдонга 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия ажратилиши...” тўғрисидаги бандлар соҳа ривожи ва маҳсулот ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган илмий-техникавий ва моддий муаммоларни ҳал этиши кўзда тутилган. 2020 — 2022 йилларда Жиззах вилоятида 6566 гектар ер майдони полизчилик маҳсулотларини етиштириш учун ихтисослаштириш кўзда тутилган

Жаҳон бозорида полизчилик маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш сердаромад фаолият ҳисобланади. 2019 йилда дунёда полиз бозорининг даромади 27,4 миллиард АҚШ

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, полиз маҳсулотлари, микроэлемент, бурғиланган қудук, сув ҳавза, рухсатнома, субсидия, жаҳон бозори, табиий иқлим, рақобатбардош.

долларини ташкил этиб, бу 2017 йилга нисбатан 2,2 фоизга кўп. Дунё полиз маҳсулотлари бозори 2007 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда ўртacha йиллик 2,1 фоиз ошиб борган. Бу полиз маҳсулотлари дунё аҳолисининг асосий истеъмол товарларидан бири бўлиб бораётганини англатади.

2019 йилда аҳоли жон бошига қовун истеъмоли бўйича энг юқори кўрсаткич Қозогистонда (ҳар бир киши учун 50 кг.) қайд этилган бўлса, ундан кейин Туркия (ҳар бир киши учун 22 кг.), Эрон (ҳар бир киши учун 19 кг.) ва Марокаш (ҳар бир киши учун 15 кг.) эгаллаган. Дунёда ўртacha аҳоли жон бошига қовун истеъмоли бир киши учун 4,25 кг ни ташкил этган. Дунё аҳолисини сифатли полиз маҳсулотлари билан таъминлаш, тармоқда иқтисодий манафаатдорликни ошириш учун 2019 йилда 1,2 миллион гектар майдонга полизчилик маҳсулотлари етиштирилган. Хитой, Туркия ва Эрон полиз маҳсулотлари етиштиришда дунёда етакчилик қилмоқда.

Полиз маҳсулотларини экспорт қилишда Испания ва Гватемала умумий экспортнинг 34 фоизи билан етакчилик қилмоқда. Ундан кейинги ўринларда Гондурас (11%), Бразилия (10%), АҚШ (8,7%), Голланди (6,8%), Коста-Рика (5,7%) ва Мексика (5,7%) эгаллаб келмоқда.

Кузатувлар натижасида аниқландики, Ўзбекистонда полизчилик маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш бўйича кенг имкониятлар мавжуд, яъни:

- табиий иқлим шароити;
- полиз маҳсулотлари етиштириш бўйича қадимдан мавжуд тажриба;
- давлат томонидан соҳани ривожлантиришга ёътибор.

Юқоридаги имкониятларга эга бўлишига қарамай Ўзбекистонда полиз маҳсулотларини етиштириш 2017–2019 йилларда ўсиш тенденциясини сақлаб қолмаган (1-жадвал).

2017 йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан жами 2094,8 минг тонна полиз маҳсулотлари етиштирилб, 2016 йилга нисбатан 102,4 фоизга ўсиш кўрсаткичига эришилган. Шундан 999,0 минг тонна ёки умумий полиз маҳсулотларининг 47,7 фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган. Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари томонидан 1061,0 минг тонна ёки 50,6 фоиз полиз маҳ-

1-жадвал. 2017–2019 йилларда полиз маҳсулотларини етиштириш кўрсаткичлари

Хўжалик тоифалари	Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2019 йилда 2017 йилга нисбатан ўсиш
Фермер хўжаликлари	Минг тонна	999,0	728,7	753,5	-245,5
	Ўсиш кўрсаткичи, %	98,6	3,8	39,2	75,4
Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	Минг тонна	1061,0	1158,7	1149,5	+88,5
	Ўсиш кўрсаткичи, %	106,2	109,4	100,1	108,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширучи ташкилотлар	Минг тонна	34,8	17,5	19,2	-15,6
	Ўсиш кўрсаткичи, %	108,4	95,0	1,0	55,2
Барча тоифадаги хўжаликлар	Минг тонна	2094,8	1904,9	1922,2	-172,6
	Ўсиш кўрсаткичи, %	102,4	93,8	104,6	91,8

сулотлари етиштирилган бўлса, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар эса 34,8 минг тонна ёки 1,7 фоиз полиз маҳсулотларини етиштирган. 2018 йилда жами 1904,9 минг тонна полиз маҳсулотлари етиштирилган бўлиб, шундан 728,7 минг тоннаси (38,3%) фермер хўжаликлари, 1158,7 минг тоннаси (60,8%) дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ва 17,5 минг тоннаси (9,1%) қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар хиссасига тўғри келади.

2019 йилда етиштирилган жами полиз маҳсулотлари жами 1922,2 минг тоннани ташкил этиб, шундан 753,5 минг тоннаси (39,2%) фермер хўжаликлари, 1149,5 минг тоннаси (59,8%) дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлиари ва 19,2 минг тоннаси (1%) қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан етиштирилган. Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, полиз маҳсулотларини етиштириш 2019 йилда 2017 йилга нисбатан 8,2 фоизга пасайган бўлсада, мос даврда дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари томонидан 8,3 фоиз ўсиш кўрсаткичига эришилган. 2020 йилда жами 87 минг гектар майдонга полиз маҳсулотлари экилган бўлиб, 2504 минг тонна маҳсулот етиштириш режалаштирилган.

Кузатишлар натижасида полизчилик тармоғида мавжуд бўлган қуйида муаммолар аниқланди:

- полиз маҳсулотлари экиладиган ер майдонларининг балл бонитетининг пастлиги;
- етиштирилган полиз маҳсулотлари тан нархининг баландлиги;
- дунё бозорида рақабатбардош бўлган навва турларнинг етиштирилмаслиги;
- кенг масштабли полиз маҳсулотлари бо-

Полиз маҳсулотлари

зорининг яратилмаганлиги;

- полиз маҳсулотлари етиштирувчиларнинг тарқоқ ҳолда фаолият юритиши.

Юқоридагилардан хуоса қилиб айтадиган бўлсак, полизчилик тармогини ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатдан муҳим ахамият касб этади. Полиз маҳсулотлари етиштиришни дунё ўсиш тенденсияга тенглаштириш ва рақобатбар-

дошлигини ошириш учун экин майдонлари сифатини ошириш, маҳсулот етиштирувчиларнинг горизонтал ва вертикал кооперацияларини тузиш, дунё бозорида харидоргир бўлган узоқ ва сифатли сақлаш имкониятига эга бўлган нав ва турларни етиштиришни ривожлантириш, органик маҳсулотлар етиштириш тизимини яратиш каби масалаларга эътибор қаратиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 майдаги “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4749 сонли қарори.

2. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг “2020-global-report-food-crises” маълумотлари.

3. Статистика қўмитасининг 2017-2019 йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ахборотномаси

АГРАР СОҲАДА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШНИНГ САМАРАЛИ ШАКЛИ-ИНСОН КАПИТАЛИНИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

Шуҳрат АМИРҚУЛОВ,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада аграр соҳада хўжалик юритиш шакларининг маҳаллий ва хорижий тажрибалар ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон аграр тармоғида инсон капиталини иш билан бандлигини таъминловчи хўжалик юритишнинг самарали шакллари кўрсатиб берилган.

Аннотация: В статье представлен углубленный анализ отечественного и зарубежного опыта форм управления в аграрном секторе. По результатам исследования показаны эффективные формы управления человеческим капиталом в сельской местности Узбекистана, обеспечивающие использование человеческого капитала.

Abstract: The article provides an in-depth analysis of local and foreign experience of forms of management in the agricultural sector. Based on the results of the study, effective forms of management that provide employment of human capital in rural areas in the agricultural sector of Uzbekistan are shown

Миллий иқтисодиёт ва аграр соҳанинг қишлоқ хўжалигидағи рақобат муҳитининг зарурӣ таркибий қисми сифатида хўжалик юритишнинг самарали шаклларини танлаш ва ривожлантиришнинг концептуал муаммаларини чуқур ўрганишни ва уларни институционал қўллаб-қувватлаш зарурлигини талаб этмоқда.

Аграр соҳа ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг миллий моделини ислоҳ қилиш учун хорижий тажрибани таҳлил қилиш, қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг ривожланниш тарихи ўхшаш бўлган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Аграр соҳада хўжалик юритишнинг фермерчилик шакли АҚШ, Канада ва Фарбий Европанинг кўплаб мамлакатларида жадал ривожланган.

АҚШ қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқарувчилар ўзларини “оилавий ферма” деб ҳисоблайдиган фермерлар ҳисобланади [1]. АҚШда фермер хўжалигининг типологияси га кўра йирик ва кичик фермаларга бўлинади (1-жадвал).

Шу билан бирга, АҚШда фермер хўжаликларини кенгайтириш тенденцияси кузатилмоқда ва фермер хўжаликларининг атиги 1 фоизи товар маҳсулотининг 40 % ини етказиб беради. Йирик фермерлар ички озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни катта қисмини ва экспортни таъминлайдилар, кичик фермерлар эса ўз-ўзини иш билан таъминлаш имкониятини яратадилар ва озиқ-овқат учун хавф туғилганда заҳира вазифасини ўтайдилар.

АҚШ қишлоқ хўжалигида фермерлар кооперацияси ривожланмоқда ва фермерлар беш юзга яқин йирик кооператив корхона бўлиб

бирашағанлар [3].

Кейинги йилларда, иқтисодий ривожланган мамлакатларда тобора кўпроқ қишлоқ хўжалигини монополлаштиришга интилаётган йирик агробизнеснинг пайдо бўлиши юз бермоқда. Агробизнес одатда нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, балки уларни саклаш, ташиб, қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек қишлоқ хўжалиги техникиси, уруғлар, ўғитлар, кимёвий моддалар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади [4].

Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг миллий моделларини шаклланишини ўрганишда баъзи собиқ социалистик мамлакатлар, шу жумладан Польша, Чехия, Словакия, Венгрия, Руминия, Болгария, Сербия Республикаси ва Черногория, Словения, Хорватия, Босния ва Герцеговина тажрибаси алоҳида қизиқиши ўйғотмоқда.

Ислоҳотлар натижасида кўплаб собиқ социалистик мамлакатларда кичик мулқдорлар пайдо бўлди, улар орасида дехқонлардан ташқари, ердан белгиланган мақсадда фойдаланмаётган, унга белгиланган тартибида ишлов бермайдиган шаҳар аҳолиси, ишчилар ва нафақаҳўрлар ҳам бор. Бундай вазият қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали юритишга имкон бермайди. Бундай давлатлар орасида Болгария, Руминия ва Латвия алоҳида ажралиб туради. Руминияда 1993 йилда ўртача ҳажми камиди 3 гектар бўлган 3,4 миллион индивидуал хўжаликлар мавжуд бўлиб, уларнинг 43,1 фоизини шаҳар аҳолиси, 22,6 фоизини ишчилар, 17,2 фоизини нафақаҳўрлар ва атиги 17,1 фоизини дехқонлар ташкил этар эди. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг қарийб 57% ини бо ёшдан катта бўлган, атиги 8,3%и 39 ёшга тўлмаган аҳолига тегишли [2].

Калит сўзлар: хўжалик юритиш, аграр муносабатлар, аграр ислоҳотлар, хусусийлаштириш, кооперация, дехқон хўжалиги, фермер хўжалиги, кластер, мулкий ҳуқуқ, ассоциация.

АҚШ фермер хўжаликлари классификацияси

Ферма типлари	Характерли хусусиятлари	Сотиш ҳажми йиллик долл.да
Кичик оиласий ферма		
Чекланган ресурсли фермалар	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган асосий фондлар ҳажми 150 минг доллардан кам бўлган ва уй хўжалигида операторнинг умумий даромад ҳажми 20 минг доллардан кам.	100 000 кам
Пенсионерлар фермаси	Операторлар пенсияда. Бу гурухдаги операторлар пенсияда бўлганлиги сабабли чекланган ресурсли фермалар тоифасига кирмайди.	250 000 кам
Ёрдамчи фермалар	Операторларнинг айтишича – фермерлик улар учун иш билан банд бўлишнинг асосий тури ҳисобланади. Бу гурухга чекланган ресурсли фермаларга кирмайди. Операторларнинг қайд этишича, уларнинг асосий бандлик тури нофермерлик фаолиятидан иборат.	250 000 кам
Сотиш ҳажми юқори бўлмаган кичик фермалар	Операторларнинг айтишича, фермерлик – улар учун иш билан бандликнинг асосий тури ҳисобланади. Ушбу гурух чекланган ресурсли фермалар таркибига кирмайди, операторларнинг айтишича фермерлик фаолияти улар учун бандликнинг асосий тури ҳисобланади.	100 000 кам
Сотиш ҳажми юқори бўлган кичик фермалар	Операторларнинг айтишича фермерлик – улар учун иш билан бандликнинг асосий тури ҳисобланади.	100 000 дан 249999 гача
Йирик оиласий ва бошқа фермалар		
Йирик оиласий фермалар	Фермерлик улар учун иш билан бандликнинг асосий тури ҳисобланади.	250 000 дан 499999 гача
Жуда юқори оиласий фермалар	Фермерлик – улар учун иш билан бандликнинг асосий тури ҳисобланади.	500 000 юқори
Нооиласий фермалар	Нооиласий корпорациялар, кооперативлар ва (ёки) ёлланма менежер бошқарувидаги фермалар.	Ҳар қандай

Манба: [2] асосида муаллиф томонидан тузилди.

Собиқ Югославияда аграр ислоҳотлар бошқача тартибда амалга оширилди. Югославия Конституциясининг 50-моддасида мамлакат фуқароларига “ерни эркин сотиб олиш, сотиш, мерос қолдириш ва эгалик қилиш ҳуқуқи” берилган. 1990 йилда “кооператив” тўғрисидағи қонун қабул қилинди, бу 1953 йилда қайта ташкил этилган совхозларнинг ерларини яна кооперативларга қайтариш, янги кооперативлар сонининг қўпайишига олиб келди [6].

Польшада аграр ислоҳотларни амалга ошириш юқоридаги мамлакатлардан тубдан фарқ қиласи, бу давлатда Совет тузуми даврида ҳам ерга хусусий мулкчилик сақланиб қолган эди ва уни сотиш, сотиб олиш қонун йўли билан белгилаб қўйилган эди. Бундан ташқари, Польша ҳукумати XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаб келаётган эди, шунинг учун қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларига ўтиш ҳеч қандай ижтимоий талофатлар ва тангликтин келтириб чиқармади. Польшада 1990 йилда қабул қилинган “Ер обороти тўғрисида” ги қонун мамлакат фуқароларига ерларни сотиш ва ундан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш учун эркин шартномалар ва битимлар тузишга имкон берди. Чекловлар фақат хорижий фуқароларга тегишли бўлиб, улар давлат ҳокимиюти идоралари билан келишилган ҳолда, фақат Польша фуқароларининг чет элда

эквивалент нисбатда (1 гектардан ортиқ) ерга мулк ҳуқуқига эга бўлган тақдирда, улар ҳам ерга тенг ҳуқуққа эга бўлиши мумкин.

Ислоҳотлар натижасида Польшада кўплаб кичик деҳқонлар пайдо бўлди ва уларнинг ер майдонлари Дания ёки Франция фермер хўжаликларининг ўрта ҳисобдаги ер майдонидан 6 баравар кичик ер майдонини ташкил этади. Польшалик деҳқон хўжаликларининг ярмидан кўпидаги қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотларини сотиш ҳажми ойига \$ 50 дан ошмайди, бо мингга яқин фермер хўжалиги фақат расмий равишда мавжуд бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқармайди [5].

Ислоҳот даврида 9% ер қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетди. Шунинг учун 1999 йилдан бери Польшада қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона фойдаланиш масаласи кескинлашди ва 2004 йилда “қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг обороти тўғрисида” ги қонун қабул қилинди [4].

Ушбу қонуннинг асосий мақсади – ерларни “самарали” мулкдорлар қўлларида концентрациялашдан иборатdir. Қонунда деҳқон хўжалигининг минимал ҳажми белгиланган бўлиб, бу ўлчамни ерни олди-сотди ва мерос қолдириш жараёнларида ўзгариши мумкин эмас. Қонун ерни биринчи навбатда ижарабчиларга, кейин ер участкаси бўйича чегарадош кўшниларга сотиш, сотиб олиш учун устувор-

лик хукуқини беради. Ер сотиб олувчига қишлоқ хўжалиги бўйича маҳсус маълумот ёки беш йиллик иш тажрибасига эга бўлиш талаби кўйилади. Ҳозирги кунда Польшада дехқон хўжалигининг ер майдони ҳажми 10,0 га дан ошмайди.

Польша қонунлари ҳанузгача чет элликлар томонидан ер сотиб олишга чекловларни на-зарда тутади. Ерни сотиб олишда Польша қонунчилигида ерни уч йилдан кўпроқ муддатга ижарага олиб, ушбу ерда хўжалик фаолиятини юритишида шахсан ўзининг меҳнати билан иштирок этган фермерларга устуворлик берилиши кўзда тутилган.

Чехияда XX асрнинг 90-йиллари бошларида амалга оширилган аграр ислоҳотлардан сўнг кооперативлик ҳаракати маълум ривожла-нишга эга бўлди.

Чехославакияда хусусий секторнинг улуши унчалик катта бўлмаган, кооперативларга берилган ерлар хусусийлаштирилмаган ва қонуний равишда эгаларининг мулкида бўлган ҳамда жамиятнинг катта қисми, ҳаттоқи қишлоқ жойларида ҳам либерал-бозор анъаналарини сақлаб келган [4].

Чехославакияда XX аср 90-йилларнинг бошларида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда учта асосий принципга амал қилинди:

- самарали ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида ерни хусусийлаштириш қишлоқ хўжалиги техникилари, уруғликлар, чорва моллари ва бошқаларга эгалик қилиш учун мулкни тақсимлаш билан бир вақтда амалга оширилди;

- кооперативлар ва давлат хўжаликлирини янги ташкилий шаклларга ўтказиш;

- бозор иқтисодиёти талаблари-га жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишининг янги шаклларини яратиш, шунингдек, Манба; [7] асосида мувалиф ишланмаси янги хўжалик шаклларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш ва молиялаштириш манбаларини таъминлаш.

Кооперативларда мулкни тақсимлашда 650 мингга яқин кооператив аъзолари томонидан биргаликда ишлаб чиқилган схема бўйича амалга оширилди. Ушбу вакиллардан ташкил топган трансформацион кенгашлар қайси янги ташкилий шаклни танлаш яхшироқ эканлиги тўғрисида қарор қабул қиласидилар (АЖ, МЧЖ ва бошқалар). Ҳозирги шароитда Чехия ва Сло-

вакиянинг қишлоқ хўжалигига давлат корхоналари 1 фоиздан кам қисмни, янги турдаги кооперативлар-39 фоизни, корпоратив хусусий корхоналар-қарийб 35 фоизни, якка тартибдаги хусусий фермер хўжаликлари-қарийб 25 фоизни ташкил этади. Ер майдонининг ҳажми давлат корхонасида ўртача 1000 гектардан ошмайди, хусусий компанияда-700 гектар, кооперативда-1500 гектар, индивидуаль фермер хўжалигига 40-50 гектарни ташкил этади [4].

Россияда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида дехқон (фермер) хўжаликлари, (ДФХ), шахсий ёрдамчи хўжаликлар (ШЁХ) ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари (ҚХТ) шаклланди.

1990 йилдан 2018 йилгача Россия Федерациясида хўжаликлар тоифалари бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш таркибида кескин ўзгаришлар юз берди.

Агар таҳлил қилинаётган даврнинг бошида қишлоқ хўжалик корхоналари аввалги колхозлар ва совхозлар асосий маҳсулот ишлаб чиқарувчиси бўлган бўлса, 1995 йилдан бошлаб уларнинг ўрнини шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаллаб, улар республикадаги барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 57,4% ини ишлаб чиқарди (1-расм). Дехқон (фермер) хўжаликлари, фақат 2014 йилда бошлаб Россия Федерациясининг барча қишлоқ хўжалик маҳ-



1-расм. Россияда хўжалик тоифалари бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси, % да
чиқариш мувалиф ишланмаси

сулотларининг 10 % дан кўпроқ миқдорини ишлаб чиқара бошлади [7].

Россия аграр соҳаси 1990 йилда амалга оширилган ислоҳотлар туфайли собиқ колхоз ва совхозлар негизида ташкил этилган акционерлик жамиятлари ва жамоат ташкилотлари (01.09.2014 йилгача ёпик) акционерлик жамиятлари, маъсулияти чекланган жамиятларга айлантирилган қишлоқ хўжалиги ташкилотларидан ташкил топган.

Инсон капитали

Россия қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва унга бўлган қизиқишнинг ортиши билан инвесторлар томонидан юз минглаб гектар қишлоқ хўжалик ерларига эгалик қилалини таъминлайдиган оқилона миллий хўжалик юритиши шаклларини ишлаб чиқишидир.

Россия Федерациясида деҳқон (фермер) хўжаликларининг хукуқ ва манфаатларини химоя қилиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида 1990 йил январь ойида давлат нотижорат ташкилот “Россия деҳқон (фермер) хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари Ассоциацияси” тузилди [8].

Ассоциация Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Давлат дастурини бажарилишида, “Деҳқон (фермер) фермер хўжаликлари негизида оиласвий чорвачилик фермаларини ривожлантириш”, мақсадли дастурларини амалга оширишда, “Фермерчиликни бошловчиларга” ва ерларни рўйхатга олишда фермерларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш дастурларида фаол иштирок этмоқда.

Ассоциациянинг бевосита иштирокида, минтақавий даражада фермер хўжаликлари кооператив бирлашмалари тузилди.

Россияда фермерлар давлатнинг: ерга эгалик қилиш, имтиёзли кредитлар, солик имтиёzlари каби ва бошқа бир қатор қўллаб кувватлаш механизmlари ёрдами турларидан фойдаланади. Сўнгги йилларда Россияда деҳқон (фермер) хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш даражаси ва ҳажми сезиларли даражада ўсди [9].

Россияда ҳам 2006 йилдан бошлаб фермер хўжаликлари сони камайиши юз бермоқда ва 2016 йил қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, фермер хўжаликлари сони 46% га камайиб, 253,1 дан 136,5 мингтага камайди.

Хусусий фермер хўжаликлари нафакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириди, балки бир қатор ижтимоий функцияларни бажаради, шунингдек қишлоқ жойларида бандлик ва даромад муаммоларини ҳал қиласди.

Демак, собиқ социалистик мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, кўпгина давлатлар ҳукumatлари деҳқон ва фермер хўжаликлари иттифоқини ишлаб чиқаришнинг нотижорат кооператив тузилмаларига айлантирган ҳолда қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантиришга эришмоқдалар. Бунинг учун иқтисодиётнинг аграр соҳасини институционал қўллаб-куватлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кооператив ва нотижорат ишлаб чиқариш тузилмаларига бирлаштириш бўйича давлат томонидан қўллаб-куватланиши зарур.

Ўзбекистонда аграр соҳани ривожлантириш

мавжуд табиий ресурслар ва инсон капиталидан самарали фойдаланиш учун энг муҳим масала бу соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган оқилона миллий хўжалик юритиши шаклларини ишлаб чиқишидир.

Бизнинг фикримизча, хорижий ва маҳаллий тажрибалардан келиб чиқиб, инсон капиталини ривожланишини таъминлаш орқали аҳоли бандлигига эришиш ва меҳнат самародорлигини таъминлашда қўйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан; Тадқиқотларда аниқланишича мустақиллик даврида қарийиб бир миллионга яқин ер майдони, турли сабаблар (аҳолига томорқа ер участкаси бериш, уй жой ва бошқа қурилиш обьетлари учун, ноқонуний эгаллаб олишлар) билан давлат ҳисобидан чиқиб кетди. Биргина 2019 йилнинг ўзида республика бўйича 9400 гектар ер аҳоли томонидан ўзбoshimchaliq билан ўзлаштириб олинган [11].

Бу ҳолатларни инобатга олган ҳолда, ерлардан фақатгина қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мақсадида фойдаланишини устувор вазифа сифатида белгилаш, индивудал уй-жой қуришни фақат “ренавация” асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан; Аксарият давлатларда, хусусан АҚШ, Россия, Шарқий Европа, Болтиқ бўйи давлатларида фермерчилик қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш омили сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда аҳолининг ярмидан қўпроғи қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши орқали даромад топиши ва ҳаётий эҳтиёжларини қондиришини инобатга олган ҳолда, кичик ва ўрта ҳажмдаги фермерлик хўжалик юритишнинг устувор йўналиши сифатида ривожлантирилиши керак.

Кичик деҳқон ва фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш йирик саноат ишлаб чиқаришидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан юқори афзалликларга эга, йирик корхоналарда оғир қишлоқ хўжалик техникалари ишлатилади, бу эса тупроқ таркибини сезиларли даражада ёмонлаштиради ва бу маҳсулотнинг сифатига салбий таъсир қиласди.

Бундан ташқари, йирик қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг тупроқ ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган: синтетик материаллардан фойдаланиш; алмашлаб экиш қоидаларига риоя қиласмилик; кимёвий ўйтлар, пестицидлар, гербицидлардан фойдаланиш ва бошқа салбий омиллари ҳам мавжуд.

Аммо, агар йирик фермер хўжаликларининг кенгайиши, механизациялашуви ва замонавий технологияларни жорий қилиниши туфайли ривожланиш истиқболлари таъминланса, унда кичик фермер хўжаликлари ва

дехқон хўжаликлари рақобатга бардош бера олмайди ва вақт ўтиши билан уларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги улуши камаяди.

Натижада, аграр соҳада механизациялашнинг ривожланиши, дехқон ва фермер хўжаликлари, томорқа ер эгалари сонининг камайиши юз беради ва бу ҳол қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга қўчиб кетишига олиб келади .

Хорижий ва маҳаллий тажрибани ҳисобга олган инсон капиталидан самарали фойдаланиш орқали аграр соҳани ривожлантириш, кичик фермер ва дехқон хўжаликлари ҳамда шахсий томорқа ер эгалари фаолиятини барқарор ривожланиши қишлоқ хўжалигига коопе-

рацияни ривожлантиришни талаб қилади. Айнан кооперация аграр соҳада тўпланиб қолган бир қатор муаммолар, айнан, ишсизлик, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, йўл, коммуникация ва бошқа ижтимоий масалаларни ҳал қилиш билан бир қаторда атроф-муҳит муҳофазаси ва экологияни таъминлаш шартни билан аҳолини озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириши керак. Шу сабабли, давлат фермер ва дехқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари ташкил этиш ва ривожлантиришни кўллаб-қувватлаши ва уларнинг қишлоқ хўжалиги кооперативларига бирлашишини таъминлаши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Енина Д.В., Алексеенко Т.С. К вопросу о становлении и развитии крестьянских (фермерских) хозяйств в России и мире.// АгроЭкономика: экономика и сельское хозяйство. 2018. – № 1. – с. 4.
2. Фролова О.А. Зарубежный опыт развития и кооперирования личных подсобных и крестьянских (фермерских) хозяйств.// Вестник НГИЭИ. – 2010. – № 1. – с. 16–27.
3. Климова Н.В. Особенности регулирующего воздействия государства на агробизнес в зарубежных странах // Научный журнал КубГАУ – Scientific Journal of KubSAU. – 2013. – № 90. – с. 713–729.
4. Власов С.Д. Зарубежный опыт и проблемы инновационного развития сельского хозяйства России.// Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. – 2014. – № 2. – с. 124–127.
5. Михайлушкин П.В., Баранников А.А. Современные приоритеты аграрной политики развитых стран мира // Научный журнал КубГАУ – Scientific Journal of KubSAU. – 2013. – № 9. – с. 837–857.
6. Никонов А.Г., Павлов В.И., Черницкий А.К. К вопросу использования зарубежного опыта развития сельского хозяйства и сельских территорий в условиях усиления процессов глобализации.// Никоновские чтения. – 2011. – № 16. – с. 220–221.
7. Регионы России. Социально-экономические показатели. / Стат. сб. / Рос-стат. – М.:,2018. – 1162 с.
8. Копотева И.В. Гражданское общество и гражданская активность сельской России // Крестьяноведение. – 2016. – № 1. – с. 142–146.
9. Лактюшина Е.В. Проблемы и перспективы развития крестьянских (фермерских) хозяйств в переходной экономике России // Вестник Московского университета имени С.Ю. Витте. Серия 1: Экономика и управление. – 2012. – № 1. – с. 89–92.
10. Кабаненко М.Н., Угримова С.Н. Потенциал обеспечения продовольственной безопасности России.// Фундаментальные исследования. – 2019. – № 5. – с. 40–44.
11. Gazeta.uz.

ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОГИДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Нодира АЛИЕВА,

Тошкент давлат аграр университети таянч докторанти

Аннотация: Мақолада дунё мамлакатларида ва республикамизда пилла ишлаб чиқаришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, пиллачилик тармоғи самарадорлиги ни оширишда инновацион жараёнларни бошқаришнинг муҳим жиҳатлари бўйича фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Аннотация: В статье анализируются основные экономические показатели шелководства стран мира и Республики, а также приводится рассуждение об основных этапах, особенности и пути совершенствования управления инновационными процессами в шелководстве для эффективного развития отрасли.

Abstract: The article analyzes the main economic indicators of silkworm breeding in the countries of the world and the Republic, and also discusses the main stages, features and ways of improving the management of innovative processes in silkworm breeding for the effective development of the industry.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги 5853-сонли фармонида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг бир қатор устувор стратегиялари белгилаб берилган. Соҳа бошқаруvida давлат иштирокини камайтириш, қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш бўйича белгиланган устувор йўналишлар, пиллачилик тармоғини ривожлантириш, пилла етишириш ва уни қайта ишлаш жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш, тайёр ипак маҳсулотлари ассортиментини ишлаб чиқариш ва уларни экспорт йўналтиришга замин яратади. Бунинг учун бу соҳадаги малакали мутахассислар салоҳияти билан бирга жараёнларни оқилона ташкил этувчи ва уни натижаларини тўғри таҳлил қилган ҳолда, мавжуд камчиликларни бартараф этувчи, жараёнларни инновацион ёндашув асосида бошқариш услубларини такомиллаштириш зарур.

Хозирги кунда 60 дан ортиқ мамлакатларда пилладан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар дунё тўқимачилигининг 0,2 фоизини ташкил этсада, 20 дан ортиқ мамлакатдагина пилла етиширилади. Дунёда пилла етишириш миқдори бўйича биринчи ўринда Хитой, иккинчи ўринда Ҳиндистон, учинчи ўринда Ўзбекистон, тўртинчи ўринда Корея туради. Ўзбекистонда пиллачилик тармоғида олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида, хусусан, йилига тўрт марта ипак қурти боқиши ҳисобига пилла ҳосили ўтган йили 19 минг тоннага етказилди.

Ўзбекистонда дунёда ахоли жон бошига пилла етишириш бўйича биринчи ўринда

турса ҳам, жаҳон бозоридаги улуши – атиги 2,5 фоизни ташкил этади. Пилла сифати бўйича биринчи ўринда Япония, иккинчи Корея ва учинчи Хитой давлати туради. Хорижий мамлакатларда юқори навли пилла миқдори 93–95 фоизга тенг бўлса, республикамизда бу кўрсаткич 70–75 фоизни ташкил этади. Хитой, Ҳиндистон, Япония, Корея, Бразилияда хосилдорлик 1 грамм куртлардан 3,5–4 кг, Ўзбекистонда эса 2,5–2,6 кг пилла олинади.

Республика бўйича етиширилган пилла-ларнинг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиб кўрилса, уни пиллачилик яхши ривожланган давлатларга қараганда 15–16% га паст эканлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам дунё бозорида бизда етиширилаётган пилланинг нархи икки бараварига арzon.

Пиллачиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, тегишли вазирлик ва давлат ташкилотлари томонидан тайёрланган ва жорий этилган ҳукукий ва меъёрий хужжатлар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар пиллачилик тармоғини бошқариш тизимида туб ўзгаришларни амалга ошириш, унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, тармоқ корхоналари фаолиятига ички ва ташки инвестицияларни жалб этиш орқали модернизациялаш жараёнларини ривожлантириш ҳамда ҳом пилла ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсишига ўз ижобий таъсирини ўтказмоқда. Ушбу соҳада ишларни мутлақо янги асосда йўлга қўйиш мақсадида “Ўзбекипаксанаот” уюшмаси ташкил этилди.

Юшумнинг асосий вазифаси этиб озуқа базасини мустаҳкамлаш, ипак қурти уруғи ва пилла етишириш, тайёрлаш ва бирламчи қайта ишлашни такомиллаштириш, пиллани

Калит сўзлар: пиллачилик тармоғи, инновацион бошқарув, агробизнес, қўшилган қиймат, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш, замонавий технология, инновацион технология, ипак қурти.

1-жадвал. күшилгандын занжирли ошириш маңсацида

Дунё мамлакатларының пилла ишлаб чиқариш күрсаткышлары (тонна)

№	Мамлакатлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
1	Бангладеш	445	440	440	441	410
2	Бразилия	5600	6000	6500	6000	6500
3	Балгария	80	80	90	100	100
4	Хитой	1460000	1700000	1684000	1420000	1200000
5	Колумбия	5	5	-	-	-
6	Миср	8	8	12	11	12,5
7	Индия	287080	285230	303480	319060	352610
8	Индонезия	100	80	40	25	25
9	Эрон	1100	1200	1250	1200	1100
10	Япония	300	300	320	200	200
11	Шимолий Корея	320	350	36	365	350
12	Жанубий Корея	12	10	10	10	10
13	Филиппин	11	12	18,2	15	20
14	Сурия	5	3	2,5	2,5	2,5
15	Тайланд	6920	9680	7120	6800	6800
16	Тунис	40	30	20	20	20
17	Турция	320	300	320	300	300
18	Ўзбекистон	11000	12000	12560	12000	18000
19	Ветнам	4200	4500	6230	6200	6800
20	Мадакаскар	150	50	60	70	70
	Жами	178057320	202072830	192512270	177507350	159648000

Чукур қайта ишлешни ташкил этиш, тармоқни жадал ривожлантиришни мувофиқлаштиришдан иборат. Пиллачиликда озуқа базасини мустаҳкамлаш маңсадида республикамизда 53 минг гектардан ортиқ тутзорлар ташкил қилинди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги 8 та ипак қурти уруғи ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилди. Ипак қурти уруғи ишлаб чиқариш корхоналарда 2018 йилда маҳаллий 84 минг қути ипак қурти уруғи ишлаб чиқарилган бўлса, 2019 йил бу кўрсаткич 150 минг қути уруғини ташкил этди.

Хозирги кунда республикамизда 40 дан ортиқ пиллани қайта ишлеш ва ипак маҳсулотларини тўлиқ занжир асосида ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилган бўлиб, етти босқичдаги хом ипак, ипак момиги, калава ип, тўкув, буяш, тайёр маҳсулот, ипак гиламлари ишлаб чиқиш йўлга қўйилган.

Тизим корхоналари томонидан ипак маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича кўрсаткичлар ҳам йилдан йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, 2018 йилда 51,1 миллион АҚШ долларлирий маңсадида пиллачилик маҳсулоти экспорт қилинган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 70 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шу вақтга қадар пилла мамлакатимиз учун валюта манбай бўлганлиги сабабли, 90 фойздан ортиқ пилла экспорт қилинади. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида, пиллачиликда

ўзимизда қайта ишлеш ишланиб, экспортга йўналтирилмоқда. Ўзбекистон бугунги кунда дунёдаги жуда кўплаб давлатларга ипак маҳсулотларини экспорт қилмоқда, жумладан, ХХР, Хиндистон, Вьетнам, Франция, Италия, Австрия, АҚШ, жами 26 та давлатларга пиллачилик маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Тармоқни хар томонлама ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қайта ишлешни ҳалқаро стандартларга етказиш билан бирга, соҳада аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги қувватларни ишга тушириш ҳисобидан ипакчилик тармоғида 2019 йилда

18,3 мингта доимий, 621 мингта мавсумий иш ўрни яратилди.

Ўзбекистонда илғор технологиялар билан жиҳозланган ва бизнинг хом ашё ресурсларимизни чукур қайта ишлешни, экспорт салоҳиятини кўпайтиришни таъминловчи, янги иш жойларини ташкил қилувчи янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни яратишга қаратилган инвестицион лойиҳаларга устуворлик берилади. Пиллачилик тармоғида ҳам айни вақтда ҳалқаро стандартларига мос келадиган маҳсулотларни етиштириш ва ундан тайёр маҳсулот тайёрлаш жараёнига инновациян ёндашув зарур. Бундай инновацион ёндашув тармоқдаги мавжуд корхоналарда инновацион бошқарувни талаб этади.

Маълумки, инновацион жараён инновацион ўзгаришларни тайёрлаш ва амалга оширишдан иборат бўллади ва ягона бир бутунни ташкил қилувчи ўзаро боғланган паллалардан ташкил топган. Бу жараённинг натижасида амалга оширилган ўзгариш инновация пайдо бўллади. Инновацион жараённи амалга ошириш учун диффузия – янги шароитлар ва қўллаш жойларда бир марта ўзлаштириб ва фойдаланиб бўлинган инновацияларни вақтда тарқатиш катта аҳамиятга эга. Инновацион жараён давравий характерга эга, буни иқтисодиётни ташкил қилиш ва бошқаришнинг ихчам тизимларини ишлаб чиқишида ҳисобга

2-жадвал
**Ўзбекистон Республикасида пиллачилик тармоғидаги асосий
 кўрсаткичлар (2017-2021 йил)**

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил (прогноз)	2021 йил (прогноз)
Пилла боқиши мавсумлар сони	1 марта	2 марта	3 марта	4 марта	4 марта
Етиштирилган тирик пилла хажми (тонна)	124870	18000	19000	24750	27500
Тутзорларни ташкил қилиш (минг.гектар)	43,7	46,3	53,7	62,4	68,2
Етиштирилган пиллани қайта ишлаш даражаси, (%)	10	16	18	30	33
Экспорт хажми (миллион доллар)	37,6	48,4	65,2	73,8	86,7
Доимий ишчилар сони (минг киши.)	5,5	14,4	18,3	24,4	32,6
Мавсумий ишчилар сони (минг киши.)	214,2	410,9	621,8	736,6	890,0

олиш зарур. Инновацион бошқарув эса бу инновацион жараёнлар, инновацион фаолият, бу фаолият билан банд бўлган ташкилий тузилмалар ва уларнинг ходимларини бошқариш тамойиллари, усуллари ва шаклларнинг мажмуасидир. Бошқарув ҳам бир нечта босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқичида белгиланган вазифалар ҳал қилинади:

биринчи босқич – режалаштириш босқичида – стратегияни амалга ошириш режаси тузилади;

иккинчи босқичда – шартлар ва ташкил қилиш белгиланади, яъни инновацион даврнинг ҳар хил палладарини амалга ошириш учун ресурсларни белгилаш, ходимлар олдига вазифаларни қўйиш, ишни ташкил қилишдан иборат бўлади;

учинчи босқич – ижро этиш босқичида текширишлар ва ишлаб чиқишилар бажарилади, режа амалга оширилади;

тўртинчи босқич – раҳбарлик босқичи бўлиб, амалга оширилган ишлар назорат ва таҳлил қилиниб, ҳаракатларга тузатиш киритиш ва тажриба тўплашни кўзда тутади.

Инновацияларни ташкил қилиш ўз ичига учта асосий жиҳатларни ўз ичига олиб, булар:

– инновацион фаолиятнинг янгиликларини ишлаб чиқиши, тадбиқ этиш ва ишлаб чиқаришни биргаликда амалга оширувчи одамларнинг бирлашмаси бўлган субъектни;

– ташкилотнинг инновацион фаолиятдаги зарурый вазифаларни бажаришга қаратилган

жараёнлари ва ҳаракатларининг мажмуасини; – тизимни ички тартибга солинганлиги ва унинг элементлари тизимчалари ўртасидаги ўзаро алоқаларни такомиллашувини таъминловчи тузилмаларни.

Инновацион бошқарувнинг устувор мақсадлари инновацион фаолиятни фаоллаштириш асосида корхонани ўсиши ва ривожланиши, янги товарлар ва янги технологияларни бозор томонига фаол ҳаракатлантириш иқтисодий тараққий этиш ва янги бозорларга киришни фаол ўсиши учун ишлаб чиқаришни янада ихтисослаштириш ва ҳар томонлама ривожлантириш имкониятларидан фойдаланишдан иборатдир. Пиллачилик тармоғидаги корхоналарнинг тактик мақсадлари ҳам янгиликларини ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва ўзлаштириш, корхонага инвестициялар киритишни ва молиялаштириш, мутахассислар малакасини ошириб бориш учун ўқитиш, ходимларни рағбатлантириш ва мукофотлаш ва янгиликларнинг илмий базаси, бошқарувнинг усуллари ва вазифалари, йўллари ва услубарини такомиллаштиришдан иборатдир.

Мамлакатимизда пиллачилик тармоғи ривожланиши учун соҳада узлуксиз равища инновацион ёндашувга йўналтирилган сиёсатни олиб бориш, уни изчил жорий этиш чора-тадбирларини ва инновация асосида техник-технологик жиҳатдан модернизациялаш йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга экан, ушбу тармоқда инновацион бошқарув механизмини шакллантиришга имконини берувчи методик асосларни ишлаб чиқиш зарур. Пиллачилик тармоғида инновацион бошқарувни такомиллаштириш назарий-услубий асослари ушбу тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқиб, жаҳон бозорида ўз мавқеини оширишга хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Н.А.Ахмедов, У.Т.Данияров. Пиллачиликни ривожлантиришда янги технологиилар. Учебное пособие. Ташкент-2014год.
2. Ўроқов Ш. Бозор иқтисодиёти шароитида пиллачилик тармоғи ривожланиш истиболларини белгилаш. и.ф.н.дисс.Т.2005. Б-14
3. David R. Tuigong, Thomas K. Kipkurgat, and Diana S. Madara. Mulberry and Silk Production. International Journal of Advanced Research (2015), Volume 3, Issue 9, -P. 470
4. <http://uzbekipaksanoat.uz/en/index.php/the-glory-of-uzbek-silk-industry>

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИГА ЗАРАРЛИ ҲАШАРОТЛАР ТОМОНИДАН КЕЛТИРИЛАДИГАН ЗАРАРЛАР ТАСНИФИ

Севара АБДУЛЛАЕВА,

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалигига пахтачиликда зарарли ҳашаротларга қарши биологик кураш усуллари ёритиб берилган. Бу борада ресурстежамкор усуллар, воситалар асосида иш олиб бориш бўйича тавсиялар берилган.

Аннотация: В статье описаны методы биологической борьбы с вредными насекомыми при выращивании хлопка в сельском хозяйстве. По этому поводу даны рекомендации по ведению деятельности на основе ресурсосберегающих методов и средств.

Abstract: The article describes methods of biological control of harmful insects when growing cotton in agriculture. In this regard, recommendations on the conduct of activities based on resource-saving methods and means are given.

Марказий Осиёда қандалалар оиласининг 650 тури (170 авлоди) тарқалган бўлиб, Ўзбекистонда уларнинг 13 тури учрайди, аммо улардан атиги икки тури беда ва дала қандаласи ғўзага зарар етказади.

Қандалаларнинг ғўзага тухум қўйиши май ойи охирида бошланади, оммавий тухум қўйиши эса июннинг биринчи декадасида кузатилади. Заараркунанда санчиб сўрган жойда ним-қўрғошин рангли доғлар пайдо бўлади. Ғўзада тухум барг бандига ва поянинг ўсиш конусига яқинроқ жойга қўйилади. Дала қандалаларининг иккинчи авлод личинкалари бедада июн ойи ўрталарида, ғўзада бундан 5-7 кун кейин пайдо бўлади. Қандалалар учинчи

авлоди айрим личинкаларнинг пайдо бўлиши июль ойининг иккинчи декадаси бошларида оммавий кўчиш 4-5 кундан сўнг кузатилади.

Дала қандаласининг тўртинчи авлоди август ойи охирида ғўзага тухум қўяди ва ривожланишининг тўлиқ цикли сентябрда амалга ошади. Октябрь ойининг бошидан дала қандалаларининг бегона ўтлар (шувоқ, ялпиз, сув қалампири, буйимадорон, эшакшура, дала печаги ва бошқалар)га оммавий кўчиши кузатилади.

Қандаланинг тухумдан имагогача ривожланиш давомийлиги хаво хароратига боғлиқ. Баҳорда апрель кисман май ойида тухумдан имагогача ривожланиши деярли 60 кунда,



1-расм. Ўсимлиkhўр қандала билан заарланган ғўза ҳосил элементлари

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, пахта, биологик кураш, ҳашаротлар, минерал ўғитлар, фермер хўжалиги, дала қандалари, имогага, ижтимоий-иктисодий муаммо, иқлим.

Ғўза ўсимлигининг ҳосил миқдори ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи заараркунандалар [3]

№	Заараркунанда номи	Қисқача биологияси, ғўзага келтирадиган зарари тавсифи	Салмоғи, (%)
1.	Кўсак курти	Ғўзанинг гули, шонаси ва кўсакларни заарарлайди. Ҳар ўсув нуқтасига биттадан, ҳаёти давомида 800 – 2000 та тухум қўяди. Куртларини танаси оч яшил, кўкиш сарғиш рангдан тортиб, қорамтири рангчча бўлади. Шимолда 3-4, жанубда 4-5 марта авлод беради. Кузда қайси ўсимликда озиқланса, гумбаги шу ўсимликка яқин жойда тупроқда (10-15 см) қишилайди.	14,5
2.	Оддий ўргимчакканা	Ғўзанинг ашаддий заараркунандаси бўлиб, 248 тур ўсимлик билан озиқланади. Шундан 37 тури қишлоқ хўжалик экинлари. У 160-600 донагача тухум қўяди. Ўзбекистон шароитида 18-20 марта тагача авлод беради.	14,0
3.	Кузги тунлам	Республикада кенг тарқалган, куртлари 34 та оиласа мансуб ва юзлаб тур ўсимликларга зарар етказади. Курти 5 та ёшни ўтайди ва 5 ёшлик фазасида тупроқда 5-15 см чукурда қишилайди. Капалаги 500-600 тагача тухум қўиб, 1 йилда 3 марта авлод беради. Биринчи авлод куртлари ғўзага жиддий зарар етказади.	12,5
4.	Карадрина	Курти ғўза баргини заарарлайди. Ёш курти ғўза баргини қиртишлайди, катта ёщдагиси кемиради ва тешади, баъзан новда, ҳосил органини ҳам заарарлайди. Ўзбекистонда 6 марта тагача авлод беради. У қишки ўйкудан чиқсан капалаги 2000 тагача, кейинги бўғин капалаклари эса 300 дан 600 тагача тухум қўяди.	11,0
5.	Тамаки трипси	Ғўза барги ширасини сўриб, зарар етказади. Заарарланган барг йиртилади. Танаси чўзинчоқ, тўқ сарғиш, личинкаси оч сарғиш рангда, 1 та урочиси ёш баргларга 100 та тухум қўйиб, 7 марта авлод беради.	11,0
6.	Беда қандаласи	Беда қандаласи кўсакларни шикастлайди, пахта толаси сифати бузилади, бир-бирига ёпишган кўнгир массага айлантиради. 3-4 марта авлод беради. Курти ўғзага кучли зарар келтиради.	13,5
7.	Ғўза оққаноти	Ғўза оққаноти зарари оқибатида пахта хосилининг 30-40 фоизидан кўпроғи нобуд бўлади, пахта толаси сифати пасаяди.	12,5
8.	Ўсимлик битлари (шира)	Беда бити ғўзани май-июн ойида кучли заарарлайди. Йил давомида 17-20 тагача авлод беради. Полиз бити ғўздан кейин полизга ўтади, 15-17 марта тагача авлод беради. Катта ғўза бити бошқа битларга нисбатан йирикроқ бўлиб, танаси кўкиш ёки сарғиш, кўзлари қизил, оёқлари ва шира найлари жуда узун бўлади. Тухумлик босқичида янтоқ ўсимлигига қишилайди.	11,0
Жами 8 та			100,0

жазирама даврида эса 20 кунда амалга ошиди. Ҳашаротнинг бир генерацияси тўлиқ ривожланиш цикли учун зарур бўлган самарали харорат йиғиндиси 100 С чегарасида 3500 С ни ташкил этади.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, қандалалар билан заарарланган ўсимликда нафас олиш интенсивлиги ва оксидловчи ферментлар фолиоги камаяди. Шона, гул тутунчча ва кўсакларни заарарланган жойида ғўза шарбатининг сарик томчиси пайдо бўлади, кейинчалик улар ҳавода қурийди ва қорайиб қолади. Кўсак де-

формацияга учрайди, баъзан муддатидан олдин очилади. Бу ҳолат пахта толаси ва уруғнинг сифатига салбий таъсир этади. Ғўзани ёппасига заарарланганда пахта ҳосилининг 40-50%, айрим ҳолатларда 70-80% гача йўқотилишига сабаб бўлади (1-расм).

Бугунги кунда қандаланинг популяцион таркиби ва ғўза вегетацияси давридаги ривожланиш хусусиятларини ўрганиш, ғўзани парваришиш агротехникасини такомиллаштириш, заарарли ҳашаротга қарши самарали кураш усулларини ишлаб чиқиш долзарб ил-

мий-амалий масалалардан ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги экинларини ҳашоратлар ва касалликлардан ҳимоялаш масаласи нафақат фермер хўжаликлари учун балки, жамият учун ҳам муҳим ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммо эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борадаги илмий тадқиқотлар изчил йўлга кўйилиши ва давомийлик касб этиши лозим.

Тадқиқотлар кўрсатишича, ғўзанинг энг асосий зааркунандалари қуийдаги жадвалда келтирилган ҳашоратлар ҳисобланади (1-жадвал).

Ушбу заарарли ҳашоратларга қарши пахтачилик хўжаликларида йил давомида муттасил кураш чораларини қўллаб борилади. Бу чоралар агротехник тадбирлар, профилактик кузатув тадбирлари (феромон тутқичлардан фойдаланиш ёки визуал кузатув орқали), биологик қарши кураш чоралари, экинларга кимёвий ишлов бериш тадбирларидан иборат. Айни пайтда ушбу тадбирларни амалга ошириш учун сарфланган маблаглар ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи ортишига олиб келади ва ҳашоратларга қарши кураш билан боғлиқ ҳаражатлар ҳисобига якуний соф молиявий натижанинг камайишига олиб келади.

Шу ўринда зааркунандаларга қарши курашиш жараёнида фойдаланиладиган заҳарли препаратларнинг атроф-муҳитни ифлослантириши жиддий экологик муаммо сифатида

эътиборга олиниши лозим. Қолаверса, ҳимоя қилиш тизими фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ моддий-техника воситалари нархининг юқорилиги ҳам етиширилган маҳсулот таннархига таъсир кўрсатади.

Хулоса. Глобал иқлим ўзгариши ўсимлик зааркунандаларининг кўпайишига қулай шарроит яратиб, янги турдаги касаллик ва зааркунандалар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бу зааркунандаларга қарши курашнинг биологик усулларини янада такомиллаштириш, экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб ортиб бориши, келажакда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулига устуворлик беришни талаб этади.

Кишлоқ хўжалиги экинларини зааркунанда ва касалликлардан ҳимоялашнинг биологик ҳамда кимёвий хизматлари асосан пахта ва ғаллачилик фермер хўжаликларига кўрсатиши (худдуздаги деҳқон хўжаликлари, аҳоли томорқалари ва иссиқхоналар эътибордан четда қолиши) зааррланган ҳудудларни тўлиқ қамраб олиш имконини бермайди. Шу сабабли ҳудудлардаги барча қишлоқ хўжалиги корхоналари мой донларини тўлиқ қамраб олган ҳолда ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматларини мувофиқлаштириш мақсадида маҳсус уюшмаларни ташкил этиш ўзининг ижобий натижасини беради, деб ҳисблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИЁТЛАР:

1. Хушматов.Н., Т.Файзуллаева. Ҳаражатларни тежаш режалаштиришга боғлиқ. “Агро илм” // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 2010. 56-б. № 2.
2. Бабабеков К., Хўжамшукуров М., Агзамова Х. Ғўза зааркунандаларига қарши кимёвий усулни қўллашнинг зарарини камайтириш ва биологик усулнинг ролини ошириш омиллари. / АгроИЛМ. //Ж. – Тошкент, -2016. -№4. -52.
3. Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти маълумотлари.

ДЕҲҚОН - ТАМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА БЎЗ ТУПРОҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Обид ҲАҚБЕРДИЕВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти

Анвар ПАРДАБОЕВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти

Аннотация: Мақолада Самарқанд вилоятининг турли мулк шаклидаги хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш, экинлар ҳосилдорлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришида, бу ерда тарқалган тупроқ типларининг унумдорлиги, хўжалик юритувчи субъектлар салмоғи ҳақида ҳамда вилоятнинг деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиширишда минерал ўғитларнинг аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

Аннотация: В статье приводятся сведения о производстве сельскохозяйственных культур различных форм собственности в Самаркандской области, урожайности, плодородии, типов почв при производстве сельскохозяйственной продукции, доле хозяйствующих субъектов и значении минеральных удобрений в сельскохозяйственном производстве в регионе.

Abstract: The article provides information on the production of agricultural crops of various forms of ownership in the Samarkand region, yield, fertility, soil types in the production of agricultural products, the share of economic entities and the importance of mineral fertilizers in agricultural production in the region.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасини испоҳ қилиш натижасида пайдо бўлган турли хўжалик юритиш шаклидаги корхоналар фаолиятини ташкил этиш, биринчи навбатда уларнинг барчасига тенг ташкилий-иктисодий шарт-шароитлар яратишдан бошланади. Аммо, уларнинг фаолияти давомида қайси бири кўпроқ бозор шароитида фаолият юритишга мос эканлиги масаласи бугунги кунда долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Хўжалик юритиш шаклларининг ҳар бири ўзига хос салоҳият ва мавқега эга бўлиши билан биргаликда ўз устунликларини кўрсата бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг маълумотларига кўра, бугунги кунда деҳқон ва томорқа хўжаликлари майдонларининг умумий миқдори 702,6 минг гектар, шундан суғориладиган ерлар 522,8 минг гектарни ташкил қилмоқда, ушбу ерларда Республика ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 55–60% ишлаб чиқилмоқда. Бу майдонларнинг деярли 75% га яқини суғориладиган минтақаларда жойлашган. Аммо ҳанузгача деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш тизимиға бозор механизмларини тўла жорий этилмаганлиги, хусусан ер ва мулк солиқлар тизимида чигалликлар, ижара муносабатларидаги тушунмовчиликлар, қишлоқ

хўжалиги экинларини етиширишда тупроқ унумдорлиги ошириш учун илмий асосланган агротехник чора-тадбирлар ва минерал ўғитларни қўллашни янги замонавий усуслардан фойдаланиш оқибатида бундай тупроқлардан самарали фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

2018 йил маълумотларига кўра, Самарқанд вилояти бўйича 1159,63 га жами ерлар шундан деҳқон – томорқа ер майдонлари 885,02 га ташкил этади, Каттакўрғон туманида эса деҳқон – томорқа хўжалиги ерлари 51,46 га майдонни ташкил этади. Шундан суғориладиган ер майдонлари – 30,37 га; лалми ер майдонлари – 18,90 га; ялов ер майдонлари – 1,35 га ва бошқа ерлар 0,84 га майдонни эгаллаган. Кейинги йилларда деҳқон – томорқа хўжаликлари мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида ўз мавқенини сақлаб қолмоқда. Бир гектар экин майдони ва бир ишловчига ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига кўра деҳқон – томорқа хўжаликлари фермер хўжаликлариға нисбатан юқори кўрсатичларга эга бўлмоқда.

Каттакўрғон тумани бўйича 2018 йилда деҳқон-томорқа хўжаликлари томонидан 1 гектар экин майдонига 6527,7 минг сўмлик, 1 ишловчига 630,3 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Экин майдони бирлигига ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича энг паст кўрсаткич (548 минг сўм) фермер хўжаликлирида, бир ишловчига тўғри келадиган маҳсулоти.

Калит сўзлар: фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, томорқа хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, мулк, маҳсулот, ҳосилдорлик, механизм, минерал ўғит, агротехник тадбир, маҳсулот.

Каттақўрғон тумани қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хўжалик юритувчи субъектлар салмоғи

Хўжалик юритиши шакиллари	Хўжалик-лар сони	Ишловчи-лар сони, (нафар\киши)	Экин майдони (га)	Маҳсулот ишлаб чиқариш, (минг сўм)	
				Бир ишчига	Бир гектарга
Фермер	1684	420	44,1	548,5	8652,6
Деҳқон-томуорқа хўжалиги	137	1096	51,5	630,3	6527,7

лот бўйича (630,3 минг сўм) деҳқон-томуорқа хўжаликларида кузатилган. Ишловчилар сонига кўра, фермер хўжаликлари 12,4 фоиз ва деҳқон-томуорқа хўжаликлари 69,3 фоизни ташкил қиласди. Ялпи маҳсулот ҳажми ва экин майдони бирлигига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича деҳқон-томуорқа хўжаликлари яққол устунликка эга. Ялпи маҳсулот ҳажми бўйича деҳқон-томуорқа хўжаликлари кўрсаткичи фермер хўжаликларига нисбатан 2,5 марта юқори бўлса, экин майдони бирлигига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фермер хўжаликларига нисбатан 9,4 марта юқори. Бир ишловчига тўғри келадиган маҳсулот бўйича энг юқори 91,3 фоизини ташкил этди.

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, деҳқон-томуорқа хўжаликлирида ердан фойдаланиш самарадорлиги бўйича фермер хўжалик юритиши шаклларига нисбатан устунликларга эга. Лекин, шу билан бирга, деҳқон-томуорқа хўжаликларининг самарали фаолиятига тўсиқ бўлаётган кўплаб муаммолар ҳам мавжуд.

Шунингдек, деҳқон-томуорқа хўжаликларни турли минтақаларда жойлашиб ҳам турлича ривожланиш даражасига эга. Жумладан, Самарқанд вилоятида тарқалган тупроқлар тоғ олди худудларда жойлашган. Текислик майдонларда оч тусли бўз ва тоғ олди худудларда типик ҳамда тўқ тусли бўз тупроқлар кенг тарқалган. Тупроқларнинг унумдорлигини белгиловчи асосий омиллардан бири гумус ҳисобланади. Бу тупроқларда гумус микдори 0,8 фоиздан 2,5 фоизгача ортиб боради. Албатта, бу тупроқлардан юқори ҳосил олиш учун тупроқ таркибидағи озуқа элементлар ва азот, фосфор ва калий мухим ўрин тутади. Фермер хўжаликларга нисбатан, деҳқон-томуорқа хўжалигига деҳқончилик маданиятига катта эътибор берилади. Қишлоқ хў-

жалик экинларни етиштиришда илмий асосланган суғориш тизими, агротехник тадбирлар, минерал ўғитларни вақтида ва меъёрида кўллаш ва маҳаллий ўғитлар кўллаш тупроқларни унумдорлигини оширишга ҳамда бу тупроқлардан юқори ҳосил олиш имкониятини яратади. Каттақўрғон туманида қулай табиий-иклим шароитлар мавжудлиги, деҳқон-томуорқа хўжаликлари ривожланиш учун мухим аҳамият касб этади. Деҳқон-томуорқа хўжалигига бозор конъюктураси ўзгаришига нисбатан сезирлик хусусияти, ишбилармонлик, моддий манфаатдорлик ҳамда унинг бевосита тупроқ билан узвий боғлиқлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда катта имкониятлар яратади.

Деҳқон-томуорқа хўжаликларини ривожлантириш тармоқда мулкий муносабатларни шакллантириш, мулкка әгалик қилиш ҳиссини мустаҳкамлаш ва янги мулк әгалари пайдо бўйича таркибни ташкил этишни яратади.

**2-жадвал.
Самарқанд вилояти турли мулк шаклидаги хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва экинлар ҳосилдорлиги**

Маҳсулот ва экинлар турлари	Фермер хўжаликлари			Деҳқон-томуорқа хўжаликлари		
	2017	2018	2019	2017	2018	2019
Маҳсулот т\'га						
Буғдой	91,7	80,5	184,1	-	-	-
Макка дони	-	0,5	0,4	-	8,3	11
Ер ёнғоқ	-	-	-	0,8	3,1	4,1
Кунжут	-	-	-	0,26	0,53	-
Картошка	0,4	0,7	1,4	35,6	54,3	77,5
Сабзавотлар	5,8	5,6	5,8	120,4	161,8	214,6
Полиз	5,4	1,6	2	32,1	55,9	57,4
Хўл мева	3,4	3,7	5,2	22,9	34,4	25,8
Узум	7,0	10,7	7,9	14,9	17,6	11,8
Сут	3,6	3,3	7,7	292	316,3	371,1
Гўшт (тир. вазн)	1,3	1,3	3,2	64,6	68,5	78
Ҳосилдорлик ц\га						
Буғдой	37,7	36,4	45	-	-	-
Макка донга	-	24,9	34,7	-	42,5	53,2
Ер ёнғоқ	-	-	-	13,0	15,2	18,4
Кунжут	-	-	-	11,1	9,9	-
Картошка	88,7	81,9	120,5	92,4	109,7	133,8
Сабзавотлар	134,0	142,3	174,8	159,1	161,8	213,9
Полиз	149,3	150,5	143,2	193,6	221,2	227,3
Хўл мева	24,3	28,5	30,5	76,3	101,2	72,8
Узум	39,3	51,8	33,4	87,1	94,3	59,5

Деҳқон-фермер хўжаликлари

лишига мустаҳкам асос яратиш ва нихоят пи-ровард натижасида бандликни таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Вилоятдаги деҳқон-томорқа хўжаликларида бир-биридан фарқ қилувчи яққол ихтиослашув кўзга ташланмайди. Деҳқон-томорқа хўжаликларида пахтадан ташқари деярли барча асосий қишлоқ хўжалиги экинлари экиб келинади. Фермер хўжаликлирида дон учун маккажӯҳори, кунгабоқар, ерёнгоқ ва кунжут умуман экилмаган бўлса, кейинги йилларда дон учун маккажӯҳори, кунгабоқар ўсимликлари ҳам экилмоқда. Лекин, дон маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда (2-жадвал.).

Вилоятда фермер хўжаликлар томонидан 184,1 минг тонна дон ишлаб чиқарилган бўлиб, бу деҳқон-томорқа хўжаликларида мавжуд эмас. Лекин асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш бўйича деҳқон-томорқа хўжаликларининг

салмоғи юқори. Шунингдек деҳқон-томорқа хўжаликлари вилоятда ишлаб чиқарилган сутнинг 97,2 фоизини, гўштнинг 96,3 фоизини беради. Ҳосилдорликнинг энг юқори ўсиши сабзавот экинларида кузатилган. 2017 йилда гектаридан 152,3 ц сабзавот ҳосилдорлигига эришилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 61,6 ц ошибб, 213,9 ц ни ташкил этган. Ушбу йиллар мобайнида полиз экинлари ҳосилдорлиги 27 ц, картошка 36,8 ц ошган.

Хулоса. Аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш орқали деҳқон ва томорқа хўжаликларининг қўшимча даромад олиш имкониятини кенгайтириш, қишлоқда бандликни таъминлаш, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотларга бўлган талабини янада кўпроқ қондиришга замин яратади. Шунингдек, деҳқон ва томорқа хўжалиги экинлар ҳосилдорлигини ошириш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИЁТЛАР:

1. Алтиев А.С. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини эркинластиришнинг иқтисодий механизми. Монография. Тошкент., “Фан” –2009 –2236.
2. Алтиев А.С. Ер ижараси муносабатларини тартибга солишни такомилластириш. “АгроВикторија”. –Тошкент, 2019й. –№1.-7-86.
3. Алтиев А.С. Ер муносабатларини тартибга солиш-ривожланиш стратегиясининг муҳим шарти 22 Апрел Халқаро ер куни.–ТИҚҲММИ, 2019й. №1.-14-176.
4. Абдурахмонов Н.Ю., Мансуров Ш.С. Қорадарё террасаларида шаклланган суғориладиган тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари // ЎзМУ хабарлари. –Тошкент, 2016. –№3/1. –Б. 9-11 (03.00.00; №9).
5. Исломов А.Ж., Абдурахмонов Н.Ю. Суғориладиган тупроқларнинг гумус ва озиқа моддалари билан таъминланганлик даражалари // ЎзМУ хабарлари. –Тошкент, 2016. –№3/1. –Б. 64-66 (03.00.00; №9).
6. Kuziyev R.K, Abduraxmonov N.Yu. Tuproq unumdorligi va uni boshqarishning ilmiy asoslari // Monografiya. –Toshkent, «Navro`z» nashriyoti, 2017. -120 b.
7. Кўзиев Р.Қ., Абдурахмонов Н.Ю. Фермер хўжаликлари ерларининг унумдорлигини баҳолаш // ЎзМУ хабарлари. –Тошкент, 2015. –№3/2. –Б. 73-77 (03.00.00; №9).
8. Тешаев Ш.Ж., Холиқов Б.М., Кўзиев Р.Қ., Абдурахмонов Н.Ю. ва бошқалар. Самарқанд вилояти тупроқлари ҳолати ҳамда унумдорлиги паст ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойластириш ва етишиши агротехнологиялари бўйича тавсиялар // Тавсиялар. –Тошкент, 2017. –68 б.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекхон МУХТОРОВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти

Аннотация: Мазкур мақолада Республикаизда қишлоқ хўжалиги бўйича амалга оширилган истроҳотлар, кейинги йилларда бўлиб ўтган ўзгаришлар, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самардорлиги кўриб чиқилган. Бунда мустақилликни кўлга киритилиши ҳамда ерга бўлган мулкчилик муносабатларининг такомиллашиши таҳлил қилинган. Шу билан биргалиқда қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш бўйича амалий кўрсатмалар берилган ҳамда аграр соҳадаги сўнгги йиллардаги олиб борилаётган истроҳотлар ва истроҳотларнинг қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришдаги ўрни тўғрисида келтирилган.

Аннотация: В этой статье рассматриваются текущие сельскохозяйственные реформы в республике, изменения, произошедшие в последние годы, и эффективность использования сельскохозяйственных земель. Анализируется приобретение независимости и улучшение земельных отношений. В то же время приводятся практические рекомендации по содействию эффективному использованию земельных ресурсов в сельском хозяйстве и роли последних сельскохозяйственных реформ в содействии эффективному использованию сельскохозяйственных земель.

Abstract: This article discusses current agricultural reforms in the republic, changes that have occurred in recent years, and the efficiency of agricultural land use. It analyzes the acquisition of independence and the improvement of land relations. At the same time, practical recommendations are made to promote the efficient use of land in agriculture and the role of recent agricultural reforms and reforms in promoting the efficient use of agricultural land.

Кириш. Республикаизда ўтган асрнинг 90-йилларида бошланган ер истроҳотлари натижасида қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш, уни тасарруф этиш, янгидан шаклланган мулқдорлар синфининг асосини ташкил этувчи фермер хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадларида уларни рағбатлантириш тизими маълум даражада шаклланди.

Лекин бу истроҳотлар ўз самарасини бериш билан биргалиқда ўзининг салбий оқибатларини ҳам келтириб чиқармоқда. Бунда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда аниқ бир рағбатлантириш тизимининг амалда мавжуд эмаслиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Шу сабабли ҳам кейинги йилларда бу масалага мамлакатимиз раҳбарияти томонидан жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда. Жумладан, Мұхтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек "...жойларда қатъий назорат йўқлиги оқибатида суғориладиган ерларни фермерлар ва бошқа мутасадди раҳбарлар томонидан сотиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва талон-тарож қилиш ҳолатлари, афсуски, давом этмоқда... . Унумдор ерларни сотаётган, ноқонуний тарзда уйжой куриб олаётганларга нисбатан қатъий чоралар кўрадиган ва қонуний баҳо берадиган

вақт келди" [1].

Юкорида қайд этилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5742-сонли Фармонга мувофиқ "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси" ҳамда уни амалга ошириш бўйича йўл харитаси тасдиқланди. Йўл харитасида қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш тизими самарадорлигини ошириш билан бирга улардан самарасиз фойдаланишни олдини олиш бўйича ҳам қатор вазифалар кўйилган. Жумладан "қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан самарасиз фойдаланиш оқибатида ер унумдорлигининг пасайишига, мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувига йўл қўйган ердан фойдаланувчиларга ҳамда ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган экин ерларни бошқа мақсадлар учун ажратиб беришга йўл қўйган мансабдор шахсларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш" масалалари алоҳида вазифа сифатида қайд этилган [2].

Калит сўзлар: истроҳот, рағбатлантириш, ер фонди, қишлоқ хўжалиги ерлари, ер қонунбузилиши, мансабдор шахс, бозор муносабатлари, бонитет бал, маъмурий ва жиноий шавобгарлик.

Асосий қисм. Бозор муносабатларига ўтишнинг моҳияти иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун катта фарқ қилмасада, аммо бозор иқтисодиётiga ўтиш йўллари шакллари ва шароитлари фарқ қиливчи хусусиятларга эга бўлиб, уларни ҳисобга олмаслик амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида эришилиши кўзда тутилган натижаларни бермайди. Фикримизча айнан шундай соҳалардан бири бу қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Шу сабабли ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлиги бежиз эмас. Бу жараёнда республикада ер ислоҳотларига, яъни тармоқда ер муносабатларини такомиллаштириш, ердан фойдаланиш самародорлигини ошириш, ердан фойдаланишинг иқтисодий самародорлигини оширишни рағбатлантириш, дехқон ва соҳибкорларнинг ерга нисбатан эгалик ҳиссини шакллантириш, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини мунтазам равишда яхшилаб бориш, ердан фойдаланиш муаммоларига бағишлиган фундаментал, амалий ва инновацион мазмундаги илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, қишлоқ хўжалигидаги бозор субъектларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан бўлган моддий ва маънавий манфатдорлигини ошириш, ердан фойдаланувчиларни моддий ва молиявий ресурслар билан таъминлаш масалаларига жиҳдий эътибор қаратиб келинмоқда.

Лекин шу билан бирга тармоқда ердан фойдаланиш самародорлигини ошириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижаси бўйича кутилган натижаларга тўлиқ эришилди деб бўлмайди. Ҳозирги вақтда фойдаланилаётган минглаб гектар ерларнинг қишлоқ хўжалиги истеъмолидан чиқиб кетганлиги, катта ҳажмдаги ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб деградацияяга учраганлиги, республикадаги қарийб 30-40 % ерларнинг шўрланиш даражаси юқорилигича қолмоқда. Шу сабабли қишлоқ хўжалигидаги мавжуд барча хўжалик юритувчи субъектларда ердан самарали фойдаланишини рағбатлантиришнинг самарали тизимини ташкил этишдек мураккаб ва долзарб вазифани уни иқтисодий ўсишнинг асосий индикаторларидан бирига айлантириш зарурати юзага келди.

Таҳлил натижаларига кўра кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларида барқарор ўсиш кўрсаткичлари кузатилмаяпти. Бунга асосий сабаблардан бири юқорида қайд этилганидек ер фондидаги ўзгаришлар ва унинг сифат кўрсаткичларининг ёмонлашувини келтириш мумкин. Мисол учун кейинги йилларда ер фонди таркиbidаги ўзгаришларга эътибор берадиган бўлсак 2000 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда

қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган жами ер майдони 22570,4 минг гектардан 20174,0 минг гектарга, яъни 2396,4 минг гектарга ёки 10,6 фоизга камайган ҳолда сугориладиган ер майдонлари ҳажми 20,5 минг гектарга яъни 0,5 фоизга ортган.

Маълумотлардан кўриш мумкинки умумий майдон нуқтаи назаридан аҳоли пунктлари ерлари 6,9 фоизга, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар 52,2 фоизга камайгани ҳолда тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, ўрмон, фонди ерлари ва заҳира ерлар миқдори кўпайган. Фикримизча республикамиз ер фонди таркибида юз берган ўзгаришлар биринчидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган умумий ер майдонларининг камайиши бошқа тоифадаги асосан ўрмон ва заҳира ерлар ҳажмининг ортишига сабаб бўлган иккинчидан эса қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг сифат кўрсаткичлари ёмонлашуви яъни уларнинг шўрланиш даражаси ортиши натижасида камайган. Республикада қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилаётган ерлар таркиbidаги ўзгаришлар тенденцияси ҳам бир маромда эмаслиги кузатилади. Хусусан худудий, тупроқ ва иқлим шароити бирмунча қулав шароитда жойлашган Тошкент вилоятида умумий қишлоқ хўжалиги ерлари 2000-2017 йиллар мобайнида 16,4 минг гектарга. Сугориладиган ер майдонлари 0,4 минг гектарга камайган бўлса бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида мос равишда 157,2 ва 18,1 минг гектарни ташкил этганлиги кузатилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг камайиши ҳисобига Тошкент вилоятида асосан саноат, тарнспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар 15,8 фоизга, Қашқадарё вилоятида эса 86,7 фоизга ортган. Ўрмон фонди ерлари эса Тошкент вилоятида бор йўғи 0,7 фоизга ортган бўлса, Қашқадарё вилоятида 44,1 фоизга ортган.

Эътиборли жиҳати шундаки ҳар қандай ҳолатда ҳам қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер майдонларининг камайиши кузатилмоқда. Қайд этилганидаек бунга асосий сабаблардан бири ерларнинг мелиоратив ҳолати ва шўрланиш даражасининг ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Таҳлил натижаларига кўра ҳозирги кунга келиб республика бўйича сугориладиган ерлар тупроқларининг шўрланиш даражасини қониқарли ҳолатда деб бўлмайди (1-жадвал).

Келтирилган 1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки республикада жами сугориладиган ерларнинг 1795672 минг гектари ёки 63,4 фоизи шўрлланган ерлардан иборат бўлиб, шундан 158034,7 гектари ёки 5,5 фоизи кучли ва 111593,5 минг гектари жуда кучли шўрлланган ерларни ташкил этмоқда. Бу дегани бу икки категориядаги ерларнинг ўзи қарийб

Сирдарё вилоятидаги сугориладиган ер майдонларига тенг бўлмоқда. Фақатгина жуда кучли шўрланган сугориладиган ерларнинг ўзи Андижон вилоятида сугориладиган ерларнинг икки баробарини ташкил этмоқда. Фақатгина жуда кучли шўрланган сугориладиган ерлар-

рига тўхталиб айтиш лозимки қишлоқ хўжалигида алмаштириб бўлмайдиган ўзига хос асосий восита ва меҳнат предмети ҳисобланувчи ер ресурслари ҳамда унинг энг фаол ва юқори самарадорлигини таъминловчи сугориладиган ер майдонларидан фойдаланиш сама-

1- жадвал.

Республика бўйича сугориладиган ерлар тупроқларининг шўрланиш даражалари тўғрисида маълумот

Т/р	Виорятлар номи	Сугорила-диган ер майдони, га	Шўрланиш даражаси бўйича					шўрланган ерлар
			шўрлан-маган	кучсиз	ўртача	кучли	жуда кучли	
			га	га	га	га	га	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	460439	39480,6	142585,3	139499,1	69385,7	69488,3	420958,5
2	Андижон	55574,4	14348,7	27288,8	13189,9	584,6	162,3	41225,7
3	Бухоро	226398,2	33631,3	119865,9	49237	15187,2	8476,8	192766,9
4	Жиззах	210904,6	49737,8	84829,3	68436,5	7166,8	734,1	161166
5	Қашқадарё	325877,2	120120,5	153768,8	39757,2	6797,5	5433,6	205757,2
6	Наманганд	96811,1	34382,8	33866,6	20673,5	7407,14	481,04	62428,2
7	Навоий	234943,5	99381,1	101495,5	24199,2	8927,9	939,8	112263,7
8	Самарқанд	316845,6	267062,7	41262,1	7325,5	1195,3	-	-
9	Сурхондарё	181092	73448,3	77381,7	22140,1	5287,3	2834,6	107643,7
10	Сирдарё	266859	50351	112518	77845	18719	7425	216508
11	Тошкент	67655	46480,8	17722,7	2736,8	539,4	175,3	21174,2
12	Фаргона	170218,3	66049,9	58586,1	38389,2	3980,5	3212,6	104168,4
13	Хоразм	217171	67565,7	75177,2	49342,1	12856,4	12230,1	149611
ЖАМИ:		2830788,9	962041,2	1046348	552771,1	158034,7	111593,5	1795671,5

нинг ўзи Андижон вилоятида сугориладиган ерларнинг икки баробарини ташкил этмоқда.

Фикримизча юзага келган бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш учун мамлакатимиз миқёсида мелиоратив тадбирларни кенгайтириш, ушбу мақсадларга йўналтирилаётган молиявий маблағлардан қатъий ва фақат белгиланган мақсадларда самарали фойдаланиш, ушбу муаммонинг ечимида хорижий инвестор ва халқаро донор ташкилотларни жалб этиш ишларини ривожлантириш зарур бўлади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сугориладиган ерлардан самарали фойдаланиши, уларга ажратиб берилган ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қўшимча ерларни ўзлаштириш, тупроқ унумдорлигини оширишдан бўлган моддий манфатдорликларини рағбатлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Қайд этилган масалаларни ижобий ҳал этиш учун биринчи навбатда давлат томонидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳамда мазкур йўналишларда илмий ва амалий тадқиқот ишлари кўлами ва таъсирчанлигини ошириш зарурияти юзага келади.

Муаммонинг илмий ва назарий жиҳатла-

радорлигини ошириш кўплаб омиллар таъсирида юз беради. Бундай омиллар ичida мулкий муносабатларни такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бозор талаблари асосида юритиш билан бир қаторда ер фондини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида янги ерлар ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларини кўпайтириб бориш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириб бориш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ердан самарали фойдаланиши иқтисодий рағбатлантириш кабилар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Юқорида гилардан келиб чиқсан ҳолда қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини қўйидагича гурухларга бўлиш мумкин бўлади (2-жадвал).

Қайд этилган кўрсаткичлар тизими қишлоқ хўжалигида ер ресурсларининг асл моҳиятини англаб олиш учун уни ифодаловчи “ердан фойдаланиш”, “ердан фойдаланиш самарадорлиги” ва “рағбатлантириш” тушунчаларига аниқлик киритиб олиш лозим бўлади. Илмий манба ва адабиётларда қайд этилишича ердан фойдаланиш тушунчаси кўплаб мақсад ва йўналишларда фойдаланилади. Ушбу тушунчани кенг маънода яшаш ва ҳаёт кечи-

**Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини
ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ning гурухлашуви**

Кўрсаткичлар гуруҳи	Кўрсаткичлар
1. Ер ва ерни баҳолаш билин боғлиқ кўрсаткичлар гуруҳи	<ul style="list-style-type: none"> - тупроқ балл бонитети; - ернинг технологик ҳусусиятлари (мехнат унумдорлиги ва сугоришда техникадан фойдаланиш); - жойлашуви; - унумдорлиги: хосилдорлик (қиймати, озуқа бирлиги); - қилинган ҳаражатларнинг қопланиш даражаси; - рента даромадлари; - кадастр қиймати; - бозор қиймати; - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг меъёрий ўртача ҳосилдорлиги; - ишлаб чиқариш қиймати.
2. Таркибий ўзгаришлар билин боғлиқ кўрсаткичлар гуруҳи	<ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда қишлоқ хўжалиги экин майдонининг улушки; - қишлоқ хўжалиги экинлари майдонидаги ҳайдаладиган ерлар улушки; - озуқа экинлари майдони улушки; - ҳайдаладиган ерларда экин майдонлари улушки; - жами экин майдонларига нисбатан мелиорацияланган ерлар улушки.
3. Молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлар гуруҳи	<ul style="list-style-type: none"> - маҳсулот сотишдан тушган тушум; - сотилган маҳсулот учун қилинган ҳаражатлар; - фойда; - рентабеллик даражаси; - ишлаб чиқарилган жами маҳсулотда тармоқлар улушки (ўсимчилик, чорвачилик); - ишлаб чиқариш ҳаражатларининг тармоқлар тақсимоти; - меҳнатга ҳақ тўлаш; - қўшилган қиймат микдори; - молиявий барқарорлик холати; - ресурс салоҳияти; - ҳайдаладиган ва озуқа экин майдонлари (ҳосилдорлиги) маҳсулдорлиги (бир бирлик учун қилинган ҳаражатлар)
4. Ердан фойдаланишини давлат томонидан қўллаб- куватлашнинг самарадорлик кўрсаткичлари	<ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши ёки камайиши (таққостама нархларда) – жами, ўсимчиликда, чорвачиликда (ажратилган минг сўм субсидияга) - сотилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рентабеллиги даражаси, ўсимчилик, чорвачилик, субсидия билан бирга субсидиясиз - давлат томонидан қўллаб-куватлаш ҳисобига товар маҳсулотлари ўсиш даражаси - жалб этилган (минг сўм) субсидия ҳисобига асосий фондлар микдорининг ўсиши (камайиши) - ажратилган ҳар минг сўм субсидия ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналаридан солик тўловларини ҳажмини ортиши - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ҳосилдорлик кўрсаткичларининг ортиши (маҳсулот турлари бўйича) - асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг натуранал кўрсаткичлари - очик майдонларда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлик даражасининг ортиши (камайиши) - асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича натуранал кўрсаткичлари - чорва моллари ва паррандаларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари (кунлик семириш, бир бош сигирдан соғиб олинган сут микдори в.х.к.) - чорва моллари ва паррандаларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларининг ортиши ёки камайиши
5. Қишлоқ хўжалигида ерлар холати ва унумдорлигини давлат томонидан мониторинг қилиш натижалари	<ul style="list-style-type: none"> - умумий кўрсаткичлар (тупроқ тури, гумуслилик даражаси, қиялик даражаси (%))..... ва ҳ.к. - физик ва кимёвий кўрсаткичлар (ҳайдаладиган ерларда органик моддалар микдори ва ҳ.к.) - тупроқнинг ифлосланиш даражаси (оғир металлар микдори (Са, РЬ, HQ, As м/кг ва ҳ.к.)) - юз беряётган салбий жараёнлар кўрсаткичлари (тупроқ категориялари бўйича эрозияга учраган тупроқлар салмоғи, тупроқнинг шўрланиш даражаси (категориялар ва чукурлик бўйича, фоизда ва ҳ.к.)) - биологик фаоллик (микробиологик фаолликни аниқлаш) - фойдаланилмаётган ерлар бўйича маълумотлар (бегона ўтлар билан қопланиш, % да, ифлосланиши ва ҳ.к.)

риш жойи, инсонларнинг ҳаёт фаолиятини таъминловчи жой ва табиий геотизимлар сифатида қараш ва тасаввур қилиш мумкин. “Ердан фойдаланиш” тушунчасининг нисбатан кўп тарқалган тарифи микдорий нуқтаи

назардан кўп қайд этилиб ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнларида жамият аъзолари, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида ердан фойдаланиш борасидаги муносабатлари тушинилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқари-

ши нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак ердан фойдаланиш амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар мажмуи ва ананавий тарзда шаклланиб келган тартиб ва қоидалар асосида ердан ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланиш жараёнлари ифодалайди.

Ердан фойдаланишни “рағбатлантириш” деганда эса ердан оқилона, тартибли фойдаланиш ва унинг сифатини яхшилаб боришдан бўлган манфаатдорлик тушунилади. Яъни бунинг учун ердан фойдаланувчиidan ундан оқилона фойдаланишдан рағбатланниши талаб этилади. Ердан фойдаланишни “рағбатлантириш” деганда қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи бозор субъектларининг ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан бўлган манфаатдорлигининг таъминланиши ўз навбатида биринчидан тупроқ унумдорлигини ошириш, ерларнинг экологик ва мелиоратив ҳолатини яхшилашни, иккинчидан бозор субъектларининг айни ҳолатда фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш баробарида унда меҳнат қилалигиган ишчиларнинг даромадларини ошириш орқали моддий ва маънавий манфаатдорлигининг ошишга сабаб бўлади.

Хулоса. Ердан фойдаланиш самарадорлиги тизими биринчи навбатда уни шакллантириш шартлари, уни ифодаловчи асосий самарадорлик кўрсаткичлари, рағбатлантириш усуллари ҳамда ривожлантириш йўлларидан иборат бўлади. Ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда эса қайд этилган йўналишларни бири-бири билан боғлиқ ва комплекс тарзда бажарилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Яъни қишлоқ хўжалигида ердан фойдалана-

ниш самарадорлиги бу – экин майдонларидан юқори самара олиш, улардан мақсадли фойдаланиш, ердан фойдаланишнинг оптимал ўлчамларини аниқлаш, экологик талаблардан келиб чиқсан ҳолда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш орқали тармоқда кенгайтирилган такror ишлаб чиқаришни таъминлашга қаратилган тадбирлар мажмуининг таркибий қисми ҳисобланади.

Хулоса. Бизнинг фикримизча кейинги йилларда аграр иқтисодиёт тармоқларида юз берётган таркибий ўзгаришлар, глобал иқлим ўзгариши ва албатта қишлоқ аҳолисининг асосий даромадлари айнан ердан фойдаланиш билан боғлиқ эканлигини инобатга олган ҳолда ушбу кўрсаткичларни ижтимоий, иқтисодий ва экологик кўрсаткичлар гуруҳларига бўлган ҳолда ёндошиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни тизимлаштирилган ҳолда икки гуруҳга (вариантга) яъни инерцион (анъанавий) ва инновацион гуруҳларга бўлиш мумкин. Ушбу омилларни ҳар иккала гуруҳи ҳам мазмуни ва қўллаш шароитларидан келиб чиқсан ҳолда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ердан фойдаланиши рағбатлантириш ва самарадорлигини ошириш жараёнларида инобатга олиниши зарур. Бундан ташқари кейинги йилларда аграр иқтисодиёт тармоқларида юз берётган таркибий ўзгаришлар, глобал иқлим ўзгариши ва демографик ҳолатга боғлиқ эканлигини инобатга олган ҳолда ушбу кўрсаткичларни ижтимоий, иқтисодий ва экологик кўрсаткичлар гуруҳларига бўлган ҳолда ёндошиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи. // Халқ сўзи, 2017. № 81 (31.817), 2017. – Б. 2-3.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига 2-илова Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” 19-банди.
3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 7-том, 268-бет
4. Мамлакат Президентининг “Ўзбекистон Республикасини чнада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 сонли Фармони ва мазкур Фармоннинг биринчи иловасига асосан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши ҳаракатлар стратегияси” 2017 йил 7 феврал
5. А.Смит Исследование о природе и причинах богатства народов. // Антология экономической классики в 2-х томах. Т.1. М.: 1963
6. Д.Рекардо Начало политической экономики и налогообложения // Антология экономической классики в 2-х томах. Т.1. М.: Эконов 1991

АСМДА ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ ВА НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Асрор БАХРИДДИНОВ,

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими

Хамид ЯНГИБОЕВ,

Тошкент давлат аграр университети мустақил тадқиқотчisi

Аннотация: Мақолада агросаноат мажмуаси тармоқларида интеграцион алоқаларни ривожлантиришнинг илмий ва назарий жиҳатлари хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ишлари асосида қисқача таҳдил этилган. Қишлоқ хўжалиги ва унинг етакчи тармоқларидан ҳисобланган ипакчилик тармоғида агросаноат интеграциясини ривожлантириш борасида илмий изланишларни ривожлантириш зарурати асосланган.

Аннотация: В статье кратко анализируются научно-теоретические аспекты развития интегрированных отношений в агропромышленном комплексе на основе трудов ученых зарубежных и отечественных экономистов. Является необходимым развитие научных исследований по развитию агропромышленной интеграции в сельском хозяйстве и Шелководческой сети, которая считается одной из его ведущих отраслей.

Abstract: The article briefly analyzes the scientific and theoretical aspects of the development of integrated relations in the agro-industrial complex based on the works of scientists from foreign and domestic economists. It is necessary to develop scientific research on the development of agro-industrial integration in agriculture and the silkworm network, which is considered one of its leading sectors.

Дунёнинг иқтисодий ривожланган давлатларида қишлоқ хўжалигини индустрисиал асосда ривожлантириш турли даражадаги интеграцион алоқаларни ривожлантириш негизида амалга оширилмоқда. Бунга асосий сабаблардан бири интеграция миллий ва тармоқлар иқтисодиётини барқарорлигини таъминлаш ва рақобатбардошлигини оширишда дунё миқёсида тан олинган ёндашув эканлигидир. Шу жиҳатдан интеграция иқтисодий категория сифатида кўп мақсадли муаммолар ечимига яъни: интеграцион жараёнга жалб этилган турли корхоналарда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш, иқтисодий барқарорлик ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш фондлари ва меҳнат ресурслари, инновациялар ёрдамида техник ва технологик модернизациялаш, экологик вазиятни яхшилаш ва қишлоқ худудларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш каби долзарб масалаларни ҳал этишни кўзда тутади. Таъкидлаш лозимки интеграцион жараёнларни ташкил этиш ва интеграцион муносабатларни ўрнатишда юқорида қайд этилган йўналишлардаги масалаларни тўлиқ ҳисобга олиш ёки комплекс тарзда ёндашилгандагина АСМ тармоқ ва корхоналарида ишлаб чиқарилётган маҳсулотларнинг ички ва ташки бозорлардаги рақобатбардошлигини, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат таъминотидаги хавфсизлигини

ҳамда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлайди.

Республикамиз иқтисодиёти, хусусан агросаноат мажмуасида кейинги йилларда юз берётган кенг қамровли таркибий ислоҳатлар натижасида турли мулкчилик ва хўжалик юритиши шакллари билан бирга интеграцион тузилмалар яъни агрофирмалар, кооперативлар, кооперация бирлашмалари, уошмалар ва кластерлар ташкил этилиб фаолият юритмоқдалар.

Лекин қайд этилган тузилмалар сунъий равишида яъни Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар қарорлари ва кўрсатмалари билан ташкил этилмоқда. Албатта бу янги интеграцион тузилмалар ҳозирги давр ва аграр соҳада юритилаётган аграр сиёsat ва таркибий ислоҳатларнинг бир йўналиши эканлигини эътироф этиш лозим. Бундан ташқари агросаноат мажмуаси тармоқлари шу жумладан қишлоқ хўжалигига олиб борилаётган бундай тадбирлар тармоқни бошқариш ва ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти самарадорлигининг ўсиши, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш экспорт салоҳиятини ўсиши баробарида ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиши таъминламоқда. Аммо таъкидлаш жоизки аграр соҳада тезкор суръатлар билан олиб борилаётган ислоҳатлар хусусий ҳолатда ташкил этилётган кооперация бирлашмалари ва кла-

Калит сўзлар: интеграцион алоқалар, рақобатбардошлик, барқарор иқтисодий ўсиш, кооперация, ресурслар, интеграция, иқтисодий муносабатлар, концентрациялашув.

стерлар айрим ҳолатларда пухта ўйланмаган яъни улар фаолиятининг ташкили-иқтисодий асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаган ҳолда, қўпоп қилиб айтганда “кампаниябозлиқ” усулида фақат номигагина тузилаётганлигини ҳам қайд этиш зарур. Сабаби кооперация ва интеграция тамойиллари асосида янгидан тузилётган корхона ва ташкилотлар (кооператив бирлашмалари, кластерлар) ҳамма вақтда ҳам яъни уларнинг барчаси самарали фаолият юритмоқда деб бўлмайди. Таҳлил натижаларига кўра республикада бир қатор кластерлар тутатилиши ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Фикримизча бундай салбий ҳолатларнинг юзага келиши сабабларидан бири янгидан ташкил этилаётган интеграцион тузилмаларнинг илмий-услубий ва меъёрий-ҳукуқий асосларининг тўлиқ ҳамда замонавий бозор иқтисодиёти талаб ва тамойилларига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқилмаганлиги-дир. Худди шунинг учун ҳам жойларда раҳбар ва мутахассислар ташкилий бошқарув тузилмаларини шакллантириш, яъни бозор субъектлари ўртасида ҳукуқий ҳамда иқтисодий муносабатларни ўрнатишида кўплаб муаммоларга дуч келмоқдалар. Бир сўз билан айтганда бундай илмий ишланма ва маҳсулотларни ишлаб чиқишига масъул бўлган илмий ва олий таълим муоссасалари агросаноат мажмуаси тармоқларида олиб борилаётган ислоҳатлардан бир-мунча орқада қолмоқда ёки тегишли илмий ва давлат муоссасаларида бугунги кунда мавжуд бўлган илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш механизmlари талаб даражасида шакллантирилмаган. Зоро иқтисодиётнинг реал тармоқлари хусусан аграр соҳада юз бераётган том маънодаги ишлаб чиқариш, ташкилий-иқтисодий характердаги ўзгаришларнинг мувоффақияти илм-фан томонидан тақдим этиладиган илмий ишланма, таклиф ва тавсиялар сифати ҳамда уларнинг ўз вақтида амалиётга тақдим этилишига бевосита боғлиқдир. Шу сабабли бугунги кунда жамият ва ишлаб чиқарувчиларнинг илмий ва олий таълим муоссасалар ва иқтисодчи олимларга бераётган саволлари кўпайиб бормокда дейиш мумкин.

Масаланинг назарий жиҳатларига тўхталиб айтиш лозимки ўтган давр мобайнида хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан агросаноат мажмуаси тармоқлари ўртасида интеграцион алоқаларни ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш муаммолари бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Илмий манбаларда қайд этилишича ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ва интеграцион жараёнлар-

нинг назарий фундаментал асослари дастлаб классик иқтисодиёт номояндаларидан бири бўлган А. Смит томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу масала эвалюцион тарзда унинг издошлари ва бошқа бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан иқтисодиётда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши даражасидан келиб чиқилгани ҳолда такомиллаштирилиб келинган.

Мисол учун мазкур муаммо доирасида тадқиқотлар олиб борган Россиялик олим О.Радионованинг фикрича агросаноат интеграцияси ўз моҳиятига кўра уч хил маънони англатади: – “биринчидан агросаноат интеграцияси – агромаҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг ўёки бу иштирокчилари бирлашувининг шакли ва тизиминининг ҳолатини ифодалайди; иккинчидан бу алоҳида ишлаб чиқарувчиларнинг шу жумладан агросаноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида ягона тузилмага бирлашуви жараёнидир; учинчидан эса агросаноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни ягона ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини юритувчи ташкилотга бирлаштиришга ёрдам берувчи механизм ва усуллардир” [2] деб тарифлайди. Албатта бунда оlimma биринчидан билдириган фикрида тизимининг ҳолатини ифодаланиши бошқарув тузилмасини кўзда тутган бўлса, у ёки бу иштирокчилари деган фикри мавҳумроқ ифодаланган, иккинчидан билдириган фикрида алоҳида ишлаб чиқарувчилар деганда бир тармоқ ёки фақат битта турдаги маҳсулот ишловчиларни кўзда тутади, мақсади эса ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашдан иборатлигини билдиради. Фикримизча, иккинчи қарашида оlimma мақсадни белгилашда торроқ ёндашмоқда, учинчидан деб ифодаланган фикрида эса бирлаштиришга ёрдам берувчи механизм ва усуллардир деганда интеграцияни “ёрдам берувчи” сифатида тарифлайди.

Иқтисодчи олим Р.Триковнинг фикрига кўра “Интеграция бу ижтимоий меҳнат тақсимотининг бир кўриниши бўлиб, ушбу жараёнда турли хил ихтисослиқдаги корхона ва ташкилотлар бир-бiriни ўзаро тўлдириганлари ҳолда юқори якуний натижага эришадилар” [2] деб таъкидлайди. Фикримизча, билдирилган тариф интеграциянинг фақат алоҳида тури яъни “конгломератив” интеграцияга тегишли бўлиб масала тўлиқ қамраб олинмаган дейиш мумкин.

Яна бир Россиялик иқтисодчи олим А. Гатаулин эса интеграцияни “иқтисодиётнинг

Интеграцион жараён

турли хил тармоқлари ўртасидаги ривожланган замонавий ҳамкорлик шаклларини ташкил этишнинг мажмууний характердаги чора-тадбирлари бўлиб, унининг иқтисодий асосини ижтимоий меҳнат тақсимоти, ихтисослаштириш ва кооперация ташкил этиди” Фикримизча ушбу олим интеграцияга бир чора-тадбирлар мажмуи сифатида қарашини мутлоқ тўғри фикр сифатида қабул қилиб бўлмайди, чунки ўрганилган илмий ва назарий манбааларда интеграцияни жарён, муносабат ва меҳнатни ташкил этишнинг бир шакли сифтида ҳам эътироф этилади. Шу жиҳатдан иқтисодчи олим томонидан берилган тавсифга ҳам тўлиқ кўшилиб бўлмайди.

Республикамиз агросаноат мажмуасида интеграцион жараёнларни такомиллаштириш йўналишларида бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб улар сирасига аграр иқтисодчи олим Ш. Юлдошевни ҳам киритиш мумкин. Ушбу олим томонидан амалга оширилган тадқиқот иши пахтачилик қўйи мажмуасида агросаноат интеграциясини ривожлантириш, интеграцион жараёнларни туманлар миқёсида чуқурлаштириш орқали қўйи мажмуя корхоналари самарадорлигини ошириш масалаларига бағишлиган бўлиб унда “....туманлар кесимида пахтачиликка ихтисослаштирилган интеграл тузилмалар ташкил этиш бўйича услугий тавсиялар берилган. Шунингдек асосий урғу интеграцион жараёнларни пахтачилик туманлари кесимида чуқур ихтисослаштириш асосидагина юқори иқтисодий самара бериши мумкин таъкидланиди [3]. Ш. Юлдашев томонидан билдирилган таклифларни тўлиқ инкор этмаган ҳолда айтиш лозимки бугунги кунда республикамизда интеграцион тузилма сифатида пахта-тўқимачилик кластерлари қишлоқ худудлари, туманлар ва вилоятлар миқёсида ҳам ташкил этилиб фаолият кўрсатиб келмоқда.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодчи олимларимиздан Х. Хушвақтова томонидан олиб борилган бозор шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий муаммоларига бағишлиган диссертация иши ўз мазмуни ва моҳияти жиҳатидан бирмунча кенг қамровли даражада бажарилган бўлиб, унда бозор муносабатлари шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий асосларини такомиллаштириш масалаларида эътиборга лойиқ бўлган илмий ва амалий таклиф тавсиялар билдирилган. Хусусан мазкур диссертация ишида агросаноат интеграциясининг таркибий ту-

зилмаси асосли равища таснифланган ва бозор иқтисодиёти шароитида агробизнес фоалияти механизми ишлаб чиқилган [4].

Шунингдек мусақиллик йилларида мамлакатимизда агросаноат мажмуаси тармоқларини бозор муносабатларига ўтиш шароитида трансформациялашуви муаммолари аграр иқтисодчи олим М. Нигмаджанов томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотларида ўз асосини топган бўлиб, мазкур диссертация иши ўз мазмуни ва кўлами нуқтаи назаридан фундаментал характерга эга дейишимиз мумкин бўлади. Ушбу тадқиқот ишида АСМ ва унинг алоҳида соҳалари фаолиятини трансформациялашуви жараёнларини такомиллаштиришнинг услугий жиҳатлари ҳамда бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялар берилган [5]. Шунингдек У. Нигмаджанов томонидан АСМ да ягона ишлаб чиқариш жараёнлари трансформациялашувининг асосий ва устувор йўналишлари, моддий-техник ривожланиш ҳолати ва ташкилий-иктисодий асосларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришнинг услугий асослари сув ресурсларидан фойдаланиш тизими мисолида ишлаб чиқилган.

Амалга оширилаётган тадқиқот ишимиз мақсади ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки ресупуликамиз агар иқтисодиётида асосий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган ипакчилик тармоғида интеграцион муносабатларни ривожлантириш масалаларига бағишлиган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Зеро кейинги йилларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ипак маҳсулотлари экспорти ҳажмларининг ортиб бораётганлиги, соҳага киритилаётган ички ва ташкии инвестициялар миқдорини янада ошириш орқали ипак маҳсулотлари сифатини яхшилаш борасида ишларни янада ривожлантиришни талаб этмоқда. Шу сабабли тармоқда интеграцияни ривожлантириш бўйича илмий ва амалий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш зарур.

Умуман олганда агросаноат интеграцияни қишлоқ хўжалиги шу жумладан пиллачилик тармоғида ишлаб чиқарининг тўқимачилик саноати ва унга боғлиқ бўлган хизмат кўрсатувчи тармоқлар билан ўзаро муносабатлари асосида бирлашиш жараёни сифатида тушуниш мумкин. Назарий жиҳатдан “Агросаноат интеграцияси” тушунчаси кўп қиррали бўлиб, у тармоқлар ўртасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ўз ичига олишидан ташқари, илмий тадқиқот объекти, тадқиқот натижаларини ўзлаштириш ва амалиётга жорий этиш

предмети ҳам ҳисобланади.

Албатта бунда асосий бўғин пилла ва ипак хомашёси етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари бўлишилиги лозим. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етиштирувчи хўжаликлариз агросаноат интеграциясини тасаввур қилиб бўлмайди. Агросаноат интеграциясида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар бирлашган бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти самардорлиги агросаноат интеграциясига кирган бошқа ташкилотлар ўртасидаги ташкилий ва иқтисодий муносабатлар даражасига бевосита боғлиқ бўлади.

Бу ўз навбатида республикамиизда пилла ва ипак маҳсулотлари устун ривожланган ҳудудларида ҳозирги кунда ривожланган хорижий давлатларда кенг ва муваффақиятли қўлланилиб келинаётган яъни агросаноат интеграциясини бирмунча такомиллашган шакли

бўлмиш кластерли ёндашувни ривожлантириш заруратини келтириб чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда бизнинг фикримизча, агросаноат интеграцияси тармоқ доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сотиш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларнинг бир мақсадни кўзлаган ҳолда ҳамкорлик фаолиятини англатади. Бундан ташқари агросаноат интеграцияси ишлаб чиқаришнинг хомашё етиштирувчи ва қайта ишлашга оид тармоқлар манфаатлари бирлигини таъминлайди, тармоқлараро ишлаб чиқариш фаолиятини мувофиқластиришга имкон беради, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, хомашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни сотиш соҳаларини мувофиқ тарзда ривожланиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ўсишини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИЁТЛАР:

1. О. Радионова “Крупный агробизнес в АПК: современные формы и эффективность.” АПК: экономика управления. 2003 № 4 28–40с
2. Р. Триков “современные интеграционные процессы в АПК” АПК: экономика управления 202 №10 9–12с
3. Ш.Д. Юлдашев “Развитие агропромышленной интеграции в хлопковом подкомплексе Узбекистана в условиях формирования рынка” Автореферат на соиск. к.э.н. Ташкент.: 1994г с-20
4. Х. Хушвақтова Бозор шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари дисс. и.ф.н. Тошкент.: ЎзБИИТИ. 2005 й.-9,10 б

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Шахло ДЕҲҚОНОВА,
Тошкент давлат аграр университети, катта ўқитувчи

Аннотация: Мақолада мева-сабзавотчилик кластерларини инновацион ривожлантириш омиллари ва йўллари асосланган. Кластер тизимини ривожлантириш ва мева-сабзавотчилик соҳаси самарадорлигини ошириш йўллари асосланган.

Аннотация: В статье обоснованы факторы и пути инновационного развития плодо-овощных кластеров. Обоснованы пути развития системы кластера и повышения эффективности плодо-овощной сферы.

Abstract: The article substantiates the factors and ways of innovative development of fruit and vegetable clusters. The ways of developing the cluster system and increasing the efficiency of the fruit and vegetable sector are grounded.

Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини ошириш Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланиб, республикамизда ушбу соҳани кластерли ёндашув асосида ривожлантириш борасида қатор Республикализ Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда чора-тадбирлар дастурлари қабул қилиниб, босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республикамиз аграр секторида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришда кластер усули кенг жорий этилмоқда. Жумладан, кластерларга ажратилган қишлоқ ҳўжалиги майдонларининг ҳажми экин турлари бўйича пахта-тўқимачилиқда - 67 фоизни, чорвачилиқда 8 фоизни ва мева-сабзавотчилик соҳасида - 7,5 фоизни ташкил этмоқда.

Жаҳон тажрибаси ва амалиёти бундай мақсадларга қишлоқ ҳўжалигида агрокластерларни ташкил этиш асосида эришиш мумкинлигидан далолат бермоқда.

Республикамиз мева-сабзавотчилик соҳасида агрокластерларни шакллантириш ва ривожлантиришни соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш ва унинг ташқи ва ички бозорларда рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим йўлларидан бири ҳисобланади.

Мева-сабзавотчилик кластерлари маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ягона занжирга бирлаштирувчи, илғор тажриба ва инновациялардан фойдаланиш билан бир қаторда, соҳа маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлиги-

ни ошириш, худудларда мева-сабзавотчилик инфратузилма мажмууни шакллантириш ва ривожлантириш, аҳоли бандлиги даражаси ва даромадларини ошириш ҳамда истиқболда экологик мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш имконони берувчи “ақлли мева-сабзавот тармоғини яратадиган” ҳўжалик юритиши субъектларидан таркиб топиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, АҚШда яратилаётган ЯИМнинг 60 фоизга яқини турли йўналишдаги кластерларда яратилмоқда.

Республикамиз аграр соҳасида, шу жумладан мева-сабзавотчилик соҳасида кластер тизимини шакллантириш ва ривожлантириш шунингдек, қўллаб-қувватлаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу кластерлар самарадорлигини ошириш йўлларидан бири уларнинг иқтисодий моҳияти, ташкил этиш ва ривожлантириш шарт-шароитларини яратиш тамойилларини такомиллаштириш, шунингдек, инновацион ривожланиш ва қўллаб-қувватлаш йўналишлари борасида илмий-тадқиқотлар кўлами ни кенгайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бундай тадқиқотларда худудларнинг иқтисодий ривожланганлик ҳолатини характерловчи кўрсаткичлар тизими асосида мева-сабзавот кластерлар салоҳияти баҳоланиш индикаторлари ва мезонларини ишлаб чиқиши, худудларда мавжуд кластерлаш салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда кластерларни ташкил этиш шакллари ва йўналишларини белгилаш, кластерларга информацион-консультатив хизмат кўрсатиш ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш мева-сабзавотчилик кластерларини барқарор ривожланишини таъминловчи йўл-

Калит сўзлар: кластер, мева-сабзавот кластерлари, мева-сабзавот кластерларини инновацион ривожлантириш, кластер самарадорлиги, мева-сабзавотчилик самарадорлиги.

ларидан ҳисобланади.

Мева-боғдорчилиқда кластер ёндашуви-нинг афзаликлари қуидагилар:

1. Ҳудуд ва минтақалар салоҳиятидан имкон қадар самарали фойдаланиши таъминлайди

2. Ташкилий-иктисодий ва технологик жиҳатдан ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини инновацион тарзда, самарадорлиги юқори даражада бўлган технологиялар асосида ташкил этишга шароит яратади

3. Рақобат муҳитига тез мослаша оладиган инновацион ташкилий тузилма бўлганлиги боис, тармоқ тузилмавий шаклидан фарқ қиласди.

4. Кластер тизими субъектлари иктисодий мақсад ҳамда манфаатларининг муштараклиги маълум бир ҳудудий бирликда хўжалик юритиш фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ҳамкорлиқда ва ҳамжиҳатлиқда ҳал этишга имкон беради.

5. Ташқи ва ички бозорлар миқёсини ривожлантириш ва кўламини кенгайтиришга шароит яратади

6. Ҳудудий жиҳатдан ишлаб чиқарувчилар, таъминотчилар, истеъмолчилар ва инфратузилма тузилмаларининг бир жойда мужассамлашганлиги ҳамда улар ўртасидаги фаол тадбиркорлик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини оширишга, таннархини пасайтиришга, ресурс бирлиги ҳисобига юқори даромад олишга шароит яратади.

7. Кластер тизимида узоқ муддатга мўлжалланган хўжалик ва инновацион фаолият юритиш стратегиясини шакллантирадиган ва юритадиган йирик ҳамда етакчи ишлаб чиқариш корхонасининг мавжудлиги;

8. Кластер тизимида фаолият кўрсатаётган аксарият корхона ва хўжаликларнинг маълум бир ҳудудда мужассамлашганлиги, тизимдаги корхона ва ташкилотлар маҳаллийлашганлик даражасининг юқорилиги

Бугунги кунда республикамизда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фондидан ғалла, пахта ва шоли майдонларини лазерли нивелир билан текислаш учун 250 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратиш борасида тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу тадбирнинг ижомий икти-содий-ижтимоий ва экологик самарадорлиги-ни инобатга олган ҳолда республикамизнинг шароит мавжуд бўлган ҳудудларида, айниқса йирик шаҳар ва саноат марказлари атрофида жойлашган ҳудудларда интенсив боғдорчилик ва сабзавотчилик кластерлари тизимида хўжаликлар майдонларини лазерли нивелир билан текислаш учун имтиёзли кредитлар асосида ажратилиши мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз. Айниқса республикамизда охирги йилларда сув танқислиги кузатилаётган шароитда ушбу агротехник тадбир хўжаликда сув ресурсларидан самарали фойдаланиши таъминлаш билан бирга сабзавотчилик кластерларида сув тежовчи суғориш технологияларини кенг кўламда қўллаш ҳиссобига маҳсулот таннархини пасайтириб, даромадни оширишга имкон яратади.

Юқорида қайд этилган йўналиш ва устуворликлар асосида илмий-амалий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш республикамиз мева-сабзавотчилик кластерларини нафақат инновацион балки барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон Қарори.

3. Урдушев X., Эшанқулов С.Х. Кластерлар ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш усуллари билан такомиллаштириш // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Эл-юргут умиди» жамғармасининг “UzBridge” электрон журнали. 2-сон. Октябрь, 2019 йил. 12-26 б. <http://uzbridge.eyuf.uz>

4. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Статистик тўплам: 2014–2017/2015–2018. Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитаси. – Тошкент: 2018/2019; www.stat.uz – сайти ва t.me/stat_uz телеграм канали.

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ УПРАВЛЕНИЯ ЗЕМЕЛЬНЫМИ РЕСУРСАМИ В ЦЕЛЯХ УЛУЧШЕНИЯ ИХ ПРОДУКТИВНОСТИ

Эшмамат ХУРРАМОВ,

Терmezский государственный университет старший преподаватель

Аннотация: В статье рассмотрено состояние и перспективы использования лесного фонда Узбекистана в целях развития сельского хозяйства на лесных землях. А также анализированы статистические данные и приведены предложения в развитии сельскохозяйственной деятельности на территории лесных территорий.

Аннотация: Мақолада ўрмончилик тармоғида қишлоқ хўжалиги фаолиятини ривожлантириш ва ер фондидан фойдаланишни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари баён этилган.

Abstract: The article examines the state and prospects of using the forest fund of Uzbekistan for the development of agriculture on forest lands. It also analyzes statistical data and provides suggestions for the development of agricultural activities on the territory of forest areas.

В настоящее время покрытая лесом площадь Узбекистана составляет больше чем 3,5 миллиона гектаров, из которых 12% составляет горные леса, 7% - леса долины/равнины и 81% - пустыни. Одна из главных существенных проблем - сохранение и увеличение площадей местных видов лесных деревьев, такие как *Pistacia vera* (фисташка), *Juglans* (грецкие орехи), *Amygdalus communis* (миндали); *Populus* (тополь), *Fraxinus* (ясень), *Ulmus* (вяз); *Haloxylon* (Саксаул), *Salsola richteri* (черкез). Отсутствует единая политика по рациональному управлению и планированию, восстановлению лесных массивов, сохранения биоразнообразия, формирования банка генетических ресурсов леса. Динамика лесистости Республики Узбекистан В Узбекистане, как и других странах Центральной Азии, леса имеют в основном защитное значение и играют важнейшую роль в борьбе с опустыниванием, предотвращением эрозии и другими природными катаклизмами, а также в защите орошаемых сельскохозяйственных угодий и пастбищ от деградации. Они оказывают существенное влияние на другие сектора национальной экономики, такие как сельское хозяйство, животноводство и сохранение водных ресурсов. Значительная часть населения Узбекистана живет в сельской местности, и его жизнь и благосостояние напрямую связаны с лесами и другими категориями земель ГЛФ. Вследствие не достаточного институционального потенциала, социально-экономического положения населения и слабой системы управления, имеются случаи вырубки деревьев на топливо и неконтролируемого выпаса, что является причиной деградации лесов. Высыхание Аральско-

го моря в значительной степени вносит вклад в постоянно прогрессирующее увеличение опустынивания, что оказывает сильнейшее негативное влияние на окружающую среду. В связи с ограниченными лесными ресурсами страны и важностью не древесных выгод от них, а именно от их защитных и экологических функций коммерческое использование древесных ресурсов в Узбекистане практикуется слабо.

По состоянию на 1 января 2019 г. общая площадь земель территории Республики Узбекистан составляет 44896.9 тыс. га. Все земли являются государственной собственностью и считаются общенациональным богатством. Рациональное и бережное использование земельного фонда охраняется государством. Основными направлениями в области управления земельными ресурсами, определенными Программой углубления экономических реформ в сельском хозяйстве, на ближайшую перспективу предусматривались такие, которые способствовали созданию пространственных условий, обеспечивающих рациональное функционирование сельскохозяйственных производств, внедрению прогрессивных форм организации труда, совершенствованию состава и размещения земельных угодий, сельскохозяйственных культур и севооборотов. Должна была быть определена земельная специализация сельского хозяйства с установлением главных отраслей: хлопководства, зерноводства, садоводства, овощеводства, рисоводства и кормопроизводства для животноводства. При этом должны были быть учтены гидротермические и почвенные условия и агробиологические требования культиви-

Калит сўзлар: Лесной фонд, Земельные запасы, сельское хозяйство, производство, орошение земель.

руемых растений. Эти условия с большой долей ответственности необходимо учитывать и теперь, когда в сельскохозяйственном производстве создана многоукладная форма хозяйствования. В настоящее время приоритетным направлением в деятельности агропромышленного комплекса республики является получение прироста объемов сельскохозяйственной продукции посредством повышения урожайности сельскохозяйственных культур.

Решение этой весьма важной задачи может быть достигнуто путем воспроизводства и повышения плодородия почв, дифференцированного размещения сельскохозяйственных культур с учетом почвенно-мелиоративных условий и внедрения новых агротехнических технологий, разработанных и применяемых в сельскохозяйственном производстве в последнее время. Природно-сельскохозяйственное районирование земель рассматривается, прежде всего, как расстановка отдельных территорий по преобладающим аграрным признакам в увязке с геоморфологическими, климатическими, почвенными и другими природными ресурсными факторами в целях правильного размещения сельскохозяйственных культур и специализации сельскохозяйственного производства. При природно-сельскохозяйственном районировании земель исходными данными являются результаты оценочных работ по почвенно-климатическому, геоморфологическому, мелиоративному и другим природным районированиям. В основу критерииев для оценки природно-сельскохозяйственных ресурсов республики положены следующие факторы: зональность специализации сельскохозяйственного производства; потенциальная интенсификация производственных процессов; технологические и биологические свойства возделываемых сельскохозяйственных культур. Природно-сельскохозяйственное районирование земель предусматривает два уровня зонирования земель – это зоны и округа, которые, в свою очередь, делятся на подзоны и районы. Зональный уровень природно-сельскохозяйственного районирования земель предполагает дифференциацию сельскохозяйственных ресурсов по специализации сельскохозяйственного производства. Исходя из природно-климатических особенностей территории республики, выделены три природно-климатические зоны – субтропическая

пустынная, предгорно-полупустынная (равнинная) и горная (область), которые, в свою очередь, с учетом аграрного потенциала разделены на 9 подзон (Таблица 1).

Таким образом, в республике выделяются следующие природно сельскохозяйственные зоны и подзоны:

I Пустынная зона I а – подзона лесного хозяйства и пастбищного животноводства I в – подзона орошаемого земледелия

II Предгорно-полупустынная (равнинная) зона II а – подзона лесного хозяйства и пастбищного животноводства II б – подзона богарного земледелия II в – подзона орошаемого земледелия

III Горная зона (область) III а – подзона лесного хозяйства и пастбищного животноводства III б – подзона богарного земледелия.

Лессы – это молодые отложения четвертичного периода, возникшие в недавнее геологическое время (не более 1.5 млн. лет тому назад). По условиям залегания лессы повсеместно располагаются в виде покровов (т.е. не перекрыты другими отложениями). В настоящее время к лессам относится однородная, неслоистая, сильно пылеватая (содержание фракций 0.005 – 0.05 мм более 50%), пористая (пористость более 42%), часто имеющая макропоры маловлажная порода, обладающая просадочными свойствами при замачивании (Лессовые породы СССР, 1986). До начала XX века земельный фонд Центральной Азии составлял чуть более 2.0 млн.га, расположенных, в основном, в естественно хорошо дренированных зонах родников, пойм, дельт малых и средних рек, и был представлен плодородными почвенными разностями, не подвергающимися резкому изменению своих воднофизических и водно-химических свойств при развитии орошения.

На этих землях в процессе сельскохозяйственного производства не протекали неблагоприятные эколого-мелиоративные процессы. Коэффициент полезного действия оросительных систем и особенно техники полива, дей-

Таблица 1. Природно-климатические зоны и подзоны Узбекистана*

Зональная специализация производства	Природные зоны		
	Пустынная (I)	Предгорно-равнинная (II)	Горная (III)
Лесоразведение и животноводства (а)	I а	II а	III а
Богарное земледелие (б)	I б**	II б	III б
Орошаемое земледелие (в)	I в	II в	III в**

*Пояснения даны в тексте.

**Подзоны в пределах Узбекистана отсутствуют, т.к. богарное земледелие в пустынной зоне и горной области не осуществляется

ствовавших в прошлом веке, был велик и изменялся в пределах 0.92–0.94.

Однако из-за низкой урожайности сельскохозяйственных культур, объясняемой недостаточным объемом удобрений и обработки, повсеместно наблюдались высокие затраты воды на единицу продукции и низкая продуктивность оросительной воды по сравнению с таковыми, достигнутыми на современном уровне сельскохозяйственного производства (www.cawater-info.net). Постоянный рост населения, развитие технической вооруженности и необходимость увеличения производства сельскохозяйственной продукции способствовали интенсивному развитию ирригационного строительства. Основными источниками поверхностных вод региона Центральной Азии являются бассейны рек Амудары и Сырдарьи, суммарный средний сток которых составляет 115.6 млрд.м³ (в бассейне Амудары формируется 78.5 млрд.м³, Сырдарьи – 37.1 млрд.м³) (Turaeva, 2011).

Специфические свойства лесовых пород определяют очень частую и значительную повреждаемость и аварийность гидротехнических сооружений. На основе неоднократно проведенных обследований на орошаемых массивах установлено, что первые пять лет эксплуатации на слабопросадочных лесовых породах серьезно было повреждено 3% сооружений, нуждались в профилактическом ре-

монте 20– 22% и требовался капитальный ремонт 4% гидротехнических сооружений, на средне- и сильнопросадочных лесовых породах было разрушено 8–10%, нуждались в профилактическом и капитальном ремонте 27–34% сооружений (Рахматуллаев, 2010). При строительстве и последующей эксплуатации гидротехнических сооружений воздействие оказывается не только на лесовую толщу зоны аэрации, но и на все составные элементы водного и солевого баланса до регионального водоупора, на окружающий природный ландшафт и климат. В свою очередь составные элементы природного ландшафта (состав, свойства и строение лесовых толщ, гидрологические и инженерно-геологические условия, геоморфологическое строение), обладающие бесконечным многообразием, определяют конструкцию гидротехнических сооружений, технологию строительства и последующий эксплуатации. Условием использования лесовых массивов как среды расположения гидротехнических и гидромелиоративных объектов является значительное изменение не только в основаниях сооружений, но и в целом гидро-геологических условий территории, что непосредственно вытекает из главного назначения сооружений. Особенностью гидромелиоративных систем является переменное увлажнение лесовых пород и циклическое инфильтрационное питание грунтовых вод во времени.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Ilxamov, SH.I., Khodjayeva, M., Bababekova, G., Kadirova, Z., Salohiddinov, S., & Khasanova, Kh. (2019). Financial statements of the enterprise for use of higher efficiency internal audit analysis. 44(5) 48–61. <http://intercienciajournal.com/index.html>
2. Ilxamov, SH.I. (2017). Development of auditing methods in accordance with international criteria and standards. International journal of advance research and innovative ideas in education, ISSN (O)-2395-4396. Vol-3 Issue-1 2017. # 3789. pp. 1199–1202. – ((21) InfoBase Index, IF = 4,06). www.ijariie.com
3. Ilxamov, SH.I. (2017). Concept of the use of the system of internal control of enterprise. International journal of advance research and innovative ideas in education, ISSN(O)-2395-4396. Vol-3 Issue-1 2017. # 3788. pp. 1195–1198. – ((21) InfoBase Index, IF = 4,06) www.ijariie.com
4. Ilxamov, SH.I. (2017). Development of auditing methods in accordance with international criteria and standards. European Journal of Economics and Management Sciences, № 1, 2017. «East West» Association for Advanced Studies and Higher Education GmbH. (pp.5–10). Vienna.

СОЯЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Ойбек ФАЙЗИЕВ,

Тошкент давлат аграр университети асистенти

Аннотация: Мақолада аҳолининг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган талабини қондириша соячиликнинг аҳамияти ҳақида тұхталиб, соя өкенини етишириш ва қайта ишлешни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш масалалари ҳақида тақлифлар берилган.

Аннотация: В статье акцентируется внимание на важности выращивания сои для удовлетворения потребностей населения в масложировой продукции, предлагаются предложения по дальнейшему совершенствованию системы государственной поддержки выращивания и переработки соевых культур.

Abstract: The article focuses on the importance of soybean farming in meeting the demand of the population for oil products, and offers suggestions for further improving the system of state support for the cultivation and processing of soybeans.

Кишлоқ хўжалиги экинлари орасида шундай экин тури ҳам борки, у одамларнинг нафақат ёғ-мой маҳсулотлари билан қолаверса, оқсилга бойлиги сабабли тухум, гўшт ва сут маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини ҳам биргина экиннинг ўзи ҳал қилиб қўяди. Бу экин тури – соя ўсимлигидир. Шу боисдан, соя ўсимлигининг ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти жуда катта. Соя донининг таркибида 30–35 % оқсил, 30 % га яқин крахмал, 22–28 % гача мой ва бошқалар мавжуддир.

Соя ўсимлиги биологик хусусиятига кўра, жой танламайди. Шўрланган, ер ости сув сатҳи кўтарилган экин майдонларида ҳам ўсаверади. Шунингдек, уни аралаш усуlda парваришлаш жуда қулай. Энг муҳими, у ерни «даволайди», тупроқни азot билан бойитади. Дуккакли ўсимлик бўлгани боис, ҳар гектар ерда 55–60 килограмм, баъзида 80–100 килограммгача соф азot йиғиб беради. Бошқача айтганда, ернинг бошқа экин учун сарфлаган қувватини қайта тиклади [5]. Ана шу жихати билан уни Тупроқ олтини» дейишса керак.

Н.Халилов ва Б.Умирзоқовларнинг таъкидлашича, «Соя тупроқни биологик азот, органик моддалар билан бойитади, тупроқни сув – физик хоссаларини яхшилайди, унумдорлигини оширади. Ҳар қандай экиннинг ҳосилдорлиги сув, азот, фосфор, калий билан таъминланганligiga бевосита боғлиқ» [1]. Бундан кўриниб турибдики, соя мойли экинини экиш нафақат тупроқни бойитади, балки фермерларимизни ушбу экиндан маҳсулот ишлаб чиқариш учун азотли ўғитларга қилинадиган сарф-харажатларни тежаш имконини ҳам беради.

Калит сўзлар: соя, биологик хусусият, жаҳон бозори, экспорт, соя мойи, мой кислотаси, фермер хўжалиги, дастак, солиқ имтиёzlари, тадбиркорлик, инновация фаолият.

Н.С.Умарова ва И.И.Абитовларнинг маълумотларига кўра, соя ўсимлиги уруғи аминокислота таркиби бўйича 40 % оқсилга ва 20 % атрофида соя ёғи мавжуд. 1 га ердан олинган соя донидан 9290 ккал. энергия берадиган соя мойи олинади [3]. Демак, бундан шундай хуласа қилиш мумкинки, юртимизда тупроқ унумдорлигини ошириш долзарб масалалардар бири бўлиб турган бир вақтда соячиликни ривожлантириш айни муддаодир.

Шу боисдан бўлса керакки, дунёning қашшоқ давлатлари саф�다 бўлган Бразилия давлати тараққиётида қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, аникроғи, соячиликнинг ўрни ғоятда катта. Бугунги кунда у жаҳон бозорида харидоргир бўлган соя етишириш ва экспортни борасида етакчиликни қўлга олган. Мазкур мамлакатда ҳар йили ўртacha 33,3 миллион гектар майдонда соя экини парваришланиб, гектаридан ўртacha 31,4 центнер ҳосил йиғишириб олинади [5].

Республикамизда 2019 йилда соя мойли экиннинг умумий ер майдони қарийб 3,1 минг гектарни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2006 йилга қараганда 2019 гектарга ёки 38,7 мартаға ошган. Унинг ялпи ҳосили ҳам 2019 йилда 2006 йилга нисбатан 10658 тоннага ёки ўртacha ҳисобда 54,3 мартаға ошган. Соя мойли экиннинг ҳосилдорлиги республика бўйича 2006 йилда ўртacha 12,4 ц/га.ни, 2019 йилда эса бу кўрсаткич ўртacha 21,1 ц/га.ни ташкил этган, яъни 8,7 ц/га.га ошган. Демак, республикада соячилик ўтган йилларга нисбатан анча ривожланган. Бироқ, республика бўйича 2019 йилда ишлаб чиқарилган 189,8 минг тонна ўсим-

Соячиликни ривожлантириш

лик мойининг атиги 3,1 минг тоннаси айнан соя мойининг улуши жами ўсимлик мойига нисбатан анча кам эканлигидан далолат беради [4].

Овқатланиш физиологияси мутахассислари таърифига кўра, соя мойи мой кислоталари таркиби бўйича ажралиб турди. Унда инсон саломатлиги учун энг зарур, тўйинмаган мой кислоталари 64 %, бундан ташқари оддий тўйинмаган мойли кислоталар 21,5 %, тўйинган мойли кислоталар 14,5 % ни ташкил қилади. Соя мойи таркибida линол кислоталари кўплиги учун инсонлар соғлигига ижобий таъсир кўрсатади, истеъмол қилинганда юрак-қон томирларида қон айланишини яхшилайди, инфаркт ва атеросклероз касалликларини камайтиради [2].

Давлатимиз раҳбари, Шавкат Мирзиёев ҳам соячиликнинг халқ хўжалигидаги бундай аҳамиятини юқори баҳолаб, вилоятларда бўлганида ҳудудлардаги экологик ҳолатни яхшилаш, ер-сув ресурсларидан ошириш, ҳудуд шароитларнига мос экинларни иклимлаштириш ҳақида сўзлаб вилоятларда соя-чиликни ривожлантириш катта иқтисодий самара беришини алоҳида таъкидлаб, соя экинини етиштириш ва қайта ишлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада таъмиллаштириш зарурлиги ҳақида кўп бора таъкидлайдилар.

Аслида, соя экинини етиштириш ва қайта ишлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг асосий мақсади ички ва халқаро бозорда рақобатбардошликни оширишдан иборат бўлиб, қўйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга йўналтирилганdir:

- соя экин майдонларини оптималлаштириш, селекция ва уруғчилик ишларини ривожлантириш, замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш асосида хом ашё базасини мустаҳкамлаш;

- ички бозорда товар ресурсларини шакллантиришда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар улушкини кўпайтириш;

- маҳаллий ва импортга олинган маҳсулотлар рақобатлашувида адолатли рақобат принципларини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш, сифатини ошириш ва истеъмол хусусиятларини яхшилаш;

- соя етиштириш ва қайта ишлашнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш билан бир вақтда чуқур қайта ишланган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш;

- соядан олинадиган маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, энергия истеъмоли ва экологик муаммоларини пасайтириш, иккиласми ресурслар ва ишлаб чиқариш чиқитларидан оқилона фойдаланиш;

- соя уруғчилиги ва селекциясини давлат томонидан қўллаб-куватлашни янада кучайтириш;

- соя дони етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотишгача бўлган бутун занжир бўйича фермер хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари ва бошқа ташкилотлар коопeraçãoциялашуви ҳамда интеграциялашувини ривожлантириш;

- соя етиштиришга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликларига амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан уларнинг даромадлилигини зарур даражада таъминлаш.

Соя дони етиштириш ва қайта ишлаш бўйича ресурслар, жараёнлар, маҳсулот турлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ва қайта ишлаш корхоналари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳамда бошқа шарт-шароитлар давлат томонидан қўллаб-куватлаш объектлари ҳисобланади.

Давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизими – бу фермер хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари ва сотиш шахобчалари тизими барқарор фаолият кўрсатишлари, мавжуд имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. Бу тизим фермерлар, қайта ишлаш корхоналари ва истеъмолчиларнинг манбаатлари ҳимояланишини таъминлаши лозим.

Мойли экинлар маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда истеъмол тизимини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирларини қўйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

- норматив-ҳуқуқий ва маъмурӣ дастаклар;

- бевосита таъсир кўрсатувчи молиявий-иктисодий дастаклар;

- билвосита таъсир кўрсатиш дастаклари.

I. Давлат томонидан тартибга солишнинг норматив-ҳуқуқий ва маъмурӣ дастакларига мойли экинлар маҳсулотларини етиштириш, қайта-ишлаш ва сотиш жараёнидаги иқтисодий муносабатларни ҳамда ташкии савдо фаолиятини тартибга соладиган қонунлар, Президент Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, давлат дастурлари, маҳаллий ҳокимият қарорлари ва бошқа нор-

матив-ҳуқуқий ҳужжатлар киради.

II. Мойли экинларни етишириш ва қайта ишлашни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари, давлат ривожлантириш дастурлари, тармоқдаги инвестицион дастурлар, дотациялар, субсидиялар, субвенциялар, имтиёзли кредитлар ва инновацион фаолиятни молиялаштириш қабилар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш бевосита таъсир қўрсатувчи молиявий-иктисодий дастаклар ҳисобланади.

III. Солиқ имтиёzlари, солиқ ва мажбурий тўловлар ставкаларини пасайтириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкалари, валюта курси ва валютани мажбурий сотиш бўйича чекловлар, божхона тўловлари, давлат хизматлари ва тижорат ташкилотлари хизматларининг тарифларини билвосита таъсир қўрсатувчи молиявий-иктисодий дастаклар қаторига киритиш мумкин.

Шундай қилиб, давлат бевосита ва билвосита таъсир дастаклари орқали соя етиширувчи фермер хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналари ўзларининг ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайдиган даражада даромад олишларига ёрдам беради. Шунингдек, соя мойи ва бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача бўлган барча босқичларда қиймат занжирини ва маҳсулот сифатини назорат қилиш, тайёр маҳсулотларни сотиш, шу жумладан, экспорт қилиш, рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг истеъмолини қондиришни ҳам бошқаради.

Ўзбекистонда ёғ-мой саноат тармоғини тартибга солиш бўйича барча мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Ушбу тармоқни барқарор ривожлантиришда ташқи савдо муносабатларини тартибга солиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мойли экинларни жойлаштириш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича ихтисослашган ҳудудларни шакллантириш, энг қулай ҳудудларда айрим турдаги мойли экинларни ишлаб чиқаришни чукӯр ихтисослаштириш ва концентрациялаш бўйича айнан давлат томонидан қуйидагилар амалга оширилиши зарур:

- илм-фан ютуқларини жорий этиш ва қайта ишлаш корхоналарини модернизациялаш асосида мойли экинлар маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ва ўсимлик мойи бозорида рақобатбардошликни оширишни таъминлаш учун йўналтирилган инновацион фаолликни оширишга ёрдам қўрсатиш;

- фаол тадбиркорлик ва инновация фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш би-

лан бозор инновацион механизмини: «бозор тартибга солувчи, давлат эса тузатиш киритувчи» принципи асосида мувофиқлаштириш;

- инновация фаолиятини ва илғор технологиялар трансфертини, инновацион ҳамкорликни инновацион тадбиркорликни тўлақонли норматив-ҳуқуқий таъминот ва инновацион менежмент асосида рағбатлантириш;

- илмий ишланмалар, технологиялар ва ахборотларни тадбиркорларга етказиши бўйича самарали инфратузилмалар барпо қилишни қўллаб-қувватлаш, мойли экинлар етишириш ва қайта ишлаш технологиялари трансферти марказларини ташкил этиш, инновацион лойиҳалар ва таклифлар банкини, шунингдек илм-фан ютуқларини тарқатиш ва жорий этиш бўйича хизматларни шакллантиришга ёрдам қўрсатиш.

Фикримизча, ушбу тадбирларни амалга ошириш учун мойли экинлар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тегиши худудда мойли экинларни етишириш ва қайта ишлашни ишлаб чиқиши ҳамда сафарбар этиш зарур. Бунда ҳар бир ҳудудий дастур мутасадди давлат органлари, фермер, дехқон хўжаликлири ва томорқа ер эгалари, қайта ишлаш корхоналари ҳамда бошқа инфратузилма субъектлари ўртасида ишончли ўзаро иктисодий муносабатлар тизимини таъминлаши лозим, шунингдек улар учун қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган бўлиши керак.

Мойли экинларни етишириш ва қайта ишлаш ҳамда маҳсулотлар бозорини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишида қуий тармоқни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мавжуд ташкилий-иктисодий механизмларига тушунарли ва шаффоф қоидаларни киритиш кўзда тутилиши зарур. Жумладан:

- мазкур қуий тармоқнинг ташкилий-технологик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда айнан мойли экинларни етиширувчи ва қайта ишлаш корхоналарига давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажмини кўпайтириш;

- мойли экинларни етиширувчи фермер, дехқон хўжаликлири ва томорқа ер эгалари томонидан сотиладиган хом ашё учун кафолатланган минимал баҳо тизимини қўллаш. Бунда давлат хом ашё бозорида нарх кескин тушиб кетганида, гаровли кредитлаш механизмидан фойдаланган ҳолда, хосилни олдиндан келишилган баҳо бўйича сотиб олиш мажбуриятини олади;

- кредитлаш тизимини ривожлантириш.

Соячиликни ривожлантириш

Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун кредитларни енгиллаштириш мақсадида давлат субсидиялашни қўллаган ҳолда кредит ресурсларини арzonлаштириши,

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасини пасайтириш ва бошқа чораларни кўриши зарур;

- мойли экинларни етиштириш ва қайта ишлаш қуи тармоғига инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириши;

- мойли экинларни етиштирувчи фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун ҳосилнинг 25 % ва ундан ошиғи

нобуд бўлган ҳолларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш имконини берадиган сұғуртлаш режимини кўзда тутувчи амалдаги қонунчиликка ўзгартириш киритиши.

Фикримизча, ушбу тадбирлар мойли экинларни етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда маҳсулотлар бозорини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни самарали амалга оширишга ёрдам беради, натижада мойли экинларни етиштириш ва мамлакат аҳолисини ўсимлик мойи билан таъминлаш экспорт салоҳиятини оширишга ижобий таъсир кўрса-тади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Халилов Н., Умирзақов Б. Соя ёхуд унинг биологик азот тўплаш хусусияти ва энергияни тежаш технологияларини яратишдаги ўрни // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. № 6, 2005. 19–20 б..
2. Ёрматова Д., Хушвақтова Х.С. «Мойли экинлар» Зарафшон-2008 йил, 22-бет.
3. Умарова Н.С., Абитов И.И. Культура сои в поживных посевах (Монография), – Т.: ТИИМ. – 2016. 96 стр.
4. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
5. Интернет маълумоти: <http://xs.uz/uzkr/post/soya-farovonlikka-eltadigan-ziroat>

ИҚТІСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙҮЛЛАРИ

Сарвар МУСТАФАЕВ,
Тошкент давлат аграр университети, мустақил изланувчи

Аннотация: Мазкур мақолада мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларига жалб қилинаётган инвестициялар ҳолати, мавжуд муаммолар тадқиқ этилган ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В статье рассматривается состояние инвестиций в экономику страны, существующие проблемы и предлагаются предложения по их улучшению.

Abstract: This article examines the state of investment in the economy of the country, the existing problems and offers suggestions for its improvement.

Инвестиция ҳар қандай иқтисодиётнинг қон томири бўлиб, у орқали жамият барча жабхаларда ривожланиб боради. Хусусан инвестиция орқали аҳоли бандлиги ни таъминлаш, техник ва технология қуролланиш, маҳсулот ва хизматларга бўлган талаб ва таклифни қондириш, экспорт орқали валюта бозорини барқарорлаштириш, соғлом рақобат ёрдамида илм-фан ҳамда технологик ривожланиш каби асосий масалалар шу́лар жумласидандир. Инвестиция жамият учун қанчалик муҳим ва иқтисодиёт учун долзарб бўлса, инвесторни жалб қила олиш масаласи шунчалик даражада мураккаб масала ҳисобланади. Сабаби инвестор кафолатли даромад ва фойда ортиган эргашадиган тадбиркор сифатида унга салбий таъсир қилувчи ҳар қандай омилни эътибордан четда қолдирмайди. Тадқиқотлар кўрсатишича инвесторларни риск қилишдан тийиб турувчи, уни чуқурроқ тадқиқотлар олиб боришга ундовчи асосий ҳолатлар сифатида қўйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин. Жумладан, турли микро ва макро даражадаги омиллар, иқтисодий қонунлар ва меъёрлар ҳамда бошқарув шакларининг ўзгариши; ташқи иқтисодий фаолият, ҳудудлардаги ўзаро тавар айланмаси; молия ва банк тизимидағи рақобат ва бошқарув тузилмаси; йирик ички ва ташқи бозорларга чиқиши имкониятлари; пул кредит сиёсати, молия бозоридаги тебранишлар ва инфляция даражаси; ахолининг ҳарид қобилияти ҳамда уларнинг урф одат ва анъаналари; иқтисодий салоҳиятли тадбиркорлар ва рақобатчилар ва бошқалар. Шу билан биргалиқда Жаҳон банкининг мутахассисларининг фикрича сўнгги йилларда мамлакатларнинг инвестицион муҳитига таъсир қилувчи омиллар сифатида иқтисодий ва ҳуқуқий амалиётнинг ноаниклиги, корруп-

ция даражаси, суд тизимининг сифати, жиноятчилик даражаси, солиқ тизими ва солиқ юки, ишчилар малакаси кабилар юқори таъсир кўрсатмоқда [2].

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларига ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш, инвесторларга қулай инвестицион муҳит яратиб бериш, уларни турли дастаклар ёрдамида рағбатлантириш борасидаги ташкилий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, улар йилдан-йилга такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни чет эллик ҳамда маҳаллий инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ва инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибига солишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида дунё рейтингида ҳам мамлакатимиз бир неча погона юқорилиб бормоқда. Инвесторлар учун асосий кўрсаткич ҳисобланган Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» (Doing Business) йиллик рейтингида ҳам Ўзбекистон йилдан йилга ўз ўрнини мустахкамлаб бормоқда. Хусусан 2019 йил якунлари бўйича 190 мамлакат орасида 69-ўринни эгаллагани ҳолда ўтган йилга нисбатан 7-погона кўтарилиган [3]. Бу асосан миноритар инвесторларини ҳимоя қилиш, солиққа тортиш, халқаро савдо, шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш ҳамда тўлов қобилиятсизлигига рухсат бериш каби кўрсаткичларда эришилган ижобий натижалар билан изоҳланади. Бу эса маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун ижобий сигнал бўлиб, иқтисодиёт тармоқларига жалб қилинадиган молиявий қўйилмаларнинг

Калит сўзлар: инвестиция, хорижий корхона, инвестор, хорижий инвестор, инвестицион муҳит, киритилган капитал ва қўйилмалар, иқтисодиёт тармоқлари, рейтинг.

Инвестицион жараён

ортишига имкон яратиб беради.

Яратилаётган жозибали инвестицион

мумкинки, сүнгги з йилда асосий воситалар-

га киритилаётган инвестициялар манбалари-

1-жадвал. нинг улушида катта

ўзгаришлар кузатилмаган.

2017–2019 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори ўзгариши динамикаси, млрд сўм [4]

№	Кўрсаткичлар жами	Жами	2017	2018 йил		2019 йил	
			йил	жами	ўсиши, % да	жами	ўсиши, % да
1	Асосий капиталга инвестициялар	Жами	60719,2	107333	176,8	189924,3	176,9
		Улуши, %да	100	100	-	100	-
2	Марказлашган инвестициялар	Жами	14975	34448,4	230,0	50686,8	147,1
		Улуши, %да	24,7	32,1	-	26,7	-
3	Марказлашмаган инвестициялар	Жами	45744,2	72884,6	159,3	139237,5	191,0
		Улуши, %да	75,3	67,9	-	73,3	-
3.1	Корхона маблағи		17882,7	30062,9	168,1	39292,3	130,7
3.2	Аҳоли маблағи		8790,8	12127,8	138,0	16302,5	134,4
3.3	Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар		12395,2	14660,4	118,3	58786,7	401,0
3.4	Тижорат банклари кредитлари ва ва бошқа қарз маблағлари		6675,5	16033,5	240,2	24856,0	155,0

муҳит натижасида киритилаётган капитал ҳажми ва ташкил этилаётган корхоналар сони ортиб бормоқда. Хусусан, 2017–2019 йилларда молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори ўзгаришига эътибор қаратадиган бўлса, 2017 йилда асосий капиталга киритилган жами инвестициялар миқдори 60719,2 млрд сўмни ташкил этган бўлса, бунда марказлашган инвестиациялар миқдори 14975 млрд сўнгги (24,7 фоизни) ҳамда марказлашмаган инвестиациялар 45744,2 млрд сўмни (75,6 фоизни) ташкил этган (1-жадвал).

2019 йилга келиб, жами киритилган инвестициялар миқдори 2017 йилга нисбатан з баробар ортган ҳолда 189924,3 млрд сўмни ташкил этган. Бунда марказлашган инвестиациялар миқдори 50686,8 млрд сўнми (26,7 фоизни) ҳамда марказлашмаган инвестиациялар 139237,5 млрд сўмни (73,3 фоизни) ташкил этган. 2019 йилда асосий капиталга марказлашганман ҳолда киритилган инвестицияларнинг 42,2 фоизини ёки 58786,7 млрд сўмни тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил этса, корхоналарнинг ўз маблағлари эса 39292,3 млрд сўмни ёки жами марказлашмаган инвестиацияларнинг 28,2 фоизини ташкил этган. Таҳлиллардан кўришимиз

мумкинки, сўнгги з йилда асосий воситаларга киритилаётган инвестициялар манбалари-1-жадвал. нинг улушида катта ўзгаришлар кузатилмаган.

Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар натижасида ташкил этилаётган хорижий корхоналар сони ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Жумладан 2016 йилда жами хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони 4961 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб у 9732 тага етган ёки 96,2 фоизга ортган (2-жадвал).

Хусусан, 2016–2019 йилларда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлидаги корхоналари 120 тадан 537 тага (4,5 баробар), саноат корхоналари 2239 тадан 3542 тага (58,2 фоиз), қурилиш корхоналари 244 тадан 741 тага (3,7 баробар), яшаш ва овқатланиш бўйича хизмат кўрсатувчи корхоналар 210 тадан 423 тага (2,1 баробар) ортган.

2-жадвал. Хорижий инвестициялар иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони ўзгариши динамикаси, та

Иқтисодиёт тармоқлари	Йиллар			
	2016	2017	2018	2019
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликли	120	150	286	537
Саноат	2239	2365	2818	3542
Курулиш	244	275	425	741
Савдо	963	1022	1484	2360
Ташиб ва сақлаш	147	156	207	253
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	210	228	289	423
Ахборот ва алоқа	93	117	181	254
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	65	70	90	130
Бошқа турлар	880	987	1180	1492
Жами	4 961	5 370	6 960	9 732

Хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилаётган корхоналарнинг ҳудудлар кесимида тақсиланиши ҳолатини таҳлил этидиган бўлсак, Сурхондарё вилоятида 135 та (34,3 фоиз) кўшма корхона мавжуд бўлса 259 та (65,7 фоиз) бевосита хорижий капитал ҳисобига ташкил этилган корхоналар фаолият юритмоқда. Тошкент шаҳрида эса 2796 та (42 фоиз) кўшма ва 3854 та (58 фоиз) хорижий корхоналар фаолият юритмоқда.

Ҳудудлар кесимида хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар сони энг кам ҳудуд Қашқадарё вилояти 58 та (25,8 фоиз) ҳисобланса, Тошкент вилоятида икки турдаги корхоналар улушки (50,5 фоиз ва 49,5 фоиз) деярли тенглигини кузатишмиз мумкин.

Сўнгги йилларда олиб борилаётган ўзаро қўшничилик, минтақавий ҳамкорлик борасидаги ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда Марказий Осиё давлатлари иштирокидаги корхонлар сони ҳам ортиб бориши натижасида минтақанинг инвестицион салоҳияти барқарорлашиб бормоқда. Хусусан, Қозоқистон Республикаси тадбиркорлари иштирокида ташкил этилган жами корхоналар 2017 йилда 457 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 880 тани ёки 51,9 фоизга ортган. Шундан 50,5 фоизи (444 таси) кўшма корхоналар ва 49,5 фоизи (436 таси) хорижий корхоналар ҳисобланади.

2017 йилдан сўнгги Марказий Осиёда минтақавий ва инвестициявий ҳамкорликнинг янги босқичи Тожикистон Республикаси билан ҳамкорликда намоён бўлмоқда. Хусусан 2017 йилда икки давлат ўртасидаги корхоналар сони 98 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 178 тага етган ёки 76,9 фоизга ортган. 2020 йилда шундан 57,3 фоизи қўшма корхона ва 42,7 фоизи хорижий корхоналардан иборат бўлмоқда.

Умуман олганда мамлакатимизнинг инвестиция сиёсати соғломлашиб, инвесторларнинг қизиқиши ортиб боришига туртки бўлмоқда. Аммо истиқболда соҳани янада жозибали қилиш, халқаро эътироф ва глобал инвестицион жамиятларга кириб бориши ва уларни жалб этиши учун куйидаги вазифаларни бажарилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоб-

блаймиз. Жумладан:

- аввало инвесторнинг мулкий ҳуқуқини кафолатлашнинг янги механизмини жорий этиш. Бунда мулкни мустақил ва маъмурий аралашувларсиз тасарруф этишнинг бозор механизмларини ишлаб чиқиши;

- манзилли ва табакали инвестицион имтиёзлар берилиш амалиётидан воз кечиш орқали соғлом рақобат мухитини яратиш;

- портфель инвестицияларнинг ҳажми ни ошириш орқали қимматли қофозлар бозори ривожланишига ҳисса қўшиш ҳамда жаҳон қимматли қофозлар бозоридаги иштирокини ошириб бориш;

- минтақада озик-овқат ва молиявий хавфсизликни таъминлаш мақсадида Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги инвестицион мухитни ҳамда ўзаро ишончли ҳамкорликни таъминлаш;

- аграр тармоқга жалб қилинаётган хорижий инвесторлар учун кам фоизли, имтиёзли кредитлаш асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишда янгича ёндашувларни ишлаб чиқиши;

- инвесторлар учун амалиётдаги ҳолатни ифода этиш учун тўғридан тўғри ҳукumat ёки давлат бошқарув организига мурожат этувчи онлайн боғланиш тизимини яратиш;

- мамлакатимиз қонунчилигидан келиб чиқсан ҳолда соғлом рақобатни юзага келтириш мақсадида маҳсус саноат ҳудудларини ташкил этишга алоҳида урғу берилиши;

- инвесторлар учун мамлакатнинг салоҳиятини, хусусан инвестор учун асосий индекаторлар бўлган кўрсаткичларни ифода этувчи ахборот манбаларини яратиш ҳамда уни реал вақт режимида янгилаб боришни таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Юқорида таъкидланган вазифалар бугунги кунда маҳаллий ва хорижий инвесторлар олдида муаммо бўлаётган ҳолатлар саналиб, уни бартараф этиш орқали нафақат инвестицион мухит соғломлашади балки капитал қўйувчилар олдида юзага келаётган муаммоларни тизимли ҳал этилиши ва уларнинг муаммоларини тингланиши борасидаги тушунчалар шаклланишига хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни, lex.uz
2. https://www.worldbank.org/en/region/eap/publication/east-asia-pacific-economic-update?cid=eap_asiapacific_en
3. <https://www.doingbusiness.org/Uzbekistan>
4. Статистика қўмитаси мълумотлари

ЛАЛМИКОР ЕРЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БҮЙИЧА ҲИНДИСТОН ТАЖРИБАСИ

Дилшод ЯНГИБОЕВ,

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институти таянч докторанти

Аннотация: Мақолада Ҳиндистоннинг иқтисодиёти ва озиқ-овқат хавфсизлигига лалмикор деҳқончиликнинг аҳамияти ва мамлакатнинг лалмикор ерларида қўшимча суғоришни ташкил қилиш орқали маҳсулот етиштириш кўрсатгичлари келтирилган ҳамда ушбу тажрибани мамлакатимизда қўллаш бўйича тавсиялар келтирилган.

Аннотация: В статье представлены значение борорного земледелия в экономике и продовольственной безопасности Индии и показатели повышения эффективности возделывания сельскохозяйственных культур за счет организации дополнительного орошения на борорных землях страны, а также предложения по применению этого опыта в нашей стране.

Abstract: The article presents the importance of rainfed agriculture in the economy and food security of India and indicators of increasing the efficiency of agricultural crops cultivation through the organization of additional irrigation on the rainfed lands of the country, as well as proposals for the application of this experience in our country.

Xозирги пайтга келиб, дунё бўйича лалмикор деҳқончилиқда фойдаланиладиган ер майдони 1,75 миллиард гектарни ташкил этмоқда. Бу дунёда суғориладиган экин майдонидан 5,5 баробарга кўпdir. Шу билан биргалиқда, дунё ахолисининг 70 фоизи айнан лалмикор минтақаларда яшайди ва даромаднинг камлиги эвазига қашшоқликни бошидан кечирмоқда [1].

Лалмикор ер майдонларининг катталиги ва лалмикор ерлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми бўйича Ҳиндистон дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Лалмикор деҳқончилик мамлакат иқтисодиёти ва озиқ-овқат хавфсизлигига муҳим аҳамиятга эга. Мамлакат умумий экин майдонининг 60 фоиздан ортиғи ёки 86 миллион гектари лалмикор деҳқончилиқда фойланилмоқда. Мамлакатда етиштирилган умумий озиқ-овқат маҳсулотларининг 40 фоизи, чорва моллари учун эса озуқанинг 60 фоизи айнан лалмикор деҳқончилик ҳиссасига тўғри келади [1].

Мамлакатда лалмикор ерлар жуда катта худудда жойлашган бўлиб, улар унумдор ерлардан тортиб, салоҳияти чекланган ҳудудларга қадар кенгликларда тарқалган. Унумдор ерлар асосан (одатда мўътадил иқлим шароитида) юқори маҳсулдор ва замонавий технологияларнинг кенг қўлланилишини натижасида юқори даромад олишга эришаётган бўлса, потенциали чекланган ҳудудларда эса, яъни қурғоқчил, унумдорлиги паст бўлган лалмикор ерларда маҳсулот етиштириш самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, лалмикор ерларда асосий муаммолардан бири ўсимликнинг вегетация даври-

да намлика бўлган талаби қондирилмаслиги оқибатида, қўзланган ҳосил олиш имкониятини чеклайди. Шу боисдан, ҳосилдорликнинг барқарорлигига эришиш учун қўшимча суғориш ишларини амалга ошириш лозимлигини кўрсатди. Бунинг учун аввало, замонавий технологиялар асосида суғориш имкониятларини яратиш, экинларнинг ўсиш босқичларида қўшимча суғориш учун моддий-техника базасини шакллантириш талаб этилади. Зеро, лалмикор ерларда маҳсулот етиштириши сув ресурслари билан таъминлашда замонавий технологияларни жорий этиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори иқтисодий самараға эришишни таъминлайди.

Мамлакатнинг лалмикор ерларида йиллик ёғин миқдори 300 мм дан 1600 мм гача бўлган турли хил тупроқли, агроиқлиний ва ёмғирли шароитларда фойдаланилади. Ҳисоб-китобларга кўра, 15 миллион гектар лалмикор экин майдони қурғоқчил районлarda жойлашган. Бу ерларда йиллик ёғин миқдори 400 мм дан кам, 15 миллион гектарда йиллик ёғин миқдори 500-700 мм, 40 миллион гектарда 750-1100 мм.ни, қолган 16 миллион гектар йилига 1150 мм дан юқори ёғингарчилик зоналаридан иборат [2]. Лалмикор минтақаларда ёғин миқдорининг бир хил тарзда тақсимланмаслиги оқибатида, ҳамма жойларда ҳам сифатли маҳсулот етиштириш имконияти чеклайди. Натижада Ҳиндистон қишлоқ хўжалигига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ жойларида камбағалликни камайтириш ва шу каби кўрсаткичларга ўзининг салбий таъсир кўрсатиб келмоқда (1-жадвал).

Калит сўзлар: лалмикор ер, иқтисодиёт, озиқ-овқат хавфсизлиги, даромад, маҳсулот, моддий-техника базаси, инфратузилма, замонавий технология, мутадил иқлим, агроиқлим.

1-жадвал. Ҳиндистоннинг лалми ва сүғориладиган ҳудудларининг кўрсатгичлари [2]

Параметрлар	Лалмикор ҳудудлар	Сүғориладиган ҳудудлар	Үртacha
Камбағаллик даражаси, % да	37	33	35
Меҳнат унумдорлиги. ИНР/га	6842	9830	8336
Одамлар жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли, кг/йил	260	471	365
Инфратузилмани ривожлантириш индекси	0.30	0.40	0.35
Ижтимоий ривожланиш индекси	0.43	0.44	0.43

Ёғингарчиликнинг йилдан-йилга камайиб кетиши оқибатида лалмикор ерларда маҳсулот етиштиришга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Натижада мамлакат иқтисодига, қишлоқ хўжалик субъектларининг иқтисодий аҳволига, озиқ-овқат хавфсизлигига, қишлоқ жойлардаги аҳолининг бандлиги ва уларнинг турмуш фаровонлигига, қишлоқ жойларда инфратузилманинг ривожланиши каби омилларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

2-жадвал. Ҳиндистоннинг баъзи туманлари лалмикор ерларида экинларни қўшимча сүғоришнинг самарадорлиги [2]

Туманлар	Экин тури	Ҳосилдорлик, т/га		Қўшимча сүғориш натижасида ҳосилдорликнинг ортиши, т/га (+; -)
		Сүғориш-сиз	Қўшимча сүғориш натижасида	
Лудҳиана	Буғдой	1.92	4.11	+2,19
Агра	Буғдой	2.19	2.74	+0,55
Дехрадун	Буғдой	2.14	3.55	+1,41
Рева	Буғдой	0.57	1.88	+1,31
Варанаси	Арпа	2.60	3.36	+0,76
Бижапур	Жўхори	1.65	2.36	+0,71
Белларий	Жўхори	0.43	1.37	+0,94
Шолапур	Жўхори	0.98	1.82	+0,84

Лалмикор дехқончилиқда тупроқдаги намлиқ ўсимликнинг вегетация даврида талаб этиладиган намликни етиштириб берол-маслиги туфайли кўзланган ҳосил олиш имконияти бермайди. Шунинг учун, Ҳиндистон лалмикор дехқончилигига қўшимча сүғориш ишларини амалга ошириш заруратини келтириб чиқарди.

Ҳиндистоннинг лалмикор ерларида қў-

шимча сүғоришни ташкил қилинганда даставвал, йиллик ёғин миқдори 400 мм дан кам бўлган ва аҳоли зич жошлишган ҳудудлар танлаб олинган. Қўшимча сүғориш натижасида лалмикор ерларда маҳсулот етиштириш самарадорлиги анча ортганини кўриш мумкин (2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қўшимча сүғориш натижасида Лудҳиана туманида 2,91, Агра туманида 0,55, Дехрадун туманида 1,41, Рева туманида буғдойнинг ҳосилдорлиги 1,31, Варанаси туманида арпанинг ҳосилдорлиги 0,71, Бижапур туманида 0,71, Белларий туманида 0,94, Шолапур туманида жухори ҳосилдорлиги 0,84 т/га қўшимча маҳсулот етиштириш имкониятини яратди.

Ҳиндистоннинг лалмикор минтақаларида қўллаётган қўшимча сүғориш ишларини мамлакатимиздаги мавжуд 750 минг гектардан ортиқ лалмикор ерларда қўшимча сүғориш ишларини ташкил қилиш орқали қўшимча маҳсулот етиштириш имконияти яратилади. Натижада лалмикор ерлардан самарали фойдаланиш имконияти яратилади, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади, экспорт имконияти кенгаяди, фермер хўжаликларининг даромади ошади, лалмикор минтақаларда яшовчи аҳолининг иш билан бандлиги таъминланаб, қашшоқликни камайтиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Хулоса ўрнида, Ҳиндистон тажрибасини мамлакатимиз лалмикор ерларига қўллаш орқали ерлардан самарали фойдаланиш имконияти яратилади. Натижада мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, фермер хўжаликларининг дараомадларини ошириш, экологик мувозанатни яхшиланишига, лалмикор ҳудудларда яшовчи аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИЁТЛАР:

1. www.crida.in . Alternate Land Use Based Farming systems in Rainfed Agriculture .
2. www.researchgate.net (PDF) Realizing the Potential of Rainfed Agriculture in India.

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Қуанишбай УТЕГЕНОВ,

Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали асистенти

Аннотация: Мақолада давлат-хусусий шериклик (ДХШ) моделлари таққослама таҳлил этилган. Давлат ва бизнес ўртасидаги шериклик муносабатларининг турли хил моделлари ва унга мос шаклларидан фойдаланишиш бўйича таклифлар берилган.

Аннотация: В статье проводится сравнительный анализ моделей государственно-частного партнерства (ГЧП). Предлагаются различные модели и соответствующие формы партнерства между государством и бизнесом.

Abstract: The article provides a comparative analysis of public-private partnership (PPP) models. Various models and corresponding forms of partnership between government and business are proposed.

Жаҳон амалиётида йирик кўламли ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда жамият ва хусусий секторларнинг ўзаро самарали алоқаларига қўпчилик мисоллар мавжуд. Улар, энг аввали, битим томонлари ўз зиммасига оладиган мажбуриятлар миқдори бўйича фарқланади. Шунга мувофиқ, томонлардан бири ўзига қанчалик кўп функция ва ваколатларни олса, лойиҳани амалга оширишда унинг иштироки шунчалик кўп бўлса, ўзаро муносабатларнинг мазкур модели шунчалик кўп даражада хусусийлаштириш ёки национализация қилиш схемасини эслатади. Агар бизнес ва ҳокимият ўзаро алоқалари типларини муакаммал қўриб чиқсан, унда маълум даражада шартли улушда ДХШ мақсадларига мос равишда турли хил ташкилот, молиялаштириш ва кооперация моделларини ажратиш мумкин. ДХШнинг ажратилган типлари (моделлар) идеал ҳисобланади ва фақатгина назарий фикрлаш учун қулайли, чунки амалиётда шериклиқда ўзида бир неча моделларни бирлаштирган шакллардан фойдаланилади.

Ташкилий модел мулкчилик муносабатлари сезиларли даражада кириб боришни назарда тутмайди, оммавий ва хусусий шериклар ҳамкорлиги учинчи ташкилотларни жалб қилиш, алоҳида функциялардан ва контракт мажбуриятларидан воз кечиш, объектларни ташки бошқарувга ўтказиш имкониятларидан фойдаланиш ҳисобидан амалга оширилади. Ташкилий моделга ҳозирги вақтда энг кўп тарқалган ДХШ типи – концессия киритилади.

Молиялаштириш моделлари тижоратга оид ёллаш, ижара, лизингнинг барча турлари, дастлабки ва интеграциялашган лойиҳавий

молиялаштириш каби шаклларни ўз ичига олади. ДХШ моделлари уларни ишлаб чиқиша амалга оширишда қўлланиладиган методлар нуқтаи назаридан лойиҳавий молиялаштиришнинг классик методлари ва таомилларини (процедура) ривожлантириш сифатида қўриб чиқилиши мумкин. Аммо давлат ва хусусий сектор структуралари ўзаро алоқаларининг айrim хусусиятлари тегишли лойиҳаларга қатор қўшимча талаблар кўйиш заруриятини юзага келтиради.

Лойиҳавий молиялаштириш моделлари ва ДХШнинг умумий белгилар қўйидагилар ҳисобланади:

- ноёб характерга эга бўлган лойиҳанинг мавжудлиги, мўлжалланиши, структураси ва амалга ошириш;

- қоидага кўра, автоном ресурсларга эга ва лойиҳани амалга оширишнинг институтционал асоси ҳисобланган мустақил лойиҳа компаниясини яратиш;

- лойиҳа ҳисобидан юзага келадиган келгуси пул оқимларидан фоизларни тўлаш ва асосий қарз суммасини қайташиб. Бу капитал сифимли лойиҳалар учун, етарлича узоқ муддатга қаратилган, сезиларли омилларга ва рискларга келгуси пул оқимлари сезувчанлиги таҳлил қилинган ҳамда муваффақиятнинг критик омиллари аниқланган алоҳида молиялаштириш концепциясини ишлаб чиқиш талаб қилинишини билдиради;

- ризк соҳаларини юзага чиқариш, уларни баҳолаш ва шериклар/loyiҳa иштирокчилари ўртасида тақсимлаш;

- шартноманинг барча иштирокчилари асосий мақсади сифатида лойиҳани тўсиқсиз амалга оширишни таъминлайдиган шартнома

Калит сўзлар: давлат-хусусий шериклик, ДХШ модели, ДХШ шакли, кластер, лойиҳавий молиялаштириш, лизинг, хусусий сектор, ташкилий модел, молиялаштириш модели

тузиш;

- лойиҳалаш компаниясини ташкил этиш, бу бош компанияга бошқа фаолият турлари ни ҳам бевосита ифодалайдиган балансдан ташқари мажбуриятлардан (off-balance-sheet) фойдаланиш имкониятини беради;

- шерикларнинг жавобгарлиги ва мажбуриятлари мөйөрини аниқ аниқлаш. Амалиётда лойиҳалар кредитлар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин. Бунда қарздорнинг барча активларига тўлиқ (full recourse) ёки чекланган (limited recourse) орқага қайтиш ҳукуки бўлади. Ушбу ҳолатда шартнома кредиторга инвесторлардан (акционерлардан) қарздорнинг барча активлари ҳисобидан тўлиқ ёки чекланган ҳажмда кредит шаклида тақдим этилган маблағларни олиш имкониятини тақдим этади. Орқага қайтиш ҳукуқисиз молиялаштиришда (non-recourse) айнан шундай имконият истисно қилинади. Лойиҳавий молиялаштиришда кўпинча чекланган орқага қайтиш ҳукуки билан кредитлар тақдим этилади.

Кооперация модели жамият бойилклари каби янги истеъмол қийматини яратиш умумий жараёнининг алоҳида босқичларига жавоб берувчи қатор шериклар кучини бирлаштиришнинг барча мумкин бўлган шаклларини ва методларини ўзида ифода этади. Кўпинча бундай кооперация обьектларни куриш ва уларни эксплуатация қилиш бўйича, мураккаб, шу жумладан холдинг структураларни, айниқса ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура соҳасида ташкил этишни талаб этади. ДХШ концепциясининг асосий принципи шундан иборатки, давлат қайси хизматларга ва инфраструктурага муҳтоҷ эканлигини аниқлайди, хусусий инвесторлар эса давлат талаблари га энг юқори даражада мувофиқ келиши лозим бўлган таклифларни илгари суради.

ДХШ институтини қўллаш билан лойиҳалардан фойдаланиш амалиёти шерикликнинг асосий моделларини аниқлашга имкон беради (1-жадвал).

1-жадвал. Давлат-хусусий шериклик моделлари

Модель	Мулкчилик	Бошқарип	Молиялаштириш
Оператор модели	Хусусий/давлат	Хусусий	Хусусий
Кооперация модели	Хусусий/давлат	Хусусий/давлат	Хусусий/давлат
Концессия модели	Хусусий	Хусусий/давлат	Хусусий/давлат
Шартномавий модель	Хусусий/давлат	Хусусий	Хусусий
Лизинг модели	Хусусий	Хусусий/давлат	Хусусий/давлат

Ушбу моделлардан бирини танлаш шартнома қайси соҳада амалга оширилаётганлигига қараб қилинади. Агар шериклик лойиҳалари ни амалга оширишнинг жаҳон тажрибасини

қараб чиқадиган бўлсак, унда конкрет тармоқларда аниқ моделлар энг катта самарага эга эканлигини констатация қилиш мумкин.

Оператор модели кўп ҳолларда чиқиндиларни қайта ишлаш амалиётида фойдаланилади. Унинг асосий характеристикаси хусусий бизнес ва давлат органлири ўртасида албатта давлатнинг назорат функциясини сақлаб жавобгарликни аниқ бўлиш ҳисобланади.

Кооперация модели қачонки тегишли солиқقا тортишга лозим бўлган конкрет хизматларни аниқ аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолатда амал қиласди. Концессия модели узоқ муддатли бажариладиган лойиҳаларда қўлланилади ҳамда қачонки мулкчилик ҳукуки давлатдан хусусий бизнесга ўтиши сиёсий ёки ҳукуқий сабабларга кўра истисно қилинади. Шартномавий модель дастлаб жорий характерларни пасайтириш зарур бўлган энергия таъминоти соҳасида қараб чиқилади. Жорий характерларни пасайтиришдан тежалган инвестиция қўйилмаларидан ошиб кетади. Лизинг модели ижтимоий биноларни куриш учун энг мувофиқ келади.

Давлат ва бизнес ўртасидаги шериклик муносабатларининг турли хил моделлари ва унга мос шаклларидан фойдаланилади (1-расм).

ДХШ концепцияси, қоидага кўра, қўйидаги тартибда амалга оширилади:


- лойиҳа ишлаб чиқиш, унинг доирасида хусусий сектор давлат топшириклирга мувофиқ инвестиция обьектини режалаштиради, куради ва қисман бошқаради;

- инвестицияларни давлат томонидан, шу жумладан инфраструктурадан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш шаклида молиялаштириш;

- мазмуни ва структураси жуда хилма хиллиги билан характерланадиган узоқ муддатли шартнома тузиш. Тўлов усуллари ва муддатлари, унинг хизматлар сифатига ва маълум иқтисодий ҳодисаларга боғлиқлиги, жорий характерлар тақсимланиши шартномаларда турли мақсадларни ва шериклар ўртасидаги музокараларнинг натижаларини акс эттириб турлича аниқланиши мумкин;

- инвестиция обьектини шартнома муддати тугагандан кейин хусусий ёки давлат мулкига ўтказиши.

ДХШ доирасида битимларнинг муҳим қисми – лойиҳа иштирокчилари ўртасида вазифаларни, имкониятларни ва рискларни тақсимлашdir. Бунда, қоидага кўра, қўйида-



1-расм. Давлат-хусусий шериклик моделлари ва шакллари

ги шартга риоя қилинади: конкрет масалани ҳал этиш буни энг катта самара билан қилиши мумкин бўлган шерикка юклатилади. Давлат ва хусусий сектор ўртасида вазифа ва жавобгарликни тақсимлаш лойиҳани амалга ошириш соҳасига боғлиқ.

Ижтимоий хизматлар (ижтимоий бойликлар) қай даражада кўп аҳамиятга эга бўлса, уни кўрсатиш билан боғлиқ бозор рисклари шунчалик паст ва давлат томонидан тартибга солишга бўлган эҳтиёж шунчалик юқори бўлади. Инфраструктуравий лойиҳаларни амалга оширишнинг жаҳон тажрибаси гувоҳлик бе-риб турибдики, давлат кўпинча бозор рискини маълум асосий шартлар доирасида ўз зиммасига олади. Давлатнинг функцияси рисклар ва имкониятларни тақсимлашга боғлиқ. Агар хусусий инвестор лойиҳа бўйича рискнинг энг катта қисмини ўз зиммасига олса, унда давлат лойиҳа бажарилишига аралишишда чекланган ҳуқуққа эга бўлади ёхуд уни асосан назорат қиласи. Давлат лойиҳа билан боғлиқ бюджет

даромадларининг кўпайишидан фойда қилади ҳамда билвосита самаралардан наф кўради: худудларнинг инвестицион жозибадорлиги ўсиши ва конъюнктураси жонланиши.

Алоҳида лойиҳалар доирасида ДХШнинг оптималь тузилиши манфаат кўриш учун имконият яратади, у қуйидаги каби омиллар билан боғлиқ:

- инфраструктура соҳасида энг муҳим лойиҳаларни жуда тез амалга ошириш;
- ҳудудларни ривожлантириши жадаллаштириш;
- ҳалқ ҳўжалиги самарадорлигини ошириш (иқтисодий таҳлилда кўпинча ҳисобга олин-майдиган);
- хизмат кўрсатишнинг механизmlари ва моделларини яхшилаш;
- давлат бошқаруви зиммасидаги юкни енгиллаштириш;
- инвестиция харажатларини пасайтириш (тежаш инвестицияга сарфланадиган харажатларнинг 30 % гача етиши мумкин);

- миллий ва халқаро қўллаб-қувватлашдан фойдаланиш ва молиялаштиришнинг янги манбаларидан фойдаланиш имкониятлари-ни кенгайтириш ҳисобига молиялаштириш структурасини оптималлаштириш.

Шерикликнинг ташкилий шакллари доимо кенгайиб боради. Масалан, давлат сектори ху-сусий шериклар мавжуд компанияяга қўшилиши мумкин.

Бугунги кунда ҳар бир соҳада инновация ва изланиш янги ютуқларга эришиш, мустаҳкам рақобатни йўлга қўйишида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалигида ҳам замонавий усуllардан оқилона фойдаланиш ижобий самаралар бермоқда.

Масалан, қишлоқ хўжалигида кластер усулиниг жорий этилиши ерни шудгорлашдан ҳосилни етиштиришгача, хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёндаги кўп босқичли комплекс ёндашув тизимини яратди. Айнича, енгил саноат корхоналарининг хом ашё етиштириш манбаи саналган деҳқон ва фермер хўжаликлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда мазкур усул яхши натижалар бермоқда.

Сўнгги ўн йиллиқда бутун дунёда иқтисодиётниг рақобатбардошлилигини оширишнинг кенг тарқалган усуllаридан бири-кластер усулидан кенг фойдаланилаётir. Кластер стратегияси Европа иттифоқи томонидан кенг тарғиб қилинайти. Еврокомиссия иттифоқи ҳудудида кластер ривожланишини янада қўллаб-қувватламоқда.

Айни пайтда Россия Федерациясида 25 та кластер мавжуд. Санкт-Петербург шаҳрида аэрокосмик соҳада, Федерация жанубида аграр соҳада кластерлар фаолият юритмоқда. Хитой Xалқ Республикасида автомобилсозлик, кимё, фармацевтика, электротехника, майший техникалар, тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари, қурилиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчилик каби кўплаб соҳаларда кластер усулида иш олиб борилаётir.

Давлатимиз раҳбари ташабуси билан Ўзбекистонда ҳам кластер услубида фаолият юритадиган енгил саноат корхоналари янада қўллаб-қувватланмоқда.

Сирдарё вилоятидаги «Бахт текстиль», «Тошработ текстиль» ва «Навбаҳор текстиль» масъулияти чекланган жамиятлари томонидан замонавий ва энергия тежамкор технологик ускуналар асосида кластер усулида сифатли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Ушбу кластер иштирокчилари вилоятда пахта толасини чуқур қайта ишлаб, жаҳон бозори талабларига мос эксан-

портбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Умумий қиймати қарийб 70 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи ушбу лойиҳалар амалиётга татбиқ этилгач, пахта толаси тўлиқ қайта ишланади. Ип-калавадан тайёр мато ишлаб чиқарилиб, турли матолардан трикотаж маҳсулотлари тайёрланади. Корхоналар ўз маҳсулотларини экспортга йўналтириши мўлжалламоқда. Жумладан, Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги 305 фермер хўжалигининг 8 минг 713 гектар пахта майдони Навоий шаҳрида фаолият юритаётган «Бахт текстиль» Ўзбекистон-Россия-Лихтенштейн кўшма корхонасига бириктирилди.

Мазкур корхонада ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлган, замонавий технологиялар ўрнатилган. Бунинг натижасида экспортбоп сифатли маҳсулотлар тайёрлашга эришашапмиз. Давлатимиз раҳбари, 2018 йилнинг март ойида вилоятга ташрифи давомида туманда пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича зарур кўрсатмалар берган эди. Дастреб, корхонамизга 2 минг гектар пахта майдони берилган бўлиб, айни пайтда тасарруфимиздаги ер майдони 4 баробарга кенгайди. Жорий мавсумда туман миришкорлари билан тузилган шартнома режаси 110 фоизга бажарилгани кластер усулиниг янада истиқболли эканини исботлади. Ерни шудгорлашдан тортиб, уруғ қадаш, ишлов ва ўғит бериш, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, ўсимлик ва ҳашаротларга қарши дори воситалари билан таъминлаш, ўз вақтида озиқлантириш ва суғориш ишлари мониторинги юритилди. Тизим ўзини оқлади. 42 нафар тажрибали мутахассис иш билан таъминланди.

Айни пайтда тумандаги қайта ишланган пахта толаси тўлиқлигича чуқур қайта ишлаш учун корхонага йўналтирилиб, 4 босқичли тизим асосида қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолига, яъни трикотаж кийим кўринишига келтирилмоқда. Асосийси, 560 нафар маҳаллий аҳоли меҳнат қилаётган «Қизилтепа пахта тозалаш» АЖ да кластер усули орқали яратилган тизим самарасида ўтган йилга нисбатан 9 миллиард 860 миллион сўм маблағ иқтисод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни байрами арафасида «Бахт текстиль» кўшма корхонасининг кўмагида Қизилтепа туманидаги фермер хўжаликлари 21 дона қишлоқ хўжалиги техникалари ва «GM Uzbekistan» корхонасида ишлаб чиқарилган автомобилларни харид қилишди.

Мухтасар айтганда, вилоятдаги енгил саноат корхоналарининг кластер усулидан кенг фойдаланиши ҳудудда етиштирилаётган пах-

Давлат-хусусий шериклик

та хом ашёсини шу ернинг ўзида тўлиқ қайта ишлаш, тайёр трикотаж маҳсулотларини экспортга йўналтириш ва жаҳон бозоридан муносаб ўрин эгаллашига хизмат қиласди.

ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигининг турли хил механизмларидан фойдаланилади. Улар хусусий шерикка ўтказиладиган мулкий ҳукуқларнинг ҳажмига, томонларнинг инвестиция мажбуриятларига, шериклар ўртасида рискларни, турли хил турдаги ишларни, шу жумладан, курилиш, эксплуатация қилиш, бошқариш ва бошқаларни бажаришга жавобгарликни тақсимлаш принципларига қараб та-

бақалашади. Охирги вариантлар ёхуд ҳар бир шерик томонидан барча қонуний мол-мулк ҳукуқларини сақлаб қолинадиган оддий контрактларни (иш ва хизматларга контрактлар), ёхуд тўлиқ хусусийлаштириш, яъни мол-мулк ҳукуқини давлатдан хусусий тадбиркорга узил кесил ўtkазиши ифода этади. Ушбу кутблар ўртасида давлат-хусусий шериклик муносабатларининг мумкин бўлган кўпчилик вариантлари ва шакллари жойлашган, булар мулкдорнинг у ёки бу қонуний ҳукуқларининг давлатдан хусусий тадбиркорга тегишли битимда назарда тутилган муддат ва шартларда турли даражадаги ён беришга асосланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь. <https://president.uz/uz/>.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тӯғрисида”ги 259-сон қарори.
3. Умурзаков Ў.П., Дусмуратов Ф.Д., Сув хўжалиги инфраструктураси лойиҳаларида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш // Журнал “IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA”. Тошкент. 2019. № 2(16), 43-49-б.

РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЕТИШТИРИШДА ЎҒИТЛАР МЕЪЁРИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Бахридин БОЛТАЕВ,

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий – тадқиқот институти мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада ингичка толали ғўзадан режалаштирилган юқори ва сифатли пахта етиштириш агротехнологияси ўғитларнинг меъёрлари ва тупроқса бериш муддатларини тўғри белгилаш, тупроқ унумдорлигини оширишда ўғитларнинг аҳамияти, ўғитлардан мақсадли фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усуллари ёритилган.

Аннотация: В статье рассматриваются агротехнология планового возделывания высокого и качественного хлопчатника из тонковолокнистого хлопка, правильное определение норм удобрений и сроков их внесения в почву, значение удобрений в повышении плодородия почвы, методы определения экономической эффективности целевого использования удобрений.

Abstract: The article discusses the agricultural technology of the planned cultivation of high and high-quality cotton from fine-staple cotton, the correct determination of fertilizer rates and the timing of their introduction into the soil, the importance of fertilizers in increasing soil fertility, methods for determining the economic efficiency of the targeted use of fertilizers.

Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришда экинларни парвариша, Республиканинг турли тупроқ иқлими шароитларига мос янги агротехнологияларни ишлаб чиқиши ҳамда ишлаб чиқаришига кенг татбиқ этиш бўйича илмий татқиқот ишларини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилган [1]. Бу вазифани амалга ошириш орқали аҳолини озиқ – овқат маҳсулотлари саноатни хом – ашё билан тўла таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари хосилдорлигини 1.5 – 2.0 баробар ошириш экинларни парваришада илмий асосланган технологияларни қўллаш ва жорий этиш агросаноат ходимларининг асосий вазифаси хисобланади.

Кейинги йилларда юқори сифатли ип – калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган узун – майин, ингичка толали пахта хом – ашёси етиштиришга тўқимачилик саноати томонидан талаб ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда ингичка толали ғўзанинг экилишига сабаб, жанубий воҳаларнинг иқлими шароитлари, ўртacha самарали ҳаво ҳарорати йигиндаси Миср воҳаларининг ҳаво ҳароратига яқинлиги, яъни Қоҳирада ўртacha ҳаво ҳарорати йигиндиси 32810C, Александрияда 30300C га teng бўлса, Шерабодда 33570C, Термизда 29240C ни ташкил этади. Бу кўрсаткич ингичка толали ғўза навларини экиш учун қулай иқлими шароити ҳисобланади. Кузатишлардан маълумки, кейинга йилларда Сурхондарё вилоятининг жанубий худудларида ғўзанинг ўсуvin даврида ҳароратнинг кескин кўтарилиши,

гармселнинг тез – тез бўлиб туриши оқибатида жанубий худудларда экиб келинаётган ўрта толали ғўза навларининг ҳосил элементларининг ва гулларининг тўкилишига сабаб бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан ҳурматли Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 18 – 19 октябрь кунларида Сурхондарё вилоятига ташрифида вилоятнинг табиий – иқлими шароитини хисобга олиб, 2020 йилдан бошлаб, вилоятнинг жанубий худудларида 40 минг гектар майдонга ингичка толали ғўза навларини экиш топшириғини берди. Чунки, воҳада ингичка толали ғўза навларини экиш Республиканинг иқтисодий кудратини оширади.

Кишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ингичка толали ғўзадан юқори ва сифатли пахта хом – ашёси етиштириш, минерал ўғитлардан илмий асосланган мақбул меъёр ва муддатларда қўллаш бўйича таклиф ва тафсиялар ишлаб чиқиши ҳамда жорий этишдан иборат.

ПСУЕАТИ Сурхондарё филиали олимлари томонидан ўтказилган тажрибаларнинг натижаларига кўра ингичка толали ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда минерал ўғитларсиз режалаштирилган хосилни олиб бўлмаслиги исботланган. Ҳозирги вақтда етиштирилаётган умумий пахта хосилининг 50 – 60 фоизи минерал ўғит хисобига етиштирилмоқда.

Кишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатишда минерал ўғитларни қўллаш, минерал ўғитлар хисобига олинадиган иқтисодий самара хисобга олиниши зарур. Одатда иқтисодий самара гектаридан олинадиган қўшим-

Калит сўзлар: режа, ингичка толали пахта, агрокимёвий хизмат, минерал ўғит, коипост, иқтисодий самара, гоммоз ва вилт касалликлари, фосфорли ва калийли ўғит.

Иқтисодий самарадорлик

ча хосил (ц/га), тупроқقا берилган ўғит бирлигининг дон, тола ёки умумий хосили билан қопланиши ҳамда олинган соф даромаднинг миқдори (сўм) билан белгиланади. Республикализ ва хорижий давлатларда ўтказилган кўплаб дала тажрибалари натижаларига кўра, минерал ўғитлар тупроқقا ўртacha меъёрда берилганда, бир кг таъсири этувчи соф модда хисобига қўшимча равишда 2.7 – 5.7 кг дон, 2.3 – 5.6 кг пахта толаси олиш имкони борлиги аниқланган. Ҳар хил худудларнинг тупроқ – иклим шароитларида ўғит кўллаш билан боғлиқ бир сўмлик харажат 1.5 – 8.0 сўмлик соф даромад келтириши аниқланган. Шу нуқтаи назардан ҳозирда фаолият юритаётган фермер ва кластер хўжаликларида экин майдонлари тузилиши ва экинларни алмашлаб, наебатлаб экиш технологияси муҳим аҳамиятга эга. Чунки қайси экин туридан энг юқори хосил етиштирилишини ҳамда ерларнинг унумдорлик даражасини, балл банететини хисобга олиб, экинларни жойлаштириш ва ерлардан олинадиган ҳосил ва фойдани хисобга олган ҳолда минерал ўғитларнинг меъёрларини белгилашда қуидагиларга амал қилиш зарур.

- Ҳар гектар ердан олинадиган режадаги ва қўшимча ҳосил ц/га;
- Ҳар гектардан олинадиган маҳсулот сўм хисобида;
- Ҳар гектарига ва маҳсулот бирлигига сарф бўлган меҳнат сарфи, киши, соат;
- Ҳар гектаридан ва 1 ц маҳсулот олиш учун сарф бўлган пул харажатлари;
- Ҳар гектаридан олинган даромад, ҳар бир сарфланган сўм хисобига олинган фойда, сўм;
- Рентабеллик даражаси фоиз хисобида.

Илмий тадқиқот муассасаларининг тавсиясига асосан, Республиkaning ҳар хил тупроқ – иклим шароитларини хисобга олиб, ингичка толали ғўза экилган ҳар бир гектар майдондан режалаштирилган ҳосилни олиш учун минерал ўғитларнинг қуидаги турлари тавсия этилган:

Гектаридан 20 – 25 ц пахта ҳосили етиштириш учун соф ҳолда азот – 150, фосфор – 105, калий – 75 кг; 25 – 30 ц пахта ҳосили учун азот – 200, фосфор – 140, калий – 100кг; 30 – 35 ц ҳосил олиш учун азот – 250, фосфор – 175, калий – 125 кг; 35 – 40 ц ва ундан юқори ҳосил етиштириш учун азот – 300, фосфор – 210, калий – 150 кг меъёрда кўллаш орқали режалаштирилган ҳосилни олиш мумкин.

Ингичка толали ғўздан юқори ва сифатли пахта хом – ашёси етиштириш учун қуидаги агротехник тадбирларни амалга ошириш зарур: биринчидан ерлар ўзапоядан тозалангач келгуси йил ҳосили учун тупроқ унумдорлигини хисобга олиб, гектарига 40 тонна гунг, тупроқ агрокимёвий картограммаси асосида фосфор ўғити йиллик меъёрининг 60 – 70 фоизини ва калийнинг 50 фоизини ерларни

шудгорлашдан олдин берилиши керак. Гунгни ҳамма майдонларга 5 – 10 тоннадан сепиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки кам миқдордаги органик ўғит тупроқнинг юза қисмига бир текис сепилмайди, натижада тупроқнинг унумдорлиги бир хил булмайди. Ўтказилган текширишларнинг натижаларига кўра битта даланинг ўзида тупроқ унумдорлиги ҳар хил бўлиши кузатилган.

Республикамида пахталикини ривожлантиришда ғўза ҳосилдорлигини ошириш имконини берадиган агротехника тадбирлари комплексида минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш коэффициентини ошириш, ўғитлар ҳисобига олинадиган иқтисодий самарадорликни кўпайтириш қишлоқ хўжалигига агрокимёвий ҳизмат қўрсатишни янада такомиллаштириш энг муҳим ва асосий вазифа ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардар, ЎЗПТИИ ва унинг тажриба станциялари томонидан ишлаб чиқилган, тавсияларида ғўзани ўтказашнинг мақбул тизими ишлаб чиқаришга тавсия этилган. Тавсияларга кўра ғўза ниҳоллари униб чиққан даврда фосфор ва азот элементларига талабчан бўлишини хисобга олиб, чигит экиш билан бир вақтда гектарига физик ҳолда 45 – 60 кг аммиакла селитра ёки 35 – 40 кг карбамид мочевина, 160 – 200 кг оддий суперфосфат ёки 40 – 50 кг аммафос, 90 – 100 кг суперфос чигит экиш чизигидан 5 – 7 см узоқликда, 12 – 14 см чукурликка берилганда, ниҳолларнинг соғлом ва бир текис ривожланишига шароит яратилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, яъни ҳозирги вақтда фермер хўжаликларида кулланилаётган гўнгнинг ўрнига бойитилган компост тайёрлаб ишлатилганда ўсимлик ўзлаштира оладиган озуқавий қиймати хисобига қўшимча ҳосил етиштириш мумкин.

Ушбу кимёвий таркибга биноан 100 минг тонна гўнгда –

Соф ҳолдаги азот – 400 тоннани
Соф ҳолдаги фосфор – 250 тоннани

Гўнгнинг кимёвий таркиби:	Компостнинг кимёвий таркиби:
Азот – 0.4 %	Азот – 0.7 %
Фосфор – 0.25 %	Фосфор – 0.45 %
Калий – 0.5 %	Калий – 0.8 %

Соф ҳолдаги калий – 500 тоннани

Жами NPK – 1150 тоннани ташкил этади. Норматив бўйича 1 кг NPK хисобига 3.1 кг дан пахта етиштирилган бўлса, 1150 тонна озуқага 3565 тонна пахта хом – ашёси етиштириш мумкин. Агар 1 тонна пахтанинг харид нархи 34800 сўм бўлса ҳаммаси 3 240 000 сўмни ташкил этади.

Агарда фермер хўжаликларида 100 минг

тонна бойитилган компост ишлатилган тақдирда:

Соф ҳолдаги азот – 700 тоннани
Соф ҳолдаги фосфор – 450 тоннани
Соф ҳолдаги калий – 800 тоннани

Жами NPK 1950 тоннани ташкил этади. Бу миқдордаги NPK ҳисобига 6045 тонна ёки гүнгга нисбатан 2480 тонна күт пахта етишириш мүмкін. Бу эса 86 200 000 сүм құшымча даромад олиш имконини беради. Энг муҳими тупроқ таркибини яхшилашда, минерал үғитларнинг үсімликлар томонидан үзлаштирилишини құпайтиришда, экологияни сақлашда, әртаги юқори сифатли ингичка толали пахта етиширишда иқтисодий самарадорликка әришишда катта ахамияттаға ега.

Ғұзаны озиқлантиришда фосфорли ва калийлы үғитлар құлланилмасдан фақат азотли үғитлар билан озиқлантарылғанда, құсакларнинг очилиши 15 – 20 кунга кечикиши, ҳосил сифатининг пасайиши, тупроқда үғитлар нисбати NPK (1 : 0.7 : 0.5) нисбат бузилиши оқибатида, ғұзаларнинг үсіб, ғовлаб кетиши сабабли үсімликларнинг касалликларга чидамлилиги пасаяди. Айниқса калий элементи берилмаган далаларда, шоналарнинг құплаб түқилиши, гуллаш ва құсаклаш жараёнининг бұзилиши, үсімликларнинг курғоқчилікка чидамлилиги сусайиб, құсаклардаги пахта хом – ашёси ва чигитнинг вазни, чигит таркибидеги мой миқдори камайиши, тола сифатининг ёмоналашиши оқибатида 1 – сортта топшириладиган пахта хом – ашёси паст соортларга топширилиши ва пахта толасининг паст баҳоланиши ЎзПИТИ олимлари томонидан исботланған.

Лекни Республика мизда фаолият юритаётган күпчилик фермер хұжаликлари раҳбарларининг KCl (калий хлор) үғитини қулламаслигига сабаб, калийли хлор үғити ерни шүрланишига олиб келади деган нотұғри түшнұчага ега эканлиги оқибатида калийлы үғитларнинг агрокимёвий хариталарда белгиланған меъёрларини тупроққа бермаслиги күзатылмоқда.

Алоҳида қайд этиш лозимки, яъни Республика мизнинг барча ҳудудлари тупроқларининг 0 – 30 см қалинликдаги тупроқларининг ҳар гектарида үртача 3 600 000 тонна тупроқ борлиги аниқланған. Гектарига калий үғитининг йиллик меъёри соф ҳолда 125 – 150 кг дан белгиланғанда физик ҳолда таркибида 45 %

калий элементи бўлган KCl үғитидан 277.5 – 333.0 кг калий үғити тупроққа тушади. Ушбу миқдордаги калий үғити бир гектардаги 3 600 000 тонна тупроқни шўрлантира олмайди. Шу сабабли калийли үғитларни қўллаш үсімлик организмидә моддалар алмашинувины яхшилайди, үсімликларни гоммоз ва вилт касалликларига чидамлилигини оширади. Шу сабабли, үсімликларни түғри озиқлантиришда қишлоқ хұжалигига агрокимёвий ҳизмат күрсатиш станциялари томонидан тайёрланаётган агрокимёвий хариталар ва амалдаги тавсияларга амал қиласан ҳолда, асосан үғитлашни ва құшымча озиқлантиришлар билан уйғулап ширилган ҳосилни олиш орқали иқтисодий самарадорликка әришиш мүмкін.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қуйидагиларни хуласа қилиш мүмкін:

1. Республиканың жанубий ҳудудларыда ингичка толали ғұзадан юқори ва сифатли ҳосил етишириш учун ғұза навларини түғри танлаш, чигитни әкиш муддатлари ва меъёрларини белгилаш.

2. Ингичка толали ғұзадан режалаштирилған ҳосилни етишириш учун үғитларнинг йиллик меъёрини түғри белгилашни назорат қилиш.

3. Пахтачилукни барқарор ривожлантириш, құлланилаётган үғитларнинг тупроқ унумдорлигини оширишдаги ролини ва үғитлардан олинадиган иқтисодий самарадорликни оширишга әришиш.

4. Ғұзадан юқори ва сифатли ҳосил етишириш учун интенсив усуллардан фойдаланиш, ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, қишлоқ хұжалигига агрокимёвий ҳизмат күрсатиш инфраструктурасини янада кенгайтириш.

5. Республиканың жанубий вилоятлари тақыр, тақыр – үтлоқи тупроқлари тарқалған экстремал иқлим шароитларыда ингичка толали ғұзаларнинг гектаридан 35 – 40 центнер ва ундан юқори ҳосил етишириш учун азот – 300, фосфор – 210 ва калий – 150 кг меъёрларда қўллаш орқали режалаштирилған ҳосилни олиш мүмкін.

6. Қишлоқ хұжалигига агрокимёвий ҳизмат күрсатишни такомиллаштириш, үғитлар ҳисобига етишириладиган ҳосилни құпайтириш орқали иқтисодий самарадорликка әришиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 – йил 7 – февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси түғрисидаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари түплами 2017 – йил.

2. Исаев. С , Намозов X, Хожаев. А ва бошқалар. Қишлоқ хұжалик экинларини парваришилаш тө8. Сатторов Ж.С, Каримбердиева А. Тупроқдаги озуқа элементлар захирасини сақлаш ва құпайтиришнинг усуллари ва резервлари М. Удуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Унмверситети босмахонасида чоп этилган. Тошкент , 2007 й 3 – 14 б

МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАР ТАЪСИРИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Казбек ЖАКСЫМУРАТОВ,

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ривожлантиришда илғор хорижий давлатларнинг тажрибалари ўрганилган ҳолда солиқ юкини енгиллаштириш орқали рағбатлантириш масалалари баён қилинган.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы стимулирования за счет снижения налоговой нагрузки на основе изучения опыта передовых зарубежных стран в развитии финансово-хозяйственной деятельности организаций.

Abstract: The article discusses the issues of incentives by reducing the tax burden on the basis of studying the experience of leading foreign countries in the development of financial and economic activities of organizations.

Курилиш ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолиятини ривожлантиришни икки жиҳатдан кўриб чиқиш зарур. Биринчидан, қурилиш ташкилоти фаолият кўрсатган олдинги даврларни иқтисодий-молиявий кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, муваффақиятли томонлари сақлаб қолинади, такомиллаштириш зарур бўлган томонлари устида ишланади. Иккинчидан, замон талабларидан келиб чиқиб, қурилиш ишларининг янги турларни ўзлаштириш бўйича истиқболи дастурлар ишлаб чиқилади. Мазкур икки йўналишнинг қайси бирини танлаш кўпроқ қурилиш ташкилотининг мавжуд маблағлари ҳамда инвестициялар жалб қилиш имкониятлари билан боғлиқ. Ҳар қандай ҳолатда ҳам пухта ишлаб чиқилган бизнес-режа зарур бўлади.

Илғор хориж мамлакатларининг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қурилиш ташкилотлари фаолиятини ривожланишида муваффақиятли молиявий бизнес-режа ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади. Бизнес-режада қурилиш ташкилоти яқин ва ўрта истиқболда режалаштираётган қурилиш-монтаж фаолияти турлари кўрсатилган бўлиши керак. Бунда ташкилот иқтисодий фаолиятига асосий таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар солиқка тортиш тартиби (соддалаштирилган тартибда ёки умумбелгиланган тартибда) ва ундан келиб чиқиб аниқланадиган солиқ юки даражаси билан бир қаторда ташқи омиллар (иқтисодий омиллар: инфляция, ишсизлик даражаси, истеъмолчиларнинг тўлов қобилияти, кредит учун фоиз ставкалари миқдори; сиёсий; табиий; илмий-техник омиллар ва ҳ.к.) ҳам ҳисобга олинниши керак. Бундан ташқари, қурилиш

ташкилотининг бизнес-режасига қуйидаги бўлимлар киритилиши лозим:

- ташкилот молиявий-иктисодий ахволининг асосий кўрсаткичлари;
- ташкилот фаолиятининг миқдорий параметрларда белгиланган мақсадлари ва уларга эришиш муддатлари.

Шунингдек, бизнес-режада бажарилаётган қурилиш ишлари турлари, қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжлар ҳақида маълумотлар, қурилиш-монтаж ишларининг иқтисодий кўрсаткичлари, обьектларнинг дизайн тавсифлари ва бошқа бажарилаётган қурилиш ишлари билан таққослаш натижалари, бажарилаётган ишларни буюртмачи томонидан талаб қилинадиган истеъмол сифатлари ва уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари кўрсатилиши керак. Бизнес-режакининг муҳим қисми – қурилиш ташкилоти бажарган ишларни сотиш бозорини тавсифловчи бўлим, унда бозор конъюктураси, буюрмачилар талаби, шу турдаги қурилиш ишларига эҳтиёж даражасини, ипотека қурилиш бўйича истеъмолчиларни рағбати (мотивацияси), ташкилотнинг бозордаги ўрнини, асосий молиявий кўрсаткичлари ва сотувлар ҳажмини таҳлил қилиш натижалари киритилади. Бундан ташқари, ташкилот рақобатбардошлигини таҳлил қилиш, бошқа шу турдаги қурилиш ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини ўрганиш, уларнинг қурилиш ишлари нархларини қиёсий таҳлил қилиш ҳам зарур.

Қурилиш ташкилотини ривожлантириш режасини ишлаб чиқишида таваккалчиликларни баҳолаш ва сутурталаш масалалари ҳам камраб олинади. Қурилиш ташкилоти фаоли-

Калит сўзлар: хўжалик-молиявий фаолият, рағбатлантириш, рағбатлантириш, ташкилот, бизнес-режа, таваккалчилик, мотивация, илмий-техник омил, инфляция, солиқ.

Молиявий ҳўжалик фаолияти

яти билан боғлиқ таваккалчиликлар масаласи ташкилотнинг ҳамма ходимлари, акциядорлар, инвесторлар, мол етказиб берувчилар, истеъмолчилар манфаатларига дахлдор бўлгани боис, уларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу таваккалчиликнинг аҳамиятлилиги, сабаблари, омиллари, уни компенсация қилиш ва камайтириш масалалари бўлиши мумкин. Шунингдек ҳозирги даврда таваккалчилик даражасини аниқлашнинг замонавий усусларида солиққа тортиш бўйича юзага келадиган рискларни ҳисоблаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда қурилиш ташкилоти фаолияти натижасида олинган даромадлар миқдоридан келиб чиқиб солиқ турларининг ўзгаришидан келиб чиқиб солиқ юкининг ошиши, шунингдек қайси молиялаштииш манбалари ҳисобидан қурилиш ишлари амалга оширилганлиги га қараб қўшилган қиймат солиги тўлаши ёки тўламаслиги масалалари ҳам ҳисобга олиниши зарур.

Мазкур ҳолатларни республикамиз амалиёти билан боғлаб таҳлил қилинадиган бўлса, 2019 йилга қадар бўлган даврда қурилиш ташкилотлари кичик тадбиркорлик субъекти мақомидан келиб чиқиб, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгилangan тартибда солиқларни тўлаш режими ни танлаш ҳуқуқларига эга эди. Соддалаштирилган тартибда бир неча солиқлар ўрнига битта ягона солиқ тўлови тўлаш имконияти ҳамда солиқ юкининг умумбелгилangan тартибга нисбатан бир неча баробар камлиги туфайли аксарият ҳолларда ходимлар сонини яширишга мойиллик мавжуд бўлган. Бунда, Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига асосан қурилиш ташкилотлари учун ўртача йиллик 50 кишидан [2] ошмаган ҳолда кичик тадбиркорлик субъекти сифатида соддалаштирилган тартибда ягона солиқ тўловини сақлаб қолиш ҳуқуқи берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилга ча амалда бўлган Солиқ кодексига асосан соддалаштирилган тартибда ягона солиқ тўлови тўловчи қурилиш ташкилотлари қурилиши молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда танлов савдолари асосида амалга оширилаётган обьектлар бўйича қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланар эди, 2020 йилдан жорий этилган янги таҳрирдаги Солиқ кодексига асосан молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда амалга оширилаётган обьектлар бўйича қурилиш ишларини бажараётган ташкилотлар соддалаштирилган тартибда солиққа тортиш тартибига ўтиш ҳуқуқига эга эмаслар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндан «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468 сонли Фармонига асосан тасдиқланган мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси га мувофиқ 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган юридик шахслар, жумладан қурилиш ташкилотлари умумбелгилangan тартибда солиққа тортишга ўтиши ва бунда қўшилган қиймат солиғини тўлаши белгилangan. Қонунчиликда келтирилган мазкур ҳолатни қурилиш ташкилотлари молиявий фаолиятига таъсирини қўйидаги маълумотлар асосида таҳлил қиласиз 1-жадвал.

1-жадвал. «Уй-жай құрылыс» МЧЖ да молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари асосида амалга оширилаётган қурилиш обьектлар бўйича ҚҚС ҳисоблананиши таҳлили

т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
1.	Жами бажарилган қурилиш ишлари ҳажми (ҚҚС билан бирга)	27462082,5
2.	Бажарилган қурилиш ишлари (ҚҚСиз)	25401872,5
3.	Ш.ж. молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига бажарилган ишлар (ҚҚС сиз)	10301050,0
4.	Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига бажарилган ишлар бўйича ҚҚС	2060210,0
5.	Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига бажарилган ишлар бўйича ҳисобга олинган ҚҚС	234948,3
6.	Бюджетга ҳисобланган ҚҚС	1825261,7
7.	Жами ҳисобланган ягона солиқ тўлови	331131,6
8.	Ташкилотнинг соф фойдаси	1143370,2
9.	Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари асосида бажарилган ишлар бўйича тўланган ҚҚС ҳисобига фойданингкамайиши	1825261,7

Жадвал маълумотларидан кўриниб ту-

Молиявий хўжалик фаолияти

рибдики, «Уй-жай қурылъис» масъулияти чекланган жамияти молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ва марказлашмаган манбалари ҳисобидан қурилиш ишлари бажаради. 2019 йилда жами бажарилган ишлар ҳажми қўшилган қиймат солиғисиз 25401872,5 минг сўмни ташкил этган бўлса, шундан 10301050,0 минг сўмлик, 40,55 фоизлик бажарилган ишлар молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобидан амалга оширилган. Мазкур марказлаштирилган манбалар ҳисобидан амалга оширилган ишлар ҳажмига нисбатан 2060210,0 минг сўмлик қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган, ушбу қурилиш ишлари учун сарф қилинган хом ашё, материаллар ва бошқа хизматлар учун 234948,3 минг сўмлик тўланган қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинганлиги туфайли давлат бюджетига 1825261,7 минг сўмлик қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган. «Уй-жай қурылъис» масъулияти чекланган жамияти шаҳарларда арzon кўп квартирали уйлар қурилиши учун 18777304,2 минг сўмлик бажарган ишлари [2] ва тўлов манбаида солиғи ушланниб қолинган дивидендлар бўйича 1937,3 минг сўм миқдорида ягона солиқ тўлови базаси камайтирилиб, бюджетга ҳисобланган ягона солиқ тўлови 331131,6 минг сўмни ташкил этган

ҳамда ушбу суммага соф фойдаси камайган. Лекин марказлаштирилган манбалар ҳисобидан амалга оширилган ишлар ҳажмидан кўшилган қиймат солиғи ҳисобланниши натижасида 1825261,7 минг сўмга фойдани камайиши юз берган. Демак хулоса қилинганда, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан амалга оширилган ишлар ҳажмидан қўшилган қиймат солиғини ҳисобланниши қурилиш ташкилотлари молиявий фаолиятига салбий таъсир этмоқда, шундан келиб чиқиб кичик ҳажмда субпудратчи сифатида қурилиш ишларини бажарувчи йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмдан ошмайдиган қурилиш ташкилотларига соддалаштирилган солиқقا тортиш тартибига ўтиш ҳукуқини сақлаган ҳолда қурилиши молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда танлов савдолари асосида амалга оширилаётган обьектлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашни бекор қилиниши мақсадга мувофиқ. Чунки мазкур ҳолатда тўланган қўшилган қиймат солиғи қурилиш ташкилотининг соф фойдасини камайишига ҳамда молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳамда марказлашмаган манбалар ҳисобидан оширилаётган обьектлар бўйича тенгсиз рақобат муҳитини келтириб чиқармоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 69-II-сонли Қонунининг 5-модда биринчи қисми 3-бандининг учинчи хатбошиси

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги “2017 – 2020 йилларда шаҳарларда арzon кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2660 сонли қарорига асосан 2017-2020 йилларда шаҳарларда арzon кўп квартирали уйларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилиш ишлари бўйича барча солиқ ва мажбурий тўловлардан (қўшилган қиймат солиғидан ташқари) озод қилинган.

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ ИШЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ОРҚАЛИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Холмурод ХАЙИТОВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти, PhD

Азиз ИНАМОВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти, PhD

Аннотация: Ушбу илмий мақолада муаллифлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасига кўра, қишлоқ хўжалиги ер турлари бўйича геомаълумотлар базасини яратиш ва шакллантириш, космосуратлардан фойдаланиб растрни векторлаш, атрибутив маълумотларни киритиш, дастурий таъминотлар интеграциясига кўра рельефларни яратиш, мавзули қатламларни умумлаштириш ҳамда топографик карталарни янгилаш каби масалаларнинг илмий ва амалий услубияти келтирилган.

Аннотация: По результатам исследований, проведенных авторами данной научной статьи, дана практическая методика создания и формирования геопространственной базы данных типов сельскохозяйственных угодий, растрового векторизации с использованием спутниковых снимков, ввода атрибутивных данных, создания рельефов по данным программной интеграции, обобщения тематических слоев и актуализации топографических карт.

Abstract: According to the research results conducted by authors of this scientific article, practical methodology of the creation and formation of a geospatial database of agricultural land types, raster vectoring using satellite images, input of attribute data, creating reliefs according to software integration, generalization of thematic layers and updating topographic maps are given.

Ўзбекистон Республикаси бугунги кун-да жадал суръатлар билан ривожланган мамлакатлар қаторидан қўплаб соҳаларда юқори ўринларни эгалламоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш мақсадида замонавий методлар ёрдамида қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳатлар бугунда ўз самарасини бериб келаётганлиги боис хукуматимиз томонидан замонавий методлардан фойдаланиш усуслари маъқулланмоқда.

Хозирда дунёда сув билан боғлиқ бир қанча муаммолар бўлганлиги сабабли, хукуматимизнинг топшириғига асосан қишлоқ хўжалиги экин ер майдонларида сув сарфини тежаш мақсадида “Сувни ўзи оқар тизимиға ўтказиш” мавзусида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур ишларни бажаришда энг аввало қишлоқ хўжалигининг 1:10 000 масштабдаги топографик картаси талаб этилади. Шу боис топографик картани хозирги кун ҳолати бўйича қисқа муддат ичига янгилаш талаб этилади. Қисқа муддат ичига қишлоқ хўжалиги экин ерларини жойлашув харитасини тузиш ва сувни ўзи оқар тизимиға ўтказиш имкониятларини геодезик усусларда аниқлашишларни амалга ошириш имконияти мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ерларида олиб борилаётган тадбирларнинг аксарият қисмини гео-

дезик ва картографик таъминот ташкил қиласди. Шу боис қишлоқ хўжалиги экин ерларини жойлашув харитасини тузиш ва сувни ўзи оқар тизимиға ўтказиш имкониятларини геодезик усусларда аниқлаш ва амалга оширишда асос бўлб геодезик ҳисоб-китобларга таянган картографик таъминот яъни топографик карта хизмат қиласди. Тезкор усуlda топографик карталарни камерал шароитда янгилашда геоахборот тизими оиласига мансуб дастурий таъминотлар, геодезия ва картография соҳаларидан фойдаланилади.

Топографик карталарни камерал шароитда янгилашда қўйидаги дастурий таъминотлардан фойдаланилади:

- Global Mapper;
- SAS.Planeta;
- ArcGIS.

Юқорида келтирилган дастурий таъминот кетма-кетлиги ёрдамида қўйидаги босқич асосида топографик карталарни янгилаш жараёни кузатилади.

Дастурнинг кулайлиги шундаки, керакли худуднинг космик суратини юклаб олиш учун исталган масштаб ва исталган майдон катталигидаги худуд белгилаб олинади ва бир-қанча формат бирликларида сақланади. Энг асосийси дастурнинг расмий веб сайти орқали йиллар давомида сунъий йўлдош ёрдамида ернинг

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, геомаълумот, космосурат, растрни векторлаш, атрибутив маълумот, дастурий таъминот, интеграция, рельеф, топографик карта, геодезия.

Геодезия ва картография ишлари

1-БОСКИЧ

№	Кетма-кетлик буйруқлари	Жараён суратлари
1	Global Mapper дастури орқали интернет тармогига уланган холда керакли бўладиган худудни “Field Date Online” банди орқали баландлик асослари юклаб олинади	
2	Худуд белгиланиб, 3D Path Profile тутгачаси ёрдамида худуд бўйлаб маршрутизация килинади ва иш сунгидаги сичқончанинг унг тутгачаси босилади	
3	Натижада хосил бўлган дарчадан “File” бандидан “Save XYZ File...” тутгачаси босилади ва кийматлар *txt форматидаги хотирага олинади	
4	“Открыть” бўйруғи ёрдамида мазкур *txt форматидаги кийматлар очилади	
5	*txt форматидаги кийматлар ишчи дарчада намёён бўлади ва “Файл” менюсидаги “Export Vector...” // “Export Shapefile” категори танланади ва мазкур формат бирлигига ўтказилади.	

космик суратлари архивини юклаб олиш ва бир неча йиллик маълумотларни таҳлил қилиш орқали юқори натижаларга эришиш имконини беради.

ESRI компаниясига тегишли бўлган Arc Gis дастурида географик маълумотлар базасини яратиш учун мазкур дастуринг Arc Catalog таъминотидан фойдаланилади. Arc Catalog таъминотининг ишчи ойнаси очилгач Catalog дарахти ёрдамида керакли бўлган хотира диски танланади олинади.

Кузатув ойнаси устига сичқончанинг унг тутгаси босилади ва натижада кузатув ойнасининг ёрдамчи бандлари хосил бўлади. Хосил бўлган ёрдамчи банддан янги қаторидаги Personal Geodatabase (шахсий маълумотлар базаси) танланади ва унга ном киритилади.

Яратилган шахсий маълумотлар базаси ичига кирилади ва сичқончанинг унг тутгаси орқали Feature Dataset қатори танланади. Натижада хосил бўлган New Feature Dataset дарчасига ном киритилади ва дале тутгаси орқали навбатдаги координаталар тизими киритилади.

Хосил бўлган Feature Dataset ичига кирилади ва яна бир бор сичқончанинг унг тутгаси босилиб Feature Class қатори танланади.


New Feature Class дарчасидаги Name бўшлиғиганомланадиган обьект номи киритилса Type бандидаги қаторлардан катлам турига қараб катлам хили танланади. Масалан Майдонли катламга Polygon Features, чизиқли катламга Line Features, нуқтали катламга Point Features ва ёзувили катламга Annotation Features қаторлари танланади.

Дале тутгачаси босилгач яратилмоқчи бўлган катлам хақида ахборот берувчи маълумотлар жадвали очилади. Field Name устунига катлам хақида маълумот берувчи сўзлар киритилса, Data type устунига сузларнинг қай турда эканлиги кўрсатилади. Масалан: агар киритилган савол шаклидаги сўзлар жавоби сўз шаклида бўлса Data type устунидаги тур Text, санага оид савол бўлса Date, рақамларга оид савол бўлса Double, сурат хақида сўралган бўлса Raster бандлари танланади. Дарчанинг пастки қисмида жойлашган Field Properties бўйруғидаги Length қаторида кўрсатилган (50) рақам(и) Field Name устунида келтирилган савол сузларининг жавоблари учун қўйиладиган хоналар сони (масалан Номи – 4 хона, хоналар сони чекланмаган) киритилади ва Finish тутгаси босилади. Шу тариқа хар – бир қатламларни яратиш жараёни кузатилади.

№	Кетма-кетлик буйруқлари	Жараён суратлари
1	SAS. Planeta дастури юкланди ва лойиха худуди танланади. (интернет тармогига боғланган холда) “Операции с выделенной областью” менюсидан “Полигональная область” категори танланади	
2	Натижада “операции с выделенной областью” дарчаси хосил бўлиб, худуд белгиланиб олинади ва “птичка” белгиси босилади	
3	“Операции с выделенной областью” дарчаси хосил бўлади ва “Загрузить” бандидан “Масштабы” устунидаги талабга кўра масштаб танланади ва “Начать” тутгачаси босилади	
4	Худуд юклаб олингач “Выход” тутгачаси босилади. “Ctrl+B” тутгачаси билан биргаликда босилиб мазкур дарча қайтадан ишчи ойнага чакирилади. “Склейте” бандига ўтилади ва талабга кўра каторлар тўлдирилади ва “Начать” тутгачасинин босиш ўёли орқали компьютер хотираасига худуд киркиб олинади	

№	Кетма-кетлик буйруклари	Жараён суратлари
1	ArcGIS платформасининг ArcMap дастури ишга туширилади. Тезкор меню каторидаги “Добавить данные” тұрғасын босылады.	
2	Натижада юзага келген дарчадан 2-боскичда көзтілгін “SAS. Planeta” дастури ёрдамида іекланған космик сурат (файлдар) белгіланады ва “Открыть” тұрғасын босылады орқали растр көтгам жаңынан анықталады. Худуд үрганылады ва мавзууда күшлөк хұжалиғига оид көтгамлар яратылады.	
3	Яратылған мавзууда көтгамлар ёрдамида космик сурат дешінфранады шартта белгілар ҳамда атрибуттыв маълумоттар жағдайлардың түлдіріліб борылады. Шу тарика худудда тұлаконлы дишифровка ишлари амалға оширилады.	
4	Яратылған электрон ракамли карта асосыдан космик сурат күрнініштегі көтгамы фойдаланып, “Global Mapper” дастури ёрдамида аникланған баландлық нұкталарды ArcMap дастурининг көтгамлар мундарижасында іекланады.	
5	Arc Toolbox инструменттеріндең “IDW” таҳлили ишга туширилады ва баландлық нұкталарды асосынан автоматтартады.	
6	Иш нюхоясында электрон ракамли картани башка формат бирлігінде экспорт килиш ва плоттерден нашр килиш ійілді билан күшлөк хұжалиғинин топографик карталарға бұлған әхтиёккінен кондириш екі таъминлаб беріш натижаларға эршилдеді.	
7	SASPlanet дәстүріндең ёрдамида таъмир талауда көліп колған сугориш тармоқтарыннан узуммий узунлігі аникланады.	
8	Жой рельефи ва тағылыштан көліп-чикиб сугориш тармоқтарынниң нишаблық профиліндең 4647 метр яроқсиз холга көліп колған сугориш тармоқтардан 2184 метр жой таъмирларында орқали худудда сувни ўзи оқар тизимига келтириш мүмкін.	

Шундан көліп чиқыб, худудда жойлашған



Сугориш тармоғи ва нишаблық профили

сугориш тармоқтарини түйік хатловдан үтказилғанлығында асосан яроқсиз холга көліп қолған жами 4647 метр лоток 59.13 гектар (165, 325, 326, 324, 271 ва 327-контур) майдонни сув билан таъминлайды. Мавжуд жами 4647 метр лоток худудини таъминлаш ёки қайта тиқлаш ишлари олиб бориши учун күпроқ вақт ва маблағ талаб қилинади. Шу боис худуднинг нишаблыги (сугориш тармоғи ва нишаблик профили расм)дан көліп чиқыб, худуднинг жами 2184 метр лоток қисмени таъминлаш орқали вақт ва маблағ миқдорини камайтиришга ва сувни ўзи оқар тизимига үтка-зашындағы мүмкін.

Қишлоқ хұжалиғи соҳасидеги олиб бориляёттган геодезия ва картография ишларини автоматлаштырылған ахборот тизимлари орқали такомиллаштыриш мүхим ўрин тутади.

Хулоса

Геоахборот тизими оиласига мансуб дастурий таъминотлар ёрдамида яратылған электрон рақамли топографик карта асос бўлиб хизмат қилади ва кўп мақсадли ишлар учун фойдаланишига тавсия этилади. Мазкур метод ёрдамида карталарни янгилаш ёки яратылған сарфланадиган ишчи кучи ва иқтисодий самарадорлиги сезиларли даражада тежаюшини кутишимиз имконини беради.

Мазкур метод бўйича қилинган ишларни ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларига ҳамда олий ўқув юртларга тавсия этиш, жойларда олиб бориляёттган геодезик-картографик ишларни замонавий тезкор усульда амалга ошириш мақсадга мувофиқ саналади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИЁТЛАР:

1. Қишлоқ хұжалиғи экин ерларини жойлашув харитасини тузиши ва сувни ўзи оқар тизимига үтказиш имкониятларини геодезик усуулларда аниқлаш бўйича илмий услубий тавсиянома. Т: ТИҚХММи, 2017 йил. 33 б.

3. “ТИҚХММи ўқув-илмий маркази (“Ўқув-илмий маркази” ДУК) худудида экинларнинг жойлашув харитасини тузиши ва сувни ўзи оқар тизимига үтказиш имкониятларини геодезик усуулларда аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши” илмий тадқиқот иши бўйича ҳисобот. Давлат рўйхати № 6.4, Т: ТИҚХММи, 2017 йил. 88 б.

4. Нурматов Э.Х. Геодезия. Тошкент, «Ўзбекистон», 2003.

5. Раклов В.П., Лебедев П.П., Сафаров Э.Ю. Разработка картографических систем для тселей кадастров. М.: ГУЗ, 2005.

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШ ТИЗИМИДА АХБОРОТ МАНБАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Шерали ШЕРҚОБИЛОВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти мустақил тадқиқотчisi

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш ва сотиш тизимида ахборот манбаларидан фойдаланиш аҳамияти, ҳолати ва истиқболлари таҳлил этилган ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В статье анализируется важность, состояние и перспективы использования источников информации в системе выращивания и реализации сельскохозяйственной продукции и разрабатываются предложения по ее развитию.

Abstract: This article analyzes the importance, status and prospects of the use of information sources in the system of cultivation and sale of agricultural products and develops proposals for its development.

Маълумки 21 аср ахборот асри сифатидан эътироф этилади. Сабаби инсоният ижтимоий хаётни ахборотларсиз тасаввур этиш қийин бўлган жамиятда яшамоқда. Бу ахборотлар нафақат кундалик хаёт тарзида балки ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларига ҳам сингиб боргани ҳолда глобаллашувнинг юқори кўрсаткичларини ўзидага намоён қилмоқда. Иқтисодиётнинг барча тармоқлари қатори қишлоқ хўжалигига ҳам маҳсулот етишириш бир қанча омилларга бевосита боғлиқ ҳолда амалга оширилиши соҳага замонавий воситаларни жорий этган ҳолда маълумотлар алмашинувини талаб этмоқда.

Маълумки, қишлоқ хўжалигига маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш тўғрисидаги маълумот ва ахборот йиғиши тизими бугунги кун талабларига жавоб бермайди. У амалий характерига кўра вертикал тизимга асосланган ҳамда марказлаштирилган. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми, сотиш ва истеъмол кўрсаткичларини баҳолаш, ҳолатни таҳлил қилиш ва ривожлантириш борасидаги келтирилаётган ахборотлар амалиётдаги ҳақиқий ҳолатни ифода этмайди. Аниқ ва ишончли маълумотларнинг етишмаслиги эса, янги норматив-хукуқий хужжатлар, ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилишини, шунингдек, уларнинг соҳага таъсирини объектив баҳолаш имконига ўзининг салбий таъсирини ўтказиб келмоқда.

Шу билан биргалиқда ишончли маркетинг маълумотларининг етишмаслиги фермерлар ва бошқа агробизнес субъектлари томонидан бизнес режаларни ишлаб чиқишида ёки фаолиятини тўғри режалаштиришда мавжуд ва ўзгарувчан бозор имкониятларидан фойдаланишни сезиларли даражада чекламоқда.

Умуман олганда қишлоқ хўжалигига маҳсулот

лот етишириш ва сотиш тизимининг ахборотга бўлган талаби юзага келиш заруриятини куйидаги куйидагилар билан изоҳлашимиз мумкин. Жумладан:

- қишлоқ хўжалигига маҳсулот етишириш табиий омилларга бевосита боғлиқлиги боис доим у тўғрисидаги маълумотларга зарурият сезиши;

- маҳсулот етишириш бевоситада тирик организмлар (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) билан боғлиқлиги боис уларнинг кунлик ўзгариб боришини таҳлил қилиш орқали юқори самарадорликка эришиш имконияти яратилиши;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириш мавсумий ҳусусияти туфайли талаб ва таклиф, баҳо каби ричагларнинг кескин тебраниб бориши бозор конъюктураси тўғрисида ахборотларга заруриятини юзага келтириши;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кенг майдонларда, географик жиҳатдан тарқоқ худудларга олиб борилиши боис ишлаб чиқаришни умумий таҳлил қилишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни талаб этиши ва бошқалар.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиширувчи хўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги маълумотлар манбаларидан фойдаланиб келмоқда (1-расм).

Тадқиқотлар давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиширувчилари томонидан маҳсулот етишириш жараёнида ҳамда уни сотишда ахборот ва маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳолатини монографик кузатиши ва сўровномалар орқали ўрганиб чиқилди. Тадқиқотлар натижаларига кўра сўнгги 2 йилда маҳсулот етиширувчилар томонидан маълумотлар базаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Жумладан сўровнома

Калит сўзлар: Қишлоқ хўжалиги, ахборот, сотиш, маълумотлар базаси, сўровнома, bigdate, маҳсулот, иқтисодиёт, глобаллашув, вертикал тизим, сотиш, ричаг, талаб, таклиф, баҳо.

Күшни фермерлар	Аксарият хўжаликлар келгуси мавсумда етиштирадиган маҳсулот ва уни сотиш тўғрисида қўшни фермерлар билан маслаҳатлашган ҳолда ишни ташкил этади. Бу ахборот манбаси энг химояланмаган манба саналади.
Кенгаш	Фермер ва томорка хўжаликлари кенгashi томонидан маҳсулот етиштириш ва уни сотиш тўғрисидаги ахборотлар бериб борилади ҳамда ундан аъзо (фаол) хўжаликтклар самарали фойдаланади.
Қишлоқ хўжалиги бўлими	Туман кишлоқ хўжалиги бўлими маҳсулот етиштириши ташкил этиш ва экинларни ер майдонларига жойлаштириш жараённида маълумотлар билан таъминлади.
ОАВ ва ижтимоий тармоқ	Оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоитӣ тармоқлар бугунги кунда маълумот алмашишнинг энг самарали воситаси саналиб, у тезкор, онлине вакт

1-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштирувчилар томонидан маълумот олиш манбалари

Иштирокчиларининг 56 фоизи сўнгги 2 йилда ижтимоий тармоқлар ва ОАВ да сотиш борасидаги маълумотлар асосида фаолиятини ташкил этаётганлигини билдирусалар, бу кўрсаткич турли хўжаликларда турлича кўринишга эга. Жумладан дэхқон хўжаликларининг 26 фоизи сўнгги бир йилдан бери мавжуд ахборот манбаларидан нисбатан кўпроқ фойдаланиб келмоқдалар (1-жадвал).

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликларининг мавжуд ахборот манбаларидан фойдаланишда асосий муаммолар қўйидагилардан иборат бўлиб, истиқболда уларни камайтириб бориш орқали ягона маълумотлар базасини яратиш ҳамда ундан самарали ишлаб чиқариш тизимини ташкил этишда фойдаланиш мумкин бўлади.

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш имконияти, кўникмаси етишмаслиги;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар аниқ ва ишончли маълумотлар манбаси тўғрисида ахборотга эга эмаслиги; - хўжаликлар жойлашган ҳудудда интернет

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжалик субъектларининг ахборотдан фойдаланиш ҳолати


Сўровлар ҳа	Фермер хўжаликлари		Дэхқон хўжаликлари	
	йўқ	ҳа	йўқ	
Сиз маҳсулот етиштириш ва сотиш жараёнida ахборотлардан фойдаланасизми	56	44	26	74
Сиз мавжуд ахборот манбаларидан қайси муддатда кўпроқ фойдалана бошладингиз	Доимий	36	64	22
	Сўнгги 5 йилда	42	58	22
	Сўнгги 3 йилда	50	50	24
	Сўнгги 1 йилда	526	44	26
				74

тармоғи ва бошқа коммуникацион алоқа воситалари ишлаш тизимида камчиликларнинг кузатилиши;

- мавжуд ахборот манбаларига киритилаётган маълумотларнинг онлине тизимда иш юритмаслиги, янгиланиб бормаслиги ҳамда тез ўзгарувчан дэхқон бозорлари конъюктурасига мос эмаслиги ва бошқалар.

Тадқиқотлар давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш тўғрисидаги ахборотнинг ишончлилик даражаси таҳлил этилди. Унга кўра 40 фоиз иштирокчи бу каби маълумотларнинг ишончлигига шубҳа қўйсалар, 16 фоизи уларнинг барчаси ишончли эканлигини таъкидлайдилар (2-расм).

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда истиқболда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, маҳсулот етиштирувчиларни ишончли ва тезкор ахборот билан таъминлаш орқали маҳсулот миқдори ва сифатини ошириб бориш мақсадида қўйидаги йўналишларда ташкилий ва иқтисодий ислоҳотларни



2-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш тўғрисидаги ахборотнинг ишончлилиги

амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари статистикасини халқаро стандартлар асосида ривожлантиришнинг аниқ режасини, муддатини ва воситаларини ишлаб чиқиш;

- асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий (харажат, даромад, фойда, рентабеллик) тўғрисидаги маълумотларни йиғиши, таққослаш ва чоп этиш;

- рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга тезкор маълумотларни етказиб бериш тизимини яратиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотлар базасини яратишда давлат-хусусий шерикчилигини асосидаги ўзаро ман-

Маҳсулот етиштириш ва сотиш

фаатли тизимни яратиш;

- маҳсулот етиштириш самарадорлиги, тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, меҳнат қонунчилиги, солиқса тортиш, кредитлаш ва бошқа зарур маълумотларни қамраб олган фермер хўжалигини юритиш маълумотномасини чоп этиш ҳамда унинг электрон платформасини яратиш;

- йирик маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар тўғрисида маълумот ва ахборотлар каталогининг онлине режимда фаолият юритувчи тизимини ишлаб чиқиш;

- соҳада амалга оширилган чоралар ва эришилган натижалар ҳамда давлат сиёсатининг истиқболли чораларини ўзида қамраб олган қишлоқ хўжалигининг йиллик ҳисоботини (Agriculture annual report) чоп этиш;

- қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида миллий тизим ва хизматларни ривожлан-

тириш учун маълумотлар алмашинуви платформаларида ҳамда халқаро форумларда фаол иштирок этиш;

- аграр тармоқни ҳисобга олиш ҳамда уларнинг рўйхатини юритишида Agriculture census тизимидан фойдаланиш ҳамда уни масофавий зондлаш тизимига ўтказиш;

- чорва молларини идентификациялаш, уларнинг ҳаракатини кузатиш ва мониторинг қилиш тизимини жорий этиш орқали чорвачиликда аклли қурилмалардан фойдаланган ҳолда маълумотлар базасини яратиш;

- маҳсулот етиштиручиларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш борасидаги кўнгикмаларини ошириш, уларни қисқа муддатли семинарларга жалб этиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрь “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли фармони.

2. M.Aripov, B.Begalov, U.Begimquloy, M.Mamarajabov “Axborot texnologiyalari” Тошкент. Ношир-2009 й.

3. Монографик тадқиқот натижалари.

ҚИШЛОҚ ҲҮЖАЛИГИДА ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШДА ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИНІ РОЛИ

Сохибжон ТОПИЛДИЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университеті доценті

Аннотация: Мақолада мамлакатимиз аграр секторни ривожлантиришда экспорт салохиятими ошириш, жағон тажрибалари асосида мамлакатимиз қишлоқ ҳұжалигини 2035 йилга қадар ривожлантириш үйлілар таҳлил этилган.

Аннотация: В статье анализируются пути повышения экспортного потенциала в развитии аграрного сектора страны, развитие сельского хозяйства страны до 2035 года на основе мирового опыта

Abstract: This article analyzes the ways to increase the export potential in the development of the country's agricultural sector, the development of the country's agriculture until 2035 based on world experience.

Кишлоқ ҳұжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакатимиз ахолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлеш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондириш билан бирга, экспорт салохиятими мустаҳкамлашнинг истиқболли манбаларидан бири саналади.

Халқаро бозорлар билан республика миллий бозори интеграциялашуви энг аввало қишлоқ ҳұжалиги маҳсулотлари бозорларини ривожлантиришда, қишлоқ ҳұжалиги маҳсулотлари экспортини кенгайтириш ҳамда товар ва хизматларни экспортини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев “иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ ҳұжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарур” [1] эканлигини таъкидлайдилар.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган муҳим вазифаларни бажариш [2], ҳамда жағон тажрибалари асосида аграр соҳани ривожлантириш ва қишлоқ ҳұжалиги инфратузилмасини яратиш, тайёр қишлоқ ҳұжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш долзарб ҳисобланади.

Жағон бозорларида катта миқдорда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатади, 2016 йилда дунё бўйича 167 530,23 млн. АҚШ доллари қийматида мева-сабзавотлар экспорт

қилинган. Дунёда энг йирик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилар сифатида АҚШ (1-ўрин, 18,84 млрд. АҚШ долл., жамига нисбатан 11,25 %), Испания (2-ўрин, 15,02 млрд. АҚШ долл., жамига нисбатан 8,97 %), Хитой (3-ўрин, 14,24 млрд. АҚШ долл., жамига нисбатан 8,5 %), Нидерландия (4-ўрин, 11,66 млрд. АҚШ долл., жамига нисбатан 6,96 %), Мексика (5-ўрин, 10,84 млрд. АҚШ долл., жамига нисбатан 11,25 %) ва бошқаларни келтириш мумкин. Ўзбекистон бу рўйхатда 458,64 млн. АҚШ доллари билан (жамига нисбатан 0,27 %) 48-ўринни эгаллаб турибди [3].

Ўзбекистон мева маҳсулотлари экспортида 47 (жамига нисбатан 0,26 %) ва сабзавот маҳсулотлари экспорти бўйича 39-ўринни (жамига нисбатан 0,3 %) эгаллаб турибди [1].

Ўзбекистоннинг табиий-иклим шаротлари мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва ички истеъмолдан ортган қисмини экспортга чиқариш учун қулай бўлишига қарамай, дунё экспортида 48 ўринни эгаллашимиз ҳали бу борада имкониятларимиздан етарли фойдаланмаётганимизни кўрсатади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилётган мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобат устунликлари, уларнинг кучли ва кучсиз томонлари экспортчи корхонанинг жағон бозорларига кириб бориш имкониятларига кучли таъсир кўрсатади.

Фикримизча барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салохиятидан тўлиқ фойдаланиш;

- экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда экспортни олдиндан молиялаштириш учун – «Экспорт-кредит» агентлиги ташкил этиш;

- экспорт қилишда замонавий автомобиль

Калит сўзлар: стратегия, инфратузилма, интеграция, қишлоқ ҳұжалиги, фермер ҳұжаликлари, экспорт, кредит, стандарт, аграсаноат, корхона, капитал, Европа бозори.

Экспорт ҳажмини ошириш

ва ҳаво транспорти харажатларини қисман давлат томонидан қоллаб бериш механизми жорий қилиш;

-ташқи савдо билан боғлиқ назорат тизими ва инфратузилмани яхшилаш зарур.

Шу билан бирга 2020 йилда 3 мингга яқин стандартларни қабул қилиш, уларнинг сонини 10 мингтага ва халқаро стандартлар билан уйғунлашиш даражасини 40 фоизга етказиш зарур.

Андижон, Термиз ва Қўнғирот туманларида эркин савдо зоналарини ташкил этиб, улар орқали чегара олди савдосини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Харидоргир маҳсулотлар турларини аниқлаш, уларга бозор топиш ва сотиш билан хусусий “трейдинг” компаниялари шуғулланиши, бунинг учун эса, савдо фаолиятини тартибга соладиган қонун лойиҳалари пакетини ишлаб чиқиш лозим.

Маҳсулотларимизни ташқи ва ички бозорларга етказиш, уларнинг таннархини тушириш учун транспорт-логистика соҳасини ривожлантиришимиз зарур [1].

Аҳоли даромадларини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бизга янги-янги бозорлар керак.

Бунинг учун маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келиш, жаҳон ишлаб чиқариш занжирларига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим.

Бизнинг ташқи савдога чиқадиган юқларимизнинг 80 фоизи Қозоғистон, Қирғиз Республикаси ва Россиянинг транзит йўлаклари орқали ўтади.

Шунингдек, тайёр маҳсулотларимиз экспортининг 50 фоизи, айрим товарлар бўйича эса 80 фоизи Россия, Қозоғистон, Қирғизистон хиссасига тўғри келади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев йирик-йирик интеграцияларга қўшилиш ниятлари борлигини таъкидлаганлар, лекин сиёсийси бўладими, ҳарбий ёки иқтисодийми, бирор бир ташкилотга алоҳида эътибор қаратилмаган. Интеграциялашувнинг худди шу фонда диққат-эътиборни «четда ишлаб юрган Ўзбекистон фуқаролари» ва кўп миллиард долларлик маҳсулотлар экспортини тақдирига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Хозирги кунда Ўзбекистон Евроосиё иттифоқига «кузатувчи» бўлиб кириши кутилмоқда. Чунки ўзбекистонлик энг катта - миллионлаб сондаги меҳнат муҳожирлари айнан Россиянинг ҳисобига тўғри келиши баробарida, бугун айнан Россия Ўзбекистон маҳсулотлари учун энг йирик бозор ҳам бўлади.

Ўзбекистоннинг жорий пайтда бунга муқобил ташқи бозорга қанчалик имконли экани

омилига, ҳатто, Президент Шавкат Мирзиёев-нинг ҳам айрим чиқишиларида алоҳида тўхтабиб ўтганлар.

Россиялик таҳлилчиларга кўра эса, Ўзбекистон Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи учун муҳим давлат бўлади.

Чунки Ўзбекистон ва бу иттифоққа аъзо мамлакатлар ўртасидаги савдо айланмаси ҳатто Хитой билан бўлганини ортда қолдиради.

Шу билан бирга Ўзбекистон яна Афғонистон қолган барча Марказий Осиё давлатлари билан бевосита чегарадош мамлакат бўлади. Бундан ташқари, аҳолиси минтақада энг кўп сондаги қарийб 34 миллион давлат саналади.

Фикримизча ана шу омилларни инобатга олиб ҳамда Россия ва Қозоғистонга ишлаш учун борган фуқароларимизга қулай шарт-шароит яратиш зарур. Айниқса қишлоқ хўжалигига яратилган товар ва хизматларни экспорт ҳажмини ошириш, мигрантлар учун шарт-шароит яратиш ва бошқаларни ҳисобга олиш ва ягона божхона иттифоқини ташкил этиш лозим. Экспорт ҳажми ортишини, қишлоқ хўжалигига сифатли рақабатбардош маҳсулотлар етиширига ва жаҳон стандартларига мос маҳсулотларни ошишига ҳамда ЯИМ ни ўсишига олиб келишини кўришимиз мумкин. Юқоридагиларни ҳисобга олиб буғунги кунда Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш ўта муҳим ҳисобланади. 2016-2019 йилларда ЕОИИ давлатлари билан ҳамкорликнинг кучайиши йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, худудий кластерлар, саноат ва савдо зоналарини ташкил этишда минтақаларро ҳамкорликни ривожлантириш имкониятини янада кенгайтиради, туман ҳамда шаҳарларни индустрисиал ривожлантириш мақсадида ҳудудларга чет эл инвестицияларини жалб қилиш имкониятини оширади. Иттифоқ доирасида товарларнинг божхона идоралари фаолиятини тартибга солишнинг умумий ва мукаммал тизимини яратиш, капитал ҳаракати эркинлигини таъминлаш имкониятларини яхшилайди.

Шу билан бирга, Жаҳон савдо ташкилоти билан, Европа Иттифоқи билан Ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги янги битимни тузиш бўйича ишларни изчил давом эттириш лозим.

Ўзбекистон агросаноат мажмуасида ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларига экспорт қилиш имкониятлари ва уларнинг устун томонлари қуйидаги омиллар таъсирида шаклланади:

- Ўзбекистон табиий-икклим шароитларининг жаҳон бозорларида рақабатбардош бўлган пахта, мева-сабзавотлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириш учун кулагиллиги;

- мамлакатимизда етиширилладиган қишлоқ хўжалиги ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг ички истеъмолдан ортиқчалиги ва уларни жаҳон бозорларига экспорт қилиш имкониятлари мавжудлиги;

- мамлакатимизда иссиқ кунларнинг эрта баҳордан токи декабр ойигача давом этиши республикамиз товар ишлаб чиқарувчиларини озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларига йил давомида узлуксиз етказиб берадиган ишончли ҳамкорга айлантириш имкониятини бериши;

- МДҲ (айниқса Россиянинг) мамлакатлари бозорларида ўзбек мева-сабзавотларига талабнинг юқорилиги ва ушбу бозорлар сифимининг катталиги;

- мамлакатимизда мева-сабзавотларни етишириш, саноат усулида қайта ишлаш ва экспорт қилишга давлат томонидан яратиляётган инфратузилма мазкур тармоқ экспорт салоҳиятини оширишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва жаҳонни етакчи мамлакатлари қаторига кириб бориши мақсад қилиб олинган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан мақсад ўсиб бораётган ахолимиз эҳтиёжларини қониқтирадиган жаҳон андозаларига жавоб берадиган маҳсулотларни тайёр ҳаолатда қайта ишлаб чиқариш ва янги мева-сабзавот экинларининг экспортига мўлжалланган юқори технологиялар асосида қишлоқ хўжалигини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жумладан: - ерларни 40-60% давлат мулки эканлиги;

- юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотини экспортига йўналтириш;

- қишлоқ хўжалиги кластерларини яратиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш учун марказлар яратиш;

- қишлоқ хўжалиги комплексларини бошқаришни автоматлаштириш;

- халқаро сифат стандартларини қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади .

Сабзавот ва меваларда кўпроқ навлар орқали аҳолининг тўғри овқатланишини таъминлаш, шунингдек, аҳоли учун турли хил озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашни зарур.

Мева-сабзавотлар экспорти соҳасидаги имкониятларимиз ва устун тарафларимиз билан бирга камчиликларимиз ва хатарлар ҳам мавжуд:

- жаҳон бозорларида мева-сабзавот маҳсулотларига қўйиладиган сифат стандартлари, техник, санитария, гигиеник, фитосанитария, экологик ва бошқа талабларни ISO ва Global

GAP стандартлари доирасида мамлакатимизда жорий этиш етарли эмаслиги;

- экспорт коридорларида инфратузилма обьектлари, сервис ва транспорт-логистика тизимлари ривожланишининг талаб даражасида эмаслиги;

- мева-сабзавотчиликни механизациялаш даражасининг пастлиги, мева-сабзавотлар ҳосилдорлигини нисбатан паст даражада қолаётгандиги;

- мева-сабзавотларни узоқ сақлаш ва узоқ масофаларга ташиш имконияти юқори бўлган навлари, уруғликлар етишмаслиги;

- мева-сабзавотларни саралаш, калиброкалаш, чиройли қадоқлаш ва дизайнини яхшилаш бўйича ишларнинг қониқарсизлиги;

- маҳсулотларни бир хил температурада сақлаб берувчи маҳсус совуткичли омборлар сифимининг етарли эмаслиги;

- мева-сабзавотларни узоқ масофаларга рефрежираторлар ёрдамида ташиш тизими яхши йўлга қўйилмаганлиги;

- кўпчилик фермерлар ва деҳқонларни жаҳон бозорларидағи нарх-наво ва рақобат муҳити, экспортни амалга ошириш тартиблари тўғрисида керакли билим ва кўнкимлар ҳамда ишончли ахборотларга эга эмаслиги;

- республикада мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқаришга қўмаклашувчи консалтинг ва сервис хизматлари, инфратузилмалар етарли ривожланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Экспортчи корхоналар, фермер хўжаликлири ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларининг жаҳон бозорларидағи рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим:

- экспортни давлат томонидан қўллаб-куватлаш механизмларини янада ривожлантириш;

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда қўмаклашиш;

- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида маълумотлар билан танишитириш;

- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш ва янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш;

- иқтисодиётнинг барча жабҳаларида рақобатдош ва илм талаб инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган халқаро стандартларни жорий этиш;

- халқаро стандарт талабларига мос равиша сифат устидан назоратни жорий этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан савдо – иқтисодий ва молиявий ҳамкорликларни янада кучайтиришга эришилади.

Хулоса ўрнида юқоридагилардан келиб

чикиб айтиш жоизки, Ўзбекистонни Евроосиё иқтисодий иттилоғига аъзо бўлиши ҳамкорликнинг кучайиши йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ҳудудий кластерлар, саноат ва савдо зоналарини ташкил этишда минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш имкониятини янада кенгайтиради. Шу билан бирга аграр соҳани ривожлантиришга қара-

тилган фармон ва қарорлар, хукуматимиз томонидан соҳага берилаётган доимий эътибор ва иқтисодий имтиёзлар, фан ва техника ютуқлари ҳамда илғор энг сўнгги тәхнологияларни амалиётга жорий этиш, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотларни кўпайишига, ЯИМ ўсишига ва аҳоли даромадларини отишига олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлис қонунчилик палатаси ва сенатига мурожаатномаси 2020 йил 24 январ.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”
3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари 2018 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. 2019 йил 18 май. <https://kun.uz>.
5. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан тайёрланган ҳисобот – Ёвропа ва Марказий Осиёда озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш соҳасидаги ишларнинг аҳволи, ишчи гурухининг таҳлили 2018 йил.